



**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ:
ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУТАНОСИБЛИГИ**



ТОШКЕНТ - 2007/2008

МУАЛЛИФЛАР ГУРУҶИ

Гуруҳ раҳбари

Саидова Галина

Юлдуз Абдуганиева

Бахтиёр Дониёров

Анвар Жалалов

Кахрамон Жўрабоев

Умида Исломова

Насирулла Мирқурбонов

Татьяна Моторнюк

Забихулла Насриддинхўжаев

Қодиржон Рузиев

Эдем Сейитхалилов

Лайло Тошпўлатова

Антонина Федорова

Георгий Хачиев

Халқаро маслаҳатчи

Шейла Марни

Статистикага оид маълумотлар

Рейганат Махмудова

Координатор

Камола Сафаева

Компьютерда саҳифаловчи

Кахрамон Абиджанов

Муқовадаги безак муаллифи

Бобур Исмоилов

Анвар Ўзбеков

МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҶОРИ

Инсон тараққиётига оид ушбу миллий маъруза кўплаб ташкилотлар ва мутахассислар кўмаги ҳамда қимматли маслаҳатлари асосида тайёрланди.

БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий вакили жаноб Фикрет Акчурага маърузани тайёрлашда кўрсатган ёрдами учун алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

Маърузани тайёрлашда БМТ тизимида фаолият кўрсатаётган кўплаб агентликлар фойдали фикр ва тавсиялари билан алоҳида ёрдам кўрсатишди.

Муаллифлар жамоаси таълим соҳасини молиялаштириш бобини ёзишда кўрсатган кўмаги учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Осиё Тараққиёт Банки ва БМТнинг Ривожланиш Дастури лойиҳаси «Риволаниш учун кўмакни мувофиқлаштириш платформаси»га миннатдорчилик билдиради.

Бундан ташқари, муаллифлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси шахсан Рейганат Махмудовага қимматли тақриз ва текшируви, шунингдек статистик илова ва маълумотларни тайёрлашда кўрсатган ёрдами учун ташаккур изҳор этади.

Маърузанинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда ва уни муҳокама қилишда қимматли кўмакни БМТнинг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази, Халқ Таълими Вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим маркази мутухассислари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатлари орқали кўрсатишди.

Шунингдек, ушбу маърузани тайёрлаш давомида қуйидаги ташкилотлар Сиёсий Тадқиқотлар Маркази, Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети, Тошкент Юридик Институти ва Темпус лойиҳасининг ёзма равишда кўрсатган фикр ва мулоҳазалари алоҳида ўрин тутди.

Муаллифлар жамоаси ва лойиҳа координатори йиллар давомида Инсон Тараққиёти Миллий Маърузаларини тайёрлашда беминнат хизматларини кўрсатган ва ушбу маърузага ҳам ўз ҳиссасини қўшган, 2007 йилнинг апрел ойларида бевақт вафот этган З. Ш. Насретдинходжаев ёдига ўз ҳурмат эҳтиромини билдиради.

КИРИШ СЎЗИ

БМТ Ривожланиш дастури (БМТРД) Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини ташкил этгандан буён миллий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича эришилаётган натижаларни ҳар томонлама баҳолаш ва келгусида янада юксалтириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ҳар йили қатор ҳужжатларни чоп этиб келмоқда. Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маърузалар ушбу нашрлар орасида алоҳида аҳамиятга эгадир. Мен Ўзбекистонда инсон ривожланишнинг муҳим таянчи ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг асосий қўлланладиган соҳаси ҳисобланган таълим масалаларига бағишланган Инсон ривожланиши тўғрисидаги навбатдаги миллий маърузани тақдим этаётганимдан мамнунман.

Ўзбекистон Республикаси мамлакатда эришилган саводхонлик даражаси билан том маънода фахрланса арзийди. Ҳолбуки, саноати ривожланган барча мамлакатларда ҳам бундай юксак кўрсаткичларга эришилаётгани йўқ. Шундай экан, Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги бундан кейинги вазифалари янада юксаклигича қолади — таълим сифатини ошириш, таълимдан умумий фойдаланиш имкониятларини сақлаш ва аҳолини умри давомида ўқитиш ишлари яна ҳам юқори даражада амалга оширилмоғи даркор. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга бу борада дунёда етакчи ўринни эгаллаш имконини беради. 2007 йилда ишлаб чиқилган Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясида яқин келажакда миллий ривожланишни таъминлаш тизимидаги таълим соҳасига доир эҳтиёжлар ўз ифодасини топган. Ушбу маърузада мазкур вазифага батафсил тўхталиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистонда ривожланишни амалга ошириш борасидаги ишларда қатнашаётган миллий ҳамда халқаро ҳамкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ахборот, статистика маълумотлари, таҳлил ва тавсиялар келтирилган.


Ҳисоботда келтирилган таълимнинг серқирра жиҳатлари орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлганларини қайд этиб ўтмоқчиман, яъни:

- Таълим олиш инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, инсоннинг барча ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш, шунингдек, барча халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беришга қаратилгандир.
- Миллатнинг ижтимоий жипслашуви ва уйғунлашувига хизмат қиладиган таълим-тарбия оиладан бошланиши лозим. Оила ҳар бир бола учун биринчи мактаб, асосий таълим-тарбия ўчоғи ҳисобланади. Болаларнинг оилада таълим-тарбия олиши уларнинг келажакда ривожланиши учун ниҳоятда муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таълимга қўмаклашишни нафақат тўғри ва асосий бирдан-бир мақсад, балки одамлар онги-шуурида тинчлик-

севарлик асосларини яратиш воситаси, деб ҳисоблайди. Уйимиз ва оиламизда аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварликни ўргатмасак ва ўрганмасак, жамиятда ушбу қадриятларни амалга ошира олмаймиз.

- Узлуксиз таълим катта ёшли аҳоли билим даражасини мустаҳкамлашнинг асосий шarti саналади. Бу ёшдаги одамлар ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда ўз халқи иқтисодий фаровонлигининг янада юксалишига салмоқли ҳисса қўшишга қодир. Бу эса барча муҳим ижтимоий мақсадларга эришишга кўмаклашишда ҳаётий зарур восита ҳисобланади. Айни пайтда мавжуд жами техник воситалар муайян даражада барча ёшдаги одамларнинг таълим марказларидан олисда яшашидан қатъи назар улар учун таълим олиш имкониятини яратади.
- Таълимнинг ҳаётда тутган ўрни фуқаролар, фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг таълим соҳасидаги ташаббусларни режалаштириш ва амалга оширишда давлат сектори ролини ошириш ҳамда кучайтиришда фаол иштирок этишини тақозо этади.

Ушбу масалалар мазкур маъруза саҳифаларида ўз ифодасини топган ва кенг муҳокама этилган. Инсон ривожланиши тўғрисидаги ушбу маъруза Ўзбекистонда таълим соҳасида режалаштирилган ва бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самараларни баҳолашда қўл келади, шунингдек, 2008–2010 йилларда аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини амалга ошириш борасида эришилган натижаларга ўзига хос қўшимча бўлади, деб умид қиламан. БМТ Ривожланиш дастури бундан буён ҳам Ўзбекистон халқига мамлакатда барқарор ривожланишни таъминлаш ва турмуш даражасини такомиллаштириш ҳамда янада юксалтиришда ёрдам бериш борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришни давом эттираверади.



Фикрет Акчура
Постоянный Представитель ПРООН

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР РҲЙХАТИ

ГТКЖ	Германиянинг техник кўмаклашиш жамиятининг
ЯХХБ	Японния халқаро хамкорлик банки
АИЧБ	Акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси
АТ	Ахборот технологиялари
БМТ	Бирлашган миллатлар ташкилоти
БМТРД	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури
ДТС	Давлат таълим стандартлари
ЁТТ	Ёш томошабинлар театри
ИРИ	Инсон ривожланиши индекси
ИСРИ	Инсон салоҳиятини ривожлантриш индекси
ИТТКИ	Илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари
ИХРТ	Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти
КБ ва ТКБ	Конструкторлик ва тажриба-конструкторлик бюроси
ҚК	Қўшма корхона
КХТБЮ	Касб-хунар таълими билим юртлари
МДУ	Москва Давлат Университети
МДХ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
МРМ	Мингйиллик Ривожланиш Мақсадлари
МТЖ	Мактаб таълими жамғармаси
МТМ	Мактабгача таълим муассасалари
НҚИЗ	Нефть қайта ишлаш заводи
НТМК	Наманган тоғ металлургия комбинати
ОИВ	Одам иммунитети танқислиги вируси
ОИТС	Орттирилган инсон иммунитети танқислиги синдроми
ОТБ	Осиё тараққиёт банки
ОЎМТВ	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ОЎЮ	Олий ўқув юртлари
СССР	Совет социалистик республикалари иттифоқи
ТАСИС	МДХ давлатларига техник ёрдам дастури
ТБУ	Таълим барча учун
ЎМКХТ	Ўрта махсус, касб-хунар таълими
ХҚТ	Харид қилиш тенглиги (паритет)
ХТВ	Халқ таълими вазирлиги
ХТСТ	Халқаро таълимнинг стандарт таснифи
ЮНЕСКО	Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ
ЮНИСЕФ	БМТ болалар жамғармаси
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот

МУНДАРИЖА

Мухтасар баён	9
1-боб. Таълим инсон ривожланиши асоси сифатида	20
1.1. Инсон ривожланишига кириш	20
1.2. Таълимнинг инсон ривожланишига таъсири	24
1.2.1. Таълим даражасини ўзгартиришда глобал тенденциялар	24
1.2.2. Ўзбекистондаги аҳвол	26
1.2.3. Таълим ва жамият тараққиёти	27
1.2.4. Таълим ва қашшоқлик	29
1.2.5. Таълим ва бандлик	31
1.2.6. Таълим ва ижтимоий тенгсизлик	32
1.2.7. Таълим ва гендер тенглик	34
1.2.8. Таълим ва демократик жамиятни ривожлантириш	35
1.3. Таълимнинг замонавий жамиятдаги ўрни ва аҳамияти	38
1.3.1. Таълимнинг иқтисодий ривожланишга таъсири	38
1.3.2. Таълимнинг аҳолини миллий ва глобал фуқаролик руҳида тарбиялашга таъсири	42
1.3.3. Таълимнинг ақлий ва маънавий ривожланишга таъсири	45
1.4. Таълим моделлари. Ўтиш давридаги таълим	47
1.4.1. Таълим моделлари	47
1.4.2. Ўтиш давридаги таълим	53
1.5. Таълим бўйича халқаро конвенция ва декларациялар	57
2-боб. Ўзбекистонда инсон ривожланиши	65
2.1. Ўзбекистон инсон ривожланиши индекси	65
2.2. Ўзбекистон инсон ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар	68
2.3. Истиқболда иқтисодийнинг юқори суръатда ўсишини таъминлаш воситалари	77
3-боб. Ўзбекистонда таълим тизимининг шарҳи	82
3.1. Миллий таълим сиёсатининг ҳуқуқий асослари	82
3.1.1. Ўзбекистонда таълимнинг ислохотларгача бўлган тизими	82
3.1.2. Ўзбекистонда таълимни ислох қилиш босқичлари ва миллий таълим сиёсатининг ҳуқуқий асослари	83
3.1.3. Таълим тизимини бошқариш	90

3.2.	Ўзбекистондаги таълим тизимининг асосий турларига оид шарҳ.....	92
3.2.1.	Мактабгача таълим.....	92
3.2.2.	Умумий ўрта таълим.....	97
3.2.3.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими.....	107
3.2.4.	Етим ва имконияти чекланган болалар таълими.....	118
3.2.5.	Олий таълим.....	121
3.2.6.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим.....	132
3.3.	Таълимни молиялаш.....	134
3.3.1.	Жаҳон тажрибаси.....	134
3.3.2.	Ўзбекистонда таълимни молиялаш.....	143
3.3.3.	Таълим секторига кўрсатилган ташқи ёрдамнинг шарҳи.....	151
4-боб.	Таълим тизими порлоқ келажак учун.....	156
4.1.	Таълимга нисбатан бўлғуси талабларни аниқлаш.....	156
4.1.1.	Таълимга иқтисодиёт томонидан қўйиладиган талаблар.....	157
4.1.2.	Жамият ва фуқаролар томонидан қўйиладиган талаблар.....	160
4.2.	Таълимга нисбатан бўлғуси талабларни қўллаб-қувватлаш.....	164
4.2.1.	Бошқарувнинг мувозанатлашган тузилмаси.....	164
4.2.2.	Келажак учун тузилган ўқув дастури.....	165
4.2.3.	Молиялаш — ижтимоий ва хусусий таълимни оқилона бирлаш.. тиришдир.....	165
Иловалар		
1.	Ўзбекистонда таълим тизими фаолиятини таъминлайдиган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	168
2.	Таълим соҳасини қувватловчи донорлар рўйхати.....	171
3.	Статистик жадваллар.....	174

МУХТАСАР БАЁН

Халқаро ҳамжамият таълимнинг жамият тараққиёти ва инсон ривожланишидаги катта ўрнини эътиборга олиб, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этди ҳамда бу борада камситишларга йўл қўймаслик тамойилларини тасдиқлади¹. Таълим соҳасида ҳар қандай камситиш инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Ривожланиш соҳасидаги мақсадлардан бири Ер юзида ҳар бир ўғил-қизни умумий бошланғич таълим билан тўлиқ таъминланишига эришишдан иборатдир. Бу мақсадлар қамрови бўйича ягона умумий вазифа ҳисобланади. Унда ҳуқуматлар, халқаро муассасалар ва донорларга барча болалар, биринчи навбатда айни пайтда таълим соҳасидан четда қолган болаларнинг ўқиши учун шарт-шароит яратишга даъват қилинган.

Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади, жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам у асосий ўрин эгаллайди. Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишга мислсиз таъсир кўрсатади.

Таълимга нисбатан инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ва унга ўзининг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини англаб етишида муҳим восита сифатида қараш асрлар давомида, яъни антик даврдан то замонавий кўп қутбли дунёгача бўлган давр мобайнида ўзгариб борди. Бироқ таълимнинг бу борада тутган ўрни кўпинча маънавий-интеллектуал нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

XX аср ўрталарида таълим қатъий ва ёпиқ тизим сифатида муайян мамлакат давлат тузумининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган. XX аср охирида инсоният турмуш шароитининг сифат жиҳатдан тараққиёт ва алоҳида шахс даражасида ўзгариши туфайли дунё мамлакатлари таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Сўнгги йилларда таълимнинг жадал суръатларда ривожланиши уни инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айлантирди.

Ўзбекистонда инсон ривожланиши тўғрисидаги ушбу йиллик маъруза инсон турмуши ва ривожланиши мазмун-моҳиятини ташкил этадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлмиш таълимга оид масалаларга бағишланган. Тўрт бобдан иборат ушбу маърузада Ўзбекистонда инсон ривожланишининг умумий йўна-

1 Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. «Адолат» нашрети, Тошкент, 2002 йил, 53-бет.

лишлари, ўқимишлилик инсон ривожланишининг бошқа кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Маъруза муаллифлари Ўзбекистондаги таълимга доир аҳволни бошқа давлатлардаги вазият билан солиштирган ҳолда ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, таълим ва инсон ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик батафсил таҳлил қилиниб, иқтисодийнинг ҳозирги аҳволи ва ҳукуматнинг ижтимоий сиёсатига ҳам эътибор берилган. Муаллифлар маърузанинг бир бобини тўлалигича айнан таълим тизимида бағишлаган. Ушбу бобда таълим тизимида эришилган муваффақиятлар, шунингдек, ушбу тизимни янада такомиллаштириш йўлидаги мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилган. Маърузанинг мантиқий яқунловчи бобида таълим тизимини янада ривожлантиришнинг асосий устувор вазибалари белгиланиб, юқори даражадаги инсон ривожланиши йўлида уни янада самарали ривожлантириш борасида тавсиялар берилган.

1-БОБ. ТАЪЛИМ ИНСОН РИВОЖЛАНИШИНING АСОСИ СИФАТИДА

Инсон ривожланишининг асосий мақсади одамларнинг фаровонлигини таъминлаш, соғлом ва бунёдкорлик ҳаётидан етарлича баҳра олиш имкониятини берадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда экологик муҳитни яратишдан иборат.

Инсон ривожланиши концепциясида таълим асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Инсоният цивилизацияси давомида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим двигателлари ҳисобланган.

Статистик маълумотлар камбағаллик муайян даражада таълим даражасига ҳам боғлиқ эканини тасдиқлайди. Бу, бир томондан, кам ривожланган мамлакатларнинг ўз таълим соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаши учун молиявий ресурсларининг чекланганлиги билан изоҳланади. Иккинчи томондан, мамлакатнинг юқори даражали иш унумдорлигини ва пировардида иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасини таъминлаш имконияти ҳам айнан таълим даражасига боғлиқдир.

Глобаллашув шароитида мамлакатнинг инновациявий ривожланиш салоҳияти рақобатбардошликнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланган бир пайтда, аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатга ўзини «энг сара» жамиятга дахлдор деб ҳисоблаш имконини берадиган обрўга эмас, балки яшовчанлик ва иқтисодий таъминот, пировардида сиёсий мустақиллик омилига айланади.

Аҳолиси анча саводли мамлакат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш борасида нисбатан кенгроқ имкониятларга эга бўлади. Бундай мамлакатларда одатда ишсизлик ва ишга лаёқатли аҳолининг иш излаб бошқа давлатларга бориш даражаси паст.

Ўқимишли одамнинг маълумотсиз одамга қараганда иш топиши осонроқ. Барча мамлакатларда ишсизлик даражаси ҳар доим маълумоти паст ёки йўқ аҳоли орасида юқоридир.

Таълим аҳолининг саломатлик даражаси ва унинг кутилаётган умр кўриш давомийлиги, яъни инсон ривожланишининг яна бир муҳим кўрсаткичи билан бевосита боғлиқдир. Ўқимишли аҳоли ўз соғлигини асраб-авайлайди, профилактика чораларини яхши қўллайди, асосан соғлом турмуш тарзига риоя қилиб ҳаёт кечиради, касалликни ўз вақтида аниқлайди, ўзига биринчи ёрдам кўрсатади, малакали тиббий ёрдамга мурожаат қила олади.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг узоқ муддатли трендлари ва уларда таълим даражасини ошириш таҳлили мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги узвий боғлиқлик борлигидан далолат беради. Узоқ муддатли даврий трендда таълим даражаси паст бой мамлакат йўқ. Шу билан бирга, қисқа муддатли ва ўрта муддатли трендлар бошқа ҳолатни кўрсатиши мумкин. Ўтган асрларда мустамлакаларни босиб олиш ва талончилик урушлари туфайли мамлакат вақтинчалик бой бўлиши мумкин эди.

Ҳозир айрим ҳолларда мамлакат нақд пулга айланадиган табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг нархининг ошиши туфайли бойиб бормоқда. Бироқ замонавий глобаллашув ва ўсиб бораётган халқаро рақобат шароитида хомашёни сотишдан орттириладиган бойлик, агар у аҳолининг ошиб борадиган билим даражаси ҳамда эгаллаган билимини иқтисодиётга самарали йўналтириш орқали қўллаб-қувватланмаса, узоққа чўзилмайди.

Инсон ривожланишининг асосий параметрлари — таълим кўрсаткичлари ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот улушини ифода этувчи кўрсаткичлар ҳажми таққосланса, юқорида айтилган гаплар ўз тасдиғини топади. Айрим мамлакатлар даражасида таълим кўрсаткичининг аҳамияти ялпи ички маҳсулот юқори кўрсаткичига ҳар доим ҳам мос келмаса, мамлакатлар аҳоли жон бошига даромад миқдори бўйича жамланса, бундай мувофиқлик ўз-ўзидан ойдинлашади. Таълим даражаси кўрсаткичининг ошишига қараб ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳам ўсади.

Таълимнинг инсоннинг маънавий ва ақлий эҳтиёжларини қондириш, қобилиятини шакллантиришга таъсирини аниқлашда унинг муҳим жиҳатларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда давлат, жамият ва шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мезони қабул қилинган.

Шахс даражасида — бу шахснинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиш, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириш имкониятидир. Айни пайтда бу инсонга ишда ўзини намоён этиш имконини берадиган умумий ва касбий билимни эгаллашдир. Ўқимишли кишининг маънавий олами нисбатан бой, ҳаёти фақат моддий фаровонлик билан чекланиб қолмайди. Таълим инсонга ўзининг маънавий эҳтиёжларини амалга ошириш, ҳаётини тўлақонли ва мукамал қилиш имконини беради.

Давлат даражасида — давлат мамлакат ақлий салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши даркор. «Иқтисод фанлари»ни кенг жорий этишда зарур билимга эга бўлиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини тўплашнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, халқнинг озод, демократик, ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаати йўлида фойдаланиш қобилиятини узвий ҳамда осон шакллантиради.

Жамият даражасида таълим инсон жамиятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида глобал маънавий қадриятлар, ўзига хос ижтимоий менталитет ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Фақат ўқимишли ва маънан бой одамларгина муаммоларни урушлар ёрдамида ҳал қилишни мутлақо рад этишга қодир жамиятни шакллантириши мумкин. Ҳақиқатдан маълумотли ва тарбияланган кишилар қандай шароитда бўлмасин, зўравонлик, террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши ва адоватни маъқулламайди. Фақат маънан бой одамларгина глобал экологик муам-

моларни шахсий муаммолари, миллий давлатлар ва ҳукуматлар муаммоларидан устун қўйиши мумкин.

Жамиятни ақлан ривожлантириш — бу ижтимоий тараққиёт асосидир. Бусиз илмий-техник тараққиётга эришишнинг имкони йўқ, инсоннинг глобал манфаати-жамиятнинг барқарор ҳаётини таъминлайдиган кашфиётларни амалга ошириб бўлмайди.

90-йиллар бошида собиқ совет социалистик республикаларида юзага келган таълим модели биринчи босқичда кўпроқ совет модели натижаларини сақлаб турди. Аҳоли барча қатламининг бошланғич ва ўрта таълимдан бепул фойдаланишини таъминлаш, таълимнинг барча даражасида таълим дастурларининг асослилиги ва техник йўналтирилганлиги ушбу моделнинг ижобий хусусиятлари ҳисобланади.

Шунинг баробарида, 80-йиллар охирида СССР ва социалистик лагернинг парчаланиб кетишига сабаб бўлган иқтисодий инқирознинг ҳалокатли таъсири собиқ иттифоқ давлатлари ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатди. Социалистик давлатларда рўй берган таълим тизими устидан қатъий давлат назорати ушбу тизимни мазкур мамлакатларни қамраб олган иқтисодий-сиёсий таназзул олдида ҳимоясиз қилиб қўйди.

90-йиллар бошида янги мустақил давлатлар таълим тизими учун молиявий муаммолар, таълимнинг мазмун-моҳияти ва сифати, ундан ҳамманинг фойдаланиши, талаб этилиши, моддий-техника базасига доир муаммолар муайян даражада умумий бўлган эди.

Ўша пайтда ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлар ҳукуматлари олдида турган асосий талаб ва вазифалар қуйидагилар эди:

1. Кучли таълим тизимини издан чиқарган, биринчи навбатда ўқитувчи кадрларнинг кетиб қолиши ва аввалги тизимнинг кучли жиҳатларининг йўқолишига сабаб бўлган омилларни аниқ белгилаш ва бартараф этиш;
2. Янги таълим тизимининг давр талабларига жавоб берадиган ва тушунарли мақсадли вазифаларини белгилаш. Уни янги мақсад ва вазифаларга мувофиқ ташкилий ва услубий қайта тузиш;
3. Таълимнинг барча босқичларини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва глобал талабларга мувофиқ самарали ислоҳ қилишни таъминлайдиган янги бошқарув тизимини ташкил этиш;
4. Таълим тизимини унинг юқори самарадорлигини сақлаш учун етарлича маблағ ажратиш имконини берадиган янги молиялаш принципларига ўтказиш;
5. Жамият ва иқтисодиётда ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида тайёрланадиган юқори малакали кадрларга бўлган талабни рағбатлантириш, жамиятда ўқитувчи касбининг обрўсини ошириш;
6. Таълимга бўлган ёндашувларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш принципларидан воз кечиш, таълим тизимининг ижтимоий йўналишини кучайтириш, бунда таълимнинг мерос қилиб олинган мустаҳкамлиги ҳамда кучли техник йўналишини йўқотмаслик;
7. Таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу муаммоларни чуқур англаган ҳолда, 1996 йили собиқ иттифоқ миқёсида биринчи бўлиб таълимнинг барча тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишни назарда тутувчи Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистонга доир ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, инсон салоҳияти индекси миқдорига таълим кўрсаткичи (40,45%) ва умрнинг кутилаётган давомийлигининг таъсири эса нисбатан кўпроқ (34,92%). БМТнинг 2004 йилга доир маълумотларига кўра, республикада таълим тизими дунё миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, 177 мамлакат орасида 80-ўринни, умрнинг кутилаётган давомийлиги бўйича эса 112-ўринда туради. Бироқ Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи унчалик юқори эмас (177 мамлакат орасида 141-ўрин). Келажакда айнан ушбу кўрсаткичнинг ўсиши Ўзбекистонда инсон ривожланиши даражасини оширишда асосий имконият сифатида хизмат қилади.

Иқтисодий ўсиш суръатлари 2003 йилдан бошлаб жадаллашди, бироқ бу кўрсаткич барча ҳудудларда бир хил эмас. Иш билан тўлиқ банд бўлмалик ва меҳнатга яраша даромад олиш имкониятининг йўқлиги собиқ совет давридаги корхоналар ёпилган ёки тўла қувват билан ишламаётган қишлоқ туманлари ҳамда кичик шаҳарчалардаги жиддий муаммолардан ҳисобланади. Катта норасмий сектор ишчилар манфаатлари ҳимоясини тўлиқ таъминламапти ва иш ҳақининг пастлиги, иш билан бандликнинг беқарорлиги, шунингдек, солиқ тўловларининг бюджетга келиб тушмаслигининг сабабларидандир. Иш билан бандлик хусусияти ва сифати ҳам муаммолигича қолмоқда. Айнан шу сабабли ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли истиқболдаги вазифаси сермаҳсул меҳнат билан таъминлайдиган ва расмий секторни кенгайтириш учун замин яратадиган иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш сони тобора кўпайиб бораётган аҳолининг таълим олиши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий инфратузилмага инвестиция сарфлаш кўринишида ижтимоий-давлат харажатларига йўналтириладиган даромадларни ошириш учун ҳам зарурдир. Кам таъминланиш кўламини янада пасайтириш, айниқса, аҳолининг иқтисодий ночор қатламларининг унумли иш билан бандлигини таъминлайдиган ва секторлар, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги номутаносибликка барҳам берадиган юқори иқтисодий ўсиш суръатига боғлиқдир.

Шу билан бирга, меҳнат бозорида малакали ходимларга бўлган талаб ва малакасиз ҳамда ортиқча ишчи кучи ўртасида номутаносиблик юзага келгани ҳам сир эмас. Масалан, саноат корхоналарида муҳандислар етишмайди, кичик корхоналар маълумотли ва тажрибали бошқарув ходимларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига эҳтиёж сезмоқда (ФОС, 2-бобга қаранг). Янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти олий таълим тизими сингари ушбу соҳалар учун номлари юқорида қайд этилган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Бироқ бу борада ходимлар малакасини мунтазам ошириш, меҳнат фаолияти давомида уларнинг кўникма ва билимини яхшилаш сиёсатини янада изчилроқ давом эттириш зарурлигини ҳам таъкидлаш керак.

Мамлакат Президентининг кўплаб дастурий маърузаларида келтирилган Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегиясида (ФОС) тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш (миносол учун, солиқ юкини камайтириш, солиқ солишни мақбуллаштириш, мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш мақсадида институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш), қишлоқ хўжалигига давлат инвестицияларини сарфлашни ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўпайтириш, банк секторини янада ислоҳ

қилиш орқали кредит линияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда микроолиялашни ривожлантириш эвазига иқтисодий ўсишни таъминлаш кўзда тутилган. Мазкур стратегияда, шунингдек, мамлакатда давлат харажатларини соғлиқни сақлаш ва таълим учун тақсимлаш орқали инсон капиталини янада ривожлантириш, ушбу секторларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, серфарзанд оилалар, қариялар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш кўзда тутилган.

«Иқтисод фанлари»ни шакллантириш учун инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларни кўпайтириш лозим. Ўзбекистон аҳолисининг ўқимишлилиги бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатларидан қолишмайди. Бироқ аҳолининг билим савияси ҳар доим ҳам мамлакатда билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш учун давр талабига жавоб бермайди. Инновацияларни қўллаб-қувватлаш «билимга асосланган иқтисодиёт»ни ривожлантиришни мустақамлайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси катта ва кичик бизнесга новаторлик ғояларини жалб қилишда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватладиган дастурлар самара беришини яққол исботлаган. Билимга асосланган новаторлик ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган турли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган институтларни ташкил этиш ҳукуматнинг ушбу соҳадаги сиёсатини рўёбга чиқаришга ёрдам бериши лозим.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ШАРҲИ

Ўзбекистон таълимининг ислохотларгача бўлган тизимининг кучли ва заиф томонлари бор эди. Бир томондан, у қатор муҳим муваффақиятларда ўз ифодасини топган:

- мамлакатда таълимнинг барча босқичлари мавжуд эди: мактабгача, умумий ўрта таълим, бошланғич касб-ҳунар, ўрта махсус, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги икки босқичли таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими, ўрта таълим умумий ва мажбурий эди, умуман барча даражадаги таълим бепул эди;
- таълимнинг барча турлари жинси, миллати, этниқодидан қатъи назар республиканинг барча фуқаролари учун очиқ эди;
- мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг саводхонлик даражаси юқори эди.

Иккинчи томондан, таълим тизимининг ҳуқуқий базасида марказлаштирилган иқтисодиёт учун хос бўлган камчиликлар бор эди:

- қатъий марказлаштирилган дастурлар, дарсликлар, ўқитиш услуб ва услубиятлари. Таълим муассасалари ва ўқитувчилар Таълим вазирлиги даражасида тасдиқланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлардан бошқа дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёки дастурлар бўйича ўқита олмасди;
- таълим жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга қаратилар эди, айниқса, қобилиятли болалар ва истеъдодли ёшлар учун мўлжалланган индивидуал таълим дастурлари бўйича ўқитиш механизмларидан етарлича фойдаланилмасди;
- бутун таълим жараёни шу тариқа ташкил этилган эдики, бунда мактаб ўқувчилари ва талабалар таълимнинг пасив субъектларига айланган эди. Ўқитишнинг фаол шакллари ва мустақил иш турларидан деярли фойдаланилмасди;

- таълимнинг демократиядан узоқлиги, «ҳаддан зиёд мафкуралашгани» туфайли ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмас, мактаб ўқувчилари ва талабаларга давлат томонидан белгиланган мафкуравий ақидалар мажбуран сингдириллар эди. Муқобил ёндашув ва мафкура ҳақидаги билимга рухсат этилмасди;
- умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида изчиллик йўқлиги туфайли ўрта умумтаълим мактабларни битирувчиларда зарур касбий йўналиш ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмасди. Ўсмирлар ва қизлар ўз қобилияти, истаги, ижодий ва меҳнатга мойиллигига мос келадиган касбни танлашда жиддий қийинчиликларга дуч келарди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда мустақилликка эришгач, миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш учун кенг шароит яратилди. Мамлакатнинг ўз ривожланиш йўлини танлаши мазкур тизимни тубдан қайта ташкил этишни тақоза қилди. Ўз навбатида, ислохотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислох қилиш жараёнларини 4 асосий босқичга ажратиш мумкин:

- **1-босқич — 1991–1997 йиллар** — тайёргарлик босқичи — бу даврда таълим тизимининг асосий муаммолари ва зиддиятлари, жамиятда иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларга мос келмаслиги ўрганилди ҳамда аниқланди;
- **2-босқич — 1997–2001 йиллар** — кадрлар тайёрлаш бўйича янги миллий сиёсатни шакллантиришнинг **дастлабки босқичи**;
- **3-босқич — 2001–2005 йиллар** — узлуксиз таълим тизимини кенг қўламли ислох қилишнинг **фаол босқичи**;
- **4-босқич — 2005 йилдан сўнг — узлуксиз ва изчил таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш даври.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатнинг барча фуқаролари таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат умумий бепул таълим олишни кафолатлайди. Мактаб иши давлат назорати остида.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими қуйидаги таълим хизмат турлари ва уларни кўрсатадиган муассасаларни ўз ичига олди:

- мактабгача таълим (3 ёшдан 6–7 ёшгача) — болалар боғчалари, ҳам давлат, ҳам хусусий муассасалар сифатида;
- умумий ўрта таълим (6–7 ёшдан 14–16 ёшгача) — аксарият ҳолларда бу бепул хизмат кўрсатадиган давлат умумтаълим мактаблари, шунингдек, унчалик кўп бўлмаган пулли хусусий мактаблар;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (14–16 ёшдан 16–18 ёшгача) — бепул хизмат кўрсатадиган давлат касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари;
- олий таълим (ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тамомлагач) — университетлар, академиялар ва институтлар;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим — университетлар, институтлар, ўқув академиялари (Банк-молия, солиқ, божхона, Давлат ва жамият қурилиши академияси), олий ўқув юртлари ва академиялар ҳузуридаги бизнес-мактаблар;
- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш (меҳнат фаолияти давомида) — университетлар, институтлар, соҳаларнинг ихтисослашган малака ошириш институтлари, бизнес-мактаблар;
- мактабдан ташқари таълим (мактабда ўқиш давомида) — мустақил ва мактаб қошидаги тўғараклар;

- уй таълими ва мустақил ўқиш.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланади. У соғлом, ривожланган баркамол болани шакллантиради, унда билим олишга интилишни рағбатлантиради, тизимли ўқишга тайёрлайди. Олти-етти ёшдаги болаларни мактабгача тайёрлаш давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилада амалга оширилади.

Мактабгача таълимнинг мақсади — болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш, соғлом, ривожланган ва озод шахсни шакллантириш, унинг истеъдодини очиш, ўқишга, тизимли таълимга интилишни тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистонда бошланғич (1–4-синф) ва ўрта (5–9-синф) таълимдан иборат 9 йиллик мажбурий бепул умумий ўрта таълим жорий этилган. Умумий мактабларнинг 10–11 синфларидаги таълим босқичма-босқич ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларидаги таълим билан алмаштирилмоқда. У 2007/2008 ўқув йилида кескин камайтирилиб, 2009 йилдан кейин тўлиқ ушбу тизимга ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқувчиларда давлат таълим стандартларига мувофиқ билим, қобилият ва умумий маданиятни шакллантириш;
- ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштириш, уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш;
- баркамол ривожланган шахс, ўз ватанининг фуқаросини шакллантириш;
- ёшларда мустақиллик ва демократия тамойилларига содиқлик ҳиссини тарбиялаш.

Ўқитиш сифати ва унинг малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминланиши мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимига умумий тавсиф. Уч йиллик мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади. Бу таълим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими 2009 йилдан бошлаб мажбурий хусусиятга эга бўлсада, ўрта умумтаълим мактаблар битирувчилари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эгадир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади фақат жадал интеллектуал ривожлантириш, умумтаълим фанларини чуқур ўргатишдан иборат эмас. Энг асосийси — битирувчига муайян касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлар бўйича билим бериш орқали уни меҳнат бозорида ишлашга тайёрлаш ҳисобланади.

Икки турдаги таълим муассасаси — академик лицей ва касб-хунар колледжидан иборат ўрта махсус, касб-хунар таълими кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади.

Олий таълим тизимига умумий тавсиф

Олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, ундан 12 йиллик мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битиргач (2009 йилгача ўрта мактаб битирувчилари ҳам) фойдаланиш мумкин. Мамлакатда олий таълим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Олий таълимнинг мақсади малакали, рақобатбардош, олий маълумотли мутахассисга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган, танлаган соҳаси мутахассислиги бўйича ишлай оладиган, республикани илмий-техникавий, иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ривожлантиришга қодир, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга кадрларни тайёрлашни таъминлашдан иборатдир.

Олий таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олган:

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ мулкчилик шакли ва идоравий ман-сублигидан қатъи назар, таълим ва касб-ҳунар дастурларини амалга оширадиган олий таълим муассасалари;
- Олий таълимни ривожлантириш учун зарур тадқиқот ишларини бажарадиган илмий-педагогика муассасалари;
- Таълимни бошқариш давлат органлари, шунингдек, уларга қарашли бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Олий таълим соҳасида эълон қилинган давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланган:

- ўқитиш ва тарбиялашнинг инсонпарвар ва демократик хусусияти;
- университет таълимнинг устуворлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ҳамда изчиллиги;
- таълим тизимининг дунёвий хусусияти;
- таълимдан давлат таълим стандартлари доирасида умумий фойдаланиш;
- ўқитиш дастурини танлашга ёндашувнинг бир хиллиги ва табақалашгани;
- иқтидор ва истеъдодни рағбатлантириш;
- олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш;
- олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш.

Талабалар олий ўқув юртига абитуриентларнинг билим даражасини тест синовлари ва ўрнатилган тартибда белгиланадиган қўшимча синовлар натижалари бўйича аниқлаш орқали қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларида ўқиш давлат грантлари ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқич - бакалавриат и магистратурадан иборат.

Олий таълим муассасалари юридик шахслар ҳисобланади. Республикада олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- **университет** — кенг қўламли таълим соҳалари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;
- **академия** — аниқ таълим соҳалари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;
- **институт** — одатда битта билим соҳаси доирасида аниқ тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий тоифали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шахснинг ижодий, таълим олиш ва касбий манфаатларини қондиришга қаратилган.

Ўқишни тугатиб, диплом олгандан кейин ўқишни магистратура ва докторантурада давом эттириш мумкин бўлган ривожланган хорижий мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълим собиқ совет тизимидан мерос бўлиб қолган аспирантура ва докторантурани ўз ичига олади. Бу босқичларнинг ҳар бири илмий иш тайёрлаш ва ҳимоя қилишни талаб қилади — биринчи босқич номзодлик даражаси учун, иккинчи босқич докторлик даражаси учун. Бу босқичларда кундузги ва сиртдан ўқиш, шунингдек, те-

гишли илмий даража олиш учун даъвогар сифатида ўқиш мумкин. Даъвогарлик орқали ҳимоя қилинадиган барча номзодлик ва докторлик илмий ишларнинг тахминан 50 фоизи ҳимоя қилинади.

Фан номзодларини тайёрлаш 298, фан докторлари 60 йўналиш бўйича тайёрланади. Айти пайтда фан номзоди ва доктори мутахассисликлари кўп бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасида у ёки бу йўналиш бўйича тегишли илмий мактаблар ва олимларнинг етишмаслиги туфайли илм-фаннинг қатор камчил ҳамда устувор йўналишлари бўйича ана шундай мутахассислар тайёрланмаяпти.

2000 йилдан бошлаб, аспирантура ва докторантурада ўқийдиганлар сони камайиб кетди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим самарадорлиги анча ошди. Аспирантура ва докторантурани илмий ишни муваффақиятли ҳимоя қилиш билан тамомлаганлар сони ўқишни тугатганлар сонига нисбатан ҳам мутлақ, ҳам нисбатан кўпайди. Шунга қарамай, аспирантура ва докторантурада ўқиш самарадорлиги паст. Аспирантларнинг атиги 15,6, докторантларнинг 8,6 фоизигина ўқишни муваффақиятли тамомлаган.

Ўзбекистонда жамиятнинг таълим учун сарфлаётган харажатлари яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбатан анча юқори. Сўнгги йилларда ушбу сарф харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошди ва 2005 йилда 11,6 фоизни ташкил этди.

Бюджет ресурсларининг чекланганига қарамай, таълим учун умумий сарф харажатларда давлат манбаларининг салмоқли улуши ҳар доим 80 фоиздан ошган. Бу мамлакат ҳукуматининг таълим тизимини астойдил ва изчил қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир. Таълим учун давлат харажатлари учта асосий манбадан ташкил топган: жорий йил бюджет харажатлари, таълим тизимини ривожлантириш учун фойдаланиладиган хорижий кредитларни қоплашга йўналтирилайдиган бюджет харажатлари, шунингдек, 2004 йилда ташкил этилган Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан.

Ўзбекистонда таълимни давлат томонидан молиялаш мақсадли хусусиятга эга. Бу борада сўнгги йилларда иккита йирик миллий дастур - 1996 йилда биринчи навбатда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда таълимнинг ушбу тармоғини тубдан яхшилашга йўналтирилган 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурларнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ таълим соҳасига йўналтирилаётган катта миқдордаги давлат ресурслари муайян даражада янги ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларини барпо этиш, уларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги умумтаълим мактабларини қуриш, фаолият кўрсатаётганларини капитал реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун салмоқли инвестиция харажатлари билан боғлиқдир.

4-БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЧУН

Ўтиш даврида Ўзбекистон ҳам бошқа кўплаб давлатлар сингари мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасида жиддий муаммоларга дуч келди. Мамлакат ўтган даврда эришилган ижобий натижаларни йўқотмаслик ва бир пайтда ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларини ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриши зарур эди.

1996 йили Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, таълим соҳасида изчил ислохотларни амалга оширишни бошлади. Ушбу ислохотлар асосини аҳолига узлуксиз таълим беришнинг янги концепцияси, таълимни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратиш орқали меҳнат бозори эҳтиёжларига имкон қадар яқинлаштириш, умумий 12 йиллик бепул ўрта таълим тизимини сақлаш ташкил этди.

1997–2006 йилларда Ўзбекистон ўз таълим тизими учун йилига ялпи ички маҳсулотининг ўртача 9–10 фоизи ва давлат бюджети харажатларининг 23–29 фоизини сарфлади. Мамлакат изчил амалга оширилган ислохотлар натижасида 2007 йилнинг бошида қуйидагиларга эришган эди:

- **умумий 9 йиллик бепул мактаб таълимни мустақамловчи тизим;**
- **уч йиллик умумий бепул ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг шаклланган тизими;**
- **олий таълим тизими;**
- **олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими;**
- **таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар сонининг ҳар йили ортиши;**
- мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари учун **дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг шаклланган тизими**, шунингдек, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш учун полиграфия базаси;
- мебель, лаборатория ускуналари ва касб-ҳунар-ишлаб чиқариш таълими учун кўплаб асбоб-ускуналар турларини ишлаб чиқариш ҳамда ўқув юртларини ушбу жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида **шакллантирилган ишлаб чиқариш базаси**.

Умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимидан юқори даражада фойдаланиш таъминланганига қарамай, жамият ўз олдида қўядиган энг муҳим вазифа — **бу аҳолининг таълимдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришдир**.

Таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда бугунги кунда жамиятни яна бир муҳим масала — **таълим сифати муаммоси ҳам** ташвишга солмоқда.

Таълим сифати билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. **Таълим тизимининг барча даражасида меҳнат қилаётган ўқитувчилар иш ҳақини ошириш жараёнини тезлаштириш.** Бундан кўзланган мақсад ўқитувчи касбининг обрўси ва ушбу касбни танлаган шахсларга талабчанликни кўтаришдир. Ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ошириш суръати мамлакат бўйича мавжуд тафовутни камайтириш учун иш ҳақи ўсишининг ўртача йиллик суръатидан ошиши керак.
2. Айниқса менежмент (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, маркетинг ва ҳоказо), иқтисодиёт (иқтисодиёт, молия, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳоказо), ҳуқуқ, муҳандислик фанлари бўйича ўқитиш жараёнига **етакчи амалиётчиларни жалб қилиш учун рағбатлантирувчи тизимни ташкил этиш**. Бу таълим сифатини анча яхшилаш ва уни амалий ҳаёт эҳтиёжларига яқинлаштириш имконини беради.
3. **Таълимнинг барча даражасида энг илғор тажрибани оммалаштириш тизимини ташкил этиш**, кенг жорий этиш ва тарғиб қилиш. Вилоятлардаги мактаблар, етакчи олий ўқув юртлари ҳузуридаги ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ижтимоий асосда фаолият кўрсатадиган вилоят бирлашган услубият секцияларини ташкил этиш.

Илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш учун ушбу секцияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш.

4. **Ўқитувчи меҳнатини моддий рағбатлантириш ва жамоатчилик томонидан эътирофини кенгайтириш.** Жамият учун ўқитувчилар меҳнатининг эътирофи ва натижаларини оширадиган бадий, публицистик ҳамда ҳужжатли фильмларни яратиш. Фанлар бўйича энг яхши ўқитувчи унвони учун туман, вилоят ҳамда республика танловларини уюштириш. Энг яхши ўқитувчиларни «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» ва «Халқ ўқитувчиси» унвони билан мукофотлашни кенг татбиқ этиш.
5. **Олий ўқув юртларида коррупцияга қарши курашиш борасида кескин чоралар кўриш.** Ушбу ишларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, балки жамоатчилик, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, талабалар кенгашлари, хотин-қизлар жамоат ташкилотлари ва бошқаларни ҳам жалб қилиш.
6. **Ўқув режалари, дастурларини қайта кўриб чиқиш, ўрганилаётган фанлар ва ҳар бир семестрда топшириладиган имтиҳонлар сонини қисқартириш.** Чунки талабаларга бошқа, ортиқча фанларни ўрганишни юклайвериш уларнинг танлаган касби бўйича фанларни чуқур ўзлаштириш имконини бермайди. Бир семестрда ўрганиладиган фанлар тўрттадан ошмаслиги керак. Фақат ўқитувчилар учун мўлжалланган курсларда қўшимча ўрганиладиган фанларни, агарда ушбу курсларга талабалар ҳам ёзилган бўлса, кенгайтириш.
7. Энг яхши талабаларга нуфузли ташкилот ва компанияларга ишга жойлашиш имконини берган ҳолда, **таълим сифатини ва нуфузини ошириш.**

Бошқарув тизимини такомиллаштириш таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда таълим тизимини икки вазирлик ва бир ихтисослашган марказ бошқаради. Худудларда мактаб таълими бошқармасининг вилоят ва туман бўлимлари, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлимлари мавжуд.

Таълим тизимини бошқаришни халқаро тажрибани ҳисобга олиб, **таълим тизимини марказлаштирилган ва номарказлаштирилган ҳолда бошқаришни мувозанатли мувофиқлаштириш орқали** янада такомиллаштириш мумкин.

Ўзбекистон учун истиқболли, давлат талабларига мос келадиган таълим тизимини яратиш порлоқ келажакка йўналтирилган ягона йўлдир. Мамлакатда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Эҳтимол, ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳеч бир мамлакат Ўзбекистонда мамлакат Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ушбу мураккаб ўтиш даврида бунча кўп маблағ ажратмаган бўлса керак. Таълимга қаратилаётган бундай эътиборни ҳар йили тасдиқландиган давлат бюджети мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон мактаблар моддий-техника базасини биринчи бўлиб мустаҳкамлашга киришди. Мамлакат неча ўн йиллар мобайнида қилинмаган ишлар — мактабларни оммавий қуриш, капитал реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашни беш йил ичида амалга оширишга интилоқда. Янги парталарда қувонч билан ўтирган, замонавий ўқув материаллари ва ускуналари билан фойдаланаётган, мамлакатининг ўзининг пухта билим олиши

учун доимий эътибор қаратаётганини англаб етаётган болаларнинг бахтли кўзларига боқиб кишига мамнуният бағишлайди.

Бироқ, ҳали олдиндан қилинадиган ишлар кўп. Мамлакат таълимни ривожлантириш борасида қўлга киритган ютуқлар ва бу йўлда дуч келадиган қийинчиликлар, янгидан-янги вазифалар таҳлил қилинган ушбу маъруза ҳам келажакда таълимни янада ривожлантиришга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

ТАЪЛИМ ИНСОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

1. 1. ИНСОН РИВОЖЛАНИШИГА КИРИШ

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тугарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.
Умар Хайём

Барча мамлакатлар ривожланишга интилади. Аммо жаҳонда қайси мамлакат яхши, қайси мамлакат камроқ ривожланганини қандай мезонлар бўйича аниқлаш мумкин?

«Ривожланиш» ва «тараққиёт», «ривожланиш» ва «ижтимоий адолат», «ривожланиш» ва «тенглик», «ривожланиш» ва «барқарорлик» тушунчалари ўртасида қандай узвийлик бор?

Бу саволларнинг жавоби ривожланишнинг асосий мақсади қандай аниқланишига, яъни унинг мақсади бойлик тўплашми ёки бошқа — одамлар фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсон эркинлиги ва ижтимоий ҳимояланиши учун шароит яратиш, у ижодий ва самарали меҳнат қилиши учун тегишли шароит билан таъминлаш, инсон ва табиатнинг бирдай мавжуд бўлиши муаммолари қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Бу борада БМТ Ривожланиш дастури айнан охиригиз тезисдан инсон ривожланиши концепцияси учун асос сифатида фойдаланди.

Инсон ривожланиши концепциясининг бошланишини инсоният тарихининг бошланғич давлари, кўглаб маданий ва диний манбалардан топиш мумкин. Нафақат қадимдаги муаррихлар, балки файласуфлар ҳам (Демократ, Платон, Арасту, Лукреций ва бошқалар) ижтимоий ривожланиш моҳиятини англашга ҳаракат қилган. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Дидро ана шундай файласуфлар сирасидан. У инсонни Ер юзида энг қадрли, маданият соҳасидаги ютуқларнинг ягона бунёдкори, ақл соҳиби, ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси деб ҳисоблаган.

Ривожланиш тимсоли тенглик ва ижтимоий одиллик билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ривожланиши концепциясининг асосий жиҳатларидан саналган ушбу дастлабки қонидани Шарқнинг буюк мутафаккир ва файласуфлари ҳам ўз асарларида қайд этган. Буюк Абу Али Ибн Сино таъкидлаганидек, «инсон айнан бошқаларнинг эҳтиёжини қондириши туфайли инсонлигини намоён этади ва бошқалар ҳам шу тариқа ҳаракат қилади. Кимдир экин экади, кимдир нон ёпади, яна кимдир тикиш қилса, бошқаси игна ясайди ва шу йўсинда ҳамма бир-бирининг эҳтиёжини қондиради»¹. Навоийнинг фикрича, инсон — ерда яратил-

1 Ибн-Сино. Шифо.

ган энг азиз ва мукаррам зот. Айнан инсон ва унинг манфаатлари аҳамиятлилик, зарурлик ва қадр-қимматнинг асосий мезонидир. Ер юзида ҳамма нарса инсон учун яратилган. «Ер юзида яратилган барча нарсалар, қуёш, еру-осмон, тоғлар, текисликлар, денгиз ва дарёлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, гуллар, қушлар, ҳаво, олов, йил фасллари, яъни табиат гўзалликлари, унинг битмас-туганмас бойликлари инсонга хизмат қилиш учун мўлжалланган»². Берунийнинг таъкидлашича, мамлакат фаровонлиги ундаги илм-фаннинг аҳволи, тараққий этишига ҳам боғлиқ. Унинг фикрича, инсоннинг энг катта бахти билимга эгалигидир, чунки унга ақл берилган. Бахтни ана шундай тушунишгина жамиятда тинчлик ва хотиржамликка олиб келади. «Инсон ҳақиқий роҳат-фароғатга етгани сари унга етишга бўлган интилиши кучайиб боргандагина ўша фароғатни чин дилдан ҳис қилади. Инсон руҳи ўзи билмаган нарсани англаганида ҳам ана шундай ҳолат рўй беради», инсоннинг энг олий бурчи эса бошқалар, айниқса, камбағалларга ғамхўрлик қилишидир³.

Инсон ривожланиши концепциясининг замонавий тушунчасига иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Амартьи Сеннинг «Ривожланиш имкониятларни кенгайтириш демақдир» деб номланган асарида чоп этилган назарий ишланмалари катта таъсир кўрсатди. Бу асарда у ривожланиш жараёнини фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ошиши сифатида эмас, балки инсон имкониятларини кенгайтириш жараёни сифатида кўриб чиқди. А. Сен мазкур жараённи кўплаб вариантлар орасидан энг мақбулини танлаб олиш учун инсон эркинлигини кенгайтириш билан боғлади. А. Сен концепцияси асосида ривожланишга инсонга эътибор қаратилган жараён сифатида таъриф берилди. Натижада ушбу ғоялар БМТ Ривожланиш дастури экспертлари гуруҳи томонидан бирлаштирилиб, илк бор 1990 йилдаги Инсон ривожланиши тўғрисидаги маърузада тақдим этилди. Шундан сўнг ҳар йили шундай маърузалар тайёрлана бошланди.

Инсон ривожланиши концепциясининг асосий қоридаси одамлар нафақат иқтисодий ривожланиш воситаси, балки унинг асосий мақсади ҳисобланишини тақозо этади. «Инсон ривожланиши — одамлар ўз салоҳиятини тўлиқ ривожлантириб, ўз эҳтиёж ва манфаатларига мувофиқ сермахсул ижодий ҳаёт кечира оладиган атроф-муҳитни яратишдир. Танлаш имкониятини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиш жуда муҳим ҳисобланади. Инсон ривожланишининг энг асосий шарти узоқ ва соғлом турмуш кечириш, яхши хабардор бўлиш, муносиб ҳаёт кечириш учун зарур маблаққа эга бўлиш, жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятидан иборатдир»⁴.

Инсон ривожланиши концепцияси иқтисодий ривожланишнинг анъанавий назариясига зид эмас. Бироқ у иқтисодий ривожланишни нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, балки инсон ривожланишига ҳам қаратган ҳолда уларнинг чекланганлиги ва ижтимоий муносабатлардан муайян даражада узилиб қолишининг олдини олади. Иқтисодий ўсиш ва инсон ривожланиши мактаблари ўртасидаги тафовут шундан иборатки, иқтисодий ўсиш ўз эътиборини фақат бир нарса, яъни даромад олишни кенгайтиришга қаратса, инсон ривожланиши инсон танловини — у хоҳ иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки сиёсий танлов бўлсин, кенгайтиришни ўз ичига олади.

2 В.Ю. Зоҳидовнинг «Алишер Навоий ғоялари ва образлари олами» китобидан, Тошкент, 1961.

3 Беруний. Минерология.

4 Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 2001 й

Концепция инсон ривожланишига икки ёқлама ёндашувни кўриб чиқади: биринчиси — бу саломатликни мустаҳкамлаб, билим эгаллаш ва касбий кўникмаларни такомиллаштириш орқали инсон имкониятларини кенгайтириш: иккинчиси — бу одамларнинг ишлаб чиқариш мақсадлари, маданий, сиёсий фаолият ва дам олиш учун ўзи эгаллаган қобилиятдан фойдаланиш жараёнидир. Шундай қилиб, ушбу концепция инсон ривожланишини фақат ишлаб чиқариш фаолияти учун ресурсларни шакллантириш ва моддий бойликни кўпайтиришга йўналтирмаган.

Даромад, инсон ривожланиши концепциясига кўра — гарчи жуда кам бўлсада, инсон эгалик қилишни истайдиган танловлардан бири, холос. Бироқ бу инсон ҳаётининг мураккаблиги ва хилма-хиллигини белгилай олмайди. Бунда саломатлик, таълим, яшаш муҳити, ҳаракатлар ва сўз эркинлиги ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис ривожланиш даромад ва бойликни оширишдан кўра кўпроқ бўлиши даркор. Унинг мақсади фақат одамлар бўлиши керак. Даромад энг сўнгги мақсад эмас, балки иқтисодий, ижтимоий фаолият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда одамлар имкониятларини кенгайтириш воситаси ҳисобланади.

Инсон ривожланиши концепцияси тўртта асосий унсурни ўз ичига олади⁵

1. Унумдорлик. Одамлар даромадларни шакллантириш жараёнида тўлиқ иштирок этиб, ўз ҳаёти ва фаолияти маҳсулдорлигини ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу сабабли иқтисодий ўсиш инсон салоҳиятининг таркибий қисмларидан бири саналади.
2. Тенглик. Барча одамлар аввал-бошдан иқтисодий ҳаётда тенг имкониятларга эга бўлиши керак ва шу боис бундай имкониятларни беришга тўсқинлик қиладиган ғовлар бартараф этилиши даркор.
3. Барқарорлик. Имкониятлардан фойдаланиш нафақат бугунги, балки келажак авлод учун ҳам таъминланиши лозим. Инсон ривожланишини барқарор таъминлаш мақсадида келажак авлод тўлашига тўғри келадиган қарзларни вужудга келтирмасдан, барча турдаги — жисмоний, инсоний ва табиий капиталнинг бажарилиши мумкинлигини таъминлаш лозим.
4. Имкониятларни кенгайтириш. Ривожланиш фуқаролар манфаатлари учун ва уларнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилиши керак. Одамлар уларнинг ҳаётини белгилайдиган қарорларни қабул қилиш жараёнида ҳар томонлама иштирок этиши шарт. Улар муайян яширин қобилият билан дунёга келади. Инсон ривожланишининг вазифаси ҳар бир инсон ўз қобилиятини ривожлантира оладиган муҳитни яратишдан иборат ва бундай ривожланиш имкониятлари янада кенгайтирилиши лозим.

Шу тариқа инсон ривожланишининг асосий мақсади одамларни моддий фаровонлик билан таъминлаш, соғлом ва бунёдкорлик ҳаётдан етарлича баҳра олиш имкониятини берадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда экологик муҳитни яратишдан иборат.

Инсон ривожланиши концепцияси пайдо бўлиши билан деярли бир пайтда бутун дунёда одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ютуқларни миқдорий баҳолаш муаммоси ҳам юзага келди. 1990 йилдан бошлаб, инсон ривожланиши тўғрисидаги йиллик маърузалар Инсон ривожланиши индексини (ИРИ) чоп

5 Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 1995 й.

этмоқда. Мазкур индекс — бу кўплаб мамлакатларда одамлар фаровонлигини соддалаштирилган шаклда баҳолашдир. ИРИ инсон ривожланишининг учта жиҳатини таркибий баҳолайди ва кўплаб мамлакатлар, минтақалар, умуман дунёда инсон ривожланиши борасида юксалиш мониторингини тахминий баҳолаш сифатида хизмат қилади. Инсон ривожланиши индекси қуйидагилардан иборат:

- кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси, уни маълум даражада мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий таъминот аҳволининг кузгуси деб ҳисоблаш мумкин;
- ёши катта аҳолининг саводхонлик даражасини, аҳолининг бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим билан қамраб олинишини акс эттирувчи ва шу тариқа мамлакатда таълим тизими аҳволини ифода этувчи таълим даражаси индекси;
- мамлакат фуқаролари даромади даражасини акс эттирувчи аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот индекси (харид қобилияти паритети бўйича АҚШ доллари ҳисобида).

Инсон ривожланиши концепцияси ва стратегиясини фақат ИРИ доирасида чекламаслик жуда муҳимдир. Инсон ривожланиши индексининг таълимни кенгайтириш, соғлиқ ва узоқ умр кўришни яхшилаш, шунингдек, даромадни кўпайтириш каби инсон ривожланиши мақсадларини баҳолайдиган жамланма индекс сифатидаги муваффақияти ушбу концепцияни тор доирада изоҳлашга оид тушунчанинг мустақамланишига олиб келди. Инсон ривожланиши концепцияси уни баҳолаш бирлигидан (ИРИ) кўра анча кенглиги тушунтирилишига қарамай кўпинча бу концепцияни инсон ривожланиши индексига қийёслашади. Инсон ривожланиши концепцияси — бу асосий эътибор марказида инсон ҳаётини танлови имкониятларини кенгайтириш турадиган ижтимоий тараққиётни тушунишга сифатли янги ва истиқболли ёндашувдир. ИРИнинг асосий мақсади «инсон ривожланишини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки даромадлар доирасидан четга чиқадиган параметрларни беришдан иборатдир. ИРИ инсон фаровонлиги йўлидаги ўзгаришлар ва турли минтақаларда эришилган юксалишни таққослаш мезони ҳисобланади».⁶

Инсон ривожланиши концепциясининг назарий ва амалий жиҳатлари БМТ Ривожланиш дастури томонидан ҳар йили чоп этиладиган инсон ривожланиши тўғрисидаги глобал маърузаларда ўз аксини топмоқда. Кенг жамоатчилик хабардорлигини кенгайтириш ва муайян мамлакат доирасида инсон ривожланиши муаммолари бўйича аниқ чоралар қабул қилиш мақсадида инсон ривожланиши тўғрисида миллий маърузалар ишлаб чиқилмоқда. Бу маърузалар, ўз навбатида, БМТ таҳлилий ва стратегик фаолиятининг муҳим воситаси сифатида хизмат қилмоқда. 1992 йил Бангладешда биринчи миллий маъруза чоп этилганидан буён 350 та маъруза нашрдан чиқди.

Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маърузалар инсон ривожланиши истиқболларини ҳар бир давлатнинг устувор вазифалари, янги муаммолар ва янгиликлар билан боғлайдиган мустақил, холис таҳлил, статистик ҳамда бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу маърузаларга давлат органлари, халқаро ташкилотлар, академик жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти янада кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Инсон ривожланиши концепцияси Ўзбекистонда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда тайёрланган инсон ривожланиши тўғрисида

6 Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза, 2005 й.

биринчи миллий маърузада ижтимоий сиёсат ривожланиш стратегиясининг муҳим шартини этиб белгиланган эди. Шундан буён Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор жабҳалари ва мамлакатда инсон салоҳиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган саккизта миллий маъруза чоп этилди. Мазкур маърузалар барқарор инсон ривожланиши аҳволини миллий даражада кенг муҳокама этишга ёрдам берди. Инсон ривожланиши бўйича миллий маърузалар қимматли ахборот манбаи ҳисобланади ва улардан турли ҳукумат дастурларини ишлаб чиқишда фаол фойдаланилмоқда.

1.2. ТАЪЛИМНИНГ ИНСОН РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Инсон ривожланиши концепциясида таълим асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Соддалаштирилган статистика таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инсон ривожланиши индекси қарийб 40 фоиз республика таълим даражаси кўрсаткичига боғлиқ. Ўз навбатида, бунинг 3/2 қисми мамлакат катта ёшли аҳолисининг саводхонлик даражаси, 3/1 қисми ўқув юртларига ўқишга кираётганларнинг жами коэффиценти, яъни 6–24 ёшдаги ўқиётганлар улуши билан белгиланади.

1.2.1. Таълим даражасини ўзгартиришдаги глобал тенденциялар

Сўнгги ўн йилда жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришилди. 1960 йилда жаҳонда одамларнинг 36 фоизи ҳатто базавий маълумотга эга эмасди. Аммо, 2000 йилда аҳоли сонининг икки баравар ўсишига қарамай, бундай одамлар сони 25 фоизга камайди. 1975 йилгача дунёда катта ёшли ҳар иккинчи киши ёзиш ва ўқишни билмаган бўлса, айти пайтда саводсиз одамлар сони деярли ярим бараварга қисқарди.

Жаҳонда иқтисодий ривожланган мамлакатлар таълим даражаси индекси бўйича етакчилик қилса, Африка давлатлари бу кўрсаткичдан орқада қолмоқда.

Саноат ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг 1–2 фоизини саводсизлар ташкил этади. Бу мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача 32 фоизи (25–65 ёш) олий маълумотга эга. Олий маълумотга эга одамлар Канадада 43, АҚШда 38, Японияда 36 фоизни ташкил қилади.

Ривожланаётган давлатлар гуруҳида ўртача саводхонлик даражаси қарийб 80 фоизга ошди. 1990 йилдагига нисбатан кичик ёшдаги мактабга бормаётган болалар сони 30 миллион нафарга камайди, мактабда ўртача ўқиш муддатининг давомийлиги ярим йилга кўпайди.

Шунга қарамай, бутун дунёда таълим соҳасида ҳали ечилмаган муаммолар кўп. Ер шарида қарийб 100 миллион нафар мактаб ёшидаги бола мактабга бормади, боз устига уларнинг 5/3 қисмини қизлар ташкил этади. Сахара жанубида жойлашган Африка давлатларида бошланғич мактабда ўқиётган болаларнинг фақат учдан бир қисми бошланғич синфларни тамомламоқда. Даромади кам мамлакатларда саводхонликни тугатиш борасида қўлга киритилаётган ютуқларга қарамай, ҳар тўртинчи ёш йигит ва ҳар учинчи катта ёшли киши ўқиш ҳамда ёзишни билмайди. Бу гуруҳдаги мамлакатларда тегишли ёшдаги аҳолининг атиги 4/3 қисмигина умумий бошланғич таълим билан қамраб олинган. XXI аср арафасида ривожланаётган мамлакатларда бошланғич мактаб ёшидаги 680 миллион ёки қарийб 17 фоиз бола мактабга бормаган. Бошланғич мак-

Диаграмма 1.1.

2004 йилда бошланғич мактабга бормайдиган бошланғич мактаб ёшидаги болалар сони (минг киши)

Ўғил болалар	Давлат	Қизлар
2294	Покистон	3834
824	Саудия Арабистони	806
740	АҚШ	584
624	Гана	597
618	Кения	607
609	Нигер	717
590	Буркина-Фасо	681
519	Мали	615
557	Кот д'Ивуар.	705
475	Мозамбик	614
465	Танзания	518
408	Мьянма	374
400	Эрон	402
379	Колумбия	334
365	Таиланд	433
332	Туркия	548

Манба: 2006 World Development Indicators, pp. 88–90.

табга бормайдиган болаларнинг 40 миллион нафари Ҳиндистон улушига тўғри келади. Бу эса бутун дунёда бошланғич таълим билан қамраб олинмаган жами болаларнинг 3/1 қисмини ташкил этади.

Жумладан, жон бошига ўртача даромади паст бўлган мамлакатларда синфларда ўқувчиларнинг ортиқчилиги туфайли бошланғич таълимнинг сифатсизлиги муаммоси жиддийлигича қолмоқда. Шу ва бошқа қатор сабабларга кўра, бошланғич синфларнинг ҳар ўн еттинчи ўқувчиси синфдан синфга қолмоқда, бошланғич таълимни эгаллаган ҳар олтинчи бола эса кейинчалик ўқишни давом эттирмапти.

Ўрта, кейинчалик олий маълумотга эга бўлиш имконияти ўртасидаги жиддий тафовут ўқишнинг ўртача давомийлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Сахара жанубидаги Африканинг 70-йилларнинг иккинчи ярмида туғилган ўртача статистик фуқароси 6 йилликдан ҳам кам мактаб маълумотига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш мамлакатларидаги унинг тенгдоши эса 14 йиллик маълумотга эга.⁷

1.2.2. Ўзбекистондаги аҳвол. МДХ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда таълим даражаси кўрсаткичи жуда юқори. Бунинг устига Ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасида бу кўрсаткич кутилаётган умр кўриш давомийлиги ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичидан ҳам юқори. Ўзбекистон таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туради. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99⁸ ни ташкил этса, айти пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қилади.

7 Жаҳон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, 2006 й. 6–7-бет.

8 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича. 2006 йилдаги Инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузада 0,92 кўрсаткич келтирилган.

1.1-жадвал

Тегишли ёш гуруҳига нисбатан фоиз ҳисобида ўқув юртларига ўқишга кираётганлар умумий сони коэффиценти, 2004 йил

Бошланғич ўқув юртлари		Ўрта ўқув юртлари	
Максимум	Минимум	Максимум	Минимум
Дания, Франция, Япония, Мексика, Испания, Буюк Британия, Жанубий Корея, Швеция, Перу, бошқа қатор юқори ва ўрта даромадли мамлакатлар	Нигер 39 Буркина-Фасо 40 Мали, Эфиопия 46 Эритрея 48 Саудия Арабистони 53 Кот д'Ивуар 56 Бурунди, Чад 57	Япония 100 Швеция 98 Бельгия 97 Франция, Испания, Норвегия, Буюк Британия, Дания, Словения 95 Литва, Финляндия 94	Мозамбик 4 Нигер 7 Бурунди 8 Буркина-Фасо 10 Чад 11 Мавритания 14 Сенегал, Уганда 15 Эритрея 19

Манба: 2006 World Development Indicators, pp. 92–94

Ўзбекистон таълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи таркибига кирадиган Мальта (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноти энг ривожланган мамлакати Коста-Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,88) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), БАА (0,71), шунингдек, иқтисодий ва техник ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда.

1.2-жадвал.

2004 йилда бошланғич мактабга бормайдиган бошланғич мактаб ёшидаги болалар сони (минг киши)

Максимал кўрсаткичга эга мамлакатлар		Минимал кўрсаткичга эга мамлакатлар	Таққослаш учун
Австралия	Бельгия	Буркина-Фасо . . . 0,23	АҚШ 0,97
Дания	Исландия	Мали 0,24	Россия 0,95
Ирландия	Испания	Нигер 0,26	Япония 0,94
Норвегия	Словения	Чад 0,29	Бразилия 0,88
Финляндия	Швеция	Гвинея 0,34	Хитой 0,84
Янги Зеландия	Жанубий Корея	Сенегал 0,39	Индонезия 0,83
Голландия	Ўзбекистон	Гвинея-Бисау 0,39	Ҳиндистон 0,61

Манба: 2006 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза, 283–286-бет.

Ўзбекистонда умумий бошланғич ва ўрта таълим муаммоси тўлиқ ҳал этилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 2009 йилдан сўнг республикада умумий ўрта касб-ҳунар таълими муаммоси ҳам тўлиқ ҳал қилинади. Тегишли гуруҳдаги ёшлар 12 йиллик ўқишдан кейин ўрта махсус маълумот тўғрисида диплом билан бирга муайян касбни эгаллаганини тасдиқловчи аттестатни ҳам олади.

Ўзбекистон катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси бўйича (99,3%) умумий таълимни ташкил этишга бундай ёндашув натижасида Италия (98,4), Испания, Жанубий Корея (98) ва Исроил (97,1%) каби иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган мамлакатларни ортда қолдирмоқда.

Республикада кейинги ўн йил мобайнида кўплаб мактаблар, коллежлар, лицейлар ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш эвазига педагоглар ҳамда ўқувчилар сони кўпаймоқда, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ривожлантирилмоқда. 2000–2006 йилларда олий ўқув юртларида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Бакалаврият ва магистратура мутахассислигига қабул қилиш тегишли равишда 1,3 ва 2 мартага ошди, боз устига олий ўқув юртларига қабул қилинган хотин-қизлар сони ҳам жадал суръатда ўсди — 1,6 марта. 2005–2006 йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилди.⁹

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2004 йилда ўртача ўқиш муддати 12 йилни ташкил этди. Бу масалан, Озарбайжон, Арманистон, Туркия ва инсон ривожланиши бўйича ўртача индексга эга бошқа қатор мамлакатларга қараганда анча кўпдир.

Бироқ фақат миқдорий кўрсаткичлар билангина таълимнинг инсон ривожланишига таъсирини тўлиқ баҳолаб бўлмайди.

Таълимнинг сифати жамиятни ривожлантирувчи омил ва ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Таълим қашшоқлик, муҳтожлик, ижтимоий тенгсизликка қарши курашишда амалий восита сифатида хизмат қилади. Таълим дунёқарашни шакллантириш, инсоннинг турмуш тарзини танлашини кенгайтиришга ёрдам беради, инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир кўрсатиш механизмига айланади.

1.2.3. Таълим ва жамият тараққиёти. Инсоният цивилизацияси давомида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим двигателлари ҳисобланган.

Қадимги мамлакатлар ва цивилизациялар эришган муваффақиятлар бутун дунёга маълум. Ўша даврлардаги ҳукмдорлар илм-фан, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Ўрта асрларда қадимги Миср, Хитой, Юнонистон ва Рим тарихи инсоният ривожланишида нафақат буюк давр, балки бугунги кунда ҳам ўрнатилган намуна ҳисобланади. Инсон ривожланишининг янги тарихи, чунончи Япония, Европа давлатлари, АҚШ, Сингапур, Тайвань (Хитой) ва бошқа қатор мамлакатларнинг ўз фаровонлиги ҳамда ривожланишига илмий кашфиётлар катта таъсир кўрсатганидан далолат берувчи тажрибасидан сабоқ олса бўлади. Бу ютуқлар жамиятда таълим ва илм-фанга, шунингдек, улар асосида шаклланидиган маданият ҳамда санъатга бўлган эътиборли муносабат натижасидир.

XIX асрда бошланган саноат инқилоби таълим тизимида оммавий ислохотларни амалга оширган фақат учта мамлакатдагина рўёбга чиқди ва жадал ривожланди.

Ва аксинча, у ёки бу сабабларга кўра таълимга кам аҳамият берилган деярли кўплаб Африка давлатлари тарихи, Европанинг илк ўрта асрлардаги ва Жанубий ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кейинги ўрта асрлардаги аянчли тарихи турғунлик даври сифатида эсланади. Бу даврда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секинлашган, кўплаб кадриятлар қадрини йўқотган ва бунинг натижасида аҳолининг муайян қисмида турмуш даражаси пастлиги кўзга ташланган.

9 Ўзбекистонда таълим соҳаси бўйича батафсил шарҳ маърузанинг учинчи бобида келтирилади.

1.1-киритма.

Таълимнинг Марказий Осиё давлатларидаги ривожланишга таъсирига оид тарихий мисоллар

Марказий Осиёнинг ўрта асрлар охиридаги ривожланишини бу ерда таълим ва илм-фанга эътиборнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбий таъсири мисолида кўриш мумкин. VIII-XIII асрларда Марказий Осиёдаги Уйғониш даври ва кейинги икки асрда унинг ҳудудида жойлашган давлатларда диний-маънавий фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ўқитилган мадрасалар сони кўпайган, йирик кутубхоналар ташкил этилган, илм-фан ва маънавий ҳаёт жадал ривожланган бўлса, XVI асрдан бошлаб ўлкадаги таълим ва илмий марказлар аҳволи аста-секин ёмонлашган. Ўзаро ички урушлар, Буюк ипак йўлининг таназзули, бир пайтлар ягона империяга бирлашган қудратли Темурийлар давлатининг алоҳида хонликларга бўлиниб кетиши, тоталитар клерикал тузумнинг ҳукм суриши таълим ва илм-фан масаласига эътиборни сусайтирди, уларни ривожлантириш учун кўрсатиладиган зарур ёрдамдан маҳрум этди. Бу, ўз навбатида, воҳада иқтисодий, техника ва ҳарбий соҳадаги узоқ турғунликка ва натижада XIX асрнинг 60-йилларида бошқа мамлакат томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Вазият XX аср бошида Туркистонда жадидчилар — воҳани феодал қолоқлик, хурофот, мутаассибликдан озод этиш тарафдорлари фаолият кўрсата бошлагандан сўнг ўзгара бошлади. Улар томонидан аввал Россия маъмуриятининг маҳаллий аҳоли учун ташкил этган ўқув юртлари билан бир қаторда янги услубда ўқитадиган мактаблар, босмахоналарнинг очилиши аҳоли саводсизлигини бартараф этиш, илғор билимларни жорий этиш имконини берди ва бу воҳада ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди.

XXI аср арафасида жаҳон ҳамжамияти инсон цивилизациясини шакллантириш, мамлакатлар ва алоҳида шахсни ривожлантиришда таълимнинг роли ҳамда вази-фасини тубдан қайта кўриб чиқа бошлади. Дастлаб, таълимни тубдан ислоҳ қилиш илмий-техник инқилобнинг «ижтимоий натижалари»дан бири сифатида кўриб чиқилди. Аммо кейинчалик натижа сабабга айланди. Таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили ҳамда шарт, жамиятнинг ижтимоий тузилмасини шакллантириш, унда ижтимоий мақомларни тақсимлаш механизми бўлди.

Таълимни ривожлантириш, уни тубдан қайта ўзгартиришда аниқ йўналишлар белгиланди.

Биринчиси — бу таълимни тубдан демократлаштириш. Ушбу илғор йўналиш янги саноатлашган ва маълум даражада ривожланаётган мамлакатларни қамраб олди.

Яхши ривожланган давлатлар ўз олдига тобора ривожланиб бораётган олий таълимнинг умумийликка айлантириш масаласини қўйди. Айрим мамлакатларда умумий бошланғич касб-ҳунар таълими ғоялари амалга оширилди.

Иккинчиси — 60-йиллар бошида юзага келган узлуксиз таълим ғояси кейинчалик жадал суръатда ривожлантирилди. Жаҳон ҳамжамияти аста-секин эски «таълим бир умрга» ғоясини «таълим бутун умр давомида» ғоясига алмаштирмоқда. Бу ерда гап таълимнинг қадр-қиммати, давлат, ижтимоий, шахсий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш ҳақида бормоқда.

Энг асосийси, учинчиси — янги, чинакамига истиқболли принцип, яъни таълим — бу нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятнинг умумий интеллектуал, технологик ва маданий даражасини ошириш, инновациялар ва тараққиётга бўлган интилишини кўллаб-қувватлаш, жамиятда замонавий турмуш тарзини шакллантиришни жамоатчилик онгига сингдириш, давлат сиёсати-га жорий этишдир.

1.2.4. Таълим ва қашшоқлик. Статистик маълумотлар қашшоқлик таълим даражасига сезиларли даражада боғлиқ эканини тасдиқлайди.

Бу, бир томондан, қашшоқ мамлакатларнинг таълим соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурслари камлиги билан боғлиқ. Иккинчи томондан, мамлакатнинг юқори даражали иш унумдорлигини ва пировардида иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасини таъминлаш имконияти ҳам таълим даражасига боғлиқ.

1.3-жадвал

Дунё мамлакатларида таълим даражасининг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлиги

	Жаҳонда	Мамлакатлар гуруҳи		
		Юқори	Ўрта	Паст
Таълим даражаси кўрсаткичи	0,77	0,97	0,84	0,58
Таълим учун давлат харажатлари, ЯИМ фоизи ҳисобида, 2004 йил	4,4	5,6	4,4	м. й.
Давлат томонидан 1 ўқувчига кетадиган харажат, аҳоли жон бошига ЯИМ фоизи ҳисобида, 2004 йил:				
бошланғич таълим	15,2	19,1	13,1	м. й.
ўрта таълим	18,9	24,7	16,3	м. й.
олий таълим	34,6	28,9	37,8	м. й.
Ёшларнинг саводхонлик даражаси (15–24 ёш), фоиз:				
1990 йил	м. й.	м. й.	93,5	65,9
2004 йил	м. й.	м. й.	96,9	75,2
2004 йил, фақат қизлар ва аёллар	84,2	м. й.	96,2	66,2
Катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси (15 ва ундан катта ёш), фоиз:				
1990 йил	м. й.	м. й.	81,0	51,6
2004 йил	86,5	м. й.	89,9	62,3
2004 йил, фақат қизлар аёллар	74,4	м. й.	86,4	50,2
Умумий бошланғич таълимга эришиш, фоиз:				
1991 йил	м. й.	м. й.	92	66
2004 йил	м. й.	м. й.	97	74
Бошланғич мактабларда 1 ўқитувчига ўқувчиларнинг ўртача сони, 2004 йил	29	16	22	43
Бошланғич мактабларнинг қайта ўқиш учун қолдирилган ўқувчилари улуши, фоиз, 2004 йил	м. й.	м. й.	3	6
Бошланғич мактабларнинг ўрта ўқув юртларида ўқишни давом эттирган битирувчилари улуши, фоиз, 2004 йил	м. й.	м. й.	91	83
Аҳолининг бошланғич, ўрта ва олий таълим билан қамраб олинишининг умумий кoeffициенти, фоиз, 2004 йил	67	94	73	54
Интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга ўқув юртлари улуши, фоиз, 2004 йил	м. й.	98	м. й.	м. й.
Ўқув юртларида ўқишнинг кутилаётган муддати, йиллар:				
эркаклар	м. й.	16	м. й.	10
хотин-қизлар	м. й.	17	м. й.	8

Манба: 2006 йилги Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза; 2006 World Development Indicators

Глобаллашув шароитида мамлакатнинг инновацион ривожланиш салоҳияти рақобатбардошликнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланган бир пайтда аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатга ўзини «энг сара» жамиятга дахлдор деб ҳисоблаш имконини берадиган обрў эмас, балки яшовчанлик ва иқтисодий таъминот, пировардида сиёсий мустақиллик омилига айланади.

Таълим ва қашшоқликнинг ўзаро таъсирини шахсий жиҳатларда ҳам кузатиш мумкин. Ҳар қандай ўрта статистик тадқиқотлар аҳолининг юқори билим даражасига эга гуруҳида даромад юқорилигини кўрсатади. 1974 йилда Жек Минсер (Jack Mincer) илк бор кенг қўламли статистик материалда қишлоқ хўжалиқдан бошқа соҳада иш билан банд бўлган одам қанча кўп билим олса, даромади ҳам шунча кўп бўлишини исботлаган.¹⁰

Ўзбекистонда уй-рўзғор хўжалигида ўтказилган бюджетга оид тадқиқотлар ҳам ҳайратланарли натижаларни кўрсатди: олий маълумотга эга аҳолининг даромади 2004 йилда маълумотга эга бўлмаганларнинг даромадидан 1,5 баравар кўп. 2005 йилда эса бундай даромадлар ўртасидаги фарқ 1,6 мартани ташкил этди.

Яна бу тадқиқотлар маълумоти паст одамлар кўпроқ кам таъминланганлар сафида бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Айни пайтда, оила бошлиғининг маълумоти тўлиқ ўртадан паст бўлмаса, ўша оиланинг камбағаллашиш хавфи камроқ.

1.4-жадвал

Ўзбекистонда уй-рўзғор хўжалигини таълим даражасига қараб тақсимланиши

	Ўртача		Кам таъминланган		Камбағал эмас	
	2004	2005	2004	2005	2004	2005
Оила бошлиғи қуйидагича маълумотга эга уй-рўзғор хўжаликларининг улуши, фоиз:						
0–9 йиллик маълумот	15,4	14,4	17,1	17,3	14,9	13,7
тўлиқ ўрта	39,5	40,5	48,9	48,7	36,9	38,4
тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта махсус касб-хунар	28,5	28,8	24,0	25,2	29,8	29,7
тўлиқсиз олий, олий ва ундан юқори	16,6	16,3	10,0	8,8	18,4	18,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Уй-рўзғор хўжаликлари бюджетига оид тадқиқот.

1.2.5. Таълим ва бандлик. Аҳолисининг саводи нисбатан юқори мамлакат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш бўйича кўпроқ имкониятга эга. Бундай мамлакатларда одатда ишсизлик ва ишга лаёқатли аҳолининг иш излаб бошқа давлатларга бориш даражаси паст.

Юқори маълумотли одамлар, касбий маҳоратини мунтазам ошириш, энг мураккаб технологияларни ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ходимларга эга мамлакат трансмиллий корпорациялар эътиборини доим ўзига жалб қилади. Бу, айниқса, илм талаб буюмлар ишлаб чиқариш ва юқори технологияли хизматлар кўрсатишга ихтисослашган компанияларнинг инвестиция сиёсати ҳақида гап борганда жуда сезилади. Одатда, тўғридан-тўғри хорижий ин-

¹⁰ Jack Mincer, «Schooling, Earning and Experience», 1974

вестиция маълумот даражаси юқори бўлган мамлакатларга оқиб келади ва бу ерда янги, кўп ҳақ тўланадиган иш ўринларини ташкил этади.

Аҳолиснинг маълумоти нисбатан пастроқ бўлган, кам сонли малакали ишчилар, муҳандислар, менежер ва бошқа юқори малакали мутахассисларга эга мамлакатлар эса ўз молиявий жамғармаси ҳисобидан ривожланиши қийин. Бундай мамлакатлар иқтисодиётида хомашё қазиб олиш, уни етарлича қайта ишлаш, мураккаб бўлмаган техника йиғиш ва ҳоказолар билан банд паст ёки ўрта технологик ишлаб чиқариш ҳамда тармоқлар кўп бўлса, маблағ кўпаймайди, албатта.

Маълумоти юқори одамнинг маълумотсиз кишига қараганда иш топиши осонроқ. Ҳар қандай мамлакатда ишсизлик даражаси ҳар доим маълумотсиз аҳолиси орасида юқори.

1.5-жадвал

Ўзбекистонда оила аъзоларининг ижтимоий-демографик хусусиятига нисбатан таълим даражаси (киши)

	Саводсиз		0–9 йиллик маълумот		Тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта махсус, касбунаар маълумот		Тўлиқсиз олий, олий ва ундай юқори маълумотли	
	2004	2005	2004	2005	2004	2005	2004	2005
Битта оилага ўртача бола сони	2,2	2,1	1,7	1,7	1,8	1,7	1,6	1,5
Ўртача битта оилага унинг ишлаётган аъзолари	1,3	1,1	1,1	1,2	1,3	1,4	1,4	1,3
Ўртача битта оилага ишламаётган 16 ва ундан катта ёшли оила аъзолари	2,6	2,7	2,5	2,6	1,8	1,8	1,9	1,9
100 оилага ўртача ишсизлар сони	20,5	25,5	19,4	25,1			15,6	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Уй-рўзғор хўжаликлари бюджетига оид тадқиқот.

Ўзбекистонда уй-рўзғор хўжаликлари бюджетига оид тадқиқотлар материаллари ишсизлик даражаси тўлиқсиз ёки тўлиқ олий маълумотга, яъни энг олий маълумотга эга шахслар орасида пастлигини кўрсатди.

Шу сабабли таълимни ривожлантириш, ундан ҳар бир фуқаронинг фойдаланишини кенгайтириш ишсизликка қарши кураш бўйича давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланиши шарт.

1.2.6. Таълим ва ижтимоий тенгсизлик. Таълим соҳасидаги ислохотлар, шунингдек, илмий-техника тараққиёти суръати ва йўналиши дунёнинг турли мамлакатлари ҳамда минтақаларига бир хил таъсир кўрсатгани йўқ. Натижада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тафовут янада кучайди. Ривожланган мамлакатларда олий таълимнинг умумий ва узлуксиз таълим амалга оширилган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда эса ҳанузгача умумий саводхонлик хусусидаги масала ҳал этилганича йўқ.

Таълимдан фойдаланиш борасидаги тенгсизлик глобал тараққиёт ва ҳар бир мамлакат ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қашшоқ мамлакатларнинг ҳамма нарсадан маҳрум аҳолисининг билим олиши учун давлат томонидан ажратиладиган маблағ улуши аҳоли умумий сони ҳисобга олинадиган бўлса, юқорида қайд этилган аҳоли улушидан анча кам. Бунинг сабаби кам таъминланган оилалардан чиққан кишилар кўпинча ўрта, айниқса олий маълумотга эга бўлиш имкониятидан маҳрумлигича қолмоқда. Қатор қашшоқ давлатларда пулли таълимнинг жорий этилиши киритма қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки кам таъминланган оилалар ўз фарзандларининг билим олиши учун пул тўлай олмайди. Етим ва қаровсиз болалар ҳам шундай аҳволда. Дунёнинг кам ривожланган кўплаб мамлакатларида уларнинг сони ниҳоятда кўп.

Бундан ташқари, билим олишдан кенг фойдаланиш мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни, шунингдек, бир мамлакат миқёсида одамлар ўртасидаги тенгсизликни ҳам бартараф этиши мумкин. 1990 йилда Бангладеш инсон ривожланиши индекси бўйича 1.7-жадвалда кўрсатилган саккиз мамлакатдан орқада эди. Бироқ 2003 йилда улардан ўтиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири Бангладеш ҳукумати, фуқаролик жамиятининг болаларнинг таълим тизимидан фойдаланиши имкониятларини кенгайтиришга доир самарали саъй-ҳаракати ҳисобланади. Бу борада, айниқса, қашшоқ оилаларга уларнинг фарзандлари бошланғич мактабга бориш шарти билан озиқ-овқат билан таъминланиш имконини берган «Мактаб таълими учун озиқ-овқат» дастури ўз самарасини берди. Бу тадбир мактабларга қизларни жалб қилиш кўрсаткичини ошириш ва ўқишни ташлаб кетадиганлар сонини камайтиришга ёрдам берди. Бангладешнинг таълим соҳасидаги муваффақияти унга нафақат юқори иқтисодий ўсиш суръати, балки ижтимоий тенгсизлик кўламини камайтириш имконини берди. У ерда мамлакатнинг 10 фоиз бой аҳолисининг даромади 10 фоиз камбағал аҳоли даромадидан 6,8 марта кўп. Лекин Мадагаскарда бу кўрсаткич 19, Зимбабведа 22, Кенияда 34, Свазилендияда 50, Лесотода 105 баробар юқори.

Йигирманчи асрнинг кейинги йигирма беш йили ичида иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлмаган, қашшоқ ҳисобланган қатор Осиё мамлакатлари

1.6-жадвал

Таълимдан фойдаланиш, ЯИМ ва ИРИ ўзгаришидаги тафовутлар

	Бошланғич ўқув юртлари-га кирганларнинг умумий сони коэффиценти		1 киши учун ЯИМ ўсишининг йиллик суръати, 1990–2003, %	Инсон ривожланиши индекси	
	1990	2003		1990	2003
Бангладеш	71	84	3,1	0,419	0,520
Судан	43	46	–3,3	0,428	0,512
Конго	79	54	–1,4	0,526	0,512
Того	75	91	0,4	0,500	0,512
Зимбабве	86	79	–0,8–22,0	0,637	0,505
Мадагаскар	65	79	–0,9–19,2	0,446	0,499
Свазиленд	77	75	–0,2–49,7	0,624	0,498
Лесото	73	86	2,3–105	0,571	0,497
Кения	74	67	–0,6	0,546	0,474

Манба: Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, 2006 йил

улкан муваффақиятларга эришди. Корея Республикаси, Малайзия, Хитой, Тайвань (Хитой) ва бошқа мамлакатлар иқтисодиётининг юксалиши муайян даражада таълим соҳасидаги чуқур ислохотлар ҳамда аҳолининг таълим тизимининг барча босқичларида ундан кенг фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ (бу ҳақда 1.4-бўлимда батафсил сўз юритилади). Билим олиш учун кенг имкониятлар яратилган аксарият давлатларда аҳоли даромадининг табақалаштирилган даражаси аҳолисининг таълимдан фойдаланиш шароити ёмон бўлган мамлакатларга қараганда анча паст.

Таълим ва аҳоли саломатлиги. Таълим аҳолининг саломатлик даражаси кўрсаткичи ва унинг қутилаётган умр кўриш давомийлиги, яъни инсон ривожланишининг яна бир кўрсаткичи билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистондаги инсон тараққиёти тўғрисидаги 2006 йилги маърузада «яхши таълим олган аҳоли ўз саломатлигига нисбатан яхшироқ ёндашади, профилактика чораларини вақтида қўллайди, соғлом турмуш тарзини йўлга қўяди, вақтида касалликни аниқлашга, ўзига-ўзи биринчи ёрдам кўрсатишга, сифатли тиббий ёрдам олишга қодир бўлади», деб таъкидланган..

Саломатлик даражаси юқори бўлган аҳолининг иш шароити ҳам, даромади ҳам яхши бўлади. Демак, ўз вақтида кўрсатиладиган ва юксак малакали тиббий хизмат ҳақини тўлаш имкониятига ҳам эга бўлишини унутмаслик керак.¹¹

1.7-жадвал

Саломатлик ва таълим Ўзбекистоннинг бюджет тадқиқотларида (Оиланинг катта ёшдаги аъзоларига нисбатан фоиз ҳисобида)

Оила бошлигининг билим даражаси	Соғлиги борасида вақтинчалик қийинчиликларни бошдан кечирган ёки кечирмаган		Соғлиги борасида ҳам ҳар доим қийинчиликларни бошдан кечирган ва оғир сурункали касаллиги бор	
	2002	2005	2002	2005
Бошланғич ва ундан паст	89,3	91,9	10,5	8,1
Тўлиқсиз ўрта	90,6	93	8,0	6,9
Умумий ўрта	95,5	97,4	3,9	2,6
Ўрта махсус	94,3	96	5,3	4,0
Тўлиқсиз олий	88,6	97,4	8,5	2,6
Олий	91,9	94,9	7,7	5,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Бюджет тадқиқотлари маълумотлари.

Билим даражасининг юқорилиги ва илм-фанни ривожлантириш юзага келадиган эпидемия ва пандемияларга яхшироқ қаршилик кўрсатиш имконини беради. Бугун таълим соҳаси яхши ривожланган давлатлар саъй-ҳаракати билан инсоният ОИВ/ОИТС инфекцияси, парранда гриппи, онкологик касалликлар каби офатларга қарши курашмоқда.

Билим даражаси юқори бўлган давлатларда сил, ўткир ичак инфекциялари, безгак, вабо, ўлат каби ижтимоий хавфли, тез тарқаладиган касалликлар даражаси анча паст.

Хотин-қизлар билим даражасининг юқорилиги туғиш даражасини камайтиришга ёрдам беради. Туғилиш даражаси юқори бўлган шароитда Ўзбекистон учун бу демографик муаммолар, хотин-қизлар ва болаларнинг камқонлик билан касалланиш даражасини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу


11 Ўзбекистон 2006. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Тошкент, БМТРД, 2006, 27-бет.

эса ўз навбатида, болалар ва оналар ўлимини пасайтиришга олиб келади. Билим даражаси юқори бўлган аёллар туғадиган болалар одатда оптимал вазнга эга бўлади, туғилишда хавф-хатар ва ўсиш даврида касалликларга камроқ дучор бўлади.

1.2.7. Таълим ва гендер тенглиги. Ўрта даромадли мамлакатларда эркекларнинг саводхонлик кўрсаткичи хотин-қизларникига қараганда анча юқори бўлса, паст даромадли мамлакатларда бу кўрсаткич 1,3–1,5 ни ташкил қилади. Дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида эркекларнинг саводхонлик даражаси хотин-қизларга нисбатан икки баравардан ортади.

Диаграмма 1.2.

Дунёнинг қатор мамлакатларида катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси (15 ва ундан катта ёш), 2002 йил, (%)



Манба: 2006 World Development Indicators..


Бундан ташқари шуни таъкидлаш жоизки, 15–24 ёшли аҳоли ёш тоифасидаги гендер тафовути гарчи мавжуд бўлса-да, унинг даражаси анча паст, айрим мамлакатларда бу кўрсаткич нолга тенглаштирилган.

1,9 ва 1.10-жадвалларда келтирилган маълумотларни таққослаш шуни кўрсатадики, масалан, Ҳиндистонда катта ёшли эркек ва аёлларнинг саводхонлик даражаси ўртасидаги фарқ 25, ёшларники эса 19 фоизни ташкил этади. Индонезияда бу кўрсаткич 9 ва 1, Марокашда 25 ва 16, Эфиопияда 15 ва 13 пунктни ташкил қилади. Хитойда ёшлар саводхонлиги даражасидаги гендер тафовути деярли кузатилмайдиган, Қувайт ва Гаитида эса аксинча — бир-бирига ўхшаш бўлмаган бу давлатларда 15–24 ёшли аҳоли ёш тоифасида хотин-қизлар эркекларга қараганда анча саводли..

Ўзбекистон учун аҳоли саводхонлигида гендер тафовути масаласи унчалик долзарб эмас. Чунки бу ерда эркекларнинг ҳам, хотин-қизларнинг ҳам саводсизлиги бир неча ўн йиллар аввал бартараф этилган.

Диаграмма 1.3.

Дунёнинг қатор мамлакатларида 15–24 ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси, 2002 йил, (%)



Манба: 2006 World Development Indicators, pp. 96–99.

1.2.8. Таълим ва демократик жамиятни ривожлантириш. Жамиятдаги таълим даражаси ва аҳолига берилган эркинликлар даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик бор, деб ҳисобланади. Бу маълум даражада замонавий Ғарбий Европанинг деярли барча мамлакатларига тааллуқлидир. Ушбу давлатларда таълим даражасини ривожлантириш ва кенгайтириш демократик эркинликларни ҳамда аҳолининг улардан фойдаланишини кенгайтириш билан бир пайтда амалга оширилди.

Шунингдек, таълим даражасини ошириш, демократия ва демократик институтларни ривожлантириш бир вақтда амалга оширилмайдиган жараёнлар эканлигини кўрсатувчи кўплаб тарихий ҳамда замонавий мисоллар мавжуд. Одатда, аҳоли билим даражасини ошириш вақт бўйича жамиятни демократлаштириш даражасини юксалтиришдан анча олдин амалга оширилади. Албатта, билимсиз жамиятда демократияни эркинлаштириш ва ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Бироқ билим даражаси юқори бўлган жамиятда ҳам демократияни ривожлантириш автоматик тарзда амалга ошириладиган жараён эмас. Билим даражаси тез ўсадиган жамиятда, айниқса, илгари демократик институтлар ва эркинликлар мавжуд бўлмаган жамиятда демократияни ривожлантириш маълум вақт ҳамда катта куч талаб қилади. Бу нафақат таълим, балки кўпроқ аҳолининг билим даражасини ошириш каби тез ўзгартириб бўлмайдиган менталитети билан боғлиқдир. Албатта, билим олишдан фойдаланишни кенгайтириш ва унинг даражасини ошириш шарт, ammo бу жамиятни демократлаштиришнинг ягона шarti эмас.

Билимли одамлар эркинликни шунчаки қадрламайди ва афзал кўрмайди. Муҳими, улар эркинлик ва демократик қадриятлардан жамият зарари эмас, балки фойдаси учун фойдаланади. Аҳолида демократик менталитетни шакллантириш, унинг демократик институтлар ва эркинликка бўлган эҳтиёжи учун зарур даврни ҳатлаб ўтишга уриниш муваффақиятсиз яқунланади.

Шу тариқа, инсон ривожланиши концепцияси таълимни муҳим инсоний (индивидуал ва ижтимоий) капитал сифатида кўриб чиқар экан, унга замонавий цивилизациянинг асосий муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин ажратади.

Шу билан бирга тарихдан маълумки, таълимнинг ижтимоий тараққиётга таъсир даражаси учта асосий омилга боғлиқдир.

Биринчи омил — бу ҳукуматнинг таълим ва илм-фанни ривожлантиришга қаратилган манфаатдорлиги, сиёсий иродаси ва қобилияти. Қайд этилган жиҳатларнинг ҳар бири таълимни ривожлантиришда ҳал қилувчи ўринга эга ва буни ушбу соҳани ривожлантиришда ҳукуматнинг роли деб аташ мумкин. Яъни, агар буларнинг биттаси амалга ошмаса ҳам таълимни ривожлантиришда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ҳукуматнинг таълимни ривожлантиришдан манфаатдорлиги аҳолиси турмуш даражасини оширишга интилаётган ҳокимиятдагина намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кўпинча бойиш ёки ўз нафсониятини қондиришни кўзлаган ҳокимият аҳоли билим даражасини оширишга сунъий равишда тўсқинлик қилади. Афсуски, ҳукумат (ҳукмдорлар) аҳолининг билим олиш имкониятини онгли равишда чеклаганлиги ҳақидаги мисолларни нафақат қадимий ёки ўрта аср тарихидан биламиз, балки буни ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин. Чаласавод ва қашшоқ аҳолини бошқариш осон. Бундай парадигма узоқ муддатли нуқтаи назардан қараганда, мамлакат учун ҳам, унинг халқи учун ҳам фалокатлидир.

Ислохотларни амалга ошириш ва кенг кўламли таълим дастурларини амалга ошириш учун манфаатдор бўлишдан ташқари сиёсий иродага ҳам эга бўлиш даркор. Мамлакат аҳолисининг билим даражасини оширишдан манфаатдор бўлмаган ташқи ва ички кучлар ҳукуматнинг сиёсий иродасига қаршилик қилиши мумкин. Турли давлатларда турли тарихий даврларда бундай тўсиқларни мутаассиб дин намояндалари ташкил қилган ва ҳозир ҳам ташкил этади. Бугунги кунда ҳам қатор давлатларда диний ақидапарастлик жамиятда таълим ва илм-фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганига оид мисоллар келтириш мумкин. Дунёнинг аксарият давлатларида ҳукуматнинг сиёсий иродасига кўрсатиладиган ушбу салбий таъсирни бартараф этиш учун дин ва унинг институтлари фаолияти давлатдан ажратилди.

Ҳукуматнинг таълим соҳасидаги ислохотлар амалга оширилишини ва аҳолининг билим олишдан кенг фойдаланишини таъминлаш салоҳияти ҳукумат аъзоларининг билим савияси ҳамда давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ.


Иккинчи омил — бу таълимдан аҳоли кенг қатламининг фойдаланиш даражаси. Қадимги цивилизация мамлакатлари, шунингдек, Уйғониш даври ва илк ўрта асрда Европа ҳамда Марказий Осиё давлатларида янги эра бошлангунча илм-фан ва маданиятнинг юксалиши ўзининг муайян чекланишига эга бўлган. Бунинг сабаби жамиятнинг тор доирадаги, элита қисми юқори сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлгани туфайли тараққиёт ҳам унга асосланганидадир. Натижада ўша даврнинг буюк одамларининг кашфиётларига талаб бўлмади. Негаки, жамият бу кашфиётларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга тайёр эмасди.

Аҳолининг кенг қатлами учун таълимдан фойдаланиш имкониятини яратиб берган Европа мамлакатлари, Осиё ва Американинг қатор давлатларида таълим тизимидаги ислохотлар XX асрда кўплаб саноат ҳамда илмий-техника соҳасидаги инқилобларнинг асосий сабабига айланди.

Учинчи омил — бу таълим сифати ва уни инсон фаолияти натижаларига айлантириш қобилияти. Аҳоли саводхонлигининг юқори даражаси аҳоли билим

Диаграмма 1.4.

Математика ва табиий фанларни ўқитиш соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эга еттита мактаб тизими



Манба: Л. Гребнев. Образование: услуга или жизнь? Вопросы экономики, № 3, 2005 г., с. 39.

даражасининг муҳим мезони ҳисобланади. Бироқ, бу ягона мезон эмас. Аҳолининг таълимдан фойдаланиши бўйича юқори кўрсаткичларга эга кўплаб мамлакатлар жамиятни инновацион ривожлантириш борасида бундай кўрсаткичларга эришолмаган. Бу ҳолат унинг хусусиятларини аниқлаб берувчи кўплаб омилларни ўз ичига олган бўлиб, турли сабаблар билан изоҳланади. Бу ерда ушбу омилларнинг, бизнингча, асосийлари ҳисобланган иккитасини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: а) талабчанлик ва табиий ҳамда муҳандислик фанлари соҳасидаги билим даражасини ошириш; б) билимни инсон фаолиятининг барча жабҳаларига тез ўзгартиришга қодир институтларни ташкил этиш.

Мисол учун, собиқ совет даврида таълим тизими мактаб ва олий таълимнинг нафақат умумийлиги, балки юқори сифатини ҳам таъминларди. Бироқ бу тизим эгалланган билимни амалда қўллаш кўникмаларини талаб даражасида сингдира олмади. Бунинг натижасида ўқув юртлари битирувчилари эгаллаган билимини амалий ҳаётда қўллашни ўрганиш учун киритма равишда кўп вақт сарфларди.

Келтирилган диаграммадан кўришиб турибдики, мамлакатда билим даражасини тегишли равишда юқори кўтариш ҳам эгалланган билимни амалда самарали қўллаш кафолати ҳисобланмайди.

Бундан ташқари фавқулодда ҳолатларда аҳолининг эгалланган билимдан фойдаланиш қобилиятида катта фарқ борлиги аниқланмоқда. Маърузанинг учинчи ва тўртинчи бобида таълимни иқтисодий билимга жорий этиш жараёнларини таҳлил қилишда ушбу ҳолатни батафсилроқ муҳокама қиламиз.

1.3. ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўтган бўлимда келтирилган таълимга, у орқали жамиятда инсон ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар билан бир қаторда инсон фаолиятининг бошқа турлари ҳам мавжуд. Уларнинг ҳам таълимга таъсири жуда ошди.

1.3.1. Таълимнинг иқтисодий ривожланишга таъсири. Инсон ривожланиши кўрсаткичларини шакллантирувчи энг катта миқдорий индекс ялпи ички

маҳсулотнинг аҳоли жон бошига кўрсаткичи ҳисобланади. Дунё мамлакатлари ушбу кўрсаткич бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бунинг сабаби эса, мамлакатнинг тарихий илдиэлари, сиёсий конъюктураси, ресурс имкониятлари ва ҳоказолар билан боғлиқ омиллардир.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг узок муддатли трендлари тахлили ва уларда таълим даражасини ошириш мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги яқин боғлиқлик борлигидан далолат беради. Узок муддатли даврий трендда таълим даражаси паст бой мамлакат йўқ. Шу билан бирга, қисқа муддатли ва ўрта муддатли трендлар бошқа ҳолатни кўрсатиши мумкин. Ўтган асрларда колонияларни босиб олиш ва талончилик урушлари туфайли вақтинчалик бой мамлакат бўлиш мумкин эди. Англия, Испания, Португалия ва дунёнинг бошқа давлатлари асрлар давомида шундай йўл тутди.

Замонавий даврда айрим ҳолларда мамлакат нақд пулга айланадиган табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг нархининг ошиши туфайли бой бўлмоқда. Мисол учун, Яқин Шарқнинг нефтга бой олти мамлакати — Бахраин, Қатар, Қувайт, БАА, Оман ва Саудия Арабистонида таълим даражаси Ўзбекистондагидан паст эди. Масалан, бу кўрсаткич Қувайт ва Бахрайнда 6, Қатарда 7, Оманда 15, Саудия Арабистонида 20, Бирлашган Араб Амирликларида 23 пунктга паст (кейинги иккита кўрсаткич Зимбабве, Лесото ва экватордаги Гвинея каби қашшоқ мамлакатлардан ҳам паст). Бироқ ушбу мамлакатлар ер остидаги углеводород ёқилғисининг беҳисоб захираси уларга бугун дунёнинг энг юқори даромадли давлатлари қаторига қўшилиш имконини беради. Қайд этилган мамлакатларда 2004 йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот улуши Ўзбекистондагига қараганда анча юқори. Саудия Арабистонида бу кўрсаткич қарийб 14, Оманда 15, Қувайт, Қатар ва Бахрайнда 19–21, БААда 24 минг АҚШ долларидадан ошиқ.

2004 йилда таълим даражаси ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ўртасидаги тафовут Тожикистонда (таълим даражаси индекси фойдасига тегишли равишда 0,90 ва 0,41 ёки 49 пункт) ва БААда (ЯИМ индекси фойдасига 21 пункт) мавжуд эди. Ушбу тафовутлар кўлами дунё миқёсидаги унчалик катта бўлмаган ва атиги икки пунктни ташкил этадиган ўртача кўрсаткичдан (таълим индекси 0,77, ЯИМ индекси 0,75) анча фарқ қилади.

Бироқ замонавий глобаллашув ва ўсиб бораётган халқаро рақобат шароитида хомашё бойлиги, агарда у аҳолининг ошиб бораётган билим даражаси ҳамда эгалланган билимни иқтисодиётга самарали йўналтириш орқали қўллаб-қувватланмаса, узокқа етмайди.

Инсон ривожланишининг асосий параметрлари — таълим индекси ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот улушини ифода этувчи индекслар ҳажми таққосланса, юқорида айтилган гаплар ўз тасдиғини топади. Айрим мамлакатлар даражасида таълим индексининг аҳамияти ЯИМ юқори кўрсаткичига ҳар доим ҳам мос келмаса, мамлакатлар аҳоли жон бошига даромад миқдори бўйича жамланса бундай мувофиқлик ўз-ўзидан ойдинлашади. Таълим даражаси индексининг ошишига қараб ялпи ички маҳсулот индекси ҳам ўсади.

Таълим ўқитиш, билим, кўникма ва қобилият беришга ихтисослашган соҳа, фаолият тури сифатида жаҳон иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланди. Ушбу соҳа ва у билан боғлиқ илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) соҳасининг асосий параметрларини ифода этувчи рақамлар кишини ҳайратга солади. Дунёда давлатлар таълимни ривожлантириш учун йилига 2 триллион АҚШ доллари сарфламоқда. Биргина юқори даромадли мамлакатлар-

1.8-жадвал

Дунё мамлакатларининг айрим гуруҳлари хос таълим даражаси ва ЯИМ ўртача индексининг таққоси

	Таълим даражаси кўрсаткичи	Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи
Бутун дунёда	0,77	0,75
юқори даромадли мамлакатлар	0,97	0,96
ўртача даромадли мамлакатлар	0,84	0,70
паст даромадли мамлакатлар	0,58	0,52
ИРИ юқори дастлабки 10 мамлакат	0,975	0,970
ИРИ юқори иккинчи 10 мамлакат	0,973	0,951
ИРИ юқори учинчи 10 мамлакат	0,943	0,911
ИРИ паст охиргидан олдинги 10 мамлакат	0,540	0,404
ИРИ паст охирги 10 мамлакат	0,367	0,374

Манба: Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, 2006 йил

да ИТТКИ соҳасида фаолият кўрсатаётган 3,6 миллион нафар олим бор, мазкур соҳани ривожлантириш бўйича умумий харажатлар эса йилига 1 триллион АҚШ долларидадан ошиқ маблағни ташкил этади.¹²

АҚШда илм-фан ва юқори технологиялар соҳасида банд аҳолининг 8 фоизи ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини яратади. Ишлаётган қарийб 66 фоиз аҳоли олий ёки тўлиқсиз олий маълумотга эга. Мамлакат ҳукумати бу кўрсаткични 90 фоизга етказиш ниятида.¹³

Таълим қўйидаги таркибий қисмлар орқали иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир кўрсатади:

1) **Илмий кашфиётлар, инновация лойиҳалари, замонавий технологияларни жорий этиш.** Ишлаб чиқаришда барча турдаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини фақат илмий кашфиётларни замонавий технологик жараёнга жалб қилиш асосидагина тубдан ошириш мумкин. Иқтисодий ўсишнинг турли назарияси барқарор иқтисодий ўсишга иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитидагина эришиш мумкинлигини кўрсатади.

2) **Ишчи кучи сифати ва уни таснифлаш.** Ижтимоий соҳа, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришга капитал қўйилмалар етарлича сарфланмаса, бу иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади.

Ишлаб чиқаришда профессионал мутахассислар етишмаса, янги ва юқори даражада аниқ технологияларни ушбу соҳага самарали жорий этиб бўлмайди. Айнан билимлар манбаи, малакали, ўз касбини яхши эгаллаган ходимлар тайёрланадиган «бешик» ҳисобланувчи таълим инновацияларни жорий этишда муҳим омилга айланади. Таълим янги технологиялардан юқори даражада фойдаланиш, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, инновацион жозибдорлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Ишчилар, муҳандислар, менежер ва бошқа мутахассислар талаблар даражасида тайёрланмайдиган мамлакатлар иқтисодиёти хомашё қазиб олиш ҳамда унга юзаки

12 Маълумотлар бўйича ҳисобланган: Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, 2006 йил

13 Ўзбекистон: Иқтисодиётни ривожлантириш учун билимга асосланган таклифлар. Иқтисодий тадқиқотлар маркази маърузаси, Тошкент, 2004 йил, 9-бет

қайта ишлов бериш, техниканинг нисбатан оддий турларини йиғишга ихтисослашган паст ва ўрта технологик ишлаб чиқаришлар билан чекланишга маҳкумдир.

Айни пайтда юқори маълумотли, энг мураккаб технологияларни ўзлаштиришга интилувчан ходимларга эга мамлакатлар юқори билим ва илм талаб буюмлар ишлаб чиқариш ва юқори технологик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган халқаро корпорациялар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилади.

Яна шу нарса аёнки, инсон салоҳиятини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш учун сарфланадиган инвестициялар миқдори товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириладиган капитал қўйилмалардан кўпроқ бўлиши лозим. Бу борада ривожланишининг дастлабки босқичида илғор таълим тизимини шакллантириш учун катта куч сарфлаган Малайзия, Маврикия, Жанубий Корея, Сингапурдан ўрнак олса бўлади. Ушбу мамлакатларда таълим тизимини фаол ислоҳ қилиш аҳоли жон бошига туғри келадиган даромад паст бўлган даврда, иқтисодий ислохотлар ва хорижий инвестициялар оқими энди пайдо бўлаётган бир пайтда бошланган эди.

1.2-киритма.

Таълимни ривожлантиришда Сингапур тажрибаси

Сингапур Буюк Британия мустамлакаси бўлган пайтда унинг саноати асосан минерал ёқилғи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (қалай, нефть, каучук, пахта, кокос ва ҳоказо) қайта ишлашга ихтисослашган эди. Шунга қарамай, ўша даврдаёқ, таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. 1954 йили 1,2 миллион аҳолига эга Сингапурда 563 ўқув юрти (жумладан 200 дан зиёд инглиз тилида ўқитиладиган мактаб ва университет), 186 минг нафар ўқувчи бор эди.* Мустақилликка эришгандан сўнг бир неча йил ўтгач, мамлакат раҳбарияти иқтисодиётни тез суръатда кўтариш мақсадида чет элдаги энг яхши ўқув юртларида кадрлар тайёрлашга киришди. 80-йилларда ўша даврда эришилган ривожланишининг юқори суръатини сақлаш мақсадида хотин-қизлар орасида олий таълимни ривожлантириш бўйича самарали чоралар кўрилди. Сўнгги йилларда мамлакат ва хориж олий ўқув юртларида илм-фаннинг энг замонавий йўналишлари ва илғор технологиялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш устувор вазифалардан бирига айланди.

Ушбу ва бошқа чора-тадбирлар натижасида Сингапур илмий-техник ривожланиш соҳасида жаҳонда етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Айни пайтда бу мамлакат Ер шарида 10 минг киши ҳисобига олимлар кўпчиликини ташкил этадиган (47) беш мамлакат қаторидан жой олган. Сингапур ялпи ички маҳсулотга нисбатан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) маблағ сарфлаш даражаси бўйича ўзининг собиқ мустамлакачиси Буюк Британиядан ҳам олдинда — 2,1 фоиз, юқори технологияли буюмларни экспорт қилиш бўйича жаҳонда бешинчи (2003 йилда 88 миллиард доллар), қайта ишлаш саноати маҳсулоти экспортида ушбу буюмлар улуши бўйича (59 фоиз) иккинчи ўринда туради.

* Хорижий мамлакатлар. Маълумотнома. Москва, 1957 йил, 499-бет.

- 3) **Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш асослари, унинг ифлосланишининг олдини олиш, биологик хилма-хиллик, экологик маданиятни юксалтиришга оид билимни жорий этиш ҳамда амалда қўллаш.** Ушбу муаммоларга жиддий эътибор қаратадиган давлатлар ресурсларни исроф қиладиган ва атроф-муҳитни ифлослантирадиган саноат ҳамда аграр сиёсат оқибатларининг олдини олади. Улар кўп энергия ва материал талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ҳаддан зиёд ривожлантиришга йўл қўймаслик учун амалий чоралар кўради. Бундай мамлакатлар ҳукуматлари ўз хўжалик фаолиятида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ерга минерал ўғитлар,

гербицид ва пестицидларни белгиланган миқдорда солишга қаратади. Пировард натижада бу ноишлаб чиқариш ресурслар ва одамлар яшайдиган табиий муҳитни асрашга ёрдам беради.

4) **Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг анъанавий ишлаб чиқаришдан юқори технологиялардан фойдаланадиган ишлаб чиқаришга ўтишига таъсири.**

Бу юқори технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган етарлича мутахассисларни ўз вақтида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш орқали таъминланади:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) соҳаси учун;
- бу борадаги ишлар жорий этилиб, улардан фойдаланилаётган тармоқлар, корхоналар ва ишлаб чиқаришлар учун.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича дунёнинг аксарият мамлакатларидан ортда қолишнинг олдини олиш учун барча имкониятларга эга. Авваламбор, бунга ислохотларни чуқурлаштириш, молия сектори, моддий ишлаб чиқариш соҳаси, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасига инвестиция сарфлашни ошириш ҳисобидан эришиш мумкин. Бироқ бунинг учун, аввало, мамлакатнинг ижтимоий соҳасида муҳим ислохотларни амалга ошириш лозим. Ушбу соҳага биринчи навбатда, таълим тизими эътиборга олинган ҳолда катта миқдордаги инвестиция йўналтириш даркор. Республика бюджетидан таълим учун ажратилаётган маблағлар улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётганини ҳам айнан таълимнинг роли катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таълим соҳасига инвестиция киритиш бирданига эмас, балки узоқ вақтдан сўнг ўз самарасини беради. Бунда ушбу самара кўлами қанча кенг бўлса, бажариладиган вазифа ҳам шунча қийин бўлади. Масалан, фермерларни янги технологияларга ўқитиш натижаларини аниқлаш қийин эмас: ҳосилдорликнинг ўсиш суръати ўқиш харажатлари билан таққосланса, олинадиган фойда ва сарфланган харажатларни қоплаш муддати аниқ бўлади. Таълим соҳасига умуммиллий инвестицияни жалб қилиш самарадорлигини ҳисоблаш анча қийин иш. Ушбу ҳолатда таълимга йўналтирилган инвестиция самараси иқтисодийнинг барча жабҳалари ва ижтимоий соҳада турли шаклларда ҳамда турли вақтда намоён бўлади.

Шунингдек, таълим соҳасига маблағ сарфлаш муайян субъектив сабаблар туфайли кутилган иқтисодий натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Қуйидагилар шундай сабаблар сирасига киради

- мамлакатни ривожлантиришнинг нотўғри танланган стратегияси, ҳукумат иқтисодий сиёсатидаги жиддий хатоликлар. Масалан, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва хизматлар тегишли равишда қўллаб-қувватланмаганда, қазиб олиш саноати, юқори ликвидли хомашёни экспорт қилиш билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришни жадаллаштириш. Бу ҳолат миллий иқтисодийнинг узоқ муддатли манфаатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ишлаб чиқарилмайдиган хомашё учун жаҳонда нархлар конъюктураси ёмонлашганда иқтисодий ўсиш қайта ишлаш саноати ва юқори технологиялар томонидан қўллаб-қувватланмагани боис тўхташи ёки кескин пасайиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Таълим тизими эса бу вақтда хомашё соҳасида меҳнат қиладиган мутахассислар сонини кўпайтириши мумкин. Натижада мамлакат аҳоли билим даражасининг ўсиши иқтисодий соҳаси билан бир хил ривожланмайди;

- малакали кадрларнинг четга кетиб қолиши. Мамлакатда илм талаб, юқори технологияли тармоқларнинг етарлича ривожланмагани, молиялашнинг камайиши, моддий рағбатлар ва инновация фаолияти механизмларининг йўқлиги малакали мутахассислар ҳамда олимларнинг кетиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда мутахассисларни тайёрлаш учун сарфланган катта миқдордаги маблағлар ходимларга илмий, инновация ва ишлаб чиқариш фаолияти учун қулай шароитлар таклиф этишга қодир бошқа мамлакатлар томонидан ўзлаштирилади;
- таълим жараёнининг иш берувчилар талаб ва эҳтиёжларига мос келмаслиги. Бунинг натижасида ўқув юртлари битирувчилари ўқиш жараёнида эгаллаган билимини амалда қўллашни билмайди, илғор хорижий тажрибани маҳаллий шароитга мослаштира олмайди;
- таълим муассасалари иши сифатининг пастлиги, уларда порахўрликнинг авж олиши ва бунинг натижасида мутахассисларни тайёрлаш сифатининг пасайиши ва битирувчиларнинг ўз касбини яхши билмаслигига олиб келади. Қайд этилган ушбу жиҳатларни бартараф этиш ҳозирги дунёда ўзининг рақобатбардошлигини сақлашга интиладиган ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ва таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим қисмига айланиши лозим.

1.3.2. Таълимнинг аҳолини миллий ва глобал фуқаролик руҳида тарбиялашга таъсири

Мен сизнинг фикрингизга мутлақо қўшилмайман,
аммо, сиз шу фикрни айтишингиз учун. жонимни
фидо қилишга тайёрман.

Вольтер

Миллатлараро ва динлараро низолар, шунингдек, жамиятда ижтимоий кескинликни юзага келтирадиган ақидапарастлик, диний ва сиёсий экстремизм хуружлари мамлакат хавфсизлиги учун тўғридан-тўғри таҳдид ҳисобланади.

Бутун инсониятга қарши чиққан халқаро терроризмнинг кенг тарқалиш хавфи замонавий дунёда ўта жиддий муаммо ҳисобланади ва шундай бўлиб қолмоқда.

Бу хавфнинг сабаб ва манбаларининг илдизи чуқур томир отган. Мамлакатлар ўртасида жиддий иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик муаммолари дунёда қарама-қаршилиқлар ва кескин вазиятлар кучайишига асосий сабаб бўлмоқда. Аксарият давлатлар ва минтақаларнинг қашшоқлиги, аҳоли билим савиясининг пастлиги Ер юзида бузғунчи кучлар фаолияти учун қулай замин яратмоқда. Ушбу кучлар террор, сиёсий ва иқтисодий шантаж услубларидан фойдаланган ҳолда, ўз ҳокимияти ва халқаро таъсир кўрсатиш тизимини тузишга интилмоқда.

Бугунги кунда халқаро терроризм ўз фаолиятида энг сўнгги илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланаётгани, ўз сафига билимли ва юқори маълумотли кишиларни жалб қилаётгани, уларни Ер юзида тинчлик ва тотувликни бузиш куралига айлантираётгани эътиборни ўзига тортади.

Бироқ шу нарса аёнки, терроризм қашшоқ ва ўта қашшоқ мамлакатлар аҳолисининг «норози қатламлари»га таянмаганида, халқаро хусусият касб эта олмасди.

Бугун халқаро терроризмнинг «алоҳида танлаб олинган марказлари»ни бевосита ҳарбий куч билан бостириш ушбу хавфга қарши курашнинг кенг тарқалган шаклига айланди. Бундай ёндашув мақсадларидан бири «аҳолининг терро-

ризмга қарши чиқаятган қатламлари»ни шакллантиришдир. Ироқ, Ливия, Фаластинда АҚШ ва коалиция кучларининг бошқа мамлакатлари томонидан қўлланаётган ушбу услуб айни пайтгача кутилган самарани бергани йўқ. Бундан ташқари бу услуб иккита «норози қатлам» — қашшоқ ва ривожланган мамлакатлар ўртасида адоватнинг кенгайиб, янада кучайишига, ушбу адоватни XXI асрнинг сурункали халқаро касаллигига айланишига сабаб бўлмоқда.

Дунё мамлакатларининг бой ва қашшоқ давлатлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни камайтириш бўйича саъй-ҳаракати инсониятнинг халқаро терроризмдан қутулишининг амалий йўлларида бири бўлиши мумкин. Бунга ушбу мамлакатлар аҳолисининг умумий билим даражасини ошириш ёрдамида ҳам эришиш мумкин. Чунки маълумотли аҳоли катта имкониятларга эга бўлади:

- иш билан банд, барқарор ва кўпайиб борадиган даромадга эга бўлади. Бу эса мамлакат ичида ва халқаро миқёсда қашшоқлик ҳамда ижтимоий тенгсизлик кўламини қисқартиради;
- ўз малакасининг доимий ошишидан, малакани ошириш бўйича турли таълим ва тренинг дастурларида иштирок этишдан манфаатдор бўлади;
- ишдан бўш вақтда шуғулланиш учун турли машғулот ва қизиқишга эга бўлади;
- фарзандларини тарбиялаши, уларда таълимга бўлган қизиқишни ривожлантириши, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари орқали ёшларда умуминсоний одоб-ахлоқ нормаларини шакллантиради.

Маълумотли одамлар одатда ўз касбини эъзозлайди, ўзининг интеллукуал салоҳиятини кенгайтиришга, моддий фаровонлигини кўпайтириш ва буни ўз меросхўрларига етказишга интилади. Бундай одамлар қарама-қаршиликлардан манфаатдор эмас, жамият ва шахсий ҳаётида фақат тинч шароитдагина тараққиётга эришиш мумкинлигини яхши билади.

Маълумотли кишиларни алдов йўли билан бузғунчи кучларга жалб қилиш қийин. Улар турли адабиётларни ўқийди, радио-телевидение ва газеталардан фойдаланади, мустақил фикрлайди ва онгли равишда қарор қабул қила олади.

Тараққийпарвар жаҳон ҳамжамияти барча мамлакатларда, биринчи навбатда, қашшоқ ва ўта қашшоқ мамлакатларда аҳоли билим даражасини оширишдан манфаатдор бўлиши керак. «Халқаро терроризм марказлари»ни қурролли куч билан бостириш учун ишлатилаётган молия маблағларини ривожланаётган давлатларда тенгсизликни камайтириш, қашшоқликка қарши курашиш ҳамда аҳоли билим даражасини оширишга сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ривожланаётган давлатлар ҳам аҳоли билим даражасини оширишдан манфаатдор бўлиши, маълумотли одамлар фуқаролик қадриятлари тарқатувчиси ва бу қадриятларсиз сиёсий жиҳатдан етук давлат барпо этиб бўлмаслигини эътиборга олиши лозим. Аҳолиси билимли, маълумотли бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик тамойил ва эркинликларини ривожлантириб бўлмайди. Фақат маълумотли одамгина ўз мамлакатини истиқболини кўришга ва фуқаролик масъулияти билан унинг келажагини барпо этишда иштирок этишга қодир.

Аҳоли кенг қатламини ривожланишининг янги стратегияларини қўллаб-қувватлаш ва билимли миллий намоёндаларни тайёрлаш учун маърифатли қилиш зарур. Ушбу чора-тадбирлар натижасида инновация ишланмаларини ишлаб чиқиш, фундаментал ва амалий илмий кашфиётлар қилиш қобилиятига эга маълумотли одамлар пайдо бўлади.

Инсон ривожланиши концепцияси «ривожланиш мақсадидаги хилма-хиллик» принципи устувор бўлган шароитни қўллаб-қувватлайди. Ақидапарастлик асосида шаклланган мафкура бошқа фикрда бўлишга йўл қўймайди, жамоатчилик онгини захарлайди, давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро мос муносабатларга, жамиятда ривожланишга тўсқинлик қилади.

Якка ҳокимлик, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг ҳам келажаги йўқ. Эркин фикрлашни чеклайдиган мафкура эса шахснинг виждон, сўз ва фикрлаш эркинлигининг асосий ҳуқуқларини бузади, якка ҳокимлик, тоталитаризм ва мустабидлик белгиси ҳисобланади.

Албатта, ўз фикрини эркин ифода этадиган шахс ёки ижтимоий гуруҳ аввало, аниқ ва асосли мақсадга эга бўлиши, ўз ғояларини амалга ошириш оқибатлари учун масъулиятни ҳис этиши, мунозара ўтказиш бўйича қабул қилинган нормаларга амал қилиши лозим. Бошқача айтганда, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги қонун талабларини инкор этмаслиги, миллий манфаатларга зид бўлмаслиги, умумбашарий одоб-ахлоқ қоидаларидан четга чиқмаслиги даркор.

Фуқаролик жамиятини қуриш таълим жараёнига фуқаролик ҳис-туйғуси, Ватанга содиқлик, фидойилик асосларини шакллантиришга ёрдам берадиган махсус услубларни жорий этиш зарурлигини талаб қилади. Бунинг устига фуқаролик ҳис-туйғуси, Ватанга содиқлик, фидойиликни шахснинг маданий-тарихий, маънавий-маърифий билими, қобилияти сифатида кўриб чиқиш керак. Бундай ҳислат ва билим биргаликда инсонга демократик фуқаролик ҳамжамиятида иштирок этиш, мустақил ва танқидий фикрлаш, фикрлар хилма-хиллиги шароитида ўйлаб ҳаракат қилиш, миллий ифтихор ва қадр-қиммат ҳиссини чуқур англаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш ва бошқа ҳолатларда ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Одамларда фуқаролик ҳис-туйғуси, Ватанга содиқлик, фидойиликни шакллантириш шахснинг маънавий тарбияси ва ақлий қобилияти билан таъминланади. Мамлакат таълим тизимининг барча даражасидаги ўқув юртларида таҳсил олаётган ўқувчиларда фуқаролик ҳис-туйғуси, Ватанга содиқлик, фидойиликни шакллантиришга ёрдам берадиган махсус ўқув курсларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Курслар дастурларида ижтимоий фанларни ўқувчиларнинг мамлакат тарихи ҳамда ижтимоий маданияти билан танишув сифатида ўрганиш кўзда тутилиши керак. Ўқувчиларга баҳс-мунозаралар учун кенг қўламли мавзу ва муаммолар, ўз мамлакати ҳамда бошқа мамлакатлар фуқаролик қадриятлари тизимини танқидий таҳлил қилиш учун материаллар тақдим этилиши лозим. Шунингдек, бундай курсларда фуқаролик қадриятларини қўллаб-қувватлайдиган ва ривожлантирадиган мерос ҳамда тиллар хилма-хиллиги таҳлил қилиниши даркор. Ёшлар ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ўз ҳаётининг мазмуни ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун тегишли шароитларни тунтириб беришга жалб қилиниши керак.

Фуқаролик ҳис-туйғуси, Ватанга содиқлик, фидойиликни шакллантириш ривожланишининг инновация услуби сифатида кўриб чиқилиши лозим. Ушбу жараён ўқувчиларни турли норасмий, ижтимоий хизматлар ва ташкилотлар учун лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга тайёрлайди. Йигит-қизлар шу тариқа тегишли билим ва қобилиятга эга бўлган ҳолда, бошқа одамлар билан амалий ишлашга қизиқади. Бу эса келгусида уларга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига фаол аралашишда ёрдам беради.

1.3.3. Таълимнинг ақлий ва маънавий ривожланишга таъсири. Инсон ривожланиши концепцияси инсон капитали концепциясидан фарқли ўлароқ, таълимни фақат ишчи кучининг меҳнат унумдорлигини оширадиган восита ва унинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси сифатида кўриб чиқмайди ҳамда баҳоламайди.

Инсон капиталини ривожлантириш концепциясининг мақсади иқтисодий ўсиш ҳисобланади, инсонга эса бу мақсадга эришишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Бошқача айтганда, инсон ушбу концепцияда мақсадга эришиш воситаси ва «мамлакатнинг бойлик ишлаб чиқариш қобилиятининг энг муҳим кўрсаткичи», холос.¹⁴

Инсон ривожланиши концепцияси эътибор марказида эса инсон, унинг барча учун шахснинг ҳар томонлама ва мувофиқ тарзда ривожланишини таъминлайдиган ресурслардан фойдаланиши учун тенг шароит яратиш мақсади туради. Ушбу ҳолатда иқтисодий ўсиш бу хайрли мақсадга эришиш воситаси ҳисобланади.

Инсон ҳаёти фақат моддий фаровонликдан иборат бўлмаслиги керак. Инсоннинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқи шундаки, у ақлий ва маънавий фаолият юритишга қодирдир. Бундан ташқари ақлий ва маънавий фаолият ҳар доим инсон турмушининг бир қисми бўлган. Бусиз инсон ҳаёти маънавий жиҳатдан бой ва мукамал бўлмайди. Таълим инсоннинг кўплаб «ноиқтисодий» қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим барча халқлар маданияти ва санъати пойдевори ҳисобланади. Адабиёт, рассомлик, театр санъати, кино, телевидение таълим туфайли пайдо бўлди. Олам пайдо бўлганидан буён аҳоли билим даражаси юқори бўлган давр ҳамда мамлакатларда маданият ва санъатнинг ривожлангани бежиз эмас.

Инсоннинг маънавий ва ақлий эҳтиёжлари, қобилиятини шакллантиришга таъсирини аниқлашда таълимга муҳим аҳамиятли хусусиятларини бир-бири билан боғлиқ давлат, жамият ва шахс нуқтаи назаридан қараш қабул қилинган. Юқорида қайд этилган хусусиятларни бир-биридан аниқ фарқлаш барча томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадли йўналишларини шакллантириш имконини беради.

Шахс даражасида — бу шахснинг ўзининг табиий хислатларини тўлиқ намоён этиши, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириш имконияти. Бир пайтнинг ўзида бу инсонга ишда ўзини намоён этиш имконини берадиган умумий ва касбий билимларни эгаллашдир. Маълумотли киши маънан бой, унинг ҳаёти фақат моддий фаровонлик билан чекланиб қолмайди. Таълим инсонга ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳаётини тўлақонли ва мукамал қилиш имконини беради.

Давлат даражасида — давлат мамлакат ақлий салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши даркор. «Фанлар иқтисодиёти»ни кенг жорий этишда маълумотга эга бўлиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини тўплашнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, халқнинг озод, демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаати йўлида фойдаланиш қобилиятини осон шакллантиради.

14 Drucer P. The Educational Revolution//Education Economy and Society. New-York-London, 1969 йил, 19-бет.

1.3-киритма.

Совет таълим тизимида давлат мафкурасининг етишмаслиги.

Совет таълим тизими:

- ниҳоятда мафкуралашган эди ва ҳукмрон мафкура доирасига мос келмасликка тоқат қила олмасди;
- жаҳон илм-фани, адабиёти ва маданиятининг кўплаб дурдоналаридан фойдаланишни ман этди, уларни ёшлар учун зарарли, деб эълон қилди, кутубхоналардан олиб ташлади, ёшларга нима керак, нима керак эмаслиги ҳақида ўйлаб кўриш ҳуқуқини ўз зиммасига олди;
- Ғарб, капитализм, бойлик, дин, ҳақиқат тушунчалари мафкуравий мақсадларга мос келмаса, уларга нисбатан мурасасизликни тарбиялади;
- мамлакат ва унда яшаган халқлар ўтмишининг бутун бир саҳифасини ўчириб ташлади ёки қоралади, халқ ўтмиши — бу миллий бойлик эканини унутди;
- ёшлар онгига ақлни ўзига бўйсиндирадиган, борлиқ ва жамиятга мустақил ҳамда ҳолисона кўз билан қарашдан маҳрум этган кўплаб ҳаётий қолипларни сингдирди!

Таълимни мана шундай принциплар асосида қурадиган мамлакат равнақи узоққа чўзилмайди. Бу ҳам биз унутмаслигимиз лозим бўлган тарих сабоғидир!

Инсон ривожланиши тўғрисидаги маърузадан. Ўзбекистон, 1997 йил.

Жамият даражасида таълим жамиятни ривожлантиришга қаратилган алоҳида глобал маънавий қадриятлар, ўзига хос ижтимоий менталитет ва дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Фақат маълумотли ва маънан бой одамларгина муаммоларни урушлар ёрдамида ҳал қилишни мутлақо рад этишга қодир жамиятни шакллантириши мумкин. Ҳақиқий маълумот олган ва маънавияти юксак кишилар қандай шароитда бўлмасин, зўравонлик ва терроризмнинг ҳар қандай кўриниши ва адоватни рад этади. Фақат маънан бой одамларгина глобал экологик муаммоларни шахсий муаммолари, миллий давлатлар ва ҳукуматлар муаммоларидан устун қўйиши мумкин.

Жамиятни ақлан ривожлантириш — бу ижтимоий тараққиёт асосидир. Бусиз илмий-техник тараққиётга эришишнинг имкони йўқ, инсоннинг глобал манфаати — жамиятнинг барқарор ҳаётини таъминлайдиган кашфиётларни амалга ошириб бўлмайди.

1.4. ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ. ЎТИШ ДАВРИДАГИ ТАЪЛИМ

Ўз халқининг моддий, ақлий ва маънавий бойлигини оширишга интилаётган ҳар қандай давлат ўз мамлакати миллий моделида ушбу вазифаларни амалга ошириш механизмларини жорий қилади.

1.4.1. Таълим моделлари. Таълимнинг кўплаб миллий моделлари бор. Бироқ улар орасидан тузилиши жиҳатидан қуйидаги асосий мезонларга қараб биридан фарқ қиладиган асосийларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аниқ тарихий даврда ушбу мамлакат учун таълим тизимини ривожлантиришдан асосий мақсад ва кутиладиган натижа;
- таълим тизимини молиялашда давлат ва жамиятнинг иқтисодий имкониятлари;
- таълим тизими олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган механизм ва воситалар.

Ушбу мезонлар нуқтаи назаридан ривожланган ва жадал суръатда ривожланаётган мамлакатларда муайян даражадаги фарқ билан фойдаланилаётган таъ-

1.4-киритма.

Таълимнинг инсон ҳаётида тутган ўрни

Таълимнинг ўрни қуйидагилар эътиборга олинган ҳолда белгиланиши лозим:

- ўтмишимизни ҳозирги ва келажак билан уйғунлаштириш. Бу ўтмишни ўчириб ташламасдан, балки унда ҳақиқатни кўриш, холис таҳлил қилиш, ундан халқимиз тарихий ўтмишига оид бугун ва эртага фойдаланиш мумкин ва шарт бўлган аҳамиятли ҳамда керакли манбаларни йўқотмасдан олиш, аждодларимиз, ота-боболаримиз тарихини асраб-авайлаш демакдир. Зеро, тарихимизни ўчирар эканмиз, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ҳам ўчираемиз;
- турли ирққа, миллатга мансуб ва турли тилда гаплашадиган одамларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши учун шароит яратиш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агар майда миллатлар ўз маданияти, тили ва адабиётини ривожлантириш имкониятига эга бўлмаса, жамиятда аҳиллик бўлмайди. Фақат ўз миллий маданияти, тили ва адабиёти билан чекланиб қолган давлат ривожланмайди;
- турли динга эътиқод қиладиган одамлар ўртасида муроса муҳитини яратиш;
- «оталар ва болалар», яъни турли ёш ва авлод вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик муаммосини ҳал этиш;
- дунёда рўй бераётган глобаллашув жараёни ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий ҳамжиҳатлик учун шароит яратиш. «Шарқ-Ғарб», «Шимол-Жануб» ёки шунга ўхшаш бошқа йўналишларда одамлар ўртасида ҳал этилмайдиган зиддиятлар бўлмаслиги лозим. Дунё зиддиятлардан чарчади.

Инсон ривожланиши тўғрисидаги маърузадан. Ўзбекистон, 1997 йил

лимнинг учта асосий моделини ажратиш мумкин. Булар Европа, Америка ва Осиё моделидир.

Европа таълим модели бошланғич мактабдан бошлаб, ўқувчиларга юқори талабларни қўйиш ва уларга пухта билим, жумладан табиий ва муҳандислик фанлари соҳасида чуқур билим беришга қаратилган. Шунингдек, мактабгача таълим тизими ҳам мавжуд. Бошланғич ва ўрта мактабда ўқиш жами 10–12 йил давом этади ва умумий ҳисобланади. Кейинги босқич касб-ҳунар, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдир. Бу моделда барча даражада билим олиш марказлаштирилган бўлиб, асосан давлат ҳисобидан бепул ўқитилади. Ушбу моделда ўқувчилар билимини бошланғич мактабдан бошлаб баҳолаш мезонлари юқори ҳисобланади ва ўқувчилар ушбу мезонлар асосида синфдан синфга кўчирилади.

Европада университетлар автономияси чуқур тарихий илдизга эга бўлса-да, Америкадагига қараганда уларнинг мустақиллиги нисбатан камроқ. Ўқув юртинини бошқаришда академик доираларнинг роли катта, АҚШда эса бу вазифа кўпроқ ҳомийлик кенгашлари зиммасига юкланган.

Европа модели доирасида инглиз, француз ва немис таълим модели, шунингдек, Шарқий Европа мамлакатлари таълим модели алоҳида ажралиб туради. Масалан, «дуал принцип» (яъни, таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш) немис моделининг, таълимнинг барча учун бепуллиги француз таълим моделининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Европа таълим тизими кенг қўламли ўқитиш тизими ва ишчи мутахассисликларга, жумладан меҳнат ва аҳоли бандлиги органлари томонидан бепул асосда қайта ўқитиш тизимини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари асосан иш берувчилар ёки ўқийдиганлар томонидан талаб этиладиган ва ҳақ тўланадиган кадрлар малакасини ошириш бўйича жуда кенг қамровли тизим ҳам мавжуд.

Осиё таълим модели таълимни молиялашда давлатдан ташқари хусусий бизнес ҳам муҳим роль ўйнаши билан ажралиб туради. Бу ерда мактаблар муниципал органлар тасарруфида, хусусий ва давлат олий ўқув юртлари сон жиҳатидан тахминан тенг. Умуман олганда таълимни молиялашда маҳаллий манбалар миллий манбаларга қараганда кўпчиликни ташкил этади. Бошланғич ва ўрта таълим асосан бепул, олий таълим эса пуллидир. Бунда талабаларга грантлар ва кредитлар ҳисобидан таълим хизматлари учун пул тўлаш бўйича ёрдам берадиган кўп тармоқли тизим мавжуд.

Америка тизимида давлат ва хусусий мактаблар, энг яхши ва ўртача университетларда таълим сифати кескин фарқ қилади. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг билим даражасига нисбатан соддалаштирилган талаблар уларнинг билим олишига қараб ортиб боради. Бошланғич мактабларда кўпроқ турли ижтимоий фанлар ўқитилса, ўрта мактабларда ўқишни ихтисослаштириш учун кенг имконият яратилган. Америка моделида олий ўқув юртларининг таълим мазмун-моҳиятини белгилашда мустақиллик даражаси юқори. Бу жараёнда давлат бошқарув органлари деярли иштирок этмайди.

Ҳар икки асосий тизимда табақалаштириш ва ихтисослаштириш таълим самардорлигининг умумий ҳамда асосий воситаси ҳисобланади. Америкада ўқувчиларнинг муайян фан ва касбга қизиқиши, қобилият ва иқтидори, аралаш қизиқиши бўйича гуруҳларга бўлиш синаб кўрилмоқда. Бу АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда асосий ёндашувга айланган. Ушбу жараёнларга инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралади.

мутахассисларни ўқитиш, тайёрлашни ташкил этиш ва услубияти бўйича Шарқ ва Ғарб, анъанавий ва замонавий ёндашувларнинг бирикмасини ифода этади. Ушбу моделда Осиё мамлакатлари учун хос бўлган ва минтақа ташқарисидан, хусусан АҚШ, Буюк Британия, қатор Европа давлатларидан олинган таълим тизимини бошқаришнинг институционал тузилма ҳамда элементлари ўз аксини топган.

Японияда ва ижтимоий-иқтисодий тараққий этишда, жаҳон бозори ва экспорт экспансиясига жадал кириб боришда оламшумул муваффақиятларга эришгани учун Осиё йўлбарслари деб ном олган яна тўртта мамлакатда (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Гонконгда) инсон салоҳияти ва аввало, таълимни имкон қадар ривожлантиришга азалдан алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу мамлакатларда фойдали қазилмалар ва ҳудудлар йўқ, уларнинг энг асосий бойлиги — бу инсон. Айнан инсон ақлий қобилияти ва инновацион интилиши билан (афсонавий нефть ёки олтин захиралари эмас) ушбу мамлакатларни қашшоқ ва техник жиҳатдан қолоқлар қаторидан олиб чиқди. Кейинчалик Малайзия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Осиёнинг турли хил табиий ресурсларга бой бошқа қатор мамлакатлари ҳам таълим соҳасини ривожлантиришда етакчиларга айланди. Таълим соҳасида улкан натижалар ва у билан боғлиқ илмий-техник тараққиётга эришишда Шарқ менталитетига хос маънавий мукамаллик, олий мақом ва пешқадамликка интилиш (жамият ва жаҳонда), умуммиллий вазифаларни ҳал этишда ватанпарварлик ва соғлом шуҳратпарастлик каби хислатлар муҳим роль ўйнади.

Осиё таълим моделига Европа ва Америка моделидан фарқли ўлароқ қуйидагилар хосдир:

- бошланғич мактабнинг катта аҳамиятга эга эканлиги (ушбу аксарият мамлакатлар, жумладан Япония ва Жанубий Кореяда бошланғич мактабда ўқиш 4 йил эмас, балки 6 йил давом этади);

- мактаб таълими дастурларида ўқувчиларда уйғунлик ҳисси, юксак одоб-ахлоқ қоидаларини шакллантиришни таъминлайдиган маънавий-ахлоқий фанларга алоҳида ўрин берилгани (музыка, тасвирий ва амалий санъат, этика, эстетика);
- ўқувчиларга фақат академик билим бериш эмас, балки уларда ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилгани (Сингапурда бошланғич мактаб битирувчилари эга бўлиши лозим бўлган ет-тита афзалликлардан бири «фикрлаш ва ўз фикрини ифода этиш» ва «атрофдаги нарсаларга қизиқиш билдириш» қобилияти ҳисобланади);
- ўқув юр்தларининг, жумладан бошланғич мактабларнинг компьютерлар билан жиҳозлангани ва Интернет тармоғига улангани (Жанубий Корея дунёда Сингапурдан кейин иккинчи бўлиб, ўз мактаблари, ҳаттоки қишлоқлар ва ороллардаги мактабларни компьютерлар билан тўлиқ жиҳозлади). Бу ўқув жараёни самарадорлигидан ташқари дарсликлар, кўргазмалар қўлланмалар чоп этиш, кутубхоналарни сақлаш ва ҳоказолар учун сарфланадиган харажатларни камайтирган ҳолда иқтисодий самара берди;
- таълим тизимининг жамиятнинг турли қатламлари учун очиклиги (Жанубий Кореяда 25–37 ёшдаги фуқароларнинг 97 фоизи шу туфайли олий маълумотга эга ва бу бутун дунёда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади);
- ўқув юр்தлари турларининг мослашувчанлиги ва юқори даражада табақалашгани (Жанубий Кореяда биргина олий таълим доирасида оддий коллеж ва университетлар билан бир қаторда касб-хунар-техника коллежлари, коллеж мақомига эга бошқа ўқув юр்தлари, очик ва сиртқи университетлар ҳам бор);
- ўқувчиларга эркинлик берилгани, уларнинг академик курсларни мажбурий ўрганишни рад этиш имконияти (Японияда нафақат талабалар, балки юқори синф ўқувчилари учун курсларнинг 50 фоизи мажбурий ҳисобланади), ваҳоланки, ўқув юр்தлари томонидан махсус ва умумтаълим курсларини танлаш имконияти берилган;
- таълим муассасаларини молиялаш ва бошқаришда хусусий капиталнинг юқори даражада иштирок этиши (Жанубий Кореяда хусусий манбалар мактабгача таълим муассасалари бюджетининг ярмини, олий ўқув юр்தлари бюджетининг 80 фоизини, Японияда 50 фоизини ташкил этади. Хитойда 1994 йилдан буён талабаларнинг таълим кредитлари ва грантларини олиш имконияти кенгайтирилиши билан бир қаторда тўлиқ ўрта ва олий таълимнинг пулли тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда);
- хорижий тиллар, авваламбор, инглиз тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган (нафақат Британиянинг собиқ мустамлакалари Сингапур, Гонконг, Малайзия, Ҳиндистонда, балки инглиз тилига иккинчи давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги масала устида баҳс-мунозаралар давом этаётган Япония ва Жанубий Кореяда ҳам инглиз тилини яхши билишади);
- иқтидорли талабаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва энг яхши хорижий олий ўқув юр்தларига юбориш бўйича махсус дастурнинг мавжудлиги (масалан, Сингапур ва Малайзияда ушбу мамлакатлар етакчилари томонидан бундай дастурларни ташкил этиш ташаббуси билдирилган ва назоратга олинган).

Албатта, минтақанинг ҳар бир мамлакатада Осиё таълим модели ўзига хос хусусиятга эга, айрим давлатларда эса унинг айрим хусусиятлари энди-энди кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Ҳиндистонда таълимнинг оммабоплигини таъминлаш, Ҳиндистон дипломларининг халқаро эътироф этилиши, мамлакатда етакчи хорижий олий ўқув юр்தларининг филиалларини ташкил этиш ҳанузгача долзарб вази-

фа ҳисобланади. Туркияда эса олий ўқув юртлардаги таълимни Америка ва Европа даражасига кўтариш устувор вазифа саналади.

Нуфузли халқаро ташкилотлар (хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти — ОЭСР) ва экспертларнинг фикрича, Осиё таълим модели Европа моделига қараганда анча мукамал. Жумладан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань (Хитой) дунёда энг яхши миллий таълим тизимига эга кўплаб мамлакатлар орасида (Финляндия ва Канада билан бир қаторда) пешқадамлик қилмоқда. Минтақанинг ушбу тўрт мамлакати айнан Осиё таълим модели туфайли дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилгани ҳам бу модель самардорлигининг яна бир тасдиғидир. Таъкидлаш жоизки, Гонконг (Хитой) жон бошига ўртача ялпи ички маҳсулот ва харид қобилияти кўрсаткичи бўйича ўзининг собиқ мустамлакачиси Буюк Британияни ортда қолдирди (2005 йилда 34,7 минг доллар). Ярим аср илгари мустамлака давлат ҳисобланган Сингапур эса ушбу кўрсаткич бўйича Германия ва Италиядан олдинда (29,8 минг доллар). Жанубий Корея ва Тайванда ҳам (Хитой) бу кўрсаткичлар 22–25 минг доллар атрофида. Бундан ташқари Сингапур юқори технологиялар экспорти бўйича (саноат экспортининг 5/3) дунёда иккинчи, қолган учта «Осиё йўлбарси» АҚШ билан тенг даражада турибди (3/1).

Шуниси қизиқарлики, дунёнинг энг қудратли давлати ҳам Хитойнинг нафақат тўқимачилик ва электроника соҳасидаги, балки мактаб таълими соҳасидаги таъсирига бардош бера олмади. Америкадаги юзлаб лицейлар математика фанини ўқитиш жараёнида ХХР ва Сингапурда қўлланиладиган дарсликлар ҳамда услубларга ўтишга қарор қилди. Бунинг устига, бу вазифани амалга оширган лицейлар ўқувчилари ўзларининг юқори даражали билимга эга эканини намоён этмоқда.

Таълимнинг муайян базавий моделининг ўзига хос ёки аниқ устунлиги ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Одатда бундай моделлар, ҳатто, Европа мамлакатлари ва АҚШ таълим тизимида ҳам мутаносиб равишда мавжуд. Бунда Европа ва Америка таълим тизими XIX аср охири XX аср бошида шаклланган Англия, Франция ва Германиянинг миллий тизимлари тажрибасини ўзлаштириш ва ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлганини эътиборга олиш даркор. Юқорида қайд этилганидек, олий таълим тизимини ташкил этишда Америка модели турли моделлардан фойдаланишнинг ўзига хос намунаси ҳисобланади. Бу ерда Англия, Франция ва Германия моделлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. АҚШдаги биринчи таълим босқичида инглиз тизимининг таъсири кучли бўлса, иккинчи босқичи Франциянинг касб-ҳунар таълими тизимига ўхшаш, учинчи босқичда Германия моделига хос тадқиқот ишлари фаол ривожлантирилмоқда.

Дунёда иқтисодий, илмий ва маданий интеграциялашувни чуқурлаштириш ҳамма мамлакатларни инсон фаолиятининг барча жабҳаларига туб ўзгаришлар киритаётган шиддатли глобаллашув жараёнига жалб қилмоқда. Дунёда «олий таълимни байналмилаллаштириш» деб номланган тушунчанинг пайдо бўлиши бундай таъсирга ёрқин мисол бўла олади. Бу борада дунёнинг ҳар бир мамлакатида қабул қилинаётган таълимнинг халқаро базавий модели ҳақида сўз бормоқда.

Ўзбекистонда туб ўзгаришлар стратегияси, нафақат маҳаллий кадриятлар, тажриба ва анъаналар, балки илғор хориж тажрибасидан фойдаланишга асосланган. Ўзбекистон миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юқорида қайд этилган учта таълим модели, авваламбор, Осиё таълим моделининг элементлари муваффақиятли қўлланилаётган бошқа мамлакатлар ютуқларини ҳисобга олиш ва ижодий фойдаланишга интиломқадаской.

1.5-критма.

Жаҳоннинг энг яхши 500 университети

2006 йили Shanghai Jiao Tong университети томонидан чоп этилган «List of Top 500 Universities in the World (2006)» маълумотларига кўра, дунёнинг 37 мамлакатда дунёда энг яхши дастлабки беш юзта сирасига киритилган университет ва олий ўқув юрти мавжуд эди. Уларнинг энг кўпи Европа мамлакатлари (19 мамлакатда 207 олий ўқув юрти), Америка (олти мамлакатда 196 олий ўқув юрти), Осиё (саккизта мамлакатда 71 олий ўқув юрти), Австралия ва Океания (иккита мамлакатда 21 олий ўқув юрти) ҳамда Африкада (иккита мамлакатда 5 олий ўқув юрти) жойлашган.

1-жадвалга мувофиқ айрим мамлакатлар нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, АҚШ бошқа мамлакатлар орасида пешқадамлик қилмоқда. Ер шаригаги 500 энг яхши олий ўқув юртининг ҳар учинчиси унинг ҳудудида жойлашган. Рўйхатдаги иккинчи ўринни аҳолиси дунё аҳолисининг 1 фоиздан кам қисмини ташкил этадиган Буюк Британия банд этган. Ер шаригаги энг яхши университетларнинг кўпчилиги ушбу мамлакатга тегишли. Европа қитъасида бундай олий ўқув юртлари бўйича Европа Иттифоқининг аҳолиси ва иқтисодий қудрати бўйича учта йирик давлати, Осиё қитъасида Япония устунлик қилмоқда. Шундай эса-да, ресурс салоҳияти ва иқтисодий жабдал ривожлантираётган Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой каби қудратли давлатлар эгаллаган позиция, шунингдек, рўйхатда келтирилган мамлакатларда аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти бўйича йирик ҳисобланган Украина, Туркия, Таиланд, Индонезия қайд этилмагани ҳам эътиборни ўзига жалб қилади.

Кўриб чиқилаётган олий ўқув юртлари ва аҳоли сони ўртасидаги нисбат эътиборга олинадиган бўлса, бу ерда кичик давлатлар — Швеция, Швейцария, Исроил ва Янги Зеландия пешқадамлар сафида. Уларнинг ҳар бирида 1 миллион аҳоли учун биттадан энг нуфузли олий ўқув юрти тўғри келади. Гонконг (Хитой) ва Сингапур аҳолиси сонининг камлиги ва ҳудудининг кичиклигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг кўрсаткичлари кутилгандан ҳам ортиқ.

1-жадвал.

Олий ўқув юртлари жаҳоннинг энг яхши 500 университети рўйхатидан жой олган мамлакатлар

АҚШ..... 166	Жанубий Корея... 9	Тайвань (Хитой) ... 5	Венгрия..... 2
Буюк Британия 43	Испания 9	Янги Зеландия..... 5	Греция 2
Германия..... 40	Хитой (1) 9	Норвегия 4	Аргентина..... 1
Япония..... 32	Швейцария 8	Бразилия..... 4	Чехия 1
Италия..... 23	Израиль..... 7	ЖАР..... 4	Мексика 1
Канада 22	Бельгия 7	Ирландия..... 3	Чили 1
Франция 21	Австрия..... 7	Россия 2	Миср..... 1
Австралия 16	Дания 5	Ҳиндистон 2	
Голандия..... 12	Финляндия..... 5	Польша 2	
Швеция 11	Гонконг (Хитой).... 5	Сингапур..... 2	

1. Тайвань ва Гонконг ҳисобга кирмаган.

Дунёнинг энг яхши 500 олий ўқув юрти рўйхатида қайд этилган мамлакатлар сонининг кўплигига — қарийб қирқта — қарамай, улар орасида кам сонли мамлакатлар мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди. Бу ерда АҚШ шубҳасиз пешқадам. 2-жадвал маълумотларига кўра, Ер юзидаги энг яхши 10 олий ўқув юртининг 8, 20 тасининг 17, 50 тасининг 37, 100 тасининг 52 таси ушбу мамлакатнинг улушига тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг 10 та энг яхши университети тоифасида АҚШ улушига 8 олий ўқув юрти, Буюк Британия улушига 2 олий ўқув юрти тўғри келади.

2-жадвал маълумотлари олий таълим соҳасида АҚШ ва Буюк Британия олий ўқув юрталари устунлик қилаётганини кўрсатади. Дунёнинг инглиз тилида сўзлашадиган қисми таълим соҳасида катта салоҳият яратди ва бу ушбу мамлакатларга дунёда энг яхши университетларга эга етакчи мамлакатлар рўйхатидан жой олиш имконини берди. Умуман, ҳар икки жадалда мамлакатлар ўртасидаги позиция, иқтисодий қудрат ва инсон ривожланиши индекси ўртасидаги ўзаро яқин узвийлик борлигини кузатиш мумкин.

2-жадвал.

Жаҳоннинг таълим ривожланган мамлакатлари

	Жаҳоннинг энг яхши 100 олий ўқув юрти ўртасидаги энг яхши олий ўқув юрталари рейтингих	Мамлакатнинг энг яхши олий ўқув юрталарининг жаҳон биринчилигидаги миқдори			
		Энг яхши 10 олий ўқув юрти ўртасида	Энг яхши 20 олий ўқув юрти ўртасид	Энг яхши 50 олий ўқув юрти ўртасида	Энг яхши 100 олий ўқув юрти ўртасида
АҚШ	1	8	17	37	52
Буюк Британия	2	2	2	5	11
Япония	19	–	1	2	6
Канада	24	–	–	2	4
Швейцария	27	–	–	1	4
Голандия	40	–	–	1	2
Франция	45	–	–	1	4
Швеция	48	–	–	1	4
Германия	51	–	–	–	5
Австралия	54	–	–	–	2
Дания	56	–	–	–	1
Исроил	60	–	–	–	1
Норвегия	68	–	–	–	1
Россия	70	–	–	–	1
Финляндия	74	–	–	–	1
Италия	100	–	–	–	1

2-жадвал маълумотлари аҳоли сони ва ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳатто, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар гуруҳи доирасида, «даража тўғрисида жаҳон жадалларида» мамлакатнинг энг яхши университети рейтингига ҳар доим ҳам мос келмаслигидан далолат беради. Иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти юқори ҳисобланган Япония ҳам ушбу рейтинг бўйича Буюк Британияга, Германия, Россия ва Италия унчалик йирик ҳисобланмайдиган Швейцария ҳамда Голландиядан кейин туради.

3-жадвал.

Жаҳондаги энг яхши йигирмата олий ўқув юрти

1. Harvard Univ (АҚШ)	11. Yale Univ (АҚШ)
2. Univ Cambridge (Буюк Британия)	12. Cornell Univ (АҚШ)
3. Stanford Univ (АҚШ)	13. Univ California — San Diego (АҚШ)
4. Univ California — Berkeley (АҚШ)	14. Univ California — Los Angeles (АҚШ)
5. Massachusetts Inst Tech (АҚШ)	15. Univ Pennsylvania (АҚШ)
6. California Inst Tech (АҚШ)	16. Univ Wisconsin — Madison (АҚШ)
7. Columbia Univ (АҚШ)	17. Univ Washington Seattle (АҚШ)
8. Princeton Univ (АҚШ)	18. Univ California — San Francisco (АҚШ)
9. Univ Chicago (АҚШ)	19. Tokyo Univ (Япония)
10. Univ Oxford (Буюк Британия)	20. Johns Hopkins Univ (АҚШ)

1.9-жадвал

Ўтиш даврида қатор давлатларда таълимга йўналтирилган давлат харажатлари улуши, ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида

	1990	2000–2002		1990	2000–2002
Чехия	4,1	4,4	Молдова	7,8**	4,6
Словакия	5,1	4,4	Россия	3,7	3,8
Беларусь	4,6*	6,0	Украина	5,3***	5,4

Манба: В.Скотт. Инсон ривожланиши статистика кузгусида. БМТРД, Братислава, 2006, 135-бет; Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, 2006, Москва, «Весь мир», 2006. Изоҳ: *1991 йил, **1992 йил, ***1994 йил.

1.4.2. Ўтиш давридаги таълим. 90-йиллар бошида собиқ совет республикалари ва социалистик давлатларда юзага келган таълим модели биринчи босқичда кўпроқ совет модели эришган натижаларни сақлаб турди. Аҳолининг барча қатламининг бошланғич ва ўрта таълимдан бепул фойдаланишини таъминлаш, таълимнинг барча даражасида таълим дастурларининг асослилиги ва техник йўналтирилганлиги ушбу моделнинг ижобий томонларидан ҳисобланади.

Шунинг баробарида, 80-йиллар охирида СССР ва социалистик лагернинг парчаланиб кетишига сабаб бўлган иқтисодий инқирознинг ҳалокатли таъсири собиқ иттифоқ давлатлари ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатди. Социалистик давлатларда рўй берган таълим тизими устидан қатъий давлат назорати ушбу тизимни мазкур мамлакатларни қамраб олган иқтисодий-сиёсий таназзул олдида ҳимоясиз қилиб қўйди.

Қуйидагилар 90-йиллар бошида янги мустақил давлатлар таълим тизими учун муайян даражада умумий бўлган эди:

1. Молиявий муаммолар.

- Иқтисодий пасайиш ва давлат бюджетининг даромад қисмига тушумларнинг камайиши туфайли таълимни тўлиқ молиялаш учун бюджет манбаларининг кескин камайиши
- Молиялаш миқдорининг камайиши ва ўқитувчилар иш ҳақи ҳамда турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига олиб келган инфляция даражасининг юқорилиги. Бунинг оқибатида юқори малакали меҳнатга қизиқиш сусайди, малакали педагоглар бошқа фаолият соҳалари, кўпроқ тадбиркорлик ва савдога ўтиб кетди. Айниқса, мактаб таълими тизимида янги педагог кадрлар оқимининг кескин камайиши ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги вазиятни янада мураккаблаштирди. Масалан, Ўзбекистонда 1990 йилда ушбу соҳада ишламайдиган олий маълумотли педагог кадрлар сони 31,5 минг киши, 1994 йилда 42,8 минг кишини ташкил этди. Боз устига педагог кадрларнинг етишмаслиги 1994 йилда 23 минг кишига, уларнинг 20 минги умумтаълим мактабларига тўғри келади;¹⁵
- ўқув юртлирини таъминлаш учун молиялаш миқдорининг камайиши ночор моддий-техника базасининг ёмонлашувига, бинолар, асбоб-ускуналар, шу жумладан, лаборатория ускуналарининг жисмонан эскиришига олиб келди;
- маблағлар етишмаслиги мактаб ўқувчиларини янги дарсликлар билан таъминлаш имкониятини чеклаб қўйди. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистонда 10 нафар ўқувчининг ҳар иккинчисида дарсликлар тўлиқ етишмас эди;

15 Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза. Ўзбекистон, 1995 йил, 31-бет.

- маблағлар етишмаслиги туфайли биринчи навбатда мактабгача таълим кучли зарар кўрди, барча мамлакатлар нафақат уни кенгайтириш, балки аввалги миқёсда сақлаш имкониятига ҳам эга эмасди;
 - олий таълимни молиялашнинг кескин пасайиши давлат маблағлари ҳисобидан ўқишга қабул қилишнинг камайишига олиб келди..
- 2. Таълим мазмуни ва сифатига оид муаммолар**
- мазмун жиҳатидан ниҳоятда ўзгарган фанлар — тарих, адабиёт, география, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар учун синовдан ўтган янги дастурлар ва дарсликлар йўқ эди;
 - малакали ўқитувчилар етишмаслиги туфайли таълим сифати пасайиб кетди. Ижтимоий фанлар бўйича дарс берадиган кўплаб ўқитувчилар янги мазмунда ўқитиш ва унинг талаб этилган сифатини таъминлай олмасди;
 - таълимни мафкуралаштиришдан йироқлаштириш ижтимоий фанлар бўйича таълимнинг ўхшаш тизими баробарида олиб борилмади, бу эса ёшлар дунёқараши тизимида ноаниқликка, кўплаб ёшларнинг ўз йўлини йўқотишига сабаб бўлди;
- 3. Таълимдан баҳрамандликка оид муаммолар**
- иқтисодий таназзул ва иқтисодий тизимни қайта қуриш туфайли аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, қашшоқлик даражасининг ўсиши кўплаб оилалар, айниқса, қишлоқ жойларида фарзандларини мактабга юбориш имкониятини қисқартирди. Аксарият ўқувчилар қишда мактабга бориш учун уст-бош ва оёқ кийим, дарсликлар ва ўқув ашёларини сотиб олишга маблағ йўқлиги, иш ҳақи билан оиласининг моддий таъминлаш имкониятининг пастлиги билан боғлиқ сабаблар туфайли дарсларни қолдирарди;
 - қатор давлатларда қуролли қарама-қаршилиқлар ва фуқаролар урушлари (Тожикистон, собиқ Югославия республикалари, Жунубий Осетия, Чеченистон) ҳам ҳарбий ҳаракатлар қуршовида қолган ҳудудларда болаларнинг ўқув юрталарига боришига тўсқинлик қилди;
 - айниқса, мактабгача ва олий таълим тизимида пулли таълим тизимининг жорий этилиши камбағал оилалар фарзандларининг тегишли таълим хизматларидан фойдаланишини камайтирди.
- 4. Таълим эҳтиёжи билан боғлиқ муаммолар**
- қайта қурилаётган ва иқтисодиёти бўҳронга учраган мамлакатлар олий ўқув юрталари битирувчиларига кўплаб мутахассисликларни бера олмади. Аксарият йирик корхоналарда ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши техника олий ўқув юрталари битирувчиларига бўлган талабнинг сусайишига олиб келди. Аввал иш билан банд бўлган тажрибали ва малакали кадрлар ҳам ўз ишидан маҳрум бўлди. Ёш мутахассислар ўз соҳаси бўйича иш топиши ниҳоятда қийинлашди;
 - ушбу даврда таълим ишда мансаб пиллапояларига кўтарилиш, даромад ва моддий фаровонликни ошириш имконияти бўлмади. 90-йилларда ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларда қонунчилик базасининг заифлиги шубҳали молиявий ва савдо операцияларини амалга ошириш натижасида катта пул ишлаш имконини берди. Маънавияти паст одамлар, шунингдек, виждони қийналмайдиган, қонунни бузиб, янги шароитга тез мослаша оладиган кимсалар учун бундай операцияларни амалга ошириш осон эди. Бунинг учун олий маълумотли бўлиш шарт эмасди. Бундан ташқари маълумотли, зиёли бўлиш ва қонунга бўйсиниш кўпинча қандай йўл билан бўлмасин, моддий фаровонликка эришиш имконини бермасди. Аксинча, ўша даврда олий ва ҳатто, туганланмаган ўрта маълумотсиз ҳам яхши пул топиши мумкин эди.

5. Таълимнинг моддий-техника базаси муаммолари

- таълим муассасаларининг моддий-техника базаси даражаси иқтисодий инқирозгача ҳам паст эди. Бу, айниқса, собиқ СССРнинг кўплаб республикаларига тааллуқли эди. Қишлоқ жойларидаги мактабларнинг бир қисми талабларга жавоб бермайдиган биноларда жойлашган эди. Ушбу мактабларда тоза ичимлик суви, канализация, телефон йўқ эди, ҳатто етарли даражада газлаштирилмаганди;
- 90-йилларда молия ресурсларининг етишмаслиги мактаблар биноларини жорий ва капитал таъмирлаш имконини бермасди, бу эса уларнинг эскиришига олиб келди. Янги мактаблар қурилиши деярли тўхтатилган эди. Бунинг натижасида икки сменада ўқишга тўғри келарди, кўплаб болалар уйдан олисда жойлашган мактабларга қатнашга мажбур эди. Боз устига транспорт муаммоси ҳам ҳал этилмаганди;
- мактаблар ва олий ўқув юртларида кўплаб асбоб-ускуналар, айниқса лаборатория ускуналарининг катта қисми жисмонан ишдан чиқиб, маънан эскирган эди. Мактаб мебелли, кутубхоналарда дарсликлар етишмасди. Юқорида қайд этилган кўплаб муаммолар 1996 йилгача Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди.

1.10-жадвал.

Ўзбекистонда таълимга оид айрим кўрсаткичлар (1992–1996 йиллар).

Таълимга оид кўрсаткичлар	1992	1993	1994	1995	1996
Ўқув юртларига кириш (7–22 ёшда бўлган аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)	72,5	70,8	68,9	69,5	69,3
Ўқув юртларида ўқишни давом эттирган 19 ёшлилар сони (фоиз ҳисобида)	30,8	26	26,2	24,9	20,8
Таълим учун давлат сарф-харажатлари (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)	10,2	9,5	8,3	7,4	7,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўша пайтда ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлар ҳукуматлари олдида турган асосий таҳдид ва вазифалар қуйидагилардан иборат эди:

1. Кучли таълим тизимини издан чиқарган, биринчи навбатда ўқитувчи кадрларнинг кетиб қолиши ва аввалги тизимнинг кучли жиҳатларининг йўқолишига сабаб бўлган омилларни аниқ белгилаш ва бартараф этиш;
2. Янги таълим тизимининг давр талабларига жавоб берадиган ва аниқ мақсадли вазифаларини белгилаш. Уни янги мақсад ва вазифаларга мувофиқ ташкилий ва услубий қайта тузиш;
3. Таълимнинг барча босқичларини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва глобал талабларга мувофиқ самарали ислоҳ қилишни таъминлайдиган янги бошқарув тизимини ташкил этиш;
4. Таълим тизимини юқори самарадорлигини сақлаш учун етарлича маблағ ажратиш имконини берадиган янги молиялаш принципларига ўтказиш;
5. Жамият ва иқтисодиётда ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида тайёрланадиган юқори малакали кадрларга бўлган талабни рағбатлантириш, жамиятда ўқитувчи касбининг обрўсини ошириш;

6. Таълимга бўлган ёндашувларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш принципларидан воз кечиш, таълим тизимининг ижтимоий йўналишини кучайтириш, бунда таълимнинг мерос қолган мустаҳкам ҳамда кучли техник йўналишини йўқотмаслик;
7. Таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.
Ўзбекистон ҳукумати ушбу муаммоларни чуқур англаган ҳолда, 1996 йили собиқ иттифоқ миқёсида биринчи бўлиб, таълимнинг барча тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишни кўзда тутувчи Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.¹⁶

1.5. ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ВА ДЕКЛАРАЦИЯЛАР

Мамлакатлар барча болалар ҳуқуқларини амалга оширишга киришсагина, ривожланиш ва тинчликни таъминлаш соҳасидаги ўз мақсадларига эришади.

Кофи Аннан

Халқаро ҳамжамият таълимнинг жамият тараққиёти ва инсон ривожланишидаги муҳим ўрнини эътиборга олиб, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан. Улар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларацияси;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989);
- Ўқитувчилар аҳволи тўғрисидаги тавсиянома (1996);
- Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида тавсияномалар (1960);
- Техникавий ва касб-ҳунар таълими тўғрисида тавсиянома (1989);
- Халқаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тинчлик, инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тўғрисида тавсиянома (1974).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади¹⁷ ҳамда камситишга йўл қўймаслик принципини тасдиқлайди. Таълим соҳасида ҳар қандай камситиш инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиши маълум қилинди.

Декларациянинг 26-моддасига мувофиқ бошланғич таълим мажбурий, техник ва касб-ҳунар таълими умумий, олий таълим эса барча учун ҳар кимнинг қобилиятига қараб бир хил бўлиши лозим. Бунда таълим бошланғич ва умумий таълимга нисбатан бепул бўлиши даркор.

1924 йилда Миллатлар Лигаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларациясини қабул қилди. Шу тариқа халқаро ҳамжамият болалар олдида қатор қатъий мажбуриятларни, жумладан, уларнинг яшовчанлик, саломатлигини ҳимоя қилиш, таълим олиш ҳуқуқларига амал қилиш ҳамда ҳимоя қилишни кафолатловчи мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

16 Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотларнинг батафсил таҳлили маърузанинг учинчи бобида келтирилади..

17 Халқаро шартномалар тўплами. 1-жилд (1-қисм). Универсиал шартномалар. БМТ, Нью-Йорк ва Женева, 1994 йил, 7-бет.

Давлатларнинг таълим олиш ҳуқуқига риоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда кенг ва ҳар томонлама акс эттирилган.¹⁸ Тарихда мисли кўрилмаган даражада кенг маъқулланган ушбу Конвенция ва унинг Мажбурий бўлмаган ҳужжатларида давлатларнинг болалар олдидagi ҳуқуқий мажбуриятларининг аниқ баёни келтирилган. 1992 йили дунёнинг барча мамлакатлари ушбу Конвенцияни ратификация қилганидан сўнг уларнинг яшовчанлиги, ривожланиши ва ҳимоясини таъминлаш хайрия фаолияти соҳасига киритилишига чек қўйилди ҳамда маънавий ва ҳуқуқий мажбурият хусусиятига эга бўлди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг иккита моддаси фақат таълим масалаларига, бештаси таълимни қўллаб-қувватлаш мақсадларига қаратилган.

28-модда таълим олишнинг асосий ҳуқуқлари ва қўйидагиларга тааллуқли:

- бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш;
- ўрта таълимнинг турли шакллари ривожлантиришни рағбатлантириш;
- таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги ахборот ҳамда материаллардан барча болалар фойдаланишини таъминлаш;
- болаларнинг мактабга мунтазам қатнашига кўмаклашиш ва мактабни ташлаб кетган ўқувчилар сонини камайитиришга доир чоралар кўриш.
- 29-модда қўйидагилар зарурлигини эътироф этади:
- бола шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятини тўлиқ ривожлантириш;
- болани эркин жамиятда онгли ҳаётга тайёрлаш;
- болада ота-она, маданий ўзига хослик, тил ва маънавий қадриятларни, шунингдек, бошқалар маданияти ҳамда қадриятларини ҳурмат қилишни шакллантириш.
- Конвенцияда боланинг қўйидаги ҳуқуқларига дахлдор қоидалар ҳам бор:
- ижтимоий ва маданий муносабатларда фойдали ахборот олиш (17-модда);
- ота-онаси иш пайтида болага қараш бўйича тайинланган хизматлар ва муассасалардан фойдаланиш (18-модда);
- дам олиш, маданий ҳаётда эркин иштирок этиш ва санъат билан шуғулланиш (31-модда).

42-моддага биноан Конвенцияга аъзо давлатлар катталар ва болаларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган ўз ҳуқуқларини билиши учун Конвенция принцип ҳамда қоидалари тўғрисида кенг хабардор қилишни ўз зиммасига олган.

Таълим соҳасида муносабатлар тенглигини чиппакка чиқариш ёки бузиш мақсадида ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёхуд ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ёки насл-насаби бўйича ҳар қандай айирмачилиқ, истисно қилиш, чеклаш ёхуд устун деб билиш камситиш, дейилади.

1960 йил 14 декабрда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференциясида қабул қилинган Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида конвенциянинг 1-моддасида камситишнинг тўртта тури келтирилган:

1. бирон-бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар учун таълимдан фойдаланишга ҳар қандай даража ёки шаклда тўсқинлик қилиш;
2. маълумоти паст бирон-бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар учун таълимни чеклаш;
3. бирон-бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар учун алоҳида таълим тизими ёхуд ўқув юртларини ташкил этиш ёки сақлаб қолиш;

¹⁸ Халқаро шартномалар тўплами. 1-жилд (1-қисм). Универсиал шартномалар. БМТ, Нью-Йорк ва Женева, 1994 йил, 192-бет.

4. инсон қадр-қимматига мос келмайдиган аҳвол ва шундай аҳволга бирон-бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларни қўйиш.¹⁹

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида таълим инсон шахсини тўлиқ ривожлантириш ва унинг ўз қадр-қимматини англаши учун йўналтирилиши лозимлиги қайд этилган. Таълим инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаши лозим.²⁰ Шунинг баробарида таълим

- барчага эркин жамиятнинг фойдали иштирокчиси бўлиш имкониятини бериши;
- барча миллатлар, ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва дўстликни қўллаб-қувватлаш;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тинчлик сақлашда кўмаклашиши даркор.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) фаолиятининг йўналишларидан бири инсонни умр давомида барча даражада таълим билан таъминлашдан иборатдир. ЮНЕСКО дастурлари таълим инсон шахсининг шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлашда асосий роль ўйнаши эътиборга олинган ҳолда тузилади. Бу дастурларда таълим қашшоқликка қарши курашнинг муҳим воситаси ва барқарор ривожланиш асосларидан бири ҳисобланишига алоҳида урғу берилади.

1975 йили Женевада ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган Таълим бўйича халқаро конференция биринчи Халқаро таълимнинг стандарт таснифини тасдиқлади (ХТСТ). Бироқ бу тасниф XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида авж олган таълим инқилобининг шиддатли жараёнлари, авваламбор таълимни табақалаштириш жараёнларидан ортда қолди. Яъни бу пайтга келиб, аҳолининг турли гуруҳ ва қатламларининг билим олиши учун яхши шароитлар яратиб берган турли шакллари пайдо бўлди. Шу боис ЮНЕСКО Бош конференцияси 1997 йил ноябрда янги ХТСТни қабул қилди.

ХТСТ, ҳар бир давлатнинг таълим тизими ушбу давлатнинг маданий анъаналари, урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароити каби ўзига хос ҳамда ноёблигидан келиб чиққан ҳолда, аллақандай стандартлар тўпламини халқаро ҳамжамиятга мажбуран тиқиштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйгани йўқ. Халқаро таълимнинг стандарт таснифи ҳар бир мамлакат доирасида ва халқаро доирада таълим бўйича қиёсий кўрсаткичлар ҳамда статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш воситаси ҳисобланади. Бундай таҳлил асосида олинган маълумотлар таълим соҳасидаги давлат сиёсатини тўғри йўналтириш, баъзида эса миллий таълим моделларини ислоҳ қилишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ёрдам беради

Миллий ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар (жумладан ЮНЕСКО) томонидан ХТСТдан кўп йиллик фойдаланиш тажрибаси дунёнинг турли ҳудудларида таълим соҳасида рўй бераётган қуйидаги янги тенденция ва ўзгаришларни ҳисобга олиш имконини берди:

- касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлашнинг турли шакллариининг кўпайиши;
- билим олишни таъминлайдиган муассасалар турлари хилма-хиллиги;

19 Халқаро шартномалар тўплами. 1-жилд (1-қисм). Универсиал шартномалар. БМТ, Нью-Йорк ва Женева, 1994 йил, 192-бет.

20 Тўпلامга қаранг, 15-бет.

- масофавий таълим ва янги технологиялар билан боғлиқ бошқа таълим имкониятларидан янада кенг фойдаланиш.

Жомтьенда (Таиланд) 1990 йил «Таълим барча учун» мавзуида бўлиб ўтган бутунжаҳон конференциясида халқаро ҳамжамият эътибори таълим соҳасидаги йигирма йиллик ривожланишдан сўнг кўпгина ривожланаётган мамлакатларда бошланғич таълим тизимига инвестициялар оқими пасайгани, Африканинг қатор минтақаларида эса кескин камайганига қаратилди. Айрим мамлакатларда таълим учун ажратилаётган бюджет маблағлари дарсликлар ва ўқитувчилар маоши учун харажатларни қоплашга етмаяпти, таълим сифатининг ёмонлиги туфайли ўқишни ташлаб кетган ўқувчилар сони ниҳоятда кўпайиб кетди. 80-йилларнинг охирида ЮНЕСКО томонидан 100 ривожланаётган мамлакатда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатларнинг учдан икки қисми ҳар бир ўқувчи ҳисобга бюджетдан маблағ ажратишни камайтирган, уларнинг ярмида эса бошланғич мактаблар ўқувчилари сони қисқартирилган. Аниқланишича, ривожланаётган мамлакатларда катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тўртинчиси ўқиш ва ёзишни билмайди.

Жомтьен конференцияси ҳужжатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядан келиб чиқиб, ҳар бир бола, ўсмир ва катта ёшли киши ўзининг базавий таълим эҳтиёжларини қондирадиган билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги эълон қилинди. Бу борада гап инсонга кўп қутбли дунёни англашни ўрганиши, унда бошқалар билан биргаликда ҳаракат қилиши, яшаш имкониятини берадиган таълим тўғрисида боради. Таълим тизими одамлар ўз ҳаётини яхшилаши ва жамиятни қайта қуриши учун ҳар бир инсон истеъдоди ва салоҳиятини очишга ёрдам бериши лозимлиги маълум қилинди.

Таълим соҳасида хотин-қизларни камситиш уларнинг эҳтиёжларини инкор этаётган давлатларга қимматга тушмоқда. Ўқимишли хотин-қизлар меҳнат унумдорлигининг юқорилиги туфайли мамлакат ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ўсишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Улар тўғри овқатланиш, гигиена, касалликка чалинганда биринчи ёрдам кўрсатиш, иммунизация ва оилани режалаштириш каби муҳим омиллар аҳамиятини тушунгани боис соғлом бола туғмоқда ва тўғри тарбияламоқда. Соғлом болалар ота-оналарини меҳнат фаолиятдан камроқ чалғитади ва келажақда ўзлари ҳам жисмонан соғлом ва маълумотли одамлар сафига қўшилади. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар ўқимишли хотин-қизлар одатда кеч турмушга чиқади ва кўпинча соғлом бола туғади, ўз фарзандларининг билим олишига маблағ сарфлаш орқали бу устунликни янада оширишини кўрсатди. Малайзияда ўтказилган тадқиқотлар натижасида иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги нуқтаи назаридан қизларга илм бериш ўғил болаларга қараганда 20 фоиз самаралироқ экани аниқланди.

Хотин-қизларнинг саводлилиги болалар ўлимини пасайтиришнинг муҳим омилдир. Билимли оналар фарзандлари маълумоти паст ёки саводсиз аёлларнинг болаларига қараганда яшаши ва соғлом ривожланиши учун кўпроқ имкониятга эга.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Жомтьедаги конференцияда болаларни мактаб таълими билан қамраб олишни кенгайтириш — катта ишнинг бошланиши эканини айтди. Болалар саводхонлигини ошириш масаласи ҳал этишни талаб қилади. Талай давлатларда таълим сифатининг ёмонлиги ўқувчилар кўпинча йиллаб мактабга қатнаса-да, етарлича билимга эга бўлмаётганини англатади. Дунёда бошланғич таълим учун қўшимча сарф-харажатлар йилига 5

миллиард доллар миқдориди баҳоланмоқда. Бироқ ушбу маблағларнинг катта қисмини мавжуд ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобидан топиш мумкинлиги тўғрисида умумий фикрлар билдирилмоқда.

Декларация қатъий ва бир хил қолипдаги таълим тизими поёнига етгани ҳамда мослашувчан тизим даври бошланганини эълон қилди. Барча мамлакатларга ўз таълим тизимини истемолчилар талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш таклиф этилди. Шунингдек, таълим жараёнида ўқувчиларнинг маданий ва тарихий шароитларини ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Жомтьен конференциясининг асосий ҳомийлари ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури (БМТРС) ва Жаҳон банки давлатларни қуйидаги уч мақсадга эришиш учун харажатлар соҳасида устувор вазибалар тартибини ўзгартиришга чақирди:

- 2000 йилга келиб, дунёда болаларнинг камида 80 фоизига базавий билим бериш;
- катта ёшли кишилар ўртасида саводхонликни 1990 йилдагига нисбатан ярим бараварга камайтириш;
- қизлар ва ўғил болаларни тенг имкониятлар билан таъминлаш.

Сўнги йилларда дунёда етакчи давлатлар ушбу мажбуриятларни тасдиқлади, аниқ мақсадлар, уларни бажариш йўллари ва муддатини белгилади.

Мисол учун, 2000 йил апрелда Дакарда (Сенегал) бўлиб ўтган Таълим бўйича бутунжаҳон форумида «Таълим барча учун» (ТБУ) стратегияси амалга оширилишининг ўн йиллиги якунлари сарҳисоб қилинди. Дакар форуми таълимга инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида эътиборни янада кучайтирди. Форумнинг «Дакар ҳаракатлар доираси. Таълим барча учун: мажбуриятларимизнинг бажарилиши» деб номланган асосий ҳужжатида таълим инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири эканини яна бир қарра исботлади. Таълим мамлакат ичида барқарор ривожланиш, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатлар ўртасида дўстона қўшничилик муносабатларининг калити ҳисобланади. Таълим одамларнинг жамият ҳаёти ва глобаллашувнинг ўзгармас жараёнларини бошдан кечириётган XXI аср иқтисодийётида самарали иштирок этиши учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Жомтьен ва Дакар форумларида базавий таълим соҳасида ишлаб чиқилган принциплар ЮНЕСКО томонидан 1998 йил Парижда ташкил этилган Олий таълим бўйича бутунжаҳон конференция ғоялари ҳамда кўрсатмалари билан узвий бойитилмоқда. Конференция барча мамлакатлар ҳукуматларига олий таълимнинг оммабоплигини ва таълим сиёсатининг етакчи йўналишлари бўйича уни эгаллаш учун тенг имкониятлар билан таъминлашни тавсия қилди. Конференция олий таълим меҳнат бозорига мослашмаслиги, аксинча, у билан ҳамкорлик қилиши даркорлигини қайд этди.

Шу тариқа, жаҳон ҳамжамияти таълимнинг вазибасини ишчи кучини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш билан чеклашга қарши чиқди. Шу муносабат билан Париж конференциясида таълимга оид ижтимоий-шахсий, умуммаданий ва маънавий вазибаларнинг заифлашгани жиддий ташвиш туғдираётгани таъкидланди.

Катта ёшли кишилар таълимини ривожлантириш муаммолари 1960 йил Монреал, 1972 йил Токио, 1985 йил Париж, 1977 йил Гамбургда ўтган махсус халқаро конференцияларда муҳокама этилди. 1976 йилда ушбу муаммолар ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг Найробиди бўлиб ўтган конференцияси эътибор марказида бўлди. Қайд этилган ушбу форумларда катталар учун мўлжалланган таълим жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни белгилаши ва инсониятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши таъкидланди. Гамбургда ўтказилган халқаро конференция

цияда қабул қилинган декларация катталар таълими нафақат ҳуқуқ, балки XXI аср эшигини очиб берадиган калитлардан бири экани алоҳида таъкидланди.

:Катталар истеъдодини ривожлантириш, уларнинг билим ва касбий малакасини такомиллаштириш «бешиқдан қабргача илм ўрган» деб номланган янги таълим стратегиясининг узвий қисми ва зарур элементи экани эътироф этилмоқда. Бутун умр давомида ўқитиш концепцияси жамиятда ва ҳар бир инсон ҳаёти модели шиддат билан ўзгариб бораётган ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун алоҳида аҳамият касб этади. «Бутун умр давомида ўқитиш» тушунчаси моҳияти инсоннинг нафақат мактаб ёшида, балки меҳнат фаолияти жараёнида, турли вазиятларда ўқитиш ва таълим беришнинг расмий ҳамда норасмий тузилмаларида билим олиши учун шароит яратиш, истеъдодини ривожлантириш зарурлигини англатади.

Концепциянинг асосий мақсади — ўз фаровонлигини барпо этаётган, шунингдек, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида фаол ва самарали иштирок этаётган шахсга кўмаклашишдир.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йилнинг сентябрида қабул қилинган Мингйиллик декларациясида давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари янги мингйиллик бошида демократияни кенгайтириш ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш учун ўз кучларини аямаслигини яқдиллик билан баён қилди. Улар БМТ минбарида туриб, ўз мамлакатлари ҳудудида инсоннинг халқаро эътироф этилган барча ҳуқуқларига, асосий эркинликлари, жумладан ривожланиш ҳуқуқига амал қилинишини таъминлаши ҳақида сўз берди.

Ҳукуматларнинг Мингйиллик саммитда, шунингдек, Бош Ассамблеянинг 2002 йилнинг май ойида Болалар аҳволи бўйича «Болалар ҳаёти учун яроқли дунё» деб номланган махсус сессиясида ўз зиммасига олган мажбуриятлари моҳиятан, шартнома ҳужжатлари бўлди. Улар бир-бирини тўлдириб, биргаликда ягона стратегия — XXI аср бошида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўзда тутувчи Мингйиллик кун тартибини ифода этади.

Мингйиллик декларациясида (МРМ) ифодаланган мақсад ва вазифаларга эришиш юз миллионлаб одамлар ҳаётини ўзгартириши мумкин. Башарият кўплаб касалликлар ва бевақт ўлим, қашшоқлик, тўйиб овқат емасликдан халос бўлади. Ер шари аҳолисининг қашшоқ қатламлари пировардида тоза сувдан, тегишли санитария воситалари, шунингдек бошланғич таълимдан баҳраманд бўлиш имкониятини қўлга киритади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар МРМга эришиш тарафдори ва шунинг учун тараққиёт жадаллаштиришнинг қатор асосий ташаббуслари атрофида бирлашди. Улар орасида 2 ва 3-мақсад бевосита умумий бошланғич таълим билан таъминлаш, таълим соҳасида жинслар тенглигини қўллаб-қувватлаш орқали хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш каби масалалар билан боғлиқ.

Ривожланиш соҳасидаги мақсадлардан бири Ер шарида ҳар бир ўғил-қизни умумий бошланғич таълим билан тўлиқ таъминлашдир. Бу мақсадлар қамрови бўйича ягона умумий вазифа ҳисобланади. Унда ҳукуматлар, халқаро муассасалар ва донорларга барча болалар, биринчи навбатда айни пайтда таълим соҳасидан четда қолган болаларнинг ўқиши учун шарт-шароит яратишга даъват қилинган.

Аксарият мамлакатларда қизларнинг мактабларга бориш эҳтимоли ўғил болаларга қараганда анча кам. Бу муаммо таълимнинг юқори даражаси нуқтаи назаридан қизларнинг фойдаси учун чуқурлашаётгани йўқ. Мингйиллик декларациясида эълон қилинган гендер паритети инсон ривожланиши соҳасида

1.6-киритма.

Мингйиллик декларациясида ўз ифодасини топган ривожланиш соҳасидаги мақсадлар Мингйиллик кун тартибининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мақсад (2015 йилгача мўлжалланган вазифалар)

1. Ўта қашшоқликка ва очликка барҳам бериш

- Кунлик даромади 1 доллардан кам аҳоли сонини икки бараварга камайтириш.
- Очликдан азият чекаётган аҳоли сонини икки бараварга камайтириш.

2. Умумий бошланғич таълимга эришиш

- Барча ўғил-қизларнинг бошланғич таълимга тўлиқ эга бўлишини таъминлаш.

3. Аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш

- Иложи борича, 2005 йилда бошланғич ва ўрта таълимда, 2015 йилда эса таълимнинг барча даражасида гендер тенгсизлигига барҳам бериш.

4. Болалар ўлимини қисқартириш

- Оналар ўлими коэффицентини учдан икки қисмга камайтириш.

5. Оналар саломатлигини яхшилаш

- Болалар ўлими коэффицентини тўртдан уч қисмга камайтириш.

6. ОИВ/ОИТСга, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш

- ВИЧ/ОИТС тарқалишини тўхтатиш, касалликка чалинишни камайтиришга интилиш. Безгак ва бошқа асосий касалликлар тарқалишини тўхтатиш, касалликка чалинишни камайтиришга интилиш.

7. Экологик барқарорликни таъминлаш

- Тоза ичимлик сувидан доимий фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган одамлар сонини икки бараварга камайтириш.
- Барқарор ривожланиш принципларини давлат стратегиялари ва дастурларига киритиш, табиий ресурслар йўқотилишини камайтириш

8. Ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорликни шакллантириш

- Хусусий сектор билан ҳамкорликда барча янги технологиялар, айниқса, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши учун чоралар кўриш.

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йилдаги Мингйиллик декларацияси ва бошқа ҳужжатларидан.

асосий вазифа ҳисобланади. Бу гендер муносабатларидаги муҳим таркибий ўзгаришларни, ўғил-қизларнинг таълимнинг барча даражасида тенг имкониятларга эгаллиги кафолатининг ифодасидир. Уларнинг ўз салоҳиятини тўлиқ амалга ошириши учун барча шароитини яратишни кўзда тутди.

Жаҳонда тахминан 121 миллион бола, уларнинг аксариятини қизлар ташкил қилади, мактабга бормади ва бунинг оқибатида таълим олиш ҳуқуқидан маҳрумлигича қолмоқда. Айрим мамлакатлар ҳукуматлари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни имзолашда берган ўз мажбуриятларини тўлиқ бажара олмади. Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг иккинчиси бажарилмаса, 75 миллион бола, уларнинг 70 фоизи Сахара жанубидаги Африка мамлакатларида яшайди, 2015 йилда ўзларининг бошланғич таълимдан баҳраманд бўлишга оид қонуний ҳуқуқидан маҳрум бўлади.²¹

Бошланғич ва ўрта таълимдан баҳраманд бўлишдаги гендер тенгсизлиги бажарилмаган Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан бирига айланади. Қисман бу ўрта таълим билан қамраб олишни таъминлаш борасида етарлича ривожланмаслик сабабли содир бўлади. ЮНЕСКОнинг фикрича, 2005 йилда 76

21 Дунёда болалар аҳоли, 2005 йил. Болалик хавф остида. ЮНИСЕФ.

Диаграмма 1.5

Қизларнинг ўрта мактабга бориш коэффиценти ва ўғил болаларнинг бориш коэффиценти таққоси (100 нафар ўғил болага қизлар сони)



Манба: ЮНЕСКО Статистика институти маълумотлари (1998–2002 йиллар), жумладан 2000 йилги «Таълим барча учун» дастури бўйича маълумотлар.

мамлакат бошланғич ва ўрта таълимда гендер тенглигига эришиши гумон. Ҳозирги тенденциялар ҳисобга олинган бўлса, 2015 йилда дунёнинг 54 мамлакатда бундай тенгликка эришилмайди. Бу мамлакатлар 2015 йилга бориб, таълим соҳасида тенгликка эришиши бўйича чоралар кўриши учун уларни қўллаб-қувватлаш лозим.²²

Ҳар бир болани бошланғич таълим билан таъминлаш қўшимча ресурслар талаб қилади. Бироқ ушбу мақсадни мажбурий эмас ёки эришиб бўлмайдиган мақсад сифатида кўриб чиқмаслик керак. Жаҳонда барча ўғил-қизларни сифатли бошланғич мактабда ўқитиш учун бир йилда 717 миллиард доллар талаб қилинади. Бу маблағ бошқа давлат сарф-харажатларига солиштирилганда унчалик катта эмас. Бундан олинган фойда ҳозирги ва келгуси авлодлар болаларининг саломатлиги, маҳсулдорлиги ҳамда ижтимоий фаровонлиги нуқтаи назардан қиёслаб бўлмайдиган даражада катта.

МРМга эришиш нафақат фаровон яшаётган, балки ҳуқуқлари муайян даражада чекланган эҳтиёжманд болаларга ҳам фойда келтириши лозим. Ҳаётининг муҳим хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятидан йироқ бундай болалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва жамият ҳамда давлат ҳимоясидан маҳрум. БМТга аъзо барча давлатларнинг Мингйиллик кун тартиби доирасидаги фаолияти айнан шундай болаларни тегишли тадбирлар билан қамраб олишни таъминлашга қаратилган.

XXI асрдаги янги халқаро ҳуқуқий тартиб барча давлатлар саъй-ҳаракати билангина ўрнатилиши мумкин. БМТ Бош Ассамблеясининг 2005 йил сентябрдаги юбилей сессиядаги барча давлатлар ва ҳукуматларга мурожаати Жаҳон саммитининг якуний ҳужжатида ўз ифодасини топган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш бўйича фаол ҳаракатларни давом эттиришга чорлайди. Бу жаҳон ҳамжамияти давлатларининг инсон яшаётган дунёни яхши томонга ўзгартириш, жумладан, таълим соҳасидаги вазиятни ўзгартиришга қатъияти ва интилишининг тасдиғидир.

22 UN Millenium Project, *Fast Force on Education and Gender Equality, Toward universal primary education: investments, incentives, and institutions* Earthscan, London, 2005, p.9

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ

2.1. МУҚАДДИМА: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ ИНДЕКСИ

Салом-алик ўзбекча таомилларнинг муҳим анъанавий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Саломлашишда одамлар бир-бирининг соғлиги, оила аъзолари, иши ҳақида ҳол-аҳвол сўрайди, бир-бирига узоқ умр, фаровон ва сермазмун ҳаёт тилайди. Демак, инсон ривожланиши концепцияси асосий қоидаларининг ғоя ва мазмун-моҳияти ўзбек маданияти ва менталитетига яқиндир. Мамлакат ҳукумати ўтиш даври мураккабликларига қарамасдан инсон ривожланиши тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган ушбу маданий қадриятлар ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, бу миллий даромадни тақсимлаш — таълим ва тиббий хизматларга, спорт, жумладан болалар спортини ривожлантириш, аҳолининг ночор ижтимоий қатламларини ҳимоя қилишга маблағ сарфлаш бўйича давлат сиёсатида инсон ривожланиши масалаларига қаратилаётган эътиборда ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Жамиятнинг муҳим бойлиги — одамлар учун тегишли шарт-шароит яратиш орқалигина фаровонликка эришиш мумкин.

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ўтиш даври сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. 1994 йил, яъни мустақиллик эълон қилингандан кейин уч йил ўтганидан сўнг ижтимоий муҳофаза қилиш тизими тузилмаси аҳолининг энг ҳимояга муҳтож қатламларига аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун тўлиқ ислоҳ қилинди;
- таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бошланди. 1996 йил таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бошланиш йили бўлди. Бу борада ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлар ўн йилдан сўнг таълим тизимини ислоҳ қилишга киришган бўлса, баъзилари ҳали ушбу жараённи бошлагани ҳам йўқ;
- соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бошланди. 1998 йили ислоҳотларнинг биринчи босқичида бирламчи тиббий хизмат кўрсатишга ёндашувлар тубдан ўзгартиришга киришилди — мамлакат жами аҳолисининг қарийб 64 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган мутлақо янги турдаги, яхши жиҳозланган даволаш муассасаларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Соғлом болалар туғилиши ва тарбияланишини тиббий жиҳатдан таъминлашга, аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини модернизация қилишга янгича ёндашувлар жорий этилди.

Ушбу ва амалга оширилаётган бошқа ижтимоий тадбирларни ўз ичига олган изчил сиёсат натижасида Ўзбекистонда инсон салоҳиятини ривожлантириш индексининг (ИСРИ) деярли барча кўрсаткичлари барқарор ўсиш йўналишига эга (1-жадвалнинг статистикага оид иловасига қаранг). Ўзбекистонга доир ҳисоб-

2.1-киритма

Жамиятнинг йиллик ижтимоий устувор вазифалари

Ўзбекистонда ҳар йили махсус танланган йирик ижтимоий муаммони ҳал этишга жамият эътиборини қаратиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Жамиятнинг давлат, ижтимоий ва нодавлат ресурсларини ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишга жалб этишнинг бундай шакли анъанага айланган. 1997 йилдан бошлаб, мамлакатда ҳар бир йил аниқ мақсадларни амалга оширишга бағишланмоқда. Бу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш учун тегишли мақсадли давлат дастурлари қабул қилинмоқда:

- 1997 — Инсон манфаатлари йили;
- 1998 — Оила йили;
- 1999 — Аёллар йили;
- 2000 — Соғлом авлод йили;
- 2001 — Она ва бола йили;
- 2002 — Қарияларни қадрлаш йили;
- 2003 — Маҳалла йили;
- 2004 — Хотира ва қадрлаш йили;
- 2005 — Сиҳат-саломатлик йили;
- 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили;
- 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили;
- 2008 — Ёшлар йили.

китоблар шундан далолат берадики, инсон салоҳияти индекси миқдорига таълим кўрсаткичи (40,45 фоиз) ва умрнинг кутилаётган давомийлигининг (34,92 фоиз) таъсири нисбатан кўпроқ. БМТнинг 2004 йилга доир маълумотларига кўра, республикада таълим тизими дунё миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, 177 мамлакат орасида 80-ўринни, умрнинг кутилаётган давомийлиги бўйича эса 112-ўринда туради. Бироқ Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи унчалик юқори эмас (177 мамлакат орасида 141-ўрин). Келажақда айнан ушбу кўрсаткичнинг ўсиши Ўзбекистонда инсон ривожланиши даражасини оширишда муҳим имконият сифатида хизмат қилади.

Ушбу маърузанинг 1-бобида инсон келажагини яратиш орқали танлаш имкониятини кенгайтириш принципига асосланган инсон ривожланишининг асосий мазмун-моҳияти баён этилган. Бу узоқ ва соғлом умр кўриш, таълим олиш, муносиб турмуш даражасини яратиш учун зарур ресурслардан фойдаланиш, шунингдек, жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятини ўз ичига олади. Шу билан бирга, мазкур ҳисоботнинг қолган бобларида Республикада фуқароларга берилаётган таълим сифати ва ундан фойдаланиш даражасини кўтаришга оид амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилишидан ташқари, ушбу бобда яқин вақтдан буён аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни ошириш ҳамда барча фуқаролар учун муносиб турмуш даражасини яратиш борасида ҳукумат томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган саъй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Барчанинг муносиб турмуш даражасига эришиши учун аҳолига зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятини бериш мақсадида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг турли қатламларининг иш билан таъминланиш, ер, кредитлар ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш орқали қайд этилган ўсиш суръати имкониятларидан фойдаланишини кафолатлаш зарур. Охириги иқтисодий ва ижтимоий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичининг ошишига қарамай мамлакатда 2003 йилдан буён кузатилаётган муайян даражадаги иқтисодий ўсиш суръатлари кам таъ-

2.2-киритма.

Инсон ривожланиши тўғрисидаги глобал ва миллий маърузаларда инсон салоҳиятини ривожлантириш даражасини баҳолаш бўйича ёндашувлардаги тафовутлар

БМТ Ривожланиш дастурининг йиллик глобал маърузаларида мамлакатлар рейтинг эски ёки текширилмаган маълумотлар бўйича аниқланади ва баъзида бу жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Масалан, навбатдаги глобал «2006 йилги Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза»да фойдаланилган кўрсаткичларнинг батафсил таҳлили Ўзбекистондаги расмий статистикага оид маълумотлардан катта фарқ қилишини кўрсатади. Ушбу расмий маълумотларни истаган мустақил эксперт текшириб кўриши ва бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Кўрсаткичлар БМТРД Глобал маърузаси Амалда Бўйича Ўзбекистонда	Глобал маърузаси Амалда	Бўйича Ўзбекистонда
Туғилишда умр кўришнинг кутилаётган давомийлиги (ёш)	66,60	71,20
Аҳолининг саводхонлик даражаси, фоиз, %	—	99,31
Таълим даргоҳларига жами қабул қилинганлар	74,00	76,50
Аҳоли жон бошига ЯИМ, ППС \$	1869,00	2834,80
Умр кўриш давомийлиги индекси	0,69	0,77
Таълим индекси	0,91	0,92
ЯИМ индекси	0,49	0,56
Инсон ривожланиши индекси (ИРИ)	0,696	0,756

Ҳақиқий аҳволни бу тарзда асоссиз бузиб кўрсатилиши Глобал маърузада кўтарилаётган муаммоларнинг долзарблиги ва муҳимлиги, халқаро жамият томонидан ушбу муаммоларга катта қизиқиш билдирилаётгани, кўплаб ҳукуматларнинг ижтимоий сиёсат ва инсон ривожланиши соҳасида қабул қилаётган қарорларига таъсир кўрсатаётганига қарамай ушбу маърузаларга ишончсизликка олиб келади, уларнинг рўй бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиш самарадорлигини пасайтиради.

минланиш даражасини жойларда, айниқса, қишлоқларда бир текис камайтиришга қаратилган кўрсаткичлар 2005 йилга доир маълумотларда ўз аксини топмаган. Шу боис, аҳолининг муайян қисми шу даврда мазкур ўсиш суръатлари имкониятларидан етарлича фойдаланмади. Бундан ташқари, 2006–2007 йилларда меҳнат бозорида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда касаначиликни рағбатлантириш чора-тадбирлари натижасида янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ туб ўзгаришлар рўй берди.

Янги иш ўринларини яратиш 2008–2010 йилларда аҳоли фаровонлигини юксалтириш стратегиясини амалга оширишда муҳим ҳаётий аҳамиятга эгадир. Ушбу кенг қамровли стратегия иқтисодий ўсиш хусусиятларини ўзгартириш, аҳоли бандлигини, жумладан озиқ-овқат, маҳсулотларни қайта ишлаш саноати, енгил саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, кичик корхоналарда машинасозлик саноати учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳасини ривожлантириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, айни пайтда ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилмага, жумладан, қишлоқ жойларга давлат инвестицияларини йўналтиришни кўпайтириш ҳисобидан қайта тақсимлаш сиёсатини мустаҳкамлаш (фақат мақсадли ижтимоий трансферлар шаклидагина эмас) имконини берадиган қатор стратегик чораларни назарда тутди.

2.2. ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Юқорида қайд этилганидек, сўнги йилларда мамлакатда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кўзга ташланмоқда. 2.1-расмда 2003–2006 йилларда иқтисодий ўсиш суръати бир йилда 7–8 фоизга ошгани (1996–2002 йилдаги 3–4 фоизга нисбатан) ва прогнозларга мувофиқ ўсиш суръатлари 2010 йилгача 8–9 фоиз миқдорида бўлиши кўрсатилган (1.1-фаровонликни ошириш стратегияси (ФОС) жадвалига қаранг).

Айни пайтда Республика ҳукумати макроиқтисодий барқарорликни сақлашга қаратилган изчил сиёсат юритмоқда, инфляция даражаси эса 6,8 фо-

Диаграмма 2.1.
Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши




Диаграмма 2.2.
Истеъмол нархлари индексида (ИНИ) инфляция даражаси





Диаграмма 2.3.
Бюджет тақчилиги



изда сақланиб турибди (1997–2002 йилларда бу кўрсаткич 21–28 фоиз бўлган эди), 2005 йилдан буён ортиқча бюджет маблағлари тежаб қолинмоқда ва 2006 йилда ушбу маблағлар миқдори 0,5 фоизни ташкил этди.

Юқорида қайд этилган ижобий натижалар аҳоли жон бошига ўртача даромаднинг ўсишида ўз ифодасини топган. 2006 йилда эса реал даромад миқдори 2000 йилдаги шундай кўрсаткичга нисбатан қарийб 2,5 бараварга ошди..

2.1-жадвал.

Оилалар реал даромадининг ошиши

	Ўтган йилга нисбатан (фоиз)	2000 йилга нисбатан (фоиз)
2000	124,7	100,0
2001	117,9	117,9
2002	111,4	131,3
2003	101,0	132,7
2004	112,9	149,8
2005	120,2	180,0
2006	144,5	260,1

Манба: Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган оилалар бюджетини текшириш натижалари.

Бироқ даромадлар миқдори ўсишининг ўртача кўрсаткичи мамлакатдаги турмуш даражасини тўла акс эттира олмайди. Биринчидан, бу кўрсаткич даромадлар ўртасидаги тенгсизликни ва даромадларнинг ўсиш суръатидаги тафовутларни (худудлар ва аҳоли қатламлари ўртасидаги) ифода этмайди. Иккинчидан, маълумки, даромад ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда турмуш даражасининг нисбатан пастроқ кўрсаткичи ҳисобланади ва ушбу мамлакатларда даромад кўпинча норасмий хўжаликларда шаклланади, яъни декларация қилинмайди.

Шу сабабли 2001 йилдан бошлаб, мамлакат бўйича кам таъминланиш даражаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган оилалар бюджетини текшириш натижаларига мувофиқ аҳоли жон бошига истеъмол даражасига оид маълумотлар, шунингдек, кам таъминланганликнинг озиқ-овқатга оид доираси бир кунда аҳоли жон бошига 2100 калория истеъмол қилиш сарфхаражатлари қиймати бўйича ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2001 йилда 6,8 миллион киши ёки аҳолининг 27,5 фоизи кам таъминланган шароитда яшагани ҳисоблаб чиқилди.

2001–2005 йилларда эришилган натижалар таҳлили кам таъминланиш даражасининг аста-секин пасайиб бораётганидан далолат беради (27,5 фоиздан 25,8 фоизгача, қуйидаги 1-жадвалга қаранг). Яна шуни таъкидлаш жоизки, кам таъминланиш даражасини пасайтиришнинг асосий улуши ҳали-ҳамон шаҳарларга тўғри келмоқда, яъни бу кўрсаткич 22,5 фоиздан 18,3 фоизгача камайди. Айти пайтда қишлоқларда ушбу кўрсаткич 2001 йилда 30,5 фоиздан 2005 йилда бор-йўғи 30 фоизга пасайди. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқ туманлари аҳолисининг ночорланиш хавфи борасидаги тафовутлар ўсиши (турмуш даражасида ҳам) кузатилмоқда: 2001 йилда тафовут 8 фоизни ташкил этган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич қарийб 12 фоизга тенг (1-жадвал).

2.2-жадвал.

2001–2005 йилларда кам таъминланиш кўрсаткичи бўйича бюджет тадқиқотлари маълумотлари (фоиз ҳисобида)

	2000/01	2002	2003	2004	2005
Жами	27,5	26,5	27,2	26,1	25,8
Шаҳарда	22,5	21,8	22,6	18,8	18,3
Қишлоқда	30,5	29,4	29,8	30,3	30,0

Манба: Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган оилалар бюджетини текшириш натижалари

Кам таъминланиш кўлами ҳақида сўз юритиладиган бўлса, ўтган йилларда юзага келган муайян даражадаги ҳудудий табақалашув, шунингдек, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа жойлари ўртасида турмуш даражаси ҳамда имкониятлар борасидаги фарқ сақланиб қолаётгани кўринади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида ночорлашиш хавфи даражаси анча юқори (44 фоиз). Бу маълум даражада Оролбўйи ҳудудидаги экологик фалокат туфайли анъанавий ишлаб чиқариш имкониятлари ёмонлашгани билан боғлиқдир. Ночорлашиш хавфининг энг паст даражаси Тошкент шаҳрига тўғри келади (6,7 фоиз). Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилояти ҳам Тошкент шаҳри сингари ночорлашиш хавфи кўрсаткичи паст ҳудудлар

2.3-жадвал.

2005 йилда кам таъминланишни жўғрофий тақсимланиши

Жой/вилоят	Бюджет тадқиқотлари маълумотлари бўйича кам таъминланиш даражаси	Жами аҳоли	Кам таъминланган аҳоли
Жами	25,8	100	100
Шаҳар	18,3	35,6	25,3
Қишлоқ	30,0	64,4	74,7
Қорақалпоғистон	44,0	5,1	8,7
Андижон	23,1	9,5	8,5
Бухоро	20,8	6,4	5,1
Жиззах	29,6	3,7	4,3
Қашқадарё	41,0	8,5	13,5
Навоий	26,3	2,9	3,0
Наманган	33,4	7,9	10,2
Самарқанд	23,9	11,2	10,4
Сурхондарё	34,6	7,3	9,8
Сирдарё	32,6	2,4	3,0
Тошкент вилояти	20,4	10,1	8,0
Фарғона	15,8	11,6	7,1
Хоразм	31,0	5,1	6,1
Тошкент шаҳри	6,7	8,2	2,1

Манба: Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган оилалар бюджетини текшириш натижалари.

ҳисобланади (тегишли равишда 15,8, 20,8 ва 20,3 фоиз). Тошкент шаҳрида мамлакат аҳолисининг атиги 8,2 фоизи яшаса, ушбу вилоятларда мамлакатдаги кам таъминланган аҳоли умумий сонининг 2,1 фоизи истиқомат қилади (2.3-жадвалга қаранг).

Ҳар йили ўтказиладиган оилалар бюджетини текшириш натижаларига оид маълумотларнинг 2005 йилдаги таҳлили шуни кўрсатадики, кам таъминланиш муайян даражада бандлик даражаси билан боғлиқдир. Масалан, бюджет текширувлари маълумотларига кўра, кам таъминланган оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг атиги 11 фоизи иш билан банд. Бой оилаларда эса бу кўрсаткич 56 фоизни ташкил этади. Бу оилалар турмуш даражасини оширишда бандлик муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради (ФОС, 3-бобга қаранг). Айнан шу боис мамлакат Президенти ва ҳукуматининг стратегиясига мувофиқ иш билан бандликни кенгайтириш яқин даврда мамлакатни ривожлантиришга доир муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади.

Икки нафардан ортиқ фарзандни тарбиялаётган ва икки нафаргача меҳнатга лаёқатли катта ёшли киши яшаётган оилаларнинг кам таъминланиш даражасига тушиб қолиш хавфи катта. 2005 йилда кам таъминланган оилада ўртача 6,5 киши яшаган бўлган бўлса, ўзига тўқ оилалар 4,76 кишидан иборат бўлган. Бировнинг қарамоғида бўлганлар коэффиценти кам таъминланган оилаларда 0,83 ва қашшоқ бўлмаган оилаларда 0,73 тенг эди. Шунингдек, 1-бобда оила бошлиғи фақат ўрта маълумотга эга бўлган оилаларнинг муҳтожликка дучор бўлиши акс эттирилган (1-боб, 1,5-жадвалга қаранг). Бу эса ўз навбатида, ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлишни кенгайтириш биринчи даражали стратегик аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Демографик тенденция ва турмуш даражаси

Мамлакатда демографик тенденция инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси (ИСРИ) даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу, айниқса, аҳоли жон бошига йиллик ЯИМ, таълим ва умр кўришнинг ўртача давомийлигига тааллуқлидир.

Гарчи сўнгги йилларда ЯИМнинг юқори даражада ўсаётганига қарамай, Республикада аҳоли сонининг кўпайиши ҳам давом этмоқда. Шу сабабли ЯИМнинг узлуксиз ўсиши кўп сонли аҳолига нисбатан унчалик юқори эмас ва бунинг натижасида ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши реал ЯИМнинг ўсиш суръатига қараганда анча паст (қуйида 2.4-жадвалга қаранг). Аҳоли сонининг кўпайиши 1980 йилларда секинлашган бўлса-да, айти пайтда уларнинг ўсиш суръати йилига тахминан 1,2 фоизни ташкил этади ва БМТ Аҳолишунослик бўлими прогнозларига кўра, 2006–2010 йилларда аҳоли сони яна 6 фоизга кўпаяди. Болалар сонининг кўпайиб бораётгани таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари бюджетига, шунингдек, етказиб бериш воситалари ва ижтимоий инфратузилмага маълум даражада таъсирини ўтказмоқда, ижтимоий инфратузилманинг асосий ижтимоий хизматларининг сифат стандартларини бир маромда сақлашни янада қийинлаштирмоқда.

Аҳолининг ёш таркиби кейинги ўн йилда туғилишнинг юқори даражасида ўз ифодасини топган. 2006 йилда 0–18 ёшли болалар аҳоли умумий сонининг қарийб 42 фоизини ташкил қилди. Гарчи ушбу кўрсаткичнинг пасайганига қарамай (1995 йилда болалар аҳоли умумий сонининг 48,7 фоизини ташкил қилган) ҳали ҳам аҳолининг катта қисми болалар ва ёшлардан иборат. Бу қуйидаги 1989–2006 йилларга оид кўрсаткичларни акс эттирувчи жадвалда ўз ифодасини топган.

Инсон ривожланиши ва давлат сиёсати учун ушбу ҳолатнинг оқибатлари қуйидагилар ҳисобланади. Биринчидан, болалар ота-онаси қарамоғида бўлади ва бу оила бюджетидан қўшимча харажатлар сарфланишига олиб келади. Юқорида қайд этилганидек, айниқса, серфарзанд оилалар давлат томонидан нафақалар,

2.4-жадвал


ЯИМ (реал), ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиши ва аҳоли (ўтган йилдагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Йиллар	Реал ЯИМ ўсиши	Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши	Аҳолининг ўсиши
1995–1996	1,74	–0,20	1,98
1996–1997	5,20	3,28	1,93
1997–1998	4,26	2,55	1,81
1998–1999	4,33	2,81	1,53
1999–2000	3,84	2,41	1,46
2000–2001	4,16	2,86	1,33
2001–2002	3,97	2,71	1,22
2002–2003	4,23	3,03	1,24
2003–2004	7,44	6,22	1,10
2004–2005	6,95	5,72	1,22
2005–2006	7,34	6,06	1,12

Манба: Глобал ривожланиш кўрсаткичлари (Жаҳон банки, 2007 йил, он-лайн режимда фойдаланиш мумкин) ва TransMONEE маълумотлар базаси. (ЮНИСЕФ, 2007 йил, он-лайн режимда фойдаланиш мумкин)

Даграмма 2.4.

1989–2006 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг таркибий тузилмаси (ёши ва жинси)



таълим, тиббий хизматлардан фойдаланиш кўринишидаги ёрдамга умид қилади. Иккинчидан, меҳнат бозорига келаётган ёшлар сони кўпчиликни ташкил этади. Оилада турмуш даражасини сақлаш ва муносиб ҳаёт кечиришни кафолатлаш, сони ортиб бораётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини унумли иш ҳамда уларнинг даромад олишини таъминлаш мақсадида юқори иқтисодий ўсиш даражасини таъминлашга қисқа ва ўрта муддатли истиқболда янада кучлироқ эътибор қаратиш даркор. Учинчидан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг меҳнат бозорида рақобатлашиш имкониятини ошириш ва малакали ишчи кучига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун уларнинг таълим олиши ҳамда соғлигини сақлашга маблағ сарфлаш зарур.

2.3-киритма:

Ўзбекистонда туғилиш даражасининг пасайишига таъсир кўрсатаётган омиллар

Ўзбекистон аҳолисининг ўтиш давригача йилига ўртача ўсиши 2,5 фоиз ва ундан юқори эди, оилалилар коэффиценти эса 5,5 киши. Кейинги 15 йилда ушбу кўрсаткичлар анча пасайди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

- демографик сиёсатнинг давлат даражасида ўзгариши, кўп болаликни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан воз кечиш;
- аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатнинг ўзгариши. Аҳолини туғиш ўртасидаги даврийликни чўзиш ҳисобидан соғлом бола туғиш ва тарбиялашга йўналтириш. Аёлларнинг қулай ёш — 20–30 ёшда бола туғишини рағбатлантириш;
- аҳолининг контрацепция воситалари, жумладан, бепул бериладиган воситалардан фойдаланишини анча кенгайтириш. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун контрацепция воситаларидан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш;
- аҳолининг муайян қисмида оилавий урф-одатларни ўтиш даври қийинчиликлари туфайли туғилишни чеклаш сари ўзгартириш. Ўтиш даврида бунга ҳаёт кечириш ва болаларни моддий таъминлашнинг қийинлашгани, уларга мактабгача таълим муассасаларида парваришлаш учун давлат томонидан бепул хизмат кўрсатишнинг қисқариши ҳам ўз таъсирини кўрсатди;
- кўплаб оилаларда эркакларнинг (ёки баъзида аёлларнинг) пул топиш учун доимий яшаш жойидан бошқа жойларга кетиши сабабли турмуш тарзининг ўзгариши;
- оилаларнинг фарзандлар учун молиявий жавобгарликнинг ошиши туфайли аёлларнинг кам бола туғиш бўйича репродуктив қарашларининг ўзгариши. Бу аёлларнинг айна пайтда оила бюджети молиявий ресурсларини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши билан ҳам боғлиқ;
- туғилишнинг камайишига бутун жаҳонда давом этаётган тенденцияларнинг таъсири. Влияние общемировых тенденций сокращения рождаемости.

Бандлик ва турмуш даражаси

Юқорида қайд этилган демографик тенденциялар сабабли кейинги 15 йил ичида мамлакат умумий аҳолиси сонида меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши мунтазам ортиб бормоқда. 2.5-жадвалда меҳнатга лаёқатли аҳоли даражаси 2006 йилда аҳолининг 58 фоизини ташкил этди (1991 йилдаги бу кўрсаткич 50 фоиз бўлган). 2006 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг салмоқли улуши 3 фоизга ошди.

Ўтиш даврида меҳнат бозорига демографик таъсирдан ташқари аввал саноат корхоналарида (собиқ давлат корхоналари), сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалиги секторида илгариги жамоа (колхоз) ва ширкат хўжаликларини қайта ўзгартириш натижасида иш ўринлари қисқариб бораётгани ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани

2.5-жадвал.

Бандликдаги тенденциялар

Кўрсаткичлар	1991	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Меҳнатга лаёқатли ёшда- ги аҳоли: миллион киши	10,2	12,9	13,4	13,8	14,2	14,7	15,1	15,5
Жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	49,1	52,5	53,5	54,5	55,6	56,6	57,5	58,3
Бандлик даражаси, меҳнатга лаёқатли ёш- даги аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	80,6	69,4	68,4	67,7	67,5	67,7	67,7	67,7
Бандлар сони	8,3	9,0	9,1	9,3	9,6	9,9	10,2	10,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

кузатилмоқда. Ушбу жараёнлар натижасида аҳолининг иш билан бандлик даражаси 1991 йилда 75 фоиздан 2006 йилда 68 фоизгача камайди (2.2-жадвал).

2000 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашди, бироқ бандлик соҳасида сушт ижобий ўзгаришлар кузатилди, холос. Буни қисман маълум даражада меҳнат унумдорлигининг ошиши ва айниқса қишлоқ хўжалигида унумсиз иш билан бандликнинг камайишига асосланган иқтисодий ўсиш суръатлари билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Демографик тенденцияларнинг меҳнат бозорига ўтказётган таъсирига қарамай, ишсизлик даражаси пастлигича қолмоқда ва қарийб 4 фоизни ташкил этади. Рўйхатга олинган ишсизлик даражаси эса атиги 0,2 фоизга тенг (ФОС, 3-боб). Аммо, аҳолининг иш билан банд қисми кўпроқ норасмий секторда самарадорлиги паст ва паст даромадли ишга жалб қилингани сир эмас. Бу сектор эса ходимларни ҳар доим ҳам ўзининг ва қарамоғидаги кишиларнинг муносиб турмуш кечириши учун етарлича даромад билан таъминлай олмайди. Демак, ишсизлик эмас, балки ходимнинг иш билан тўлиқ банд эмаслиги ёки тўлиқ бандлиги, унинг малакасининг номувофиқлиги кўпчилик учун муаммо бўлиб қолмоқда.

Расмий секторда қишлоқ хўжалиги тармоғида бандлик даражасининг сезиларли даражада камайиши кузатилмоқда. Ушбу тармоқда 1991 йили иш билан расмий банд бўлганлар 42 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 28,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида иш билан расмий банд бўлганлар сони маълум даражада аввалги жамoa хўжаликларининг кооперативларга (ширкатлар), яқинда эса хусусий фермер хўжаликларига айлантирилиши туфайли камайди. 2000 йилнинг бошида бошланган ширкатларни хусусий хўжаликларга айлантириш жараёни 2007 якунланиши керак. Бу меҳнат ресурсларининг кўпайиши ва қишлоқ туманларида мавсумий иш билан бандликнинг ўсишига олиб келди. Фермер хўжаликлари маҳсулдор бўлиб, ширкатларга қараганда хўжалик ишларига ишчиларни ўртача 25 фоизга кам ёллайди. Бунинг устига ишчи кучининг муайян қисмигина расман рўйхатга олинади. Қолган ишчилар вақтинчалик ёки мавсумий ишларга ёлланади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2004 йилда ширкат хўжаликларини тугатишда 460000 ишчи ишдан бўшаган. Бу меҳнатга лаёқатли аҳоли сони йилига тахминан 250000 кишига кўпаяётган бир пайтда юз берди (ФОС, 2-бобга қаранг).

2.6-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиётининг расмий секторида соҳалар бўйича бандлик тузилмаси, 1991–2006 йиллар (бандликка нисбатан фоиз ҳисобида)

Соҳалар	1991	1995	2000	2003	2004	2005	2006
Қишлоқ хўжалиги	41,9	41,2	34,4	31,9	30,7	29,1	28,1
Саноат	14,3	12,9	12,7	12,8	13,0	13,2	13,4
Қурилиш	8,2	6,4	7,5	8,0	8,2	8,3	8,4
Хизмат кўрсатиш соҳаси, жами	35,6	39,5	45,4	47,3	48,1	49,4	50,1
шундан:							
Савдо, умумий овқатланиш, тайёрлаш	5,6	8,3	8,4	8,5	8,7	8,9	9,3
Транспорт ва алоқа	4,8	4,1	4,3	4,5	4,6	4,8	4,8
Уй-жой-коммунал ва маиший хизмат	2,3	2,5	2,8	3,0	3,0	3,1	3,2
Молия, кредитлаш, суғурта ва бошқа молия хизматлари	0,3	0,5	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5
Таълим, маданият, илм-фан	13,6	12,5	12,8	13,1	13,3	13,6	13,7
Соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот	5,9	5,8	6,5	6,8	7,0	7,2	7,3
Бошқа соҳалар	3,1	5,8	10,0	10,9	11,0	11,3	11,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2.6-жадвалдаги маълумотларда иқтисодиётнинг расмий секторида бандлик тенденцияси ўз ифодасини топган. Шундай бўлса-да, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган меҳнат бозорини кузатиш иш билан таъминланганларнинг ярмидан камроғи расмий секторда меҳнат қилаётганидан далолат беради. Сўнгги йилларда бандликнинг норасмий сектори талаб ва таклифнинг катта қисмини ўзига жалб қилди ҳамда бугунги кунда жами ишчи кучининг тахминан 56 фоизи ушбу секторда иш билан банд. Юқорида қайд этилган ишчи кучининг 14 фоиздан ортиғи экин майдони унчалик катта бўлмаган деҳқон хўжаликларида (томорқа хўжаликларида) меҳнат қилмоқда: 2003 йилдан буён мавсумий, бир марталик ва тасодифий ишларда (айниқса қурилиш ва қишлоқ хўжалигида) иш билан бандлар сони анча кўпайди.

2.7-жадвал.

Норасмий сектордаги бандлик тузилмаси

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Норасмий секторда иш билан бандлар сони, минг киши	4064,5	4318,9	4657,3	5141,5	5657,6	5904,2
Иш билан банд аҳоли сони	44,5	46,3	48,6	51,8	55,5	56,4
шундан: (фоиз)						
Якка тартибдаги тадбиркорлар	2,5	2,5	1,6	1,6	1,5	1,5
Деҳқон хўжалигида иш билан бандлар сони	12,9	12,9	12,8	12,6	13,2	13,7
Рўйхатга олинмаган тадбиркорлар	17,9	19,4	27,1	30,4	33,2	33,7
Оиласига меҳнат шартномаларини расмийлаштирмасдан ёрдам бераётганлар сони	11,2	11,5	7,1	7,2	7,6	7,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (ФОС, 3-боб, 3.14-жадвал)

Меҳнат бозорида таклифнинг ортиқчалиги нафақат мавсумий ва вақтинчалик ишга ёлланишнинг (иш билан тўлиқ банд бўлмаслик), балки ташқи меҳнат миграциясининг кўпайишига олиб келди. Ҳисоб-китобларга қараганда, четга ишга кетаётган меҳнат мигрантлари сони 2001 йилда 44000 кишидан 2006 йилда 330000 кишига ошган (ФОС).

Ташқи меҳнат миграцияси меҳнат бозорида кескинликни биров камайтириш билан бир қаторда иқтисодий ва даромаднинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳисоб-китобларга кўра, пул ўтказмалари ЯИМнинг қарийб 10 фоизини ташкил этади (ФОС, 2-боб). Бироқ ташқи миграциянинг катта улуши норасмийлигича қолмоқда, ташқи меҳнат мигрантлари эса уларни қабул қилаётган мамлакатлар ижтимоий муҳофаза тизими билан қамраб олинмаётир. Пул ўтказмаларини Ўзбекистон иқтисодийига қайта жалб қилиш маҳаллий меҳнат бозорини шакллантиришни асослаш ва турмуш даражасини яхшилашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Натижада: иқтисодий ўсиш суръатлари 2003 йилдан бошлаб жадаллашди, бироқ бу кўрсаткич барча ҳудудларда бир хилда ўзифодасини топмади. Иш билан тўлиқ банд бўлмаслик ва меҳнатга яраша даромад олиш имкониятининг йўқлиги собиқ совет давридаги корхоналар ёпилган ёки тўла қувват билан ишламаётган қишлоқ туманлари ҳамда кичик шаҳарларда жиддий муаммо ҳисобланади. Йирик норасмий сектор ишчилар манфаатлари ҳимоясини тўлиқ таъминламапти ва иш ҳақининг пастлиги, иш билан бандликнинг беқарорлиги, шунингдек, солиқ тўловларининг бюджетга келиб тушмаслигининг сабаби ҳисобланади. Иш билан бандлик хусусияти ва сифати ҳам муаммолигича қолмоқда. Айнан шу сабабли ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли истиқболдаги вазифаси сермахсул меҳнат билан таъминлайдиган ва расмий секторни кенгайтириш учун замин яратадиган иқтисодий ўсишга эришишдан иборат. Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш кўпайиб бораётган аҳолининг таълим олиши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий инфратузилмага инвестиция сарфлаш кўринишида ижтимоий-давлат харажатларига йўналтириладиган даромадларни ошириш учун ҳам зарурдир. Кам таъминланиш кўламини янада камайтириш айниқса аҳолининг ночор қатламларининг унумли иш билан бандлигини таъминлайдиган ва секторлар, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги номутаносибликни камайтирадиган юқори иқтисодий ўсиш суръатига боғлиқдир.

Шу билан бирга, меҳнат бозорида малакали ходимларга бўлган талаб ва малакаси паст ҳамда ортиқча ишчи кучи ўртасида номутаносиблик юзага келгани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ эмас. Масалан, саноат корхоналарида муҳандислар етишмайди, кичик корхоналар маълумотли ва тажрибали бошқарув ходимларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига эҳтиёж сезмоқда (ФОС, 2-бобга қаранг). Янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти олий таълим тизими сингари ушбу соҳалар учун юқорида қайд этилган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Бироқ бу борада ходимлар малакасини мунтазам ошириш, меҳнат фаолияти давомида уларнинг кўникма ва билимини яхшилаш сиёсатини амалга юритиш зарурлигини ҳам таъкидламоқ даркор.

Мамлакат Президентининг кўплаб дастурий маърузаларида келтирилган Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегиясида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш (мисол учун, солиқ юкини камайтириш, солиқ солишни мақбуллаштириш, мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ва иқтисодийга давлатнинг аралашувини

чеклаш мақсадида институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш), қишлоқ хўжалигига давлат инвестицияларини ва хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чора-тадбирларини, банк секторини янада ислоҳ қилиш орқали кредит линияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда микромолиялашни ривожлантириш эвазидан иқтисодий ўсишни таъминлаш кўзда тутилган. Мазкур стратегияда, шунингдек, мамлакатда давлат харажатларини соғлиқни сақлаш ва таълим учун тақсимлаш орқали инсон капиталини янада ривожлантириш, ушбу секторларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, серфарзанд оилалар, қариялар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш кўзда тутилган.

2.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНДЕКСИНИ (ИСРИ) ЯНАДА ОШИРИШ СИЁСАТИ: БАРЧА ФУҚАРОЛАР УЧУН ИМКОНИАТ ВА ТАНЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШ

Ҳукумат аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичини ошириш, даромадларни янада тенг тақсимлаш ва кам таъминланишни камайтириш, шунингдек, аҳолини унумли иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ўсиш суръатини жадаллаштиришга қаратилган турли стратегик йўналишларда иш олиб бормоқда.

Мамлакатда савдо балансини мустаҳкамлаш борасида экспортга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш давом этмоқда. Экспорт улуши, нафақат жаҳонда хомашё учун қулай нарх-наво, балки экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари улушининг кўпайиши натижасида ҳам ўсмоқда. Айни пайтда хомашё материаллари туфайли савдо балансининг ижобий сальдоси 2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағни ташкил этади. Тоғ-кон, энергетика ва олтин қазиб олиш саноати кўп меҳнат талаб тармоқлар ҳисобланмайди. Бу эса келажакда ҳозирги иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор сақлаб қолган ҳолда экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга саноат товарлари улушини кўпайтиришни ва, ўз навбатида, хусусий секторни ривожлантиришни тақозо этади.


Ҳукумат хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш учун қатор чораларни кўрмоқда. Бизнес юритишда расмиятчилик тўсиқлари бартараф этилди, давлат органларининг хусусий корхоналар фаолиятига аралашуви ҳам сезиларли равишда камайтирилди. Бундан ташқари, корхоналарни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолият юритишига тўсқинлик қилиб келган расмиятчиликлар, солиқ органлари томонидан талаб этиладиган молиявий ҳисоботлар сони ҳам қисқартирилди. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқ ставкалари, турли йиғимлар ва жарималарнинг камайтирилиши ишбилармонлик муҳити ҳамда инвестиция имкониятларини яхшилашга ёрдам берди. Масалан, корпорациялар даромади учун солиқ ставкаси 2004 йилдаги 18 фоиздан 2007 йилда 10 фоизга босқичма-босқич қисқартирилди. Ушбу ва қўрилган бошқа чоралар натижасида кичик корхоналар аста-секин ривожланмоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 2006 йилда 42,1 фоизга ўсди, кичик бизнес секторининг йиллик ўсиши 23–25 фоиздан ошди.

Бундан ташқари, солиқ юкини камайтириш ва божхона тўловлари ставкаларини мувофиқлаштиришга қаратилган сиёсатни ҳам давом эттириш лозим. Бу, ўз навбатида, маҳаллий маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам

рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Солиқ юкининг камайтирилиши хусусий инвестицияларни кўпайтиради ва иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишининг барқарор манбаини яратади.

Шунингдек, хусусий секторга инвестиция сарфлашни рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсат ҳам изчил давом эттирилмоқда. 2006 йилда барча молиявий манбалардан сарфланган инвестициялар миқдори 4041,0 миллиард сўмни ташкил қилди. Саноат инвестициялари жами капитал қўйилмаларнинг 34,3 фоизини ташкил этди. Давлат манбаларидан ташқари бошқа манбалардан йўналтирилган инвестициялар миқдори 2005 йилда 77,5 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткичнинг ўсиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўтган йилдагига нисбатан 16,5 фоиз), корхоналарнинг ўз маблағи (ўтган йилдагига нисбатан 14,8 фоиз), шунингдек, тижорат банклари тақдим этган кредитлар миқдорининг (ўтган йилдагига нисбатан 16,6 фоиз) кўпайгани билан боғлиқдир.

Диаграмма 2.5. Капитал сарфлаш тузилмаси



Бироқ жамғарилган маблағларни жалб этиш ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун молия секторини, айниқса, тижорат банкларини ислоҳ қилишни давом эттириш зарур. Айни пайтда банк тизимига бўлган ишонч даражаси пастлигича қолмоқда ва буни тижорат банклари ўз ваколати доирасига кирмайдиган вазифаларни, масалан, солиқ йиғиш, пул депозитларини назорат қилиш каби вазифаларни бажараётгани билан изоҳлаш мумкин. Бу фуқароларнинг банк тизимига ишонишига ва пул жамғаришни рағбатлантириш, шунингдек, капиталнинг кўпайишига ёрдам бермайди. Тижорат банклари ушбу ваколатларни ўз зиммасидан аста-секин олиб ташлаши лозим.

Бундан ташқари, микромолиялаш институтлари ва кредит ташкилотларини янада ривожлантириш орқали микромолиялашдан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтириш зарур. Бунинг учун 2006 йилда микрокредитлаш ва микромолиялаш ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар қабул қилингач, ҳуқуқий асос яратилди.

Ҳукумат хусусий инвестицияларни янада кенгайтириш ва хусусий секторни ривожлантириш мақсадида ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси-

ни юксалтиришга, шу жумладан, мелиорация ишларига давлат инвестицияларини сарфлашни кўпайтиришни режалаштирмоқда. Яъни, ушбу инвестициялардан хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун фойдаланилади.

Айни пайтда мамлакат эркин валюта ресурслари билан ифодаланган тўлов балансининг жорий операциялари ҳисоб-рақамларининг салмоқли профицитига эга. Бу маблағлар ташқи қарзни тўлашга жалб қилинмагани боис, мамлакатни ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин. Шу мақсадда давлат 2006 йилнинг июлида устав жамғармаси 1 миллиард АҚШ долларига тенг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилди ва 2007 йилнинг охирида ушбу жамғарма тўлиқ шаклланди. Жамғарма маблағлари саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий тармоқларида муҳим ва кўп маблағ талаб қиладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялашга йўналтирилмоқда.

Хусусий секторни ривожлантириш ва инвестициялар сарфлашни кенгайтириш мулкдорларнинг шахсий мол-мулки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида институционал ўзгаришларни талаб қиладди. Қонунлар ва фармойишларга амал қиладиган ҳар қандай мулкдор давлат унинг мулкига нафақат тажовуз қилиши, балки бошқанинг ҳам тажовуз қилишига йўл қўймаслигига ишончи комил бўлиши керак. Инвесторлар ўз маблағини йўқотишдан қўрқмасдан, балки уни сарфлаш туфайли фойда олишни мўлжаллаган шароитдагина инвестициялар кўпайиши мумкин.

Аҳолининг кам таъминланган аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши сабабли қишлоқларни ривожлантиришга ёрдам берадиган сиёсатни юритиш зарур. Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлиги асосан экологик омиллар, ернинг шўрланиши ва емирилиши, ердан самарасиз фойдаланиш, суғориш ва дренаж тизимларини талаблар даражасида сақлаш ҳамда уларга етарлича инвестиция сарфламаслик туфайли ёмонлашмоқда. Суғориладиган унумдор ерлар ҳажми йилдан-йилга камайиб бормоқда, қишлоқ аҳолиси сони эса муттасил ўсмоқда. Янги ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик корхоналари ҳам иқтисодий, ҳам атроф-муҳит нуқтаи назаридан бир маромда фаолият юритиши лозим. Шу муносабатли қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ инфратузилмасига (ирригация, йўллар, ерларни тубдан яхшилашга) давлат инвестицияларини сарфлашни кўпайтириш муҳим. Шу мақсадда 2007 йилда ҳукумат томонидан махсус Мелиорация жамғармаси ташкил этилди. Жамғармада ер солиғидан тушган маблағлар тўпланади. Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 2008 йилда бюджетга инвестиция лойиҳалари, шунингдек, мелиорация тизимларини капитал ва жорий таъмирлаш учун 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида унумсиз иш билан бандлик даражаси анча юқори. Бу борада ушбу тармоқда унумдорликни ошириш ва ишчи кучини қайта тақсимлаш лозим. Бироқ меҳнат ресурслари қайта тақсимланган тақдирда ҳам ер қисқа ва ўрта муддатли истиқболда унумдорликни ошириб бўлмайдиган даражада емирилган бўлиши мумкин. Шу сабабли ноқишлоқ хўжалиги секторида (енгил ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик соҳасида оддий технологик вазифаларни бажарадиган корхоналарда) ҳам бир пайтнинг ўзида янги иш ўринлари ташкил этилиши лозим. Бунинг учун ҳукумат стратегиясига мувофиқ асосан хусусий инвестициялар жалб этилади.

Қишлоқдаги рўзғор хўжаликларининг қувурлар орқали келадиган тоза ичимлик суви, марказий иситиш ва оқова қувурлар тизимидан фойдаланиш имкони-

яти кам (қуйидаги 2.8-жадвалга қаранг). Бу шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ўртасида тенгсизликка сабаб бўлади ва давлат томонидан инвестиция сарфлаш орқали ҳал этиладиган яна бир жиддий муаммо ҳисобланади.

2.8-жадвал.

Ижтимоий инфратузилма/коммунал хизматлардан фойдаланиш (қайд этилган хизматлардан фойдаланиш имконига эга оилалар сони)

	Шаҳар			Қишлоқ		
	аҳолиси	кам	бой	аҳолиси	кам	бой
Қувурлар орқали келадиган тоза ичимлик суви	84,9	71,9	86,8	24,3	22,1	25,0
Қувурлар орқали келадиган иссиқ сув	34,7	16,7	37,3	1,1	1,1	1,1
Марказий газ таъминоти	93,4	92,4	93,6	71,8	67,0	73,4
Марказий иссиқлик таъминоти	33,2	18,8	35,4	3,9	4,3	3,8
Марказий оқова қувурлари	46,0	21,5	49,6	0,3	0,2	0,4

Манба: Оилалар бюджети шарҳи, Давлат статистика қўмитаси, 2005 йил

Асосий тиббий хизматлардан, айниқса, қишлоқ жойларда фойдаланишни осонлаштириш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини ислоҳ қилиш орқали аҳоли саломатлигини яхшилашга эришилди. Бундан ташқари, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, овқатланишни яхшилаш, юқумли касалликлар, жумладан сил ва ВИЧ/ОИТСнинг олдини олишни такомиллаштириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Бироқ айни пайтда соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган ЯИМ улуши нисбатан унчалик юқори эмас (2005 йилда ЯИМнинг 2,48 фоизи). Шу боис соғлиқни сақлашга давлат томонидан сарфланаётган харажатлар миқдори кўпайтирилиши лозим.

«Иқтисодий билим»ни шакллантириш учун инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш лозим. Ўзбекистон аҳолиси ўқимишлилиги бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатларидан қолишмайди. Бироқ уларнинг билим савияси ҳар доим ҳам мамлакатда билимга асосланган иқтисодий шакллантириш учун давр талабига жавоб беравермайди.

Бугунги кунда дунёда ўз эътиборини «ишлаб чиқариш ва билимни сотишга» қаратаётган иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ошмоқда. Дунё бозорида бундай маҳсулот янги технология, энг янги асбоб-ускуналар шаклида тақдим этилмоқда. Бугун бозорни бошқариш ва текшириш услублари, билимни жорий этиш услуб ва услубиятларига талаб катта. Юқорида қайд этилган шаклдаги ишлаб чиқариш ва билимни сотиш унчалик кўп моддий ресурс талаб қилмайди. Истеъмолчиларга тайёр маҳсулотни етказиб беришда транспорт харажатлари ниҳоятда кам. Моддий тус олган билимнинг якуний қиймати эса жуда юқори. Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчилар эътиборни фақат анъанавий ишлаб чиқаришга қаратганларга нисбатан катта устуворликларга эга бўлади.

Бироқ ўз иқтисодий «ишлаб чиқариш ва билимни сотишга» ўзгартириш учун ушбу билимни ишга солиш қобилиятига эга юқори малакали ходимлар керак бўлади. Бу меҳнатга лаёқатли олий, авваламбор, муҳандис-техник маълумотга эга аҳоли сонини кўпайтиришни талаб этади. Бу борада билим шу даражада бўлиши керакки, мутахассислар янги технологияларни ўзлаштириш ва тако-

миллаштириш билан бир қаторда, бугун номаълум бўлган истиқболли технологияларни олдиндан билиши ҳамда моделлаштириши лозим. Шунингдек, илмий ишлаб чиқариш, тажриба ва лойиҳа фаолиятини интеграциялаштириш таълаб этилади. Ҳукуматнинг ушбу босқичда ўн икки йиллик мактаб таълимини, авваламбор, касб-хунар таълимини таъминлашга интилиши келажакда мамлакатнинг меҳнат ресурслари сифатини яхшилашда муҳим омил бўлади. Шунингдек, ҳукумат зарур касб-хунар таълими самарадорлигини ошириш ва тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш мақсадида корхоналар ҳамда таълим муассасаларининг яқин ҳамкорлигини кенгайтирмоқда.

Инновацияларни қўллаб-қувватлаш «билимга асосланган иқтисодиёт»ни ривожлантиришни асослайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасида катта ва кичик бизнесга новаторлик ғояларини жалб қилишда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар самара беришини яққол исботланган. Новаторлик ва билимга асосланган иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган турли стратегик чоратадбирларни амалга ошириш учун зарур институтлар ташкил этиш ҳукумат ушбу соҳада юритаётган сиёсат юксак самаралар беришига хизмат қилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ШАРҲИ

«Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутди».²³

И. Каримов.

3.1. МИЛЛИЙ ТАЪЛИМГА ОИД СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1.1 Ўзбекистонда таълимнинг ислохотларгача бўлган тизимининг кучли ва заиф томонлари бор эди. Бир томондан, бу қатор муҳим ютуқлар билан изоҳланади:

- мамлакатда таълимнинг барча босқичлари мавжуд эди: мактабгача, умумий ўрта таълим, бошланғич касб-ҳунар, ўрта махсус, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги икки босқичли таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими, ўрта таълим умумий ва мажбурий эди, умуман барча даражадаги таълим бепул эди;
- таълимнинг барча турлари жинси, миллати, этниқодидан қатъи назар республиканинг барча фуқаролари учун очиқ эди;
- мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг саводхонлик даражаси юқори эди. Иккинчи томондан, таълим тизимининг ҳуқуқий базасида марказлаштирилган иқтисодиётга хос камчиликлар бор эди:
- қатъий марказлаштирилган дастурлар, дарсликлар, ўқитиш услуб ва услубиятлари. Таълим муассасалари ва ўқитувчилар Таълим вазирлиги даражасида тасдиқланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлардан бошқа дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёки дастурлар бўйича ўқита олмасди;
- таълим жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга қаратилар эди, айниқса қобилиятли болалар ва истеъдодли ёшлар учун мўлжалланган индивидуал таълим дастурлари бўйича ўқитиш механизмлардан етарлича фойдаланилмасди;
- бутун таълим жараёни шу тариқа ташкил этилган эдики, бунда мактаб ўқувчилари ва талабалар таълимнинг пассив субъектларига айланган эди. Ўқитишнинг фаол шакллари ва мустақил иш турларидан деярли фойдаланилмасди;
- таълимнинг демократиядан ҳоли, «мафқуралашгани» туфайли ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмас, мактаб ўқувчилари ва талабаларга давлат

23 Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. 43-бет.

томонидан белгиланган мафкуравий ақидалар мажбуран қабул қилдирилар эди. Муқобил ёндашув ва мафкуралар ҳақидаги билимга рухсат йўқ эди;

- умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлар ўртасида изчиллик йўқлиги туфайли ўрта умумтаълим мактаблари битирувчиларида зарур касбий йўналиш ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмас эди. Ўсмир йигит-қизлар ўз қобилияти, истаги, ижодий ва меҳнатга мойиллигига мос келадиган касбни танлашда жиддий қийинчиликларга дуч келарди.

3.1.2. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш босқичлари ва миллий таълимга оид сиёсатнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда мустақилликка эришгач, миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш учун шароит яратилди. Мамлакатнинг ўз ривожланиш йўлини танлаши тизимни тубдан қайта ташкил этишни талаб қилди. Ўз навбатида, ислоҳотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини 4 асосий босқичга ажратиш мумкин:

1991–1997 йиллар — тайёргарлик босқичи — бу даврда таълим тизимининг асосий муаммолари ва зиддиятлари, жамиятда иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларга мос келмаслиги тушунилди ҳамда аниқланди;

1997–2001 йиллар — кадрлар тайёрлаш бўйича янги миллий сиёсатни шакллантиришнинг дастлабки босқичи;

2001–2005 йиллар — узлуксиз таълим тизимини кенг кўламли ислоҳ қилишнинг фаол босқичи;

2005 йилдан сўнг — узлуксиз ва изчиллик таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш даври.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатнинг барча фуқаролари таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат умумий бепул таълим олишни кафолатлайди. Мактаб иши давлат назорати остида.

Шу билан бирга, **тайёргарлик босқичида** таълим соҳасидаги тизимли ислоҳотлар мустақилликка эришилгач, қатор сабаблар туфайли бирданига бошланмади:

- **биринчидан**, ушбу босқичда таълим тизимини ислоҳ қилишда ўз аксини топиши шарт бўлган янги жамиятни иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳ қилишнинг яхлит концепцияси шаклланмади;

- **иккинчидан**, амалдаги таълим тизими муаммо ва зиддиятларини аниқлаш, таълимнинг жаҳонда энг яхши моделларини ўрганиш ва шуни ҳисобга олган ҳолда, миллий таълим ғояси ва миллий моделини шакллантириш учун вақт керак эди;

- **учинчидан**, 1996 йилгача давом этган иқтисодий таназзул пайтида таълим тизимини ислоҳ қилиш учун зарур молиявий ресурслар йўқ эди.

1992 йилда таълим тизимини қисман ислоҳ қилишга киришилди. Тайёргарлик босқичида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилинди ва умумий 9 йиллик бепул ҳамда мажбурий базавий ўрта таълим қонунлаштирилди. Ушбу қонун нафақат давлат, балки хусусий ўқув юртларида ҳам таълим олиш, шунингдек, экстернат тартибда, яъни ўзи тайёрланиб имтиҳон топшириб, таълим олиш имкониятини белгилади. Мамлакат тарихида илк бор олий таълим ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқитиш услубиятини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Бир пайтнинг ўзида қабул қилинган қонунга мувофиқ (6-модда) давлат таълим стандартларини жорий қилишга ҳаракат қилинди. Ўқув юртларида янги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, дидактик материаллар жорий этилди. Таълимнинг барча босқичида бошқарув тизими қисман қайта ташкил этилди ва янги таълим муассасалари барпо этилди. Касб-ҳунар-техника таълимида меҳнат бозорини шакллантириш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, биринчи навбатда қишлоқ жойларда касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар лицейлари ва бизнес-мактаблар очилди.

Олий таълимда кадрларни тайёрлаш номарказлаштирилди ва ҳудудларда кенгайтирилди. Тошкентдаги олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш қисқартирилди, бунинг ўрнига мамлакат ҳудудларида таълим олиш кенгайтирилди. Кадрлар тайёрлашнинг аввал мавжуд бўлмаган йўналишлари бўйича университетлар, жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислон университети ташкил этилди. Олий мактаб кадрлар тайёрлаш бўйича икки поғонали тизимга ўтди.

Афсуски, 1992 йилги «Таълим тўғрисида»ги қонун СССР даврида қабул қилинган Таълим тўғрисидаги қонуннинг айрим нормаларини ўзгаришсиз қабул қилди. Чунончи, 9 йиллик мажбурий ва икки йиллик ихтиёрий умумий ҳамда ўрта таълим тўғрисидаги қоида шундай ҳолича қайта кўчирилди. Бундай ёндашув ўрта мактабда таълим жараёнининг сифати ва мукамаллигига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари мактабларнинг турли сабабларга кўра ўқишни давом эттирмаган кўпчилик 9-синф битирувчилари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бундай болаларда касбий малака йўқлиги ва ёшининг чекланганлиги туфайли (16 ёшгача бўлган болалар меҳнатидан фойдаланиш қонун бўйича тақиқланган эди)²⁴ уларнинг тўлақонли меҳнат фаолияти билан шуғулланишни бошлаш имконини бермасди.

Натижада 15–16 ёшли аҳолининг 10 фоизга яқини меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан маҳрум эди. Бу меҳнат бозорида жиддий муаммоларга сабаб бўлди. Аксарият ҳолларда меҳнат бозорига нафақат ўзининг касбий хислати, балки маънавий жиҳатдан тизимли меҳнатга тайёр бўлмаган ёшлар ноқонуний кириб кела бошлади. 1997 йилда меҳнат бозорига қўлида ҳеч қандай ҳунари йўқ 103 минг нафар ёки 21,5 фоиз 9-синф битирувчиси келди (1991 йилда бу кўрсаткич атиги 5,4 фоиз эди).

Мактабни тамомлагач, иш топа олмаган ёшлар сонининг кўпайиши жамият хавфсизлигига хавф туғдирарди. Бунинг натижасида жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатлар кўпая бошлади.

Ушбу даврда таълим тизимидаги жиддий муаммолар молиявий ресурслар етишмаслиги билан боғлиқ эди. Бу эса тизимдан малакали кадрларнинг кетиб қолиши, таълим сифати, дарсларга қатнашиш даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг IX-сессиясида (1997 йил) таълим тизимида эришилган даража ва аҳволни танқидий таҳлил қилди, ушбу соҳадаги туб ўзгаришларнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Авалло, таълим мазмун-моҳияти, умуман таълим жараёни **«советлар даврида таълим соҳасида кенг ёйилган мафкуравий кўрликдан тўлиқ халос бўлмагани»**²⁵ таъкидланди. Айниқса, бу муаммо ижтимоий-гуманитар, эстетик

24 Одатда 9-синф ўқувчилари 15–16 ёшни ташкил этади.

25 И. Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. Ўзбекистон. Тошкент, 1997. 17-бет

ка фанларини ўқитиш, тарбиявий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатди.

1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар «ўқитиш мазмун-моҳияти ва узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш ўртасидаги ўзаро яқин боғлиқликни таъминлаш муаммосини ҳал этмади». Бу борада чуқур илмий изланиш, умумий ўрта таълимнинг у ёки бу босқичида қатор ўқув фанларини ўқитишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш таъминланмади. Таълим мазмун-моҳиятининг изчиллиги, ворисийлиги, таълим олаётган ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишнинг асосий дидактик принциплари бузилди. Шунингдек, умумий ўрта таълим давомийлигини (муддатини) 10 йилдан 11 йилга ошириш баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Ислохотларгача бўлган умумий ўрта таълим тизимининг жиддий камчиликларидан бири мажбурий ўтиладиган ўқув фанларининг асоссиз кўпайтирилиши бўлди (уларнинг сони 20 тага етган эди). Боз устига, уларнинг номлари демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мутлақо жавоб бермасди. Ўқув режаларида маънавият-маърифат асосларини ўргатадиган, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий билим берадиган» фанларга етарлича эътибор қаратилмади. Хорижий тилларга ўқитиш замонавий талабларга жавоб бермасди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг заифлиги аввалги умумий ўрта таълим тизимининг асосий камчиликларидан ҳисобланади. Бу аввалдан 11 йиллик умумий ўрта таълим тизими асосига киритилган бўлиб, мактаб ўқувчиларини мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлашни, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашишини таъминламасди. Бундан ташқари умумий ўрта таълим тизими тузилмаси ва узлуксиз таълим тизимини ташкил этишда ҳам камчиликлар мавжуд эди.

Таълим ва касб-ҳунар дастурлари узлуксизлиги ҳамда ворисийлигининг умумий ўрта таълим даражасида бузилиши кейинги босқич — бошланғич (касб-ҳунар-техника) ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам чуқурлашиб борди. Педагоглар касбий даражасининг пастлиги ўқув-тарбиявий жараёнининг тегишли сифатини таъминлай олмади. Бунинг натижасида ўқувчилар суст билим ва тор ихтисосликка эга бўлди. Битирувчилар малакаси ва умуман ўқув юрти замон талабларига жавоб бермасди.

1991–1996 йилларда таълим тизимида юзага келган жиддий зиддиятлар ислохотларнинг **иккинчи босқичи** — кадрлар тайёрлаш миллий сиёсатини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичини амалга ошириш зарурлигини тақозо этди. Ўзбекистон ҳукумати собиқ иттифоқ маконида биринчи бўлиб, мамлакатда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1997 йилда мамлакат Президенти ташаббуси ва раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилиб, қонун сифатида қабул қилинди. У асосан қуйидагиларни ўз ичига олди:

- инсоннинг бутун умри давомида — мактабгача ёшидан бошлаб, то пенсия ёшига етгунига қадар узлуксиз таълим олишини таъминлайдиган тизимни яратиш;
- 9 йиллик ўрта таълимнинг мажбурийлиги ва бепуллиги;
- умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари учун 3 йиллик бепул умумий мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мутлақо янги тизимини жорий этиш;
- бакалаврият ва магистратурани ўз ичига оладиган икки босқичли олий таълим тизимини жорий этиш;

- олий ўқув юртини тамомлагандан кейин аспирантура ва докторантурани ўз ичига оладиган икки босқичли таълим тизимини сақлаб қолиш;
- узлуксиз таълим тизими, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш зарурлигини эътироф этиш.

3.1-схема.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш

Таълим	Ислоҳотларгача бўлган давр		Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шароитида	
	11 йиллик умумий ўрта таълим		Мажбурий умумий ўрта таълим	
	10–11 синф ўрта таълими		Бошланғич 1–4-синфлар	
	Бошланғич мажбурий 1–4-синфлар	Базавий мажбурий 5–9-синфлар	Умумий ўрта 5–9-синфлар	
	Касб-хунар таълими тизими	Ўрта махсус таълим тизими (техникумлар, билим юртлари)	Мажбурий, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими	
	1) 9-синф базасидаги КХБ (ПТУ) (ўқиш муддати 1–1,5 йил — ишчи кадрлар) — умумий ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатсиз, тугатгандан сўнг меҳнат бозорига, умумий ўрта таълим тўғрисида аттестат берадиган КХТБЮ, 9 йиллик маълумот билан техникум бўлимларига ўқишга кириш мумкин.	Техникумлар ва уларнинг мактаблар 9–11 синфлари базасида бўлимлари ва КХТБЮ	Академик лицейлар	Касб-хунар коллежлари
	2) 9-синф базасидаги ўрта КХБ (ўқиш муддати 3 йил — ишчи кадрлар) — умумий ўрта маълумот тўғрисида аттестат, тугатгандан сўнг — меҳнат бозорига, техникумлар ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш мумкин.	Ўқиш муддати 3–4 йил — ўрта бўғин мутахассислари, тугатгандан сўнг меҳнат бозорига, олий ўқув юртларига ўқишга кириш мумкин	Умумий ўрта мактабдан (9 йил) сўнг ўқиш муддати 3 йил — кичик мутахассис, тугатгандан сўнг меҳнат бозорига, олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин	
Олий таълим	Олий ўқув юртлари (ўқиш муддати 4–5 йил) — олий маълумотли мутахассис		Олий ўқув юртлари: Бакалавриат камида 4 йил, магистратура камида 2 йил	

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимига илк бор янги, аввал мавжуд бўлмаган босқич — уч йиллик бепул мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этди. Бу босқич умумий ўрта таълимни ёшларни касбий тайёрлаш босқичи билан мантиқан боғлади. Шу тариқа мактабда олинган билим ва ишлаб чиқаришда ишлаш бўйича амалий тажриба ҳамда кўникмалар ўртасида мавжуд бўлган тафовутни бартараф этиш учун шароит яратилди. Ислоҳотлар ғоясига мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг икки тури ташкил этилди:

3.2-схема.

Узлуксиз таълим миллий моделининг ташкил этиш ҳамда ривожлантириш йўналиши ва чора-тадбирлари

Бошланғич ҳолат —
ислохотлар бошланиши
1997 йил



Узлуксиз таълим миллий моделини амалга ошириш йўналишлари ва чоралари

- Таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни давлат ва нодавлат таълим муассасалари асосида ягона ўқув-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида босқичма-босқич ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш.
- Таълим тизимини жамиятда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат куриш билан боғлаш.
- Таълим тизими муассасаларини юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш, педагогик фаолият нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш.
- Мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологиялардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини қайта ташкил этиш.
- Таълим олаётганларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва услублари ҳамда маърифий ишларни жорий этиш.
- Таълим сифати, таълим муассасалари аттестациядан ва рўйхатдан ўтказишни баҳолашнинг ҳолис тизимини жорий этиш.
- Таълимнинг талаб этилган даражаси ва сифати, таълим тизимининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши, барқарор ривожланиши ҳамда устуворлиги кафолатини таъминлайдиган меъёрий, моддий-техника ҳамда ахборот базасини ташкил этиш.
- Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш.
- Амалиётга таълим тизимини молиялашни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш.
- Таълим соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

Белгиланган вазифанинг якуний

мақсадига эришиш — халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида узлуксиз таълимнинг мукамал тизимини ташкил этиш, баркамол авлодни шакллантириш



Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш босқичлари



Биринчи босқич (1997-2001 йй) – узлуксиз таълим тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаган ҳолда, уни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар, илмий-услубий, молиявий-моддий шароит яратиш.



- Таълим тизими мазмун-моҳиятини таркибий қайта куриш ва тубдан ўзгартириш.
- Педагог ва муҳандис-педагог кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш ва малакасини ошириш
- Давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш.
- Янги авлод ўқув-услубий тўпламлар, таълим жараёнининг дидактик-ахборот таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.
- Ўрта махсус, касб-хунаар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий базани ташкил этиш.
- Таълимни молиялаш тизими ва механизмларини такомиллаштириш, таълим хизматлари соҳасида рақобат муҳитини яратиш.
- Таълим муассасалари фаолияти, ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш.



Иккинчи босқич (2001-2005 йй) – Миллий дастурни кенг қўламда амалга ошириш, тўпланган тажриба, меҳнат бозорини ривожлантириш ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда уни тузатиш.



- Давлат таълим стандартлари асосида мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунаар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг иқтидор ва имкониятларидан келиб чиқиб, табақалашган ўқитишга тўлиқ ўтиш.
- Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш.
- Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнини юқори сифатли ўқув адабиёти, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлашни давом эттириш. Таълим хизматларини бозорини шакллантириш механизмларни тўлиқ ишга солиш.



Учинчи босқич (2005 ва кейинги йиллар) - узлуксиз таълим тизимини л қилиш ва умумлаштириш асосида ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.социально-экономического развития страны.



- Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини энг янги ўқув-услубий тўпламлар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлаш.
- Шахс ва жамиятнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқаро тажриба эътиборга олинган ҳолда, узлуксиз таълим мазмун-моҳияти ҳамда уни ташкил этишни такомиллаштириш.

- умумтаълим фанларидан ташқари танлаган мутахассислик бўйича касбий билим берадиган касб-ҳунар коллежлари;
- илмий-амалий аҳамиятга эга фанлар бўйича чуқур билим берадиган академик лицейлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг дастлабки босқичида фаолиятининг қонуний асосларини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар бажарилди. Таълимнинг барча турлари — мактабгача таълим муассасаларидан то олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг фаолият кўрсатиш принципларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрларининг фаолият юритиши принциплари қонунан белгиланди. Уларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, ўқув-услубий тўпламлар, дарсликлар яратиш дастури тасдиқланди.

Энди академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари танлаган мутахассислиги бўйича пухта касбий билим ва кўникмалар, умумтаълим фанлари билан биргаликда бўлғуси касби бўйича чуқур билимни эгаллаш ҳамда ўз кучини илм-фанда синаб кўриш имкониятига эга бўлди. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан чамбарчас боғлиқ бўлган умумтаълим ҳамда касб-ҳунар дастурларини ўзлаштириш ислохотлар мантиқига кўра, битирувчиларни реал ҳаётга, меҳнат ва таълим хизматлари бозорида фаол иштирок этишга тайёрлашни таъминлаши зарур эди.

Бу борада 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги 9-синф битирувчиларининг ўз қобилиятига қараб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш йўналишларини ихтиёрий танлаш билан уйғунлаштирилди. Умумтаълим дастурларининг тенглиги асосида лицей ва коллежлар битирувчилари узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи ҳамда имконияти билан таъминланди.

Шундай қилиб, янги таълим тизими мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама ривожланган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, маданият ва касбий кўникмаларни ўзида мужассам этган шахсни шакллантиришни таъминлаши лозим.

3.1-киритма.

Олий мактаб фанлари халқаро академияси президенти В. А. Шукшуновнинг Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотларга берган баҳоси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқиши — муаммони ҳал этишга чуқур илмий ва новаторлик ёндашув ҳисобланади. Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги тажрибаси, кадрлар тайёрлаш миллий модели, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва жорий этилган муҳим янгиликдир. Бу, агар таъбир жоиз бўлса, ўхшаш ижтимоий-иқтисодий, демографик шарт-шароит, маданий-тарихий анъана ва урф-одатларга эга мамлакатларда фойдаланиш мумкин бўлган экспорт қилинадиган технологиядир».

Манба: «Новое время — и учиться по-новому», Правда Востока, 2007 йил 29 май.

Ушбу босқичда мактаб таълимида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш даражасини ошириш, шунингдек, мактабларда латин алифбосидаги ўзбек тилига ўтиш бўйича фаол ишлар амалга оширилди.

Бу босқичда олий таълимда тест синови асосида қабул қилинадиган бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олган икки босқичли тизим жорий этилди. «Умид» дастури кенг жорий қилинди. Унга кўра, энг яхши талабалар бакалаврлар

ва магистрлар дастури бўйича давлат грантлари асосида хорижий олий ўқув юр-ларига ўқишга юборилди. Олий ўқув юрларини молиялаш тизимида ўзгаришлар амалга оширилди: талабаларнинг тўлов-шартнома асосида ўқиши жорий этилди.

Учинчи босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба ҳисобга олинган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув режалари ҳамда дастурлари такомиллаштирилди, дастурлар кўрсаткичларига тузатишлар киритилди.

Олий таълим тизимида нафақат давлат грантлари, балки тўлов-шартнома асо-сида ўқиш шакли кенг қўлланила бошланди. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони олий ўқув юрларига қабул қилинадиган талабалар умумий сонига кўпчиликти ташкил этди.

Таълим ислохотларининг тўртинчи босқичи узлуксиз таълим тизимига туб ўзгаришлар киритишга қаратилди. 2006 йилда 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Унда қуйидагилар назарда тутилган:

- мактаб таълими ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, янги за-монавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш;
- умумтаълим мактаблар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини ўзгартириш, мактабларда моддий рағбатлантириш бўйича махсус директор жамғармасини ташкил этиш;
- мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги мактаблар қуриш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозлаш, жумладан ҳамма жойда компьютер синфларини ташкил этиш;
- мамлакатда болалар спорти тизимини, жумладан умумтаълим мактаблар ти-зимига ҳам ривожлантириш..

Мактаб таълимини ислох қилиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун Мактаб таълими жамғармаси, шунингдек, Болалар спорти жамғармаси ташкил этилди.

Таълим тизимини ислох қилишнинг ушбу босқичини 2009 йилда, яъни мактаб ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ислох қилиш ҳамда ривожланти-риш бўйича белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг яқунлаш кўзда тутилган.

3.1.3. Таълим тизимини бошқариш.

Узлуксиз таълим тизими. Амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбе-кистонда узлуксиз таълим тизими қуйидаги таълим хизматлари турлари ва уларни кўрсатадиган муассасаларни ўз ичига олади:

- мактабгача таълим (3 ёшдан 6–7 ёшгача) — болалар боғчалари, ҳам давлат, ҳам хусусий муассасалар сифатида;
- умумий ўрта таълим (6–7 ёшдан 14–16 ёшгача) — аксарият ҳолларда бу бе-пул хизмат кўрсатадиган давлат умумтаълим мактаблари, шунингдек, унча-лик кўп бўлмаган пулли хусусий мактаблар;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (14–16 ёшдан 16–18 ёшгача) — бепул хизмат кўрсатадиган давлат касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари;
- олий таълим (ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тамомлагач) — универси-тетлар, академиялар ва институтлар;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим — университетлар, институтлар, ўқув академиялари (Банк-молия, Солиқ, Божхона, Давлат ва жамият қурилиши

академияси), олий ўқув юртлари ва академиялар ҳузуридаги бизнес-мактаблар;

- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш (меҳнат фаолияти давомида) — университетлар, институтлар, соҳаларнинг ихтисослашган малака ошириш институтлари, бизнес-мактаблар;
- мактабдан ташқари таълим (мактабда ўқиш давомида) — мустақил ва мактаб қошидаги тўғараклар;
- уй таълими ва мустақил ўқиш.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шароитида ўқиётганлар сони (10 минг киши ҳисобида)

Таълим босқичлари	Одам								Ўсиш суръати		
	1998	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2000 в % к 1998	2006 в % к 2000	2006 в % к 1998
Жами	2625	2760	2723	2856	2835	2805	2741	2686	105,1	97,3	102,3
Умумтаълим мактаблари	2347	2424	2410	2480	2427	2355	2257	2135	103,3	88,1	91,0
Ўрта касб-ҳунар таълими тизими	105	130	177	214	265	302	337	402	123,7	308,8	381,8
Олий таълим тизими	65	74	82	91	99	101	106	107	112,5	145,2	163,4
Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими	1,8	1,6	1,5	1,3	1,1	0,9	0,9	0,9	91,2	56,1	51,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Бошқарув. Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси таълим тизимини бошқаради. Унинг таркибида ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш, жумладан таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш учун масъул Департамент фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислон университети, шунингдек, таниқли хорижий халқаро олий ўқув юртлари филиаллари (МДУ, Вестминстер университети) каби айрим олий ўқув юртларини бевосита бошқаради.

Бундан ташқари Молия вазирлиги (молиялаш тизими), Иқтисодиёт вазирлиги (моддий-техника базасини ривожлантириш дастури, демографик кўрсаткичлар, таълим муассасаларига, жумладан, давлат грантлари ҳисобидан қабул қилиш кўрсаткичлари ва дастурлари ҳамда ҳоказолар) каби марказий иқтисодиёт идоралари ҳам таълим тизимини давлат томонидан бошқариш бўйича алоҳида вазифаларга эга.

Ўзбекистонда иккита вазирлик — Халқтаълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади.

Халқ таълими вазирлиги мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти учун жавоб беради. Бундан ташқари вазирлик тасарруфида 5 олий ўқув юрти ва ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича 16 институт мавжуд. Вазирлик марказий аппарат-

дан ташқари вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига эга. Улар ўз ҳудудида жойлашган тегишли таълим муассасалари фаолиятига услубий раҳбарлик қилади. 2007 йилгача қайд этилган бўлимлар орқали таълим муассасаларини бюджетдан молиялаш амалга оширилди. 2007 йилда эса молиялаш вазифаси Молия вазирлиги органларининг ҳудудий тегишли бўлимларига тўлиқ берилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, бунинг учун унинг таркибида махсус Марказ (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази) ташкил этилган, шунингдек, олий ўқув юртлари фаолияти учун жавоб беради. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказигина ҳудудий бўлимларга эга.

Ходимларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича алоҳида дастур учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул.

Дунёнинг аксарият давлатларида таълим учун одатда битта вазирлик жавоб беради. У ўрта махсус ва олий таълим муассасалари мустақил фаолият юритиш имконига эга бўлган шароитда асосий эътиборни мактаб таълимига қаратади. Ўзбекистонда ислохотларнинг жорий босқичида бир пайтнинг ўзида иккита вазирлик бўлишининг сабаблари қуйидагилар:

- аҳоли умумий сонида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг кўпчилиги (31,5%). Шу сабабли кўплаб умумтаълим мактаблари (қарийб 10 мингта), болалар боғчаларини (6 мингдан зиёд) бошқаришга тўғри келмоқда. Уларда 6 миллионга яқин мактаб ўқувчиси ўқийди, 562,2 минг нафар бола тарбияланади ва ярим миллион нафардан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячи меҳнат қилади
- мактаб ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ислохотларнинг ниҳоясига етмагани, уларни амалга ошириш учун кўплаб бошқарув, инсоннинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракати талаб этилиши;
- таълим сифатини ошириш учун эҳтиёжнинг мавжудлиги туфайли олий ўқув юртларининг етарлича мустақил бошқарилмаётгани

3.2. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИГА ОИД ШАРҲ

3.2.1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълимнинг умумий таърифи. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланади. У соғлом, ривожланган баркамол болани шакллантиради, унда билим олишга интилишни пайдо қилади, тизимли ўқишга тайёрлайди. Олти-етти ёшдаги болаларни мактабгача тайёрлаш давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилада амалга оширилади.

Мактабгача таълимнинг мақсади — болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш, соғлом, ривожланган ва озод шахсни шакллантириш, унинг истеъдодини очиш, ўқишга, тизимли таълимга қизиқишни тарбиялашдан иборат.

Мактабгача таълим уни эгаллаш шакли ва услубидан қатъи назар, қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- болаларни мактабда ўқиш учун мақсадли ва тизимли тайёрлаш, уларнинг индивидуал истеъдод ва қобилиятини ривожлантириш;
- болаларни миллий ва умумбашарий одоб-ахлоқ ҳамда маданий қадриятлар билан таништириш, ақлий ривожлантириш;
- юксак маънавият ва одоб-ахлоқ асосларини шакллантириш;
- болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш.

Мактаб таълими мақсад ва вазифаларини амалга оширишда жамоат ва хайрия ташкилотлари, маҳаллалар, халқаро жамғармалар ҳам фаол иштирок этмоқда..

Мактабгача таълим муассасалари. Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ота-оналар ва жамиятга жисмонан соғлом, баркамол ривожланган, болаларни мактабда ўқишга тайёрлашга ёрдамлашиши лозим.

Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, иқтисодий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларида дарслар давлат тили, шунингдек, тегишли ҳудудларда яшаётган бошқа тиллар — қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз ва қозоқ тилларида ўтилади.

Мактабгача таълим муассасалари уларнинг фаолияти йўналишига мувофиқ қуйидаги турларга бўлинади:

- болалар ясиллари, болалар ясли-боғчалари, болалар боғчалари, уйдаги болалар боғчалари (ҳам мустақил муассаса, ҳам филиал сифатида);
- мактабгача таълим ва бошланғич таълим муассасаси (болалар боғча-мактаби);
- тарбияланувчиларни бир ёки бир қанча йўналиш бўйича (тил, бадиий-эстетик, спорт ва ҳоказо) тайёрлайдиган мактабгача таълим муассасаси;
- фаолияти тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги нуқсонларни малакали тузатишга қаратилган болалар боғчаси;
- тиббий-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш орқали куч-қуввати заиф болаларни назорат қиладиган ва соғломлаштирадиган болалар боғчаси;
- бирлашган турдаги болалар боғчаси (бирлашган боғча таркибига турли хил умумий ривожлантирадиган, нуқсонларни тузатадиган ва соғломлаштирадиган гуруҳлар киради);

Мактабгача таълим муассасасининг иш тартиби ва унда болаларнинг бўлиш муддати мактаб таълими сифати ва даражасига давлат талаблари, устав, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар, шунингдек, муассислар (мулкдорлар) ўртасидаги шартнома асосида белгиланади.

Ривожланиш ва соғлиғида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослашган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади. Уларга қабул қилиш жойларда

3.2-жадвал

1997–2006 йилларда Ўзбекистонда мактабгача таълимдан фойдаланишнинг ўсиш суръати*

	1997	2000	2001	2004	2005	2006
Билим юртлари сони	7546	6704	6865	6603	6495	6413
Улардаги болалар сони	681,2	624,6	642,5	575,1	565,6	562,2
Давлатга қарашли бўлмаган						
Билим юртлари сони	2405	588	407	85	72	57
Улардаги болалар сони	143,7	31,6	22,5	4,0	3,5	3,0
Билим юртлари сони	-	1	1	7	15	12
Улардаги болалар сони	-	-	-	0,1	0,3	0,2
Мактабгача болалар муассасаларининг болаларни қамраб олиши, тегишли ёшдаги болаларга нисбатан фоиз ҳисобида	17,6	18,2	19,4	19,3	19,0	22

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

*Ўқув йили охиридаги маълумотлар

таълим ва соғлиқни сақлаш органларини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан ташкил этиладиган руҳий-тиббий-педагогик комиссия хулосасига асосан амалга оширилади. Мактабгача, бошланғич ва ўрта таълимнинг ворисийлигини таъминлашга доир ишлар давом эттирилмоқда. Шу мақсадда 205 та «болалар боғча-мактаби» таълим комплекси ташкил этилди.

Мактабгача таълимнинг уйдаги ва кичик болалар боғчалари, мактабгача ёшда бўлган болаларни эрта ривожлантириш бўйича турли марказлар, якшанба куни ишлайдиган боғчалар каби ноанъанавий шакллари ривожланмоқда. Ноанъанавий мактабгача муассасаларда гуруҳлар сони 13744 тага етди, уларда 123,6 минг бола мактабда ўқишга тайёрланмоқда.

Мактабгача таълимдан фойдаланиш. Ўзбекистонда 6413 давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар 1,5–7 ёшдаги 562,2 минг болани қамраб олган. Сўнгги йилларда ушбу муассасаларда қамров кўлами ўсиши кузатилмоқда (2005 йилда 2,8, 1999 йилда 16,2, 2006 йилда 22,0 фоиз).

Болалар таълим муассасалари ва уларда тарбияланаётган болалар сони 1991 йилга қараганда кескин камайиб кетди.²⁶ Биринчи навбатда, бу қуйидаги объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ:

- мактабгача ёшдаги болаларни оилада ва мактабгача таълим муассасаларида тарбиялашга нисбатан давлат сиёсатининг ўзгаргани. Ўзбекистондаги болалар яслиларида 3 ёшгача бўлган болалар кескин камайиши болалар касалликларининг кўпайиши ва юқумли касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқ. Гўдакларни уйда тарбиялашни ташкил этиш мақсадида шу ёшдаги фарзандлари бор аёллар учун боласига қараши учун қисман ҳақ тўланадиган таътил белгиланди. Шундан сўнг оналар фарзандини 3 ёшгача уй шароитида тарбиялаш ва иш ўрнини сақлаб қолиш имконига эга бўлди;
- болаларни мактабгача муассасаларда сақлаш учун давлат субсидияларининг қисқартирилиши ва ота-оналарнинг фарзандлари учун пул тўлаш миқдорининг ошиши. Мактабгача ёшда бўлган бир неча нафар фарзанди бўлган оилалар болалар боғчалари хизматлари учун пул тўлашда молиявий жиҳатдан қийналиб қолди. Масалан, Халқ таълими вазирлиги томонидан республиканинг олти худудида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, аҳолининг 86,4 фоизи мактабгача таълимдан манфаатдор эканини кўрсатди. Бироқ молиявий-ташкилий сабаблар туфайли аҳолининг 74,4 фоизи мактабгача таълим муассасалари хизматидан фойдалана олмайди. Айниқса, Қашқадарё (11,7%), Сурхондарё (12,4%), Хоразм (16,1%) вилоятларида бу кўрсаткич жуда паст;
- демографик вазиятнинг ўзгариши, туғилишнинг камайиши ва бунинг натижасида болалар боғчалари хизматига эҳтиёжнинг кескин камайиши;
- иш ўринларининг қисқартирилиши, ишга жойлашни истайдиган, бироқ бундай имкониятга эга бўлмаган аёллар сонининг кўплиги. Бундай аёлларнинг уйда ўтириши ва мактабгача ёшдаги фарзандларини уйда тарбиялашга мажбурлиги;
- ота-оналарнинг мактабгача таълим сифатининг пасайиб кетаётганига эътирозлари. Болалар боғчаларининг ўйинчоқлар билан таъминланганлик даражаси атиги 53 фоизни ташкил этади. Боғчаларда энг янги болалар ва услубий адабиёт, машғулотлар учун қўлланмалар, техник ўқитиш восита-

26 1991 йилда 9834 та мактабгача болалар муассасасида 1339,5 минг бола, жумладан 173 болалар яслида 1,5-3 ёшгача бўлган 14,5 минг бола бор эди. Тегишли ёшдаги болаларнинг мактабгача муассасалар томонидан қамраб олиниши 35,1 фоизни ташкил этди.

лари йўқ. Канцелярия товарларини харид қилиш учун давлат маблағлари умуман ажратилмаяпти. Бу эса пластилиндан нарса яшаш, расм чизиш, конструкциялар тузиш бўйича асосий машғулотларни самарали ўтказиш имконини бермаяпти. Мактабгача муассасалар учун «Учинчи мингйиллик боласи» деб номланган намунали дастурни амалга ошириш на моддий, на технологик, на услубий жиҳатдан таъминланган. Мактабгача таълим муассасаларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан таъминланиш даражаси 41, жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган майдончалар 78 фоизни ташкил этади, жисмоний тарбия заллари бор-йўғи 20,4 фоиз муассасада мавжуд. Мактабгача ёшдаги болалар учун замонавий спорт ускуналари эса умуман йўқ. Машғулотлар учун фойдаланиладиган материаллар тарбияланувчилар томонидан қўлда ясалади;

- Болаларни болалар боғчалари, айниқса, қишлоқ жойларидаги болалар боғчаларида тарбиялаш учун ажратилаётган молиявий ресурсларнинг етишмаслиги. Масалан, 2006 йилда мактабгача таълим муассасасида бир бола учун ажратилган маблағ кунига ўртача 723 сўмни ташкил қилди. Бунинг устига, вилоятлардаги ясли гуруҳларида ушбу маблағ 376–741, боғча гуруҳларида 550–1214 сўмни ташкил этди. Бир боланинг овқатининг бир кунлик ўртача баҳоси ўртасида тафовут борлиги туфайли турли ҳудудларда овқатланишнинг сифатли таркиби кескин фарқ қилади. 2006 йилда молиявий ресурслар етишмаслиги сабабли мактабгача болалар муассасаларида кўзда тутилган гўштнинг 83,5, сариеғ 72,2, шакар 65,6, картошка ва сабзавотнинг 76 фоизи олинмоқда, холос. Натижада болалар сут ва қатиқ маҳсулотлари, мевалар билан етарлича таъминланмаяпти, балиқ эса умуман берилмайди. Бу мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда давлат таълим стандартларини бажаришни хавф остига қўймоқда.

Мактабгача таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг етарлича қондирилмаслиги қисман болаларни мактабгача таълим муассасалари гуруҳларида мактабга тайёрлаш бўйича махсус дастур ҳисобидан таъминланади. Бугун республикада 30000 дан ортиқ шундай гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда болалар кунига 3–4 соат ичида барча зарур билим, қобилият ва кўникмаларга эга бўлади ҳамда шу тариқа мактабга тайёрланади. ЮНИСЕФ дастури доирасида аҳолига шу турдаги таълим хизматларини кўрсатишга доир махсус услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Мактабгача таълим сифатини ошириш чоралари. Мактабгача таълимда ўқув-тарбиявий жараён мазмун-моҳияти мулкчилик шаклидан қатъи назар, Асосий давлат дастури томонидан белгиланади. Мактабгача таълим муассасалари ўз фаолияти учун Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган вариатив дастурлар комплексидан ўқув дастурини танлаши ёки асосий дастур асосида ўзининг муаллифлик дастурини ишлаб чиқиши мумкин. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қатор чоралар кўзда тутилган.

Бу, аввало, ўз ишига фидойи, болаларни чин кўнгилдан яхши кўрадиган малакали педагог-тарбиячиларни тайёрлаш.

Ўқув-тарбия жараёнига болаларнинг қобилият ва қизиқишларини ривожлантирадиган инновация психологик-педагогика услублари босқичма-босқич жо-

рий этилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маънавий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун шароит яратилмоқда. Болалар учун замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Мактабгача болалар муассасалари мутахассислари ва ота-оналар учун услубий қўлланмалар ҳамда тавсияномалар тўплами тайёрланди. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қонунчиликка мувофиқ ҳудудидаги мактабгача таълим муассасалари учун имтиёзлар белгиламоқда. Бундан ташқари улар ўз ҳудудида яшайдиган болалар ва у ердаги мактабгача таълим муассасалари учун зарур товарлар ишлаб чиқариш ва сотиб олиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Идоралар, корхоналар, ташкилотлар, турли жамғармалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари мактабгача таълим муассасаларининг муассиси бўлиши, моддий-техника ва молиявий бадаллар кўринишида ҳомийлик ёрдами ни кўрсатиши, мактабгача ёшдаги болалар ва муассасалар учун зарур товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 313-қарорига мувофиқ тижорат асосида фаолият юритадиган ва юқори сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайдиган давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалар тармоғини кенгайтириш йўллари белгиланган. 2006 йилда хусусий болалар боғчалари сони 12 тани ташкил этди.

Оиладаги мактабгача таълим. Ўзбекистон Республикасида оиладаги тарбияга мактабгача таълимнинг мажбурий давлат элементи билан бир қаторда қаралади.²⁷ Бунда давлат ва жамият оилага ҳар томонлама ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатади..

Маълумки, оила бола учун ижтимоий тажриба манбаи ҳисобланади. Оила болада ота-онани, ўз уйи, Ватанига ҳурматни шакллантиради. Бола оиласида илк бор маданият, миллий анъаналар ва маънавий қадриятлар билан танишади. Айнан оилада боланинг фикрлаш қобилияти, мустақиллиги ривожланади, ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик ҳисси шаклланади. Ўзбекистон қонунларига кўра, ота-оналар (уларнинг ўрнини босадиган шахслар) болани ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва баркамол ривожланишини таъминлаши шарт. Негаки, оила боланинг баркамол ривожланиши учун шарт-шароит яратади ва уни мактабга тайёрлаш учун масъул ҳисобланади.

Оилада мактабгача таълим уй шароитида мустақил, шунингдек, боланинг бир ёки бир қанча давлат ҳамда нодавлат мактабгача (мактабдан ташқари) таълим муассасасига қатнаши орқали амалга оширилиши мумкин.

Давлат ва жамият оиладаги тарбияни қўллаб-қувватлаш мақсадида тиббий-психологик-педагогик маслаҳат марказларини ташкил этади. Мактабгача таълим масалалари даврий матбуот, радио ва телевизион кўрсатувларда ёритилади. Махсус услубий адабиёт етарли нусхада чоп этилмоқда.

27 «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ ота-оналар (уларнинг ўрнини босадиган шахслар) боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши шарт, боланинг мактабгача сифатли таълим олиши ва мактабда тизимли ўқишга тайёрлашнинг шакли ҳамда услубидан қатъи назар унинг тарбияси учун жамият ва давлат олдида масъулдир. Шу сабабли 34-моддада қонунни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Болаларни мактабга юқори даражада тайёрлашни таъминлайдиган оилаларни рағбатлантиришнинг турли шакл ва механизмлари жорий этилмоқда. Отаналарга мактабгача таълимнинг барча масалалари бўйича малакали маслаҳат хизматлари кўрсатилмоқда. Ҳар йили оилада, мактабгача муассасаларида тарбияланётган 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

3.2.2. Умумий ўрта таълим

Ўзбекистонда бошланғич (1–4-синф) ва ўрта (5–9-синф) таълимдан иборат 9 йиллик мажбурий бепул умумий ўрта таълим жорий этилган. Умумий мактабларнинг 10–11 синфларидаги таълим босқичма-босқич ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрларидаги таълим билан алмаштирилмоқда. Бу жараён 2007/2008 ўқув йилида кескин камайтирилиб, 2009 йилдан кейин тўлиқ ушбу тизимга ўтказилади.

3.3-жадвал

Кундузги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг таълим босқичлари бўйича ўсиш суръати*

Ўқув йили	2004/2005	2005/2006	2006/2007
Жами ўқувчилар сони, минг	6111,1	5928,7	5687,9
жумладан:			
1–4-синф ўқувчилари	2383,3	2277,2	2164,8
5–9-синф ўқувчилари	3143,2	3146,4	3106,0
10–11-синф ўқувчилари	584,6	505,1	417,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

*Ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари бу ҳисобга кирмаган.

Умумий ўрта таълимнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларда давлат таълим стандартларига мувофиқ билим, қобилият ва умумий маданиятни шакллантириш;
- ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштириш, уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш;
- баркамол ривожланган шахс, ўз ватанининг фуқаросини шакллантириш;
- ёшларда мустақиллик ва демократия тамойилларига содиқлик ҳиссини тарбиялаш.

Ўзбекистонда **бошланғич таълим** мажбурий, бепул ва умумий ҳисобланади. Мактаб ёшига етган барча болалар умумий ёки махсус (Ногирон ва ривожланишдан ортда қолаётган болалар учун) бошланғич мактабга боради. Болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш 100 фоизни ташкил этади.

Бола бошланғич мактабни тамомлагач, ўқиш, ёзиш ва санашни билиши лозим. Ўқувчиларда назарий фикрлаш, ўқув ҳаракатларини мустақил назорат қилиш қобилияти шакллантирилади. Гаплашиш маданияти, шахсий гигиена, соғлом турмуш тарзи ва жамиятда ўзини тутиш асослари ўргатилади. Бошланғич мактабда ўқув фанлари сифати ва мазмун-моҳияти турли мактаблар ҳамда ўқиш шароитига қараб ўзгарувчан ҳисобланади.

Бошланғич мактабда ўқув-тарбиявий фаолиятни табақалаштириш болаларнинг қобилиятига қараб қуйидагилар ҳисобидан эришилади:

- ўқиш жараёнининг вариативлиги;
- ўқув материални ўзлаштириш суръати;

- болаларга ўқув фанларини чуқур ўзлаштириш йўналишларини танлаш имкониятини бериш;
- ўқув топшириқларини болаларнинг индивидуал имкониятларига мослаштириш;
- бараварлашган синфлар ва гуруҳларни ташкил этиш.

Мактабларнинг барча биринчи синф ўқувчилари зарур янги дарсликлар ва ўқув анжомлари билан бепул таъминланади. 1996 йилдан буён кам таъминланган оилаларнинг 1–9-синф ўқувчилари ҳар йили давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактаб анжомлари, қишки кийим-кечаклар тўплами билан бепул таъминланмоқда.

Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим ташкилий ҳамда мазмун жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир умумтаълим мактаби умумий ўрта таълимнинг ҳар икки босқичи бўйича ўқишни ташкил этади. Бу бошланғич мактаблар битирувчиларини тўлиқ ҳисобга олиш ва умумий ўрта таълим тизимида узлуксизликни таъминлайди.

Умумий ўрта таълим бошланғич таълимнинг мантиқий давоми ҳисоблансада, сифат жиҳатидан ўқитишнинг бошқача мазмун ва услубиятига эга. Ўрта таълим ўқувчининг шахси, қизиқишлари, ижтимоий жиҳатдан ўз йўлини ўзи белгилаш қобилиятини шакллантиришни таъминлайди. Ўрта мактаб ўқувчиси фанлар асослари бўйича тизимли билимга эга бўлади. Ўқиш жараёнида кенг дунёқараш, ижодий фикрлаш шакллантирилади. Халқнинг бой маънавий ва маданий мероси билан таништириш орқали атроф-оламни асраб-авайлаш кўникмаси сингдирилади. Ўрта мактаб ўқувчиларга мактаб фанларини мустақил ўрганиш учун кенг имконият яратади. Ўрта таълим мазмун-моҳияти таркибига мажбурий ва қўшимча таркибий қисмлар киритилган.

Мажбурий таркибий қисм давлат таълим стандартлари томонидан белгиланади ва ўқувчиларни тайёрлашнинг етарли ҳамда зарур даражасига эга. Унинг ютуқлари умумий ўрта таълимнинг таълим муассасалари томонидан кафолатланади. Мазкур таркибий қисм давлат ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, шахс манфаат ҳамда эҳтиёжлари асосида белгиланади.

Қўшимча таркибий қисм ўқувчининг эҳтиёж ва қобилияти, мактабнинг моддий-техникавий ва кадрлар билан таъминланиш даражаси, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қўшимча ўқув вазифаси ҳажми Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Мактабда ўқув-тарбия ишлари Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Асосий ўқув режаси ва умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўқув фанлари, умумтаълим дастурлари рўйхати, ўқиш даврининг давомийлиги умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, Асосий ўқув режасига қараб белгиланади.

Умумий ўрта таълим қатнаб ўқиш шаклида амалга оширилади ва битирувчиларни якуний аттестациядан ўтказиш билан ниҳоясига етказилади. Уларга давлатнинг намунавий нусхадаги шаҳодатномаси, алоҳида муваффақиятларга эришган битирувчиларга эса имтиёзли шаҳодатнома берилади.

Умумий таълим дастурларини мустақил ўзлаштирган ўқувчиларга Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Экстернат тўғрисидаги низомга мувофиқ экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқи берилади.

Мактаб таълимидан барчанинг фойдалана олиши ва унинг моддий-техника базаси. Ўзбекистонда мактаб таълимидан фойдаланиш нафақат унинг бепуллиги, ўз она тилида ўқиш имконияти, шунингдек, мактаблар сонининг кўплиги ва уларнинг ўқувчилар учун қулай тарзда жойлашуви билан таъминланади.

Мамлакатда 9,8 мингта кундузги мактаб муассасаси мавжуд бўлиб, жумладан уларнинг 2,1 мингтаси шаҳарларда, 7,7 мингтаси қишлоқ жойларда жойлашган. 2006/2007 йилларда ўқувчиларнинг умумий сони **5707,2** минг нафар, жумладан шаҳарларда **1805,7**, қишлоқларда **3901,5** минг нафарни ташкил қилди.

3.4-жадвал

Кундузги умумтаълим мактаблари тармоғини ривожлантириш ва уларда таълим олаётган ўқувчилар*

	2000/2001			2006/2007			2006/2007 нисбатан % к 2000/2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Мактаблар сони	9726	2065	7661	9796	2085	7711	100,7	101,0	100,7
Ўқувчилар сони, минг	6017,6	1922,5	4095,1	5707,2	1805,7	3901,5	94,8	93,9	95,3
Ўқишнинг сменалиги	73,6	76,1	72,7	72,6	73,8	72,0	98,6	97,0	99,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

*Ўқув йили бошидаги маълумотлар.

Ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар сонининг камайиши аввало, мамлакатнинг ўрта махсус, касб-хунар таълимига ўтиши билан боғлиқ. Бу жараёнга мамлакатда демографик оғирликнинг камайиши маълум даражада таъсир кўрсатди. Бироқ сўнгги йилларда мактабларнинг умумий сони камайгани йўқ, аксинча кўпайди. Бу эса мактабларда икки сменада ўқишни камайтирди: 2000 йилда 73,6, 2006 йилда 72,6.

3.5-жадвал

Ўқитиладиган тилга қараб, мактаблар ва ўқувчилар сонининг ўсиш суръати*

	ўзбек	рус	қорақалпоқ	қозоқ	тожик	қирғиз	туркман
2003/2004							
Мактаблар сони жами:	8765	780	375	555	307	69	56
Уларда ўқувчилар сони, минг.	5506,3	284,1	144,6	140,6	116,3	15,5	14,1
2004/2005							
Мактаблар сони жами:	8801	753	376	544	282	67	56
Уларда ўқувчилар сони, минг.	5440,8	277,0	134,6	127,4	101,8	14,4	15,0
2005/2006							
Мактаблар сони жами:	8858	760	383	531	261	63	50
Уларда ўқувчилар сони, минг.	5299,0	270,1	128,5	115,7	90,5	12,4	12,4
2006/2007							
Мактаблар сони жами:	8827	760	383	522	258	61	48
Уларда ўқувчилар сони, минг.	5075,3	282,6	116,3	99,1	91,1	12,2	11,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

*Ўқув йили бошидаги маълумотлар.

Давлат тилида ўқитилмайдиган мактаблар сони ҳам кўпайди.

Республикадаги **760** мактабда дарслар рус ва бошқа тилларда ўқитилмоқда (Рус-ўзбек, рус-қорақалпоқ ва бошқа). **93** мактабда дарслар фақат рус тилида ўқитилади. Она тилида ўқиш имконияти болаларнинг билим олиши учун қулай шароит яратади.

Шу билан бирга, мактаб таълими инфратузилмаси яқин вақтгача талаблар даражасида эмасди. 2006/2007 ўқув йилида мактабларнинг 37,3 фоизи мослаштирилган биноларга эга бўлган бўлса, **252** мактабнинг биноси (2,6 фоизи) авария ҳолатида эди. Кўпгина мактаблар марказлаштирилган иситиш тармоғи, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланмаган эди. 27 фоиздан ортиқ ўқувчи 2–3 сменада ўқирди. Мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиш даражаси атиги 29, замонавий компьютер техникаси билан 4,6 фоизни ташкил қиларди. Мактабларнинг бор-йўғи 48,4 фоизда спорт заллари бор эди, уларнинг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси 23 фоизни ташкил этарди. Айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий базаси ёмон аҳволда эди.

Бундай ҳолат мамлакатда ўз кўлами бўйича тенги йўқ ва МДҲда биринчи Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини қабул қилиш учун сабаб бўлди. Ушбу дастурга мувофиқ 2004–2009 йилларда 325 янги мактаб қурилиши, 2313 мактаб капитал реконструкция қилиниши, 5838 мактаб капитал ва жорий таъмирланиши лозим. Мамлакат тарихида ҳали бу тарзда кўп мактаб қурилгани йўқ.

3.6-жадвал.

2005 — 2006 йилларда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўналишлари	Ўлчов бирлиги	2004–2005	2006	2007	2005–2009
		Аслида			Дастур
Янги қурилиш	Сони	129	65	62	299
	Ўқувчи ўрни	35 798	23 621	20 390	108 193
Капитал реконструкция	Сони	286	388	497	2305
	Ўқувчи ўрни	112 756	149 195	188 181	777 831
Капитал таъмир	Сони	436	525	676	3339
	Ўқувчи ўрни	246 628	278 700	378 934	1 698 949

*2005 йилдан буён капитал таъмирлаш бўйича маълумотлар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-қарори

Ушбу дастурга мувофиқ 2004–2005 йиллар давомида 35,8 минг ўқувчига мўлжалланган 129 янги мактаб барпо этилди, 112,8 минг ўқувчига мўлжалланган 286 мактаб капитал реконструкция қилинди. Маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 209,5 минг ўқувчи ўрнига эга 380 мактабда қиймати 25,1 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Дастур амалга оширила бошланган уч йил ичида ичимлик сув билан таъминланган мактаблар сони 70 фоиздан (2004 йилда) 80 фоиз, газлаштирилган мактаблар 52,8 фоиздан 59,8 фоиз, телефон тармоғига уланган мактаблар 48 фоиздан 59 фоиз, оқова қувурлар тизимига уланган мактаблар 43 фоиздан 47 фоизга

кўпайди. 2006 йилда республикадаги 409 мактаб сув таъминоти тизимига уланди, 318 мактаб газлаштирилди, 276 мактаб телефон тармоғига уланди.

2004–2006 йилларда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш дастурини амалга ошириш доирасида қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ (ёки тахминан 100 миллион АҚШ долларига тенг) мактаб мебели, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва спорт инвентарлари сотиб олинди.

Натижада 2007 йил бошида республика бўйича физика синф хоналарининг махсус ўқув ва лаборатория ускуналари жиҳозланиши 40, кимё синф хоналари 38, биология синф хоналари 37, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланиш даражаси 38 фоизга етди.

3.2-киритма.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурининг билвосита натижалари

Мактаб дастурини амалга ошириш туфайли республикада замонавий махсус мактаб мебели ва ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқариш шаклланди ва бу куйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- махсус мебель, ўқув-лаборатория ва спорт ускуналарини ишлаб чиқарувчилар сони 2–2,3 бараварга кўпайди, 10 дан ортиқ вилоятда тегишли ишлаб чиқаришлар ташкил этилди;
- соҳада ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1,3 мартага ошди, лаборатория ва махсус ускуналарни четдан олиб келиш 23–25 фоизга камайди;
- 170 турдан ортиқ мебель ва ускуналарни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди, 2007 йилда уларнинг турини 1,2 мартага кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси анча яхшиланди. Шу мақсадда 2004 — 2006 йилларда 46,4 миллиард сўм ажратилди, 55,2 миллион дона дарслик ва ўқув қўлланмаси сотиб олинди. Бу эса ўқувчиларнинг янги авлод дарсликлари билан таъминланиш даражасини 2004 йилдаги 82,1 фоиздан 2006 йилда 92,1 фоизга кўтариш имконини берди. Шу йиллар мобайнида мазмун ва сифат жиҳатидан янгиланган 7 тилда 1435 номдаги дарслик чоп этилди.

Мактаб таълимидан барча тоифадаги болаларнинг фойдаланиши махсус таълим муассасалари (ёрдамчи мактаблар) томонидан ҳам таъминланмоқда. Уларда жисмоний ва руҳий ривожланишдан ортда қолган болалар ва ўсмирлар таълим олмоқда. Бундан ташқари санатория-интернат туридаги мактабларда жисмоний нуқсонли бор ва соғлиғи заиф болалар ўқитилмоқда ҳамда саломатлиги тикланмоқда.

Ўқитиш сифати ва унинг малакали ўқитувчилар билан таъминланиши мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда амалдагилари такомиллаштирилмоқда. 2004/2005 ўқув йилларидан бошлаб, такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва янгиланган ўқув дастурларини босқичма-босқич синаб кўриш бўйича тажриба ишлари бошланди. Биринчи босқичда ушбу ишларни амалга ошириш учун 29 та республика тажриба майдони ташкил этилди. Бундан ташқари тажриба ишлари режа-жадвалида кўзда тутилган барча ўқув фанлари бўйича ҳудудий тажриба майдонлари ташкил этилди.

Тажриба майдонлари ишларига таниқли олимлар, етакчи услубчилар, тажриба ўтказувчи ўқитувчилар жалб этилди. Давлат таълим стандартлари ва ўқув режа-

ларини тажрибадан ўтказишнинг биринчи босқичида синфлар ва ўқитиладиган тиллар нуқтаи назаридан 31 ўқув фани бўйича ишлар амалга оширилди.

Тажриба ишларининг иккинчи босқичи 2005/2006 ўқув йилида 45 тажриба майдони базасида синфлар ва ўқитиладиган тиллар ҳисобга олинган ҳолда, 81 номдаги ўқув фани бўйича давом эттирилди. Жумладан, дарслар рус тили ва кам сонли миллатлар тилида ўқитиладиган мактабларда 26 номдаги ўқув фани бўйича тажриба ишлари амалга оширилди.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга доир тажриба ишларининг якуний натижаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланди ҳамда республиканинг умумтаълим мактаблари ўқув жараёнига жорий этиш тавсия қилинди.

2004/2005 ўқув йилига қараганда 2005/2006 ўқув йилида 50 номдан ортиқ ўқув фани бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари синовдан ўтказилди.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини синовдан ўтказиш жараёнлари бўйича ташкил этилган тизимли мониторинг шундан далолат берадики, эски таҳрирдаги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига нисбатан ўқувчиларнинг барча фанлар, синфлар ва ўқитиладиган тиллар бўйича билим, қобилият ҳамда кўникмалари даражаси ортиб бормоқда. Масалан, 2005/2006 ўқув йили якунига мувофиқ такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари талаблари бўйича ўқувчиларнинг тажриба синфларида билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси 87,6 фоизни ташкил қилди. Бу ўтган ўқув йилига нисбатан 2,4 фоизга кўпдир. 2005/2006 ўқув йилида амалга оширилган мониторинг 37064 нафар ўқувчини қамраб олди. Улар ўртасида 120 минг марта текширув ишлари ўтказилди. Мониторинг давомида ўқувчилар билим даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мослиги ўрганиб чиқилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг билим даражаси ўтган йилга қараганда 0,4 фоизга ошган.

2006/2007 ўқув йилида тажриба ишларининг учинчи босқичи бошланди ва 54 тажриба майдони базасида 53 номдаги ўқув фани бўйича синов ишлари ўтказилмоқда.

Ҳамма жойда ўқув жараёнига давлат таълим стандартларини жорий этиш ижобий самара бермоқда.

Қайд этилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатига мактаблар моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини модернизация қилиш ўз таъсирини ўтказди. Бу борада макта-

3.7-жадвал.

Фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблардаги ўқувчилар сони*

	2003/2004	2004/2005	2005/2006	2006/2007
Гимназия ва лицейлар сони, жами:	355	376	265	245
Улардаги ўқувчилар сони, минг.	153,6	160,3	115,1	116,1
Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар сони	3116	2853	2341	1845
Улардаги ўқувчилар сони, минг.	594,0	473,0	383,1	291,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси..

*Ўқув йили бошидаги маълумотлар

бларни замонавий дарсликлар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг янги педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатда болаларнинг истеъдодини ривожлантириш учун ўқув фанларини чуқур ўрганиш бўйича ихтисослашган мактаблар ва синфлар ташкил этилмоқда. Ўқув фанларини чуқур ўрганадиган умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар фаолиятини ташкил этиш таълим сифатини ошириш механизмларидан бири ҳисобланади.

Мактабларда иқтидорли болаларни топиш, танлаш ва ўқитиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Улар учун махсус ўқув фанлари (жумладан муаллифлик) ишлаб чиқилмоқда, кўшимча ўқув-услубий адабиёт тақдим этилмоқда, компьютерлар билан таъминланмоқда. Иқтидорли болалар ўқув материалларини ўзлаштириш бўйича алоҳида жадвалга эга бўлиши мумкин.

Мактаб таълими тизими сифатининг ошганини ўзбекистонлик мактаб ўқувчиларининг халқаро олимпиадалардаги иштироки натижалари ҳам тасдиқлаши мумкин. 2004–2006 йилларда Ўзбекистондан 118 нафар ўқувчи халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, 36 медаль ва 41 дипломни қўлга киритди.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мактаб ва ўқитувчи касбининг нуфузи ортиб бормоқда. 3 йил давомида ўқитувчи бўлиш истагини билдирган ва педагогика олий ўқув юртига ариза топширган абитуриентлар сони кўпайди — **36205 нафардан 49055 нафарга.**

Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилишда қишлоқ жойларидаги таълим муассасалари (мактаблар) алоҳида ўрин тутаяди. Бу мактаблар таълим дастурларини амалга оширган ҳолда, замонавий қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қатор ўзига хос вазифаларни бажармоқда.

Қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик соҳаси факультативлари ва меҳнатга ўқитиш дарсларини ташкил этиш учун вақт ажратилмоқда. Бу жойларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш анча яхшиланди. Қишлоқ ва шаҳардаги ўқувчиларнинг математика, физика, она тили ва чет тиллари бўйича билим даражаси деярли яқинлашди. Юқори синф ўқувчилари учун маҳаллий ҳокимиятлар томонидан мактабларга ажратилган участкаларда меҳнат таълимини ташкил этиш бўйича ижобий тажриба тўпланди.

Айни пайтда, давлат тилида ўқитиладиган мактабларда лотин графикасидаги турли ўқув, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётнинг йўқлиги ўқувчиларнинг билим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу кўпчилик ўқувчиларнинг мактаб дастури доирасига кирмайдиган адабиётларни ўқиши натижасида дунёқароши ва билимини кенгайтириш имкониятини нисбатан чекламоқда. Нафақат мамлакат ҳудудларидаги, балки битта тумандаги турли мактабларда таълим сифати ўртасида катта тафовут мавжудлиги кузатилмоқда. Бу ерда мактаб директори катта роль ўйнайди. Негаки, у тажрибали педагоглар жамоасининг ишларини ташкил этиш учун масъулдир. Мактаб раҳбарининг касб маҳорати, жамоани бошқариш қобилиятини Давлат аттестация комиссияси баҳолайди. Ўтказилган аттестация натижалари шуни кўрсатадики, ўрта таълим тизимининг директорлар корпуси ҳар доим ҳам замон талабларига жавоб бермайди. 2006 йилда давлат аттестациясидан ўтган 9601 нафар мактаб директорининг атиги 3459 (36%) нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини тасдиқлади, 2617 (27,3%) нафари аттестациядан шартли равишда ўтди, 1378 (14,4%) нафари энг паст билим даражасига эга эканини кўрсатиб, аттестациядан ўта олмади ва эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас, деб топилди.

Ўқитувчилар етишмаслиги, айниқса, қишлоқ мактабларида етишмаслиги давом этмоқда. 2006–2007 ўқув йилида мактабларда 1455 нафар чет тиллари, 551 нафар математика ўқитувчиси етишмади. Республика мактабларида олий маълумотга эга бўлмаган 141,9 минг (31,4%) ўқитувчи ишламоқда. Уларнинг 15,8 минг нафари (3,5%) асосий фанлар — она тили ва адабиёт, математика, физика, кимё, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, чет тиллар, география, биология бўйича дарс бермоқда.

Бу жараёнда қишлоқ мактаблари заифлигича қолмоқда. Бу ерда мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиши 66 фоизни ташкил қилади. Ҳолбуки, шаҳарларда бу кўрсаткич 76 фоиз. Кичик синфлар учун педагогларнинг аксарият қисмини олий ўқув юртлари эмас, коллежлар тайёрламоқда. Зеро, инсоннинг кейинги ҳаётининг пойдевори айнан кичик мактаб ёшида қўйилиши психологлар томонидан исботланган.

Мактаб таълимини ривожлантириш муаммосини ҳал этиш учун мактаб директорлари захирасини шакллантириш ва уларни малака ошириш курсларида босқичма-босқич тайёрлаш тизими ташкил этилди. Халқ таълими ходимларига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилмоқда. Педагоглар жамоасининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди, умумтаълим мактабларининг педагоглар кенгаши мустақиллиги оширилди. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ошқора ва адолатли механизми татбиқ этилмоқда.

Барча мактабларда Директор жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ундаги маблағлар ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилмоқда.

Директор жамғармасидан ўқитувчиларга қуйидагилар бўйича қўшимча ҳақ тўланмоқда:

1. Синф раҳбарлиги (энг кам иш ҳақининг 100%) ва дафтарларни мунтазам текширгани учун (50 %);
2. Ўқувчилар билан самарали тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар учун (тегишли малака тоифасига эга ўқитувчининг базавий тариф ставкасининг 15 фоизи миқдориди);
3. Профессионаллиги ва таълим жараёнига қўшган ҳиссаси, ўқитишда юқори натижа ва сифатга эришгани учун (тегишли малака тоифасига эга ўқитувчининг базавий тариф ставкасининг 25 фоизи миқдориди).

2005 йилга нисбатан 2006 йилда ўқитувчиларнинг маоши қарийб 1,9 бараварга ошди. Натижада ўз касбига фидойи, ташаббускор ва юқори малакага эга истеъдодли ўқитувчиларни рағбатлантириш учун амалий чоралар қўрилмоқда. Педагогика соҳасидаги ишларни таълим стандартлари талабларига мувофиқлаштириш ушбу соҳада ёш мутахассислар кўпайишига ёрдам берди. Таълим тизими раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорини кўпайтириш барча даражадаги раҳбарларнинг ишлашига ижобий таъсир кўрсатди.

Республикада барча йўналишдаги ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир самарали тизим ташкил этилди. Мамлакатдаги 22 та олий ўқув юртида таълим соҳаси учун кадрлар тайёрланмоқда ва малакаси оширилмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрларни ўқитишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш масаласида мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланади. Университетда илғор тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, эгалланган билимни амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароит яратилган.

ADB, JBIC, KfW, GTZ инвестиция лойиҳалари доирасида ўқитувчилар малакасини оширадиган ва қайта тайёрлайдиган 15 институтда ва 70 та мактабда уларни масофавий ўқитиш бўйича таълим ресурс марказлари ташкил этилган.

Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар туфайли ўқитувчиларнинг касбий маҳорати мунтазам ошиб бормоқда. Кундузги умумтаълим мактабларида педагоглар сони 451,7 минг кишини ташкил этади (қўшимча ишда ишламайдиганлар), жумладан уларнинг 309,8 минг нафари олий маълумотли.

3.8-жадвал.

Кундузги умумтаълим мактабларидаги педагоглар сони*

	2000		2006		2006, 2000 йилга нисбатан %
	Минг киши	ҳаммаси %	Минг киши	ҳаммаси %	
Жами	443,0	100,0	451,7	100,0	102,0
Шундан олий маълумотли	316,7	71,5	309,8	68,6	97,8
жумладан:					
шаҳарларда					
жами	114,7	100,0	115,8	100,0	101,0
Шундан олий маълумотли	89,9	78,4	88,2	76,2	98,1
Қишлоқ жойларда					
жами	328,3	100,0	335,9	100,0	102,3
Шундан олий маълумотли	226,8	69,1	221,6	66,0	97,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

*Ўқув йили бошида

Мактабдан ташқари қўшимча таълим. Ўзбекистон ҳукумати болалар ва ўсмирларнинг қўшимча таълим олишини ривожлантириш мақсадида мактабдан ташқари таълим, жумладан болалар ўсмирлар спортини, айниқса қишлоқ жойларида ривожлантиришга оид қатор комплекс дастурларни қабул қилди. Ушбу дастурларда қимматга тушадиган спорт иншоотларини талаб қилмайдиган спорт турларига устувор аҳамият берилган. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон болаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат дастурларида барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида спорт майдончалари ва катта маблағ талаб қилмайдиган иншоотлари қурилишини ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

2006 йилда 1,4 мингта болалар спорти ва мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасалари 1–9-синф мактаб ўқувчиларининг 18,7 фоиздан ортиғини қамраб олди.

3.9-жадвал.

Болалар ва ўсмирларнинг қўшимча таълим муассасаларини ривожлантириш*

	2000			2006			2000 га нис. % 2005 да		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Мактабдан ташқари муассасалар-жами	581	32,8	487,6	628	26,2	551,2	108,1	79,9	113,0
жумладан:									
Ўқувчилар саройлари ва уйлари	190	14,0	205,8	144	7,2	157,0	75,8	51,4	76,3
Техник ижодиёт марказлари	130	7,0	95,5	134	5,3	115,2	103,1	75,7	120,6
Ёш табиатшунослар станциялари	108	5,1	72,5	112	3,8	79,9	103,7	74,5	110,2
Болалар ижодиёт марказлари	65	4,7	79,8	107	6,9	139,6	164,6	146,8	174,9
бошқалар	88	2,0	34	131	3,0	59,5	148,9	150,0	175,0
Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари сони	530		261,2	516		298,6	97,4		114,3
Бадий-мусиқа мактаблари ва санъат мактаблари сони	311		70,3	304		39,7	97,7		56,5
Клуб муассасалари қошидаги болалар ва ўсмирлар бадий ҳаваскорлик жамоалари сони		6061	105,1		6192,0	97,8		102,2	93,1

*Ўқув йили бошида

I — сони; II — тўгараклар сони; III — қатнашчилар сони (минг. киши)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Умумий таълим мактабларида турли ихтисос ва номдаги 122 мингтадан ортиқ тўгарак ва секциялар ташкил этилган. Уларда 2,4 миллион нафардан ортиқ ўқувчи (38%) қўшимча таълим олмоқда.

Ўсмирлар ва болаларнинг қўшимча таълим олиши ҳамда бўш вақти муаммолари мактаблар ҳузурида куни узайтирилган гуруҳларни ташкил этиш орқали ҳал этилмоқда. 2006 йилда 2856 мактаб ҳузурида куни узайтирилган гуруҳлар ташкил этилиб, улар 390,4 минг нафар 1–9-синф ўқувчисини, жумладан шаҳарларда 147,2 минг, қишлоқларда 243,2 минг нафар ўқувчини қамраб олди.

Маҳаллий радио, телеэшиттиришлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил болалар ва ўсмирларни ўз вақтида аниқлашга доир мақсадли комплекс операциялар ҳам амалга оширилмоқда.

Маҳалла қўмиталари маҳаллий ҳокимиятлар қўмагида оилаларга ёрдам кўрсатмоқда. Маҳалла қўмиталари фаолияти қишлоқлар ва шаҳар микротуманларида ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлар муҳитини яратишга қаратилган.

Маҳалла оиланинг ёшлар тарбиясига таъсирини мустаҳкамлайди, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг қўшимча таълим олишига кўмаклашган ҳолда, 89 фоиз маҳаллада (жами маҳаллар сони 11400 тадан ортиқ) ташкилотчи-педагог ишламоқда. Улар маҳалла кўмиталари билан биргаликда ўсмирлар билан яшаш жойларида мактабдан ташқари ишларни олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Мактабдан ташқари қўшимча таълим тизими янада кенг ривожлантирилиши лозим. Ушбу муассасаларнинг молиявий имкониятлари ва аҳолининг мазкур муассасалар хизматлари учун тўлов лаёқатининг пастлиги бу борадаги чекланишларга асосий сабаб бўлмоқда.

3.2.3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумий тавсифи. Уч йиллик мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади. Бу таълим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 2009 йилдан бошлаб, мажбурий хусусиятга эга бўлса-да, ўрта умумтаълим мактаблар битирувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эгадир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади фақат интеллектуал ривожлантириш, умумтаълим фанларини чуқур ўргатишдан иборат эмас. Энг асосийси — битирувчига муайян касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлар бўйича билим бериш орқали уни меҳнат бозорида ишлашга тайёрлаш ҳисобланади.

Икки турдаги таълим муассасаси — академик лицей ва касб-ҳунар коллежидан иборат ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади.

Академик лицей — уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси бўлиб, у давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг имконият ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни интеллектуал ривожлантириш, чуқур, табақалаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейларда ўқувчилар ўқиш йўналишини ихтиёрий танлайди: ижтимоий, табиий-илмий, аграр ва ҳоказо.

Академик лицейлар одатда олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилади. Бундан кўзланган мақсад ўқитиш жараёнига олий ўқув юртларининг юқори маънавий ўқитувчиларини жалб этиш, зарурат туғилганда эса улардаги лабораториялар, асбоб-ускуналар ва кутубхоналардан фойдаланишдир.

Академик лицейларда касбга чуқур ва табақалаштирилган ўқитиш жараёнига илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин. Бу ҳолатда ушбу ташкилотлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишув асосида академик лицейларга ҳомийлик қилади.

Касб-ҳунар коллежи — уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасидир. Коллеж давлат таълим стандартларига мувофиқ касбий қизиқишни чуқур ривожлантириш орқали ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини таъминлайди. Коллеж битирувчилари танлаган йўналиши бўйича бир ёки бир қанча мутахассисликка эга бўлади.

Касб-ҳунар коллежлари учун ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан илғор ташкилот ва корхоналар орасидан ҳомийлар тайинланади. Бун-

дан ташқари ушбу йўналишдаги олий таълим муассасалари ҳам коллежларга ҳомийлик қилиши мумкин.

Коллежда касб-ҳунар ва таълим дастурлари икки ёқлама ўқитиш тизими асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолатда ўқув-таълим жараёни ва касбий тайёргарлик тегишли равишда коллежда ҳамда корхонада амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежлари унинг ихтисослашув йўналишига мувофиқ энг замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу ўқувчиларга бундай ускуналарда ишлаш бўйича кўникма ва тажрибага эга бўлиш имконини беради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида умумтаълим ҳамда касб-ҳунар дастурлари учта курсда амалга оширилади. Ўқиш ниҳоясига етгач, ҳар бир курсда ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси текширилади ва аниқланади.

Ўқув йили 2 семестрга бўлинади ва ўқувчиларга 10–12 ҳафталик таътил берилади.

Ўқувчилар ўқув курслари бўйича гуруҳларда, ўқиш йўналиши бўйича бўлимларда бирлашади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида барча турдаги аудитория машғулотлари учун 40 дақиқалик дарс соати белгиланади. Зарурат туғилганда эса дарслар бирлаштирилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида белгиланган намунадаги диплом берилади. Унда қуйидагилар қайд этилган бўлади:

- академик лицейлар учун — илм-фан йўналиши бўйича касбий ўқитиш;
- касб-ҳунар коллежлари учун — мутахассислик (мутахассисликлар) бўйича тегишли малака бериш.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини эгаллаш имконини беради. Бу эса узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган мутахассислиги ҳамда касби бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан фойдаланиш имкониятлари. 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда 1052 та янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси, жумладан 99 академик лицей ва 953 касб-ҳунар коллежи мавжуд эди. Қайд этилган касб-ҳунар коллежларининг 296 таси янгидан қурилган, мавжуд 628 таси капитал реконструкция қилинган. Барча ўқув юрталари замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. 1998–2006 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг моддий-техника базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан қуйидагича маблағ йўналтирилди:

- қурилиш ва реконструкция учун — 981,3 миллиард сўм;
- асбоб-ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун — 78,5 миллиард сўм, хорижий инвестициялар ҳисобидан қўшимча — 113 миллион АҚШ доллари;
- ўқув-услубий жиҳозлаш учун — 11,4 миллиард сўм.

Айни пайтда мамлакатнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 1075,0 минг нафар, жумладан 953 касб-ҳунар коллежларида 1021,9 минг нафар (уларнинг 164,4 минг нафари 11-синф негизида), 99 академик лицейда 53,1 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг таълим муассасалари томонидан қамраб олинishi 62,8 фоизни ташкил этди.

Айни пайтда, касб-ҳунар таълимидан фойдаланиш имкониятлари қуйидаги омиллар билан чекланмоқда:

Биринчидан, касб-хунар коллежларининг оқилона жойлаштирилмагани. 684 касб-хунар коллежининг ярмидан кўпи ва академик лицейларнинг деярли ҳаммаси шаҳарларда ташкил этилган. Бу қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблар битирувчиларининг касб-хунар коллежларида ўқиш имкониятларини чеклайди. Гарчи касб-хунар коллежларида ўқиш бепул бўлса-да, ўқувчилар стипендия олмайди, бошқа жойлардан келганлар эса ётоқхоналарда яшаб, моддий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашига тўғри келмоқда.

Иккинчидан, касб-хунар коллежларини самарали ихтисослаштирилмагани касбни эркин танлаш имкониятини чеклайди. Масалан, қишлоқ мактабларининг аксарият битирувчилари яқин атрофда жойлашган коллежларда ўқишга мажбур бўлмоқда. Айрим ҳолларда эса ушбу коллежларнинг ихтисослашуви уларнинг қизиқиши ва танловига мос келмайди. Бундан ташқари қишлоқ жойларидаги кўпгина коллежлар қишлоқ хўжалиги мутахассисларига ихтисослаштирилмоқда. Бир томондан, бу мантиқан тўғри, негаки ўқувчиларга ўзи яшаб турган жойда керакли касбни эгаллаш имконини беради. Касб-хунар коллежлари тузилмасида асосий эътибор қишлоқ хўжалиги мутахассисликларига қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Иккинчи томондан, аграр соҳадаги ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тармоғида иш ўринларининг қисқартирилиши туфайли қишлоқ мактаблари битирувчилари бошқа мутахассисликларни эгаллашни истайди.

Учинчидан, тор ишлаб чиқариш мутахассислигига эга бўлиш қийинлашган. Кўпгина коллежлар иқтисодиётнинг саноат-ишлаб чиқариш тармоғи учун кадрлар тайёрлашига қарамай, ушбу соҳанинг кўп турдаги тор ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланмаётир. Кўпгина коллежларни ихтисослаштириш, айниқса, нефть-газ, енгил, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати каби тез ривожланиб бораётган соҳаларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштириш қатъий қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Афсуски, кейинги беш йилда коллежларни соҳалар бўйича ихтисослаштириш унчалик ўзгаргани йўқ ва бугунги кунда бу иқтисодиёт талабларини тўлиқ ҳисобга олмайди.

Шундай қилиб, таълим тизимини ислох қилишнинг биринчи навбатдаги вазифалари орасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини таркибий қайта қуриш ҳамда уни бошқариш тизимини тубдан янгилаш муҳим ҳисобланади.

3.10-жадвал.

2006 йилда муайян соҳага ихтисослашган касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар таркиби* (ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа	28,2
Қишлоқ хўжалиги	18,5
Иқтисодиёт, ҳуқуқ	13,1
Соғлиқни сақлаш	14,0
Маориф, жисмоний тарбия ва спорт	14,3
Хизмат кўрсатиш соҳаси	9,5
Маданият ва санъат	2,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

*Ўқув йили бошида

Тўртинчидан, қизларнинг касб-ҳунар таълимидан фойдаланиши фақат яқин атрофда жойлашган ўқув юртларида ўқиш имконияти билан чекланмоқда. Бу мусулмон мамлакатлари учун хос бўлган ота-оналарнинг қизларини бошқа жойларга ўқишга юбормаслик истаги билан боғлиқ. Натижада қизларнинг асосан фақат яқин атрофдаги педагог ёки тиббиёт кадрларини тайёрлайдиган коллежларда ўқишига тўғри келмоқда. Саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги коллежлари ўқувчилари орасида йигитларга нисбатан озчиликни ташкил қилади.

Бешинчидан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг танлаган мутахассислиги бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан фойдаланиши борасида қийинчиликлар мавжуд. Яшаш жойидан узоқда ўқиш учун бевосита ва билвосита харажатлар ниҳоятда юқори. Шу сабабли кам таъминланган оилалар фарзандлари ўзларига яқин коллежларда ўқиши мумкин. Шундай эса-да, ҳар кунлик транспорт ва овқатланиш учун кетадиган харажатлар ҳам катта бўлади. Ўқувчиларни ўқишга ва уйига олиб борадиган марказлаштирилган транспорт йўқ.

Олтинчидан, имконияти чекланган шахсларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан фойдаланиш муаммоси ҳозирча ҳал этилгани йўқ. Бундай болаларни инклюзив ўқитадиган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари, тегишли дастурлар, дарсликлар ва услубий қўлланмалар ҳам ҳозирча йўқ.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мазмун-моҳияти. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мазмун-моҳияти давлат таълим стандартлари томонидан белгиланадиган қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- умумтаълим дастурлари-академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун (бакалавриятда ўқишни давом эттириш учун асос ҳисобланади);
- ўқув фанлари ва йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган, касб-ҳунар таълими дастурлари-академик лицейлар учун;
- касб-ҳунар дастурлари — касб-ҳунар коллежлари учун (дастурлар турларининг ўзаро боғлиқлиги Схепада кўрсатилган).

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни ташкил этиш учун Таълим йўналишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликлари ва касбларини таснифлагич ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Унда кичик мутахассислар учун маҳорат талаблари белгиланган. Амалдаги Таълим йўналишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликлари ва касбларини таснифлагич 348 мутахассислик ва 840 касбни ўз ичига олади. Аслида эса 712 касбни ўз ичига оладиган 268 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

1998–2006 йилларда касб-ҳунар коллежлари учун умумий касб-ҳунар ва махсус фанлар бўйича 277 соҳавий таълим стандарти ва 3503 ўқув дастури, академик лицейлар йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган умумтаълим тайёрлашга доир 5 соҳавий стандарт, 11 ўқув режаси ва 69 ўқув дастури ишлаб чиқилиб, тажриба майдонларида синовдан ўтказилгач, тасдиқланди ҳамда жорий этилди. 2006/2007 ўқув йилида ўқув жараёнига меҳнат бозорига тез мослашиши, ўзгарувчанлиги билан ажралиб турадиган 268 янги намунавий ўқув режаси жорий этилди. Таркиби ва мазмуни бўйича янгиланган ўқув режаларида ўқув машғулотларининг барча шакл ва турлари, ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ҳисобга олинган, шунингдек, танланган фанлар учун ва ўқув юртининг ихтиёрига қараб вақт ажратилди.

Умумий ўрта ва олий таълим изчиллигини таъминлайдиган ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашнинг рейтинг тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

- касб-хунар коллежларида қўшма ишлаб чиқаришларни ва ишлаб чиқаришда коллеж бўлимларини ташкил этиш;
- кадрлар тайёрлашнинг икки ёқлама тизимини ривожлантириш;
- ўқитишни корхоналарда ҳақ тўланадиган меҳнат билан бирлаштириш асосида малакали кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш;
- педагог кадрларнинг бевосита ишлаб чиқаришда илғор технологиялар соҳасида малакасини тизимли ошириш;
- ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун иш ўринлари билан таъминлаш;
- таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратура ва воситалар билан жиҳозлаш;
- корхоналарнинг таълим муассасаларини молиялашда таъсисчи, васий, ҳомий сифатида иштирок этиши;
- академик лицейлар ўқувчиларига олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилоти ўқув-моддий базасидан фойдаланиш, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига эса ҳомий ва олий ўқув юрти ёрдамидан фойдаланиш имконини бериш;
- ўқувчиларни ижтимоий фаолият ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб қилиш учун шароит яратиш.

Касб-хунар коллежларида айрим касб ва мутахассисликлар (қонунчилик томонидан ёш ва бошқа чекловлар белгиланган) турлари бўйича ўқиш муддати касблар бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ махсус ўқув режалари асосида белгиланади.

Руҳий ва жисмоний нуқсонга эга ўсмирлар учун ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мазмун-моҳияти давлат таълим бошқаруви органлари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органларининг ваколатли вакиллари томонидан белгиланади.

Ўқитиш услубияти ва ўқув-ресурс базасини модернизация қилиш борасидаги ишлар. 2001 йилдан 2005 йилгача қиймати 9,1 миллиард сўмлик 995 номдаги 5,1 миллион нусха янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари чоп этилди ҳамда 131 электрон дарслик ишлаб чиқилди.

Хорижий инвестиция лойиҳалари ва грантлари доирасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш ҳамда нашр этиш бўйича қатор тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Чунончи, Осиё тараққиёт банкининг UZB-1737 «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус таълимни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 19 турдаги фан бўйича ўқув материаллари тайёрланиб, чоп этилди. Германиянинг КФВ банки лойиҳаси бўйича «Ахборот ва коммуникация технологиялари» мутахассислиги учун 16 турдаги фан бўйича ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Ўқув юртларининг кутубхоналари ўзбек ва рус тиллардаги умумтаълим фанлари бўйича адабиёт билан таъминланди. Бундан ташқари ўқув-тарбия жараёнини янгилаш, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш мақсадида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари мультимедияли компьютер тизимлари ва лингафон синфлари билан жиҳозланмоқда. Лицей ва коллежларда энг янги дидактик материаллар: ўқув видеофильмлари, мультимедияли дастурлар, электрон мини плакатлар ва бошқа кўплаб воси-

талар яратилмоқда. Ўқув-лаборатория ускуналаридан самарали фойдаланиш учун мавзуга доир семинарлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ташкил этилмоқда.

Ўқув жараёни сифатини янгилаш ва ошириш мақсадида «Ўқитувчининг ишлаши учун индивидуал режа», «Ўқувчилар билим даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими», «Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида», «Ўқувчиларнинг ёзма иши тўғрисида», «Очиқ дарсларни ўтказиш тартиби тўғрисида», «Вақт меъёrlари тўғрисида», «Ўқитувчилар рейтингини жорий этиш тўғрисида»ги ва бошқалар янги ўқув-меъерий ҳужжатлар тўплами тасдиқланиб, 2005/2006 ўқув йилида ўқув жараёнига жорий этилди.

2000–2006 йилларда ўқув жараёнига умумтаълим фанлари учун янги турдаги 240 турдан ортиқ ўқув-лаборатория приборлари ва техник ўқитиш воситалари жорий этилди. Махсус фанлар лабораториялари ва ўқув-ишлаб чиқариш устаноналари 70–90 фоиз мутлақо янги имкониятларга эга асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув-услугий ҳамда ташкилий фаолиятини бошқариш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бошқариш органларини раҳбар ходимлар билан (маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда), шунингдек, малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази зиммасига:

- ўрта махсус, касб-ҳунар-техника таълими муассасалари ҳамда уларнинг негизида ташкил этиладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига ташкилий, ўқув-услугий, илмий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;
- Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини бир хиллаштириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси юкланган.

Фаолият кўрсатаётган ўрта махсус таълим муассасалари ва уларнинг негизида ташкил этилаётган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касб-ҳунар коллежлари ушбу идоралар ихтиёрида қолади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар-техника таълими муассасалари ҳамда уларнинг негизида ташкил этиладиган соҳа вазирликлари, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва корхоналарнинг касб-ҳунар коллежлари икки ёққа ҳам бўйсинади. Соҳа вазирликлари, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва корхоналар ўзларига қарашли ўқув юртларини моддий ҳамда молиявий жиҳатдан таъминлайди, ўқувчиларга касб ўргатиш ва тарбиялаш, амалий кўникмаларни синдириш ишларини назорат қилади. Бу идоралар мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди, битирувчиларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига директор раҳбарлик қилади, у таълимни бошқаришнинг юқори органи томонидан лавозимга тайинланади ва бўшатилади, рўйхатга олинган нодавлат таълим муассасаларида директор таъсис ҳужжатларига мувофиқ таълим муассасалари фаолияти натижалари учун тўлиқ жавоб беради.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим муассасаси директори ҳузурида ҳайъат органи ҳисобланган ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга ёрдам берадиган илмий-педагогик кенгашлар ташкил этилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қонунчилик ва Устав асосида фаолият юритадиган жамоат бошқаруви (ҳомийлик ёки қузатув кенгашлари) ва ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши мумкин.

Педагог кадрлар. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида 2006/2007 ўқув йили бошидан буён 67330 нафар педагог ва 8231 нафар ишлаб чиқаришга ўқитиш устаси меҳнат қилмоқда. Уларнинг 66173 нафари (87,6%) олий маълумот ва 9388 нафари (12,4%) ўрта махсус маълумотга эга. Педагогларнинг 106 нафари (0,2%) фан доктори, 939 нафари (1,4%) фан номзоди. 1998–2006 йилларда 43 та мунтазам фаолият кўрсатадиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида 66,9 минг нафар ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш устаси малака оширди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини юқори малакали педагог кадрлар билан юқори даражада таъминлаш учун мамлакатда махсус сиртқи бўлимларда бакалавр даражасига эга ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жорий этилди. Бундай бўлимлар Тошкент давлат педагогик университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимларга кириш тест натижаларига мувофиқ ўрта махсус таълимга ҳамда тегишли таълим тури бўйича камида уч йиллик амалий педагогика тажрибасига эга шахслар қабул қилинади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Раҳбар ходимлар ва педагог кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилди.

Республикадаги энг яхши касб-хунар коллежлари негизида юқори кадрлар ва моддий-техника салоҳиятига эга ўрта махсус, касб-хунар таълими педагоглари ҳамда муҳандис-педагог кадрларининг малакасини оширадиган ва қайта тайёрлайдиган 9 марказ ташкил этилди. 1998–2006 йилларда мунтазам фаолият кўрсатадиган 43 қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида 66,9 минг нафар ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш устаси малака оширди.

1998–2006 йилларда хорижий инвестициялар ҳисобидан 1087 нафар ўқитувчи чет элда тажриба ва малака оширди. ADB, JBIC, KfW, GTZ инвестиция лойиҳалари доирасида 2005–2006 йилларда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг 3708 нафар ўқитувчиси учун янги таълим стандартлари, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ҳамда ўзлаштириш бўйича курслар ташкил этилди. Осиё тараққиёт банки лойиҳасига киритилган 14 касб-хунар коллежи негизида ҳамда 9 касб-хунар коллежида ҳудудий Малака ошириш марказлари фаолият юритмоқда.

2005 ва 2006 йилларда 22,2 минг нафар ўқитувчи асосий олий таълим муассасаларида қайта тайёрланди ва малака оширди. 2007 йилда эса тугатилган касб-хунар-техника билим юр்தларининг ва умумтаълим мактабларининг 10–11-синфларидан бўшайдиган 13 минг нафар ўқитувчиси малака ошириши лозим. Академик лицей ва касб-хунар коллежларига иқтисодийнинг бошқа тармоқларидан ва бакалавриятнинг муҳандислик-педагогик йўналишини битириб, тегишли қайта тайёргарликдан ўтган 2,8 минг нафар мутахассисни жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Профессор-ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун асосий олий ўқув юртлари, шунингдек, «Истеъдод» жамғармаси имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, 2006 йилда 944 нафар раҳбар ходим ва педагог кадр жамғарманинг Тошкентдаги ахборот-ресурс марказида хорижий мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўз малакасини оширди.

Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги мавжуд тафовут ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларига олий ўқув юртларининг илмий даражага эга мутахассисларини жалб қилиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, бу ҳолат ишлаб чиқаришга ўқитиш устаси вазифасига иқтисодиётнинг турли тармоқларидан малакали мутахассисларни таклиф этишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Малака ошириш муассасаларининг моддий-техника базаси даражаси ўрта махсус, касб-хунар таълимининг янги ташкил этилаётган ўқув муассасаларига қараганда анча паст. Бу эса ушбу марказларда кадрларни сифатли тайёрлашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2005 йилнинг 23 ноябрида «2006–2010 йилларда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва меҳнатидан фойдаланиш бўйича намунали ҳудудий дастур»ни қабул қилди. Ушбу дастур асосида ҳар бир маъмурий бўлиниш — вилоятлар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди, ҳокимликлар ҳузурида ҳокимлар раҳбарлик қиладиган ҳамда таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилган мувофиқлаштириш кенгашлари ташкил этилди.

Ҳудудий дастурларда қуйидагилар кўзда тутилган:

- имкониятга қараб, битирувчилар меҳнатидан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, бюджетдан ташқари Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда янги иш ўринларини ташкил этиш;
- ҳудудлардаги касб-хунар таълимини маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олиб ривожлантириш; меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг реал аҳволини ҳудудий даражада аниқлаш;
- касб-хунар коллежлари фаолият юритишининг иш берувчи нуқтаи назардан тезкор мониторинги механизмини яратиш.

Ишга жойлаштириш муаммоси фақат иш ўринларининг етишмаслиги билангина боғлиқ эмас. Бироқ бунинг бошқа, жиддий сабаблари ҳам бор. Уларнинг ҳал этилиши ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бўлган талабни тубдан ўзгартириши мумкин. Масалан, таълим иштирокчилари, меҳнат бозори ва бандлик, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигининг аниқ механизмини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарур; юқори синф ўқувчиларининг бўлажак касбини тўғри танлаши учун уларни синчковлик билан танлаш тизимини такомиллаштириш лозим. Акс ҳолда улар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагач, ўз мутахассислиги бўйича ишлашни хоҳламаслиги мумкин.

Бироқ, кўрилаётган чораларга қарамай, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳали кўп муаммолар бор. 2006 йилда битирувчиларнинг атиги 61 фоизи ишга жойлашди, ўз мутахассислиги бўйича эса 45,1 фоиз битирувчи иш билан таъминланди. 79,7 минг ёки 33,6 фоиз киши ишга жойлаша олмади.

3.11-жадвал.

2006 йилда ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши

Ўрта махсус ўқув юртлари тури	Битирувчилар сони, минг киши	Олий ўқув юртларига ўқишга кирди	Ишга жойлашди		Ишга, %
			Жами	Ишга, %	
Касб-ҳунар коллежлари	237 126	5,3	61	45	33,6
Академик лицейлар	7872	59,2	11,8	н/д	28,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

*Маълумотлар йўқ

Ишга жойлаштириш муаммоси фақат иш ўринларининг етишмаслигига боғлиқ эмас. Бироқ бунинг бошқа, жиддий сабаблари ҳам бор. Уларнинг ҳал этилиши ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига бўлган талабни тубдан ўзгартириши мумкин.

Биринчидан, таълим муассасаларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини ихтисослаштиришга шароитдан келиб чиқиб ёндашув зарур. Албатта, битта аҳоли пунктида жойлашган коллежни ҳар йили битта мутахассислик бўйича бир қанча юзлаб мутахассис битирса (масалан, болалар боғчаси тарбиячиси, кутубхоначи ёки коммунал хизмат ходими ва ҳоказо), иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш осон бўлмайди. Аҳолининг кўчиш даражаси паст бўлган шароитда бу битта аҳоли пунктида ҳар бир касб ходимининг кўпайиб кетиши, бошқаларида эса етишмаслигига олиб келади. Ваҳоланки, битта ўқув юртида талаб этилган ихтисосликлар бўйича мутахассисларни малакали тайёрлашнинг иложи йўқ. Аммо касб-ҳунар коллежларининг ихтисослашувини танлашда шароитдан келиб чиқишни кучайтириш талаб этилади.

Иккинчидан, саноат касб-ҳунар коллежларининг гарчи охирги курсида бўлса ҳам, айрим тор ихтисосликлари бўйича эмас, балки кенг ихтисосликлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш. Масалан, озиқ-овқат ёки тўқимачилик саноати ва ҳоказо соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш тегишли соҳа корхоналарида ишлаш учун зарур бўлган мутахассисликларнинг барча турларини кўзда тутмайди. Бу кўплаб янги ташкил этилаётган саноат корхоналарига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан уларни тор ихтисослик бўйича ишлаши учун қўшимча қайта тайёрламасдан фойдаланиш имконини бермайди.

Учинчидан, таълим стандартларининг такомиллашмагани. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги кўплаб таълим стандартлари ўқитиш жараёнига фақат тор доирадаги талабларни ўз ичига олган. Уларда ўқитишнинг якуний натижаларига нисбатан талаблар йўқ

Тўртинчидан, ўқув режалари ва дастурлари даражаси ўқитишнинг талаб этилган сифатини таъминламайди. Касб-ҳунар таълими дастурлари иш берувчилар талабларига мувофиқ мутахассис тайёрлашни таъминламайди. Чунки ушбу дастурлар иш берувчилар билан жиддий маслаҳатлашмасдан ва келишмасдан тузилган. Ўқувчилар кўплаб турдаги ўқув фанларини ўрганмоқда. Бу ўқув фанларини юзаки ўрганишга сабаб бўлади ва танланган мутахассисликни чуқур ўрганиш имконини бермайди. Кўпгина фанлар, айниқса, касб-ҳунар таълими бўйича ўқитувчилар учун

услугий қўлланмалар йўқлиги муайян ўқув юртида ўқитиш жараёнини педагог малакасига боғлиқ қилиб қўймоқда.

Бешинчидан, ўқитувчилар малакасининг етишмаслиги, жумладан бунинг ўқув-услугий қўлланмалар, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларида ишлаш учун ҳар бир алоҳида мутахассислик бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, ўқитувчилар ўртасида тажриба алмашиш тизими, ўқитувчиларнинг тегишли замонавий корхоналарда тажриба ортириш тизимининг йўқлиги билан боғлиқлиги. Амалдаги тизим ҳозирча педагог кадрларнинг малакасини изчил ва омилкорлик билан ошириш ҳамда улар ўртасида тажриба алмашишни ташкил этиш учун етарлича ресурс салоҳиятига эга эмас.

Олтинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларининг аксарият ўқувчиларининг тегишли соҳа корхоналарида амалиёт ўташи учун имконияти йўқ.

3.2.4. Етим ва жисмоний имконияти чекланган болалар таълими

Социальная защита населения является приоритетной задачей государственной политики страны. На протяжении ряда лет в республике реализуются различные целевые программы по социальной защите различных категорий населения. Особое внимание государство уделяет вопросам социальной защиты уязвимых групп детей. Целью системы социальной защиты детей, находящихся в трудных жизненных ситуациях, является не только создание условий, направленных на обеспечение выживания. Делается все для активного участия выпускников различных детских институциональных учреждений в жизни общества. Кроме того, проводится реализация различных превентивных мер, отвечающих задачам профилактики социального сиротства. В результате в республике:

- Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Республикада қатор йиллар мобайнида аҳолининг турли тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қатор мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Давлат болаларнинг ҳимояга муҳтож гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳаётда қийин вазиятга тушиб қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг мақсади фақат яшовчанликни таъминлашга қаратилган шароит яратишдан иборат эмас. Бу борада турли болалар институционал муассасалар битирувчиларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари етимликнинг олдини олиш вазифаларига мос турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада республикада:
- ўз ваколати доирасида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган зарур давлат органлари тизими шаклланди. Умумдавлат даражасидаги ушбу масалалар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Парламент), Вазирлар Маҳкамаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, парламентдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, манфаатдор вазирлик ва идоралар, олий судлар ва тергов органлари ҳам шуғулланмоқда. Жойларда ҳокимликлар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ҳомийлик ва васийлик органлари, прокуратура, судлар, шунингдек, бошқа қатор ташкилотлар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи билан шуғулланмоқда;

3.3-киритма.

Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ташкил этишга халқаро кўмаклашиш

Халқаро донорлар ва ташкилотлар Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишда жиддий ёрдам бермоқда. 1998–2006 йилларда қуйидаги лойиҳалар амалга оширилди:

- Корея Республикаси ҳукуматининг умумий қиймати 35 миллион АҚШ доллариға тенг кредити ҳисобидан молияланадиган лойиҳа. 218 касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг 240 нафар ўқитувчи, муҳандис-педагог ва раҳбар кадрлари Корея Республикасида малака оширди;
- Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида умумий қиймати 1 миллион евроға тенг «Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш» лойиҳаси. Уни амалга ошириш давомида 3 касб-хунар коллежи жиҳозланди, тажриба-синов ўтказилаётган коллежларнинг 6 йўналиши бўйича ўқув қўлланмалари ва ўқув-дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда коллежларининг 30 нафардан ортиқ ўқитувчи ҳамда раҳбари чет элда малака оширди;
- Германиянинг техник кўмаклашиш жамиятининг (GTZ) қиймати 5,25 миллион маркаға тенг гранти ҳисобидан «Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар мактабини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси. Ушбу маблағнинг 850 минг маркаси 8 модель коллежни жиҳозлашга йўналтирилди. Лойиҳа доирасида модель коллежлари педагоглари таркиби малака оширди, коллежларнинг танланган йўналишлари бўйича дарсликлар, ўқув-дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилди;
- Германиянинг халқаро ривожланиш жамғармаси (DSE) маблағлари гранти ҳисобидан амалга оширилган лойиҳа. Унда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг 72 нафар ходимини Ўзбекистонда олдиндан немис тилини ўргатиш орқали Германияда олти ойлик курсларда малака ошириши кўзда тутилган;
- Япония ҳукуматининг қиймати 6,3 миллион АҚШ доллариға тенг гранти ҳисобидан амалга оширилган лойиҳа. Лойиҳадан кўзланган мақсад Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига ўқув-лаборатория ускуналарини етказиб бериш, тизимнинг касб-хунар коллежлари базасида муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича 9 ҳудудий марказини жиҳозлаш ҳисобланади;
- Япония ҳукуматининг умумий қиймати 6347 миллион йенға тенг кредити ҳисобидан амалга оширилаётган «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси. Жумладан, 5 506 миллион йен — асбоб-ускуна сотиб олиш, 491 миллион йен малака ошириш учун. Лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигининг 7 йўналиши бўйича таълим бериладиган 50 касб-хунар коллежи учун ускуналар сотиб олинди, модель ўқув юртларининг 50 нафар директори, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бошқарув аппаратининг 6 нафар ходими, модель ўқув юртлари ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 50 нафар ўқитувчи (инструктор) ҳамда ходими чет элда ўқиди;

- Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури гранти ҳисобидан «Таълимда ижтимоий ҳамкорлик ва Ўзбекистонда ўқитиш» лойиҳаси. Ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш учун 950 минг евро сарфланди. Лойиҳани амалга ошириш доирасида 4 йўналиш бўйича фаолият кўрсатадиган касб-хунар коллежи (Бухоро, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида) жиҳозланди.

Қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда:

- Осие тараққиёт банки кредит ҳисобидан «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси. Кредитнинг умумий миқдори 39,1 миллион АҚШ доллари. Лойиҳада 42 касб-хунар коллежи ва 3 академик лицей учун асбоб-ускуна сотиб олиш, модель ўқув юртларининг 263 нафар директор ва ўқитувчиси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ходимларининг чет элда малака ошириши, мамлакатда ўқиши, умумтаълим фанларининг олти йўналиши ва мутахассислар тайёрлашнинг 30 йўналиши бўйича (махсус фанлар) ўқув материалларини тайёрлаш ва чоп этиш, модель ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш, муаллифлар учун дарсликлар ёзиш бўйича ресурс марказларини ташкил этиш кўзда тутилган;
- Ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда модель коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг малакасини оширишга ихтисослашган 24 касб-хунар коллежини жиҳозлаш, ўқув материаллари ва қўлланмалар чоп этиш, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти учун мультипликациячиларни тайёрлаш учун Германия ҳукуматининг KfW банки ва Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) орқали тақдим этиладиган имтиёзли узоқ муддатли лойиҳаси. Кредит миқдори 7,6 миллион евро ва лойиҳага техник кўмак миқдори 1,022 миллион евро ни ташкил этади;
- Агросаноат мажмуи ва енгил саноат соҳалари бўйича 84 касб-хунар коллежини ўқув-технологик ускуналар билан жиҳозлаш учун Польша Республикасининг имтиёзли кредит ҳисобидан «Касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси. Кредит миқдори 15 миллион АҚШ долларини ташкил этади;
- Швейцария Федерал Консуллиги гранти ҳисобидан молияланадиган «Ўзбекистон — касб-хунар кўник-маларини ривожлантириш» лойиҳаси. Грант миқдори 3,5 миллион Швейцария франки. Лойиҳаниннг мақсади Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини коллежлар ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик учун моделлар яратиш орқали ижтимоий-иқтисодий муҳит ўзгаришида юзага келадиган муаммоларга тайёрлаш ҳисобланади;
- Корея Республикаси ҳукуматининг қиймати 27 миллион АҚШ доллариға тенг кредит ҳисобидан амалга оширилаётган «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси. Лойиҳадан кўзланган мақсад хизмат кўрсатиш соҳасининг 60 касб-хунар коллежини ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлашдан иборат.

- ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болалар, вояга етмаган болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги, имконияти чекланган болалар муаммоларини ҳал этишни ўз ичига оладиган болалик муаммолари бўйича вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш кучайтирилди;
- меъёрий-ҳуқуқий база ва бола ҳуқуқлари соҳасини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. «Меҳрибонлик» уйлари ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан хавфли болаларни жамиятга қайта интеграциялаштиришни таъминлашга доир ҳамкорликдаги фаолият тизими ташкил этилди;
- таълим мазмун-моҳияти янгиланмоқда, тарбиялашнинг янги шакл ва услублари жорий этилмоқда;
- кўп болали, кам таъминланган ва нотинч оилалар фарзандлари, етим ва қаровсиз қолган болалар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда (етим, ота-она ва бошқа қонуний вакиллари қаровисиз қолган болаларни ўқитиш ҳамда таъминлаш қонунчилиқда белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилмоқда);
- болалар уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг қўшимча билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини ўзи мустақил белгилаши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган Ўқув маркази ташкил этилди;
- янги турдаги муассасалар тармоғи ташкил этилмоқда: оила ва болаларнинг ижтимоий саломатлиги, тарбияси қийин болаларни психологик-педагогик реабилитация қилиш марказлари, болалар учун педагогик ва ижтимоий хизматлар, болалар ва катта ёшли аҳоли ўртасида тарбия ишлари билан шуғулланадиган марказлар ва бошқалар;
- етим болаларга ўз вақтида руҳий ёрдам кўрсатиш учун психологик, ишонч, ҳуқуқий ёрдам хизматлари, «Меҳрибонлик» уйларининг ҳар бир тарбияланувчиси бўйича тўлиқ ахборотни ўз ичига олган маълумотлар базаси ташкил этилди;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижтимоий меҳнат ва болалар реабилитологияси бўйича мутахассисларни тайёрлаш дастури жорий этилди..

Давлат томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар «ташландиқ болалар» муаммоларининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишининг олдини олиш учун шароит яратиш имконини берди.

Ҳар йили республикада ота-она қаровисиз қолган 7 минг нафар бола ва ўсмир аниқланмоқда. Уларнинг деярли барчаси турли хил давлат таълим-тарбия муассасаларига жойлаштирилмоқда, васийлик ёки боқиб олиш учун берилмоқда.

Ривожланишдан ортда қолаётган ва соғлиғи заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилмоқда. Уларга таълимни бошқариш бўйича давлат органлари вакиллари томонидан жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган руҳий-тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида қабул қилинади.

Бугун республикада 0,7 минг болани тарбиялаётган 13 гўдаклар уйи, 3,0 минг нафар тарбияланувчиси бор 28 болалар уйи, кам таъминланган ва қаровсиз қолган болалар учун 17 мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5,1 минг нафар бола ва ўсмир, жумладан 1,1 минг нафар етим ҳамда ота-она қаровисиз қолган бола яшаб, таълим олмоқда.

Бу муассасаларнинг ҳар бири жамиятнинг болалар азият чекаётган «ижтимоий касалликлари»ни бартараф этишга ўзининг ҳиссасини қўшмоқда.

3.12-жадвал.

Болалар ва ўсмирларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг 2006 йилдаги фаолияти

		Йил охирида болалар сони (киши)			Жумладан, 2006 й. жойлаштирилган.		
		Жами 18	Жумладан ёши 7	от 7 до 18 лет	Жами 7-18 ёшт	Жумладан ёши 7	7-18 ёш
Гўдаклар уйи*	13	732	732	-	109	109	-
Болалар уйлари	28	2992	349	2643	505	154	351
Кам таъминланган оилалар ва қаровсиз қолган болалар учун мактаб-интернатлар	17	5076	104	4972	230		230
Васийликка олган оилаларда		26 173			3634	823	2811
Боқиб олинган оилаларда		36 943			2415	1571	844

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси

* Гўдаклар уйида болалар 3 ёшгача сақланади.

2006 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларига 0,9 минг нафар ногирон бола қабул қилинди. Уларда таҳсил олаётган ногирон ўқувчилар умумий сони 2,6 минг кишини ташкил қилади. 1,2 минг нафар етим бола қабул қилинди. Уларнинг умумий сони 3,6 минг кишини ташкил этади.

3.13-жадвал.

Соғлиғида нуқсони бўлган болалар учун таълим муассасалари тармоғи (ўқув йили бошида)

	2000/2001		2006/2007	
	сон	Ўқувчилар сони (минг киши)	сон	Ўқувчилар сони (минг киши)
Ақлий ва жисмоний ривожланиш нуқсонлари бўлган болалар мактаблари	87	20,9	86	19,3
жумладан:				
кўзи ожиз ва яхши кўрмайдиган	10	2,4	12	2,2
кар-соқов ва яхши эшитмайдиган	18	4,1	18	4,7
бошқалар	59	14,4	56	12,4
Турли касалликларга чалинган болалар учун санатория мактаб-интернатлар	21	6,0	23	6,5
жумладан:				
сил касаллигининг кичик ва тўхтайдиган турларига чалинган	3	0,9	-	-
сколиоз касаллигига чалинган	8	2,3	10	3,2
бошқа касалликлар	10	2,8	13	3,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Имконияти чекланган болалар мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш учун махсус даволаш-соғломлаштириш муассасаларида даволаниб, таълим олмақда.

Сурункали касалликлардан азият чекаётган заиф болалар учун санатория мактаблар ва санатория мактаб-интернатлар ташкил этилган. Уларда иш тартиби аниқ шароит ва даволаш-таълим бериш вазифаларига қараб белгиланади.

Ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болалар ақли заиф болалар учун мактаблар ва мактаб-интернатларда ўқимоқда. Кар ва яхши эшитмайдиган, кўзи ожиз ва яхши кўрмайдиган болалар, полиомилет ва церебрал фалажлик асоратларидан азият чекаётган, нутқи бузилган болалар учун таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Бу болалар узоқ вақт таҳсил олади. Негаки, улар махсус ўқитиш услублари ва нуқсонларни тузатишга муҳтож.

Республикада 1541 нафар ногирон бола тарбияланаётган 5 мактаб-интернат ишлаб турибди. Таълим тизимида ақли расо, бироқ руҳий ривожланишдан ортда қолаётган болалар учун мактаблар ва мактаб-интернатлар ташкил этилган. Тез чарчаб қолиш, тўхтаб қолиш, зарур лўғат захирасининг йўқлиги бундай болаларни оммавий мактабда ўзлаштира олмаётган ўқувчилар сирасига тушиб қолишига олиб келади. Мактаб-интернатлар бу болаларга мактаб ҳаёти маромига тушиб олиш, ўқув дастурини қониқарли ўзлаштиришга ёрдам беради. Натижада уларнинг бир қисми тузалишига қараб, оммавий мактабларга ўтказилади, қолган қисми эса тўлиқсиз ўрта маълумот олгунича, мактаб-интернатда қолади.

Шу билан бирга, республикада таълимнинг барча босқичларида имконияти чекланган болаларни инклюзив ўқитишни ташкил этиш борасида кўп ишларни амалга ошириш зарур. Бундай болаларнинг ақлий салоҳияти уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун ишга солиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

3.2.5. ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълим тизимида умумий таъриф

Олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, ундан 12 йиллик мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битиргач, фойдаланиш мумкин (2009 йилгача ўрта мактаб битирувчилари ҳам). Мамлакатда олий таълим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Олий таълимнинг мақсади малакали, рақобатбардош, олий маълумотли мутахассис талабларига жавоб берадиган, танлаган соҳаси мутахассислиги бўйича ишлай оладиган, республикани илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга қодир, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга кадрларни тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади.

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ мулкчилик шакли ва қайси идорага бўйсинишидан қатъи назар, таълим ва касб-ҳунар дастурларини амалга оширадиган олий таълим муассасалари;
- олий таълимни ривожлантириш учун зарур тадқиқот ишларини бажарадиган илмий-педагогик муассасалар;
- таълимни бошқариш давлат органлари, шунингдек, уларга қарашли бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Олий таълим соҳасида эълон қилинган давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланган:

- ўқитиш ва тарбиялашнинг инсонпарвар ва демократик хусусияти;
- университет таълимнинг устуворлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ҳамда изчиллиги;
- таълим тизимининг дунёвий хусусияти;
- таълимдан давлат таълим стандартлари доирасида умумий фойдаланиш;
- ўқитиш дастурини танлашга ёндашувнинг бир хиллиги ва табақалашгани;
- иқтидор ва истеъдодни рағбатлантириш;
- олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш;
- олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш.

Талабаларни олий ўқув юртига абитуриентларнинг билим даражасини тест синовлари ва ўрнатилган тартибда белгиланадиган қўшимча синовлар натижалари бўйича аниқлаш орқали қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларида ўқиш давлат грантлари ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқич — бакалавриат ва магистратурадан иборат.

Бакалавриат — тайёргарлик йўналиши бўйича пухта ва амалий билим берадиган 4 йиллик базавий олий таълим.

Битирувчиларга бакалавриат дастурини тамомлагач, давлат аттестация натижаларига кўра тайёргарлик йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси ва давлатнинг намунавий нусхадаги диплом берилади.

Магистратура — муайян мутахассислик бўйича пухта ва амалий билим берадиган олий таълим. Унга фақат бакалавриат даражасига эга бўлганлар танлов асосида қабул қилинади ва икки йил ўқийди.

Битирувчиларга магистратура дастурини тамомлагач, давлат аттестация натижаларига кўра тайёргарлик йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича «магистр» даражаси ва давлатнинг намунавий нусхадаги диплом берилади.

Давлатнинг намунавий нусхадаги бакалавр ва магистр дипломи уларнинг эгаларига тайёргарлик йўналишига мувофиқ касбий фаолият билан шуғулланиш ёки кейинги босқичдаги таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълим муассасалари. Олий таълим муассасалари юридик шахслар ҳисобланади. Республикада олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

университет — кенг қўламли таълим соҳалари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

академия — аниқ таълим соҳалари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

институт — одатда битта билим соҳаси доирасида аниқ тайёргарлик йўналишлари бўйича олий ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Қонунчилик олий таълимнинг нодавлат таълим муассасаларини шакллантириш имконини беради. Бундай таълим муассасаси, у давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади.

Қайси идорага бўйсиниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар олий таълим муассасалари, шунингдек, профессор ва ўқитувчиларини аттестациядан

3.4-киритма.

Мустақилликгача бўлган олий таълим тарихидан

Мустақилликгача бўлган олий таълим тарихидан. Дунёвий миллий университетни ташкил этиш ғоялари XIX асрнинг охирида Туркистонда — Шарқнинг буюк мутафаккирлари ватанида пайдо бўлган. Бу ғоялар жадидларнинг (ислохотчи-сафдошлар) «Таржимон» ва «Ойна» даврий нашрларида ўз ифодасини топган. Миллатнинг эркин фикрлайдиган вакиллари орасидан ташаббус кенгаши ташкил этилиб, таълим тизими ва йўналишлари, факультетлар тузилмаси ҳамда ўқув режалари лойиҳаларини ишлаб чиққан.

1918 йил 12 майда эски шаҳарнинг маҳобатли биноларидан бирида (кейинчалик бу бинога Ёш томошабинлар театри жойлашган) таниқли маърифатпарвар, миллий университетнинг биринчи ректори Манаввар қори Абдурашидхон (1878–1931) ушбу олий таълим муассасининг таълим фаолиятини бошлашга тайёрлигини эълон қилди. Миллий университет ўз ишининг биринчи босқичида ўқитишни таълимнинг учта босқичи — бошланғич, ўрта ва олий босқичда бошлади. Олий таълим босқичида бешта факультет — адабиёт ва фалсафа, иқтисодиёт ва жамиятшунослик, деҳқончилик ва чорвачилик, табиатшунослик ва математика, шунингдек, саноат ва техника факультети фаолият кўрсатди. Ташкил этилганга қисқа вақт бўлишига қарамай, 1921 йилда физика, математика, тиббиёт, ижтимоий иқтисодиёт, техника, тарих, филология, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий иш бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди, ишчилар факультетида ҳам мутахассислар тайёрланди.

Мамлакат таълим муассасаларининг асосчиси ва етакчи ҳисобланган Миллий университет республикада ҳудудий бўлимларни ва мустақил олий таълим муассасаларини ташкил этиш учун ўзига хос базага айланди.

Совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган йилларда ва истиқлолга эришгунга қадар, республикада 42 олий ўқув юрти, жумладан учта давлат университети (Тошкент, Самарқанд ва Қорақалпоқ), 14 педагогика ва тил-педагогика, 9 муҳандислик-техника, 3 қишлоқ хўжалик институти, 7 тиббиёт-фармацевтика институти, 3 санъат ва маданият институти, шунингдек, биттадан халқ хўжалик, кооперация, жисмоний тарбия ва спорт институти бор эди. Ушбу олий ўқув юртларининг тўртдан уч қисми Тошкентда (19), Самарқандда (5), Андижонда (4) ва Бухорода (3) жойлашган эди.

Кўплаб муҳим мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш собиқ Совет иттифоқининг марказий олий ўқув юртларида амалга оширилди. Уларга республикадаги мактаблар битирувчиларининг ўқишга кириши кўп сабабларга кўра чекланган эди. Республика олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар ўқув режалари ҳамда дастурлари марказ томонидан тасдиқланар ва ўтган асрнинг 80 йилларгача миллий хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бирон-бир ўзгартириш киритишга йўл қўйилмас эди.

Ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомга мувофиқ Давлат тест марказининг Кадрларни тайёрлаш сифати, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишни назорат қилиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Ҳар қандай олий таълим муассасаси аттестация натижаларига қараб давлат рўйхатидан ўтишдан маҳрум этилиши мумкин.

Олий таълим тизимидаги ислохотлар. Олий таълим тизимидаги ислохотларнинг дастлабки босқичи 1991–1995 йилларда бошланди. Бу босқични олий таълимни таркибий қайта қуриш дейиш мумкин. Ушбу даврда қуйидагилар олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

■ **университет таълимининг устуворлиги.** Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ислом университети, вилоятлардаги тегишли педагогик институтлар негизда Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, На-

манган, Фарғона, Урганч университетлари ташкил этилди. Тошкент чет тиллар институти ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ҳам университет мақоми берилди;

- **олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштириш.** Масалан, йирик Тошкент политехника институти негизида қайд этилган Тошкент давлат техника университетидан ташқари яна иккита — Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент архитектура-қурилиш институти ташкил этилди. Тошкент давлат шарқшунослик институти Тошкент давлат университети таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил олий ўқув юртига айланди;
- **олий таълимни ҳудудийлаштириш.** Олий таълим муассасаларини жойлаштириш борасидаги камчиликларга барҳам бериш мақсадида мамлакатнинг барча ҳудудларида олий ўқув юртлари ташкил этилди. Негаки, уларнинг тўртдан уч қисми бир қанча йирик шаҳарларда, асосий қисми эса Тошкентда жойлашган эди. Булар юқорида қайд этилган 7 ҳудудий университет ва Тош-

3.5-киритма.

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш учун факультетлар, бўлимлар, кафедралар ва талабаларнинг академик гуруҳлари шакллантирилади.

Олий ўқув юртларида таълим жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади ва ўқув режалари, календар ўқув жадваллари ҳамда дарслар жадвали томонидан тартибга солинади. Ўқув машғулотларининг қуйидаги турлари белгиланган: маърузалар, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, мустақил иш ва амалиёт. Назорат иши, коллоквиум (суҳбат), курс иши, якуний аттестация иши машғулотларни баҳолаш турларига киради.

Барча турдаги аудитория машғулотлари учун 45 дақиқалик дарс (ёки маъруза учун танаффусиз 40 дақиқа) белгиланган. Дарслар орасидаги танаффус 10 дақиқани ташкил этади. Олий ўқув юртларида ўқув йили одатда икки семестрга бўлинади. Уларнинг ҳар бири талабаларнинг ўзлаштиришини сарҳисоб қилиш (рейтинг кўрсаткичлари) билан яқунланади. Талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Фанларни яхши ўзлаштираётган талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига кўра таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Шартли ўтказишга рухсат этилмайди. Узрли сабабларга кўра ўқув режаси талабаларини бажармаган талабаларга ўқув йили бошлангунга қадар академик қарзни узиш имконияти ёки академик таътил берилади. Давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланган таълим дастурларини вақтида ўзлаштира олмаган талабалар олий таълим муассасасидан ҳайдалади.

Олий ўқув юртидаги ўқиш битирувчиларни мажбурий якуний аттестациядан ўтказиш билан яқунланади. Олий маълумотли кадрларнинг касбга яроқлилиги ва уларни тайёрлаш сифати буюртмачилар ҳамда истеъмолчилар томонидан баҳоланади.

Олий ўқув юртларининг таълим-касб-ҳунар дастурлари турли шаклларда — кундузги, сиртқи, экстернат ва масофавий таълим шаклида ўзлаштирилиши мумкин. Олий таълим муассасаси раҳбарининг рухсати билан таълимнинг бир шаклидан иккинчи шаклига, жумладан битта таълим йўналиши доирасида бир таълим муассасасидан иккинчисига ўтиш мумкин. Бир пайтнинг ўзида тўлов-шартнома асосида бошқа шаклда иккинчи маълумот олишга йўл қўйилади.

Давлат грантлари базасида кундузги бўлимда ўқиётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендиялар билан таъминланади. Иқтидорли талабалар эса бирон-бир буюк шахснинг номидаги стипендия соҳиби бўлиши мумкин. Сиртқи бўлимда ўқиётган талабаларга ўзлари ишлаётган жойдан ўқиш ва имтиҳонларни топшириш пайтида ҳақ тўланадиган таътил берилади.

кентдаги олий ўқув юртлари филиаллари негизида ташкил этилган Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, Навоий давлат педагогик институтидир. Ҳар бир олий таълим муассасаси берилган янги мақомга кўра таълим шакли ва мазмунини қайта тузиш бўйича аниқ дастурга эга бўлди.

Экстернат — олий таълим муассасасида танланган тайёргарлик йўналиши (мутахассислик) бўйича кейинчалик аттестациядан ўтиш шarti (жорий ва якуний) билан олий таълимнинг таълим-касб-хунар дастурига мувофиқ ўқув фанларини мустақил ўрганиш.

Масофавий таълим — таълим ва касб-хунар дастурларини асосий ишдан бўшамасдан таълим муассасаси жойлашган жойдан замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўзлаштириш.

Олий ўқув юртларининг фақат кундузги бўлимларидаги олий маълумотга эга бўлиш имконини берадиган мутахассисликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Олий таълим тизимидаги **ислохотларнинг иккинчи босқичи** 1996 йилда, Олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилгандан сўнг бошланди. Ушбу ҳужжат республика олий ўқув юртларида муҳокамадан ўтгандан сўнг жамиятнинг барча қатламлари иштирокида кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Бу босқичнинг асосий устувор йўналишлари қуйидагилар эди:

- олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратурага ўтиш;
- олий таълим тизимини молиялашнинг янги тизимига ўтиш (давлат грантлари шаклида бюджет маблағлари ва шахсий манбалар ҳисобидан молиялаш, яъни талабаларни олий ўқув юртига тўлов-шартнома асосида қабул қилиш);
- талабаларни мамлакатнинг барча ҳудудида бир кунда ва бир вақтда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали қабул қилишга (аввалги оғзаки ва ёзма имтиҳонлар ўрнига) тўлиқ ўтиш.

Республикада бб олий таълим муассасаси, жумладан 18 университет, 42 институт, 2 академия фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Тошкентда Халқаро Вестминстер университети, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ю. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали бор. 2007 йилнинг 1 сентябридан Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети ўз фаолиятини бошлади. Турли олий ўқув юртлари филиаллари ҳисобидан республикада олий таълим муассасалари сони 72 тага етди. Уларнинг 35 таси ёки қарийб ярми ҳудудларда жойлашган. Бу кўглаб мактаблар ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг олий маълумотга эга бўлиши имкониятини янада кенгайтиради. Тошкентда 37 олий таълим муассасаси жойлашган.

Мамлакат олий ўқув юртларининг 22 тасида таълим, 15 — саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, 5 — тиббиёт, 4 — қишлоқ хўжалиги, 9 — иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 7 — бошқа соҳалар учун кадрлар тайёрланмоқда.

Уларда 286,3 минг нафар талаба, жумладан 273,7 минг нафар бакалавр ва 12,6 минг нафар магистр ўқийди. Талабаларнинг 69 фоизи тўлов-шартнома асосида бакалавриятда, 75 фоизи магистратурада таҳсил олмоқда. 2000 йилдан буён, яъни кейинги етти йил ичида олий ўқув юртларига ҳар йили қабул қилинаётган

абитуриентлар сони учдан бир ҳиссага, таълим олаётган талабалар сони эса 1,5 баравардан ошди.

Магистратура жадал ривожланмоқда. Магистратурага қабул қилинаётганлар сони 2 бараварга кўпайди, ўқиётганлар эса 3 баравардан ошди.

3.14-жадвал.

2000–2006 йилларда олий таълимни ривожлантириш суръатлари минг киши

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2006 й. 2000 й. га
Оўю сони	61	61	62	62	63	62	62	101,6
Оўю га қабул (киши)	44,7	50,6	54,6	61,0	59,3	59,6	61,2	136,9
бакалавриат	41,9	46,6	50,6	56,1	54,2	54,2	55,6	132,7
магистратура	2,8	4,0	4,0	4,9	5,1	5,4	5,6	200,0
ўқиётганлар сони	183,6	207,2	232,3	254,4	263,6	278,7	286,3	155,9
бакалавриат	179,6	200,4	223,6	244,9	253,2	267,4	273,7	152,4
магистратура	4,0	6,8	8,7	9,5	10,4	11,3	12,6	315,0
Оўюни битирганлар	31,6	36,0	39,8	45,5	52,8	57,8	60,7	192,1
уларнинг умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобидаги улуши	35,9	33,8	32,3	32,3	31,3	31,2	27,4	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Олий ўқув юртига қабул қилишнинг иккита модели халқаро тажрибага эга: фойдаланишни чеклаш ва чекламаслик. Жаҳондаги давлатларнинг аксарияти марказлаштирилган ёки номарказлаштирилган ҳолда олий ўқув юртида ўқишни чеклайди. Бунда бюджет томонидан молиялаш миқдорининг катталиги, олий ўқув юртлирининг ресурс имкониятларга эгаллиги, шунингдек, олий маълумотга эга бўлишни истовчилар учун кириш имтиҳонлари (ёки тест синовлари) натижалари чеклов мезонлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кўпгина давлатларда (Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқалар) олий ўқув юртига кириш учун тўплаш зарур бўлган юқори баҳо ва баллар белгиланади. Бундай ёндашув бошидан олий ўқув юртида таҳсил олишнинг юқори сифатини таъминлайди. Чунки энг иқтидорли ва яхши тайёрланган ёшларни танлаб олиш имконини беради.

Номарказлаштирилган тизимда олий ўқув юртига қабул қилиш квотасини ҳар бир олий таълим муассасасининг ўзи ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Бу квота ўқишга кириш синовларида ёмон натижаларни кўрсатган абитуриентларни ажратиш мезони ҳисобланади.

Бундан ташқари кўпгина давлатларда олий таълимдан фойдаланишни чеклаш унинг пуллилиги ва тўлов миқдори билан боғлиқ. Аксарият ўқишни истаганлар олий маълумотга эга бўлиш учун маблағ етишмаслиги туфайли ўқиш ҳамда танлов синовларида иштирок этиш имконига эга эмас.

Олий ўқув юртлирига чекловсиз қабул қилиш олий маълумотга эга бўлиш учун кенг имконият яратади ва турли оилавий ҳамда индивидуал сабабларга кўра ўз эҳтиёжларини чеклаши туфайли барча аҳолини қамраб олмайди. Бундай модель ривожланган Европа мамлакатларида кўп учрайди. Бундай тизим

мавжуд бўлганда олий ўқув юртида ўқиш самарадорлиги ҳар доим ҳам юқори бўлмайди. Негаки, ўқишга кирганларнинг билими заиф бўлади ёки дастурни ўзлаштира олмайди ва курсда қайта ўқиш учун қолади ёхуд талабаларга умумий талаб ўртача қилиб қўйилади ёки билими нисбатан заиф талабалар даражасига пасайтирилади. Бироқ бундай тизим мамлакатда юқори ўрта даражани таъминлайди ва истеъдодли, аммо, моддий жиҳатдан яхши таъминланган йигит-қизларга олий маълумотга эга бўлишга тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистонда мактаблар ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг олий таълимдан фойдаланиши бир қанча омиллар билан чекланган:

- олий таълим муассасаларига нафақат давлат грантлари, балки тўлов асосида ўқишга қабул қилиш учун чекланган квота белгиланиши. Бундан ташқари олий ўқув юртига кириш квотаси миқдори кўпинча ушбу олий таълим муассасаларининг ресурс ва кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлмайди, балки меҳнат бозорининг у ёки бу мутахассисликка бўлган эҳтиёжини тартибга соладиган давлат органларининг ноҳолис баҳолаши асосида марказлаштирилган ҳолда белгиланади;
- тест синовлари натижалари. Ҳар бир олий ўқув юрти учун тест синовлари натижалари алоҳида белгиланади. Бундай икки барабар чеклаш тизими натижасида юқори, бироқ битта олий ўқув юртига кириш учун етарлича балл тўплай олмаган абитуриентлар бу баллар билан ушбу йўналишдаги иккинчи олий таълим муассасасига кириш имкониятига эга эмас. Кўпгина истеъдодли абитуриентлар шундай тизим туфайли бир йил олдин ўқишга кириш, баъзида эса олий маълумотга эга бўлиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда;
- тўлов-шартнома асосида ўқиётганлар учун тўлов миқдорининг юқорилиги. Гарчи ўқиш учун йиллик тўлов валютага тенглаштирилганда 400–800 АҚШ долларини ташкил этса-да, бу кам таъминланган оилалар учун оғирлик қилади. Таълим кредитларини олиш бўйича мавжуд тизимдан кам таъминланган оилалар деярли фойдалана олмайди. Чунки бунинг учун кафолат берилиши ёки гаровга бирор-бир нарса қўйишни талаб этади. Ҳолбуки кам таъминланган оилалар кўпинча бундай имкониятга эга бўлмайди;
- қизларнинг йигитларга қараганда ўқиш учун имкониятларининг ёмонлиги. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар орасида қизлар 40 фоизни ташкил қилади. Бу асосан оилаларнинг қизларини олий ўқув юртида ўқишига монелик қилиши билан боғлиқ. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:
 - олий ўқув юртларининг олисда жойлашгани ва мусулмон давлатларига хос бўлган ота-оналарнинг қизларини уйдан узоққа жўнатишни истамаслиги; қизларнинг ўқишни битиргунча турмушга чиқиши ёки янги оиланинг келиннинг ўқишни давом эттириши учун шароит яратиш имкониятига эга эмаслиги; кам ва ўрта даромадли оилаларнинг қизларнинг ўқиши учун маблағ сарфлашга қурби етмаслиги;
 - жисмоний имконияти чекланган ёшларни (ногиронларни) инклюзив ўқитиш тизимининг йўқлиги.

Шу билан бирга, олий таълимдан фойдаланиш имконияти ўқитишнинг экстернат, кечки ва сиртқи ўқиш, масофавий ўқиш каби янги шаклларини қўллаш орқали кенгайтирилмоқда.

Олий таълим сифати бакалавриятнинг 149 ва магистратуранинг 650 йўналиши бўйича давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланмоқда. Уму-

мий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълимнинг узлуксизлиги ҳамда изчиллиги олий таълим сифатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Олий таълим тизимида Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари янги дарсликлар яратиш, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, ўқув корпуслари ва ётоқхоналарни таъмирлаш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилмоқда. Шу туфайли олий таълим муассасалари томонидан 3400 дан ортиқ номдаги ўқув адабиётининг янги авлоди яратилди. Бундан ташқари электрон интеллектуал ўқув адабиёти (170 дан ортиқ номдаги) ва оддий ўқув адабиётининг электрон кўриниши (2900 дан ортиқ номдаги) каби замонавий ҳамда самарали ахборот манбалари яратилди.

Барча олий ўқув юртларида маърузалар конспектлари, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар бўйича услубий ишланмалар, курс лойиҳалари (ишлари) ва малакали амалиёт бўйича услубий кўрсатмалар, бакалаврларнинг битирув ишлари ва магистрлар илмий ишлари бўйича услубий ишланмалар, бошқа услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Аудитория машғулотлари ҳажмини камайтириш (36 соатдан 32 соатга), талабаларнинг мустақил ишлашини кўпайтиришни кўзда тутадиган янги ўқув режалари ишлаб чиқилди. Бу эса талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика олий ўқув юртларини ягона ахборот майдонига бирлаштириш, электрон ҳужжат айланиши элементларини жорий этиш, олий ўқув юртларини бошқариш ҳамда улар ўртасида ўзаро муносабат самарадорлигини ошириш имконини берадиган корпоратив ахборот тизими яратилди. ЗиёNET ижтимоий-таълим ахборот тармоғини тарихий, илмий, маданий, маънавий-мафкуравий, ахборот ресурслари билан мазмунан бойитадиган дастур тузилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги порталида 8798 электрон ўқув манбаларининг тўлиқ матнига эга база яратилди. Вазирликнинг корпоратив ахборот тармоғига ўқув-тарбия жараёнини доимий назорат қилиш имконини берадиган барча олий ўқув юртларининг электрон паспортлари, барча ўқитувчилар, бакалаврият, магистратура ва аспирантурада ўқиётган талабалар тўғрисидаги ахборот (жумладан ўзлаштириш кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборот) киритилди.

Олий ўқув юртларининг кутубхоналари компьютер, нусха олувчи ва кўпайтирувчи техника, ахборот алмашиш ва етказиб бериш воситалари билан таъминланди. Уларда «Ирбис» ахборот фондини шакллантириш ва уни автоматик излаш тизими жорий этилмоқда. Замонавий кутубхоналар қоғоз манбалардаги анъанавий фондлар билан бир қаторда ўзи ишлаб чиққан ва четдан сотиб олинган электрон китоблар, дарсликларга эга.

Шунингдек, олий ўқув юртларида таълим сифати талабалар ва ота-оналар ҳамда битирувчиларнинг асосий истеъмолчиларида норозилик уйғотмоқда. Айниқса, магистратурада билим олиш сифати жуда паст.

Биринчи навбатда, бу қуйидагилар билан боғлиқ:

- Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўқув жараёни мажбурий ўқув фанлари билан ҳаддан зиёд тўлдирилган. Фарб мамлакатларидаги етакчи олий ўқув юртларида бир семестрда 3–4 фан ўрганилса, бу ерда олий таълим муассасаларида уларнинг сони 10–14 тага етади. Натижада кўпгина фанлар етарли даражада чуқур ва батафсил ўрганилмаяпти. Масалан, давлат таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистонда талабага бир ҳафтада 54 соатлик дарс юкланган. Шунинг 32 соати

аудиторияда ўқиш, 22 соати мустақил иш учун ажратилган. Ривожланган мамлакатлар университетларида эса бу кўрсаткич 24 ва 30 соатни ташкил қилади;

- ўқув соатларининг катта қисми аудитория машғулотларига тўғри келади, ўқув жараёни эса ана шундай ўқиш режаси асосида тузилган. Талабаларнинг мустақил шуғулланиши учун деярли вақти қолмайди. Талабалар учун синалган ва илмий асосланган мустақил иш шакллари йўқ. Бундай ишларни назорат қилишнинг текширилган ва жорий этилган услублари ҳам мавжуд эмас. Ўқитувчиларнинг аудитория дарслари ҳам етакчи хорижий олий ўқув юртларига нисбатан анча кўп, битта ўқув соати учун тўланадиган иш ҳақи эса жуда паст. Бу талабаларни ўқитиш сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Хорижда олий ўқув юрти таълим тизими дарсбай иш ҳақи тўлашдан, ўқитувчилар меҳнатига жон бошига қараб ҳақ тўлаш тизимига ўтилган;
- олий ўқув юртларида лабораториялар ва ўқув жараёнининг жиҳозланиши давр талабларига жавоб бермайди. Ўқув ва лаборатория ускуналарининг кўпчилиги йўқ ёки эскирган. Бундан айниқса техника ва муҳандислик мутахассисликлари бўйича ўқиётган талабалар қийналмоқда;
- кўпинча талабаларнинг амалиёт ўташи ва тажриба орттириши номигагина амалга оширилмоқда. Аксарият ҳолларда айнан шу сабаблар ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда ва мутахассисларни тайёрлашнинг зарур сифатини таъминлай олмаяпти;
- олий ўқув юртларида, айниқса, табиий-илмий ва техника мутахассисликлар бўйича билим олиш сифатига мактаблар ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида математика, физика, кимё, биология каби фанлар етарли даражада ўқитилмаётгани таъсир кўрсатмоқда;
- ўқитувчилар меҳнатини етарлича рағбатлантирмаслик нафақат сифатсиз ўқитиш, балки афсуски кўплаб олий ўқув юртларида кенг тарқалиб бораётган порахўрликка сабаб бўлмоқда;
- талабалар билимини тест синовларига таянган ҳолда, билимни баҳолашнинг ошкоралигини ва порахўрликка қарши курашни таъминлайдиган восита сифатида жорий этилган рейтинг бўйича баҳолаш ўзини тўлиқ оқламаяпти. Бунда билимларни расмийлаштириш юзасидан баҳолаш таълим сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Негаки талабалар ҳар томонлама кенг ва чуқур билим олишнинг ўрнига номигагина тузилган саволлар жавобларини ёд олмоқда;
- магистрлик дастурлари ва ўқув режалари яхши ишлаб чиқилмаган, бакалавриатдаги ўқитиш дастури билан етарлича боғланмаган. Етарли миқдорда дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий адабиёт йўқ. Магистратурада дарс ўтадиган ўқитувчилар малакасининг пастлиги юқори сифатли икки босқичли таълим ғоясини ҳозирча тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермаяпти.

Олий ўқув юртларининг педагог кадрлари. Мамлакат олий таълим тизимида 23,4 минг нафар профессор ва ўқитувчи меҳнат қилади. Уларнинг 6,5 фоизи профессор ва фан доктори, 30,1 фоизи доцент ва фан номзоди.

Ишлар натижалари учун масъулиятни рағбатлантириш ва ошириш мақсадида олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг фаолият рейтингини аниқлаш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда профессор ва ўқитувчилар малакасини мажбурий ва табақалаштирилган ҳолда ошириш, натижаларни сертификатлаш ҳамда баҳолаш

кўзда тутилган. Педагоглар малакасини оширишни давлат томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика «Устоз» жамғармаси таъсис этилган. Биргина ушбу жамғарма грантлари бўйича республиканинг 900 нафар ўқитувчиси дунёнинг ривожланган мамлакатларида малака ошириб қайтди. 2006 йил охиригача жами 2870 нафар педагог турли шаклда малака оширди.

Таълим жараёнида кадрлар ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида «Олий таълим муассасаларининг намунавий штатлари» жорий этилди.

Олий таълимни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида тақчиллик юзага келмоқда. Олий таълим соҳасига фан докторларининг ишга келиш даражаси пастлиги туфайли ишлаётган ўқитувчиларга тўғри келадиган талабалар сони 131 кишидан 188 кишига ёки қарийб 1,5 бараварга кўпайди.

Олий ўқув юр்தларининг аксарият ўқитувчиларининг ўзлари амалиёт билан яхши боғланмагани боис талабаларга фақат назарий билим бериши мумкин. Ҳолбуки, хориждаги олий ўқув юр்தларнинг етакчи педагоглари маълум бир фирма ва компанияда ишлаш бўйича катта тажрибага эга. Ўрдадаги олий ўқув юр்தлари ва коллежлар ўқитувчилари кўпинча дарс бериш жараёнини давлат ва хусусий фирмаларда маслаҳатчи, мутахассис ва ҳоказо сифатида ишлаш билан бирга олиб боради.

3.15-жадвал.

Битта олий ўқув юр்தида профессор-ўқитувчилар (ПЎ) сони ва уларга юкланган вазифа (ўқув йили бошида) минг киши

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2006 й. 2000 й. га %
Битта олий ўқув юр்தида ПЎ сони — жами	61	61	62	62	63	62	62	101,6
шундан:								
фан докторлари	23	27	23	24	23	23	25	108,7
фан номзодлари	109	110	114	116	113	116	113	103,7
олимпик даражасига эга бўлмаган олий маълумотли	170	187	212	219	224	233	239	140,6
Битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони — жами	177	171	216	224	232	257	254	143,5
шундан:								
фан докторлари	131	124	162	168	179	199	188	143,5
фан номзодлари	28	31	33	35	37	39	41	146,4
олимпик даражасига эга бўлмаган олий маълумотли	18	18	18	19	19	19	19	105,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Олий таълим тизимида халқаро алоқа ва ҳамкорлик. Ўқув жараёни сифатини ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кенг қўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бошқа мамлакатлар етакчи олий ўқув юр்தларининг ташкил этилган филиалларидан ташқари (Халқаро Вестминстер университети, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси филиали, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали, Губкин номидаги Россия нефть ва газ институ-

ти филиали) Самарқанд давлат университетиди Болония (Италия) университети билан ҳамкорликда магистратура ташкил этилди. Япония, Голландия ва Испания билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароит яратилмоқда. Масалан, Испания томони Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш учун 25 миллион евро миқдориди имтиёзли кредит тақдим этди. Кембриж, Сорбонна, Оксфорд, Гарвард каби ва жаҳоннинг бошқа қатор етакчи университетлари билан яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Япония ҳукумати Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига институт кафедраларини замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун 440 миллион йен миқдориди беғараз ёрдам берди. Массачусетс технология университетининг таълим дастурларини масофавий ўрганиш йўлга қўйилган. Республика олий ўқув юртида хорижий мамлакатларнинг 200 нафардан ортиқ фуқароси таҳсил олмақда. Бундай барча ташаббуслар Ўзбекистон миллий узлуксиз таълим тизимининг жаҳон таълим маконига қўшилиш имконини беради.

3.2.6. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий тоифали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шахснинг ижодий, таълим олиш ва касбий манфаатларини қондиришга қаратилган.

Ўқишни тугатиб, диплом олгандан кейин ўқишни магистратура ва докторантурада давом эттириш мумкин бўлган ривожланган хорижий мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълим собиқ совет тизимидан мерос бўлиб қолган аспирантура ва докторантурани ўз ичига олади. Бу босқичларнинг ҳар бири илмий иш тайёрлаш ва ҳимоя қилишни талаб қилади — биринчи босқич номзодлик даражаси учун, иккинчи босқич докторлик даражаси учун. Бу босқичларда кундузги ва сиртдан ўқиш, шунингдек, тегишли илмий даража олиш учун даъвогар сифатида ўқиш мумкин. Даъвогарлик орқали ҳимоя қилинадиган барча номзодлик ва докторлик илмий ишларнинг тахминан 50 фоизи ҳимоя қилинади.

Фан номзодларини тайёрлаш 298, фан докторлари 60 йўналиш бўйича тайёрланади. Айни пайтда фан номзоди ва доктори мутахассисликлари кўп бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасида муайян йўналиш бўйича тегишли илмий мактаблар ва олимларнинг етишмаслиги туфайли илм-фаннинг қатор камчил ҳамда устувор йўналишлари бўйича ана шундай мутахассислар тайёрланмаяпти.

2000 йилдан аспирантура ва докторантурада ўқийдиганлар сони камайиб кетди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим самарадорлиги анча ошди. Аспирантура ва докторантурани илмий ишни муваффақиятли ҳимоя қилиш билан тамомлаганлар сони ҳам мутлақ, ҳам нисбатан кўпайди. Шунингдек, аспирантура ва докторантурада ўқиш самарадорлиги жуда паст. Аспирантларнинг атиги 15,6, докторантларнинг 8,6 фоизигина ўқишни муваффақиятли тамомлаган.

Сўнги икки йил давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида аспирантура ва докторантурага қабул қилиш учун давлат квоталари кўпайтирилди: 2005 йилда (2004 йилга нисбатан) аспирантурага 30 фоиз (76 ўрин) ва докторантурага 40 фоиз (10 ўрин); 2006 йилда. (2005 йилга нисбатан) аспирантурага 28 фоиз (92 ўрин) ва докторантурага 54 фоиз (19 ўрин). Айни пайтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги 33 олий ва 2 илмий-тадқиқот муассасасида 200 йўналиш бўйича 900 нафар аспирант ва 70 йўналиш бўйича 75 нафар докторант ўқимоқда.

3.16-жадвал.

1000 мутахассис-тадқиқотчи ҳисобга олинган ҳолда илмий кадрларни тайёрлаш

	Аспирантура			Докторантура		
	2000	2006	2006 й. 2000 й. га %	2000	2006	2006 й. 2000 й. га %
Сони (киши)	144,5	84,4	58,4	13,3	8,2	61,3
Қабул (киши)	32,9	35,6	108,4	4,6	4,1	87,8
Битирди (киши)	35,0	26,2	75,0	3,8	1,9	49,8
Жумладан илмий ишни ҳимоя қилган ҳолда						
Киши	3,0	2,7	91,0	0,2	0,4	175,1
Битирувга нисбатан %	8,6	10,4		6,3	22,2	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими самарадорлигининг пастлиги куйидаги асосий сабаблар билан боғлиқ:

- аспирантура ва докторантурага кираётганларнинг малака даражасининг пастлиги. Олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиш учун зарур рағбатнинг йўқлиги сабабли олий таълим муассасаларининг энг яхши битирувчилари компаниялар ҳамда қўшма корхоналарда обрўли ва кўп ҳақ тўланадиган ишларга киришни афзал кўради. Натижада олий ўқув юртидан кейинги таълимга олий муассасани яхши битирмаганлар ўқишга келмоқда;
- хорижий олий ўқув юртларида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг биринчи босқичи магистратура, кейингиси докторантура ҳисобланади. Ўзбекистонда эса қўшимча вақт йўқотишни талаб қиладиган қўшимча таълим босқичи ҳам сақлаб қолинган. Етакчи хорижий олий ўқув юртларида олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим жами 7–10 йилни²⁸ талаб қилса, Ўзбекистонда 11 йил²⁹, тиббиёт кадрлари учун 13–15 йил талаб этилади;
- ҳудудлардан келган аспирант ва докторантлар учун илмий ишларни тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш жараёнининг қийинлиги ҳамда қимматлиги. Илмий ишларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашларнинг деярли барчаси Тошкентда жойлашган. Илмий ишни тайёрлаб, уни ҳимоя қилиш учун одатда Тошкентдаги олий ўқув юртларида бўлиб ўтадиган турли семинарларда кўп марта муҳокама қилиш талаб этилади. Виложлардан келган аспирантлар ва илмий даража даъвогарлари бунинг учун Тошкентга тез-тез келиши ҳамда кўп вақт ва маблағ сарфлашига тўғри келмоқда. Бундан ташқари расмий тақризчиларини тақдим этиш, танлаш ва улар билан мулоқот қилиш, ташқи тақриз ва илмий ишни ҳимоя қилишни ташкил этиш жараёнининг ўзи ҳам Тошкентга бир неча бор келишни талаб қилади. Илмий ишларни тайёрлаш ва ҳимоя қилгунгача бўлган бундай мураккаб ҳамда қимматга тушадиган йўлни босиб ўтишга ҳудудлардаги аспирант ва илмий даража даъвогарларининг ҳаммасининг ҳам қурби етмайди;

28 Энг кам муддат — бакалавриат учун 4, магистратура учун 1, докторантура учун 2 йил, энг катта муддат — бакалавриат 4, магистратура 2 ва докторантура 4 йилдан иборат бўлади.

29 Бакалавриат учун 4, магистратура учун 2, аспирантура учун 3 ва докторантура учун 2 йил.

- ҳудудлардаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида юқори малакали илмий ходимларнинг етишмаслиги янги илмий кадрлар авлодини тарбиялаш учун зарур бўлган табиий илмий муҳитни яратиш имконини бермайди. Юқори малакали кадрларнинг йўқлиги туфайли илмий муҳит учун шароит яратилмаслиги, илмий муҳитнинг йўқлиги сабабли ҳудудлардаги олий ўқув юртларига юқори малакали илмий кадрлар келиши таъминламаслиги оқибатида масала боши берк кўчага кириб қолган;
- аспирантура ва докторантурада ўқиш учун синалган ҳамда самарали дастурларнинг йўқлиги, илмий ишларнинг амалиёт билан боғлиқлигининг пастлиги ва бунинг натижасида кейинчалик уларни жорий қилишнинг қийинлиги.

3.3. ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШ

3.3.1. Жаҳон тажрибаси

Таълим соҳасида ривожланиш кўпинча уни молиялаш кўлами ва олинган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Албатта, таълимнинг ҳамма тури ҳам махсус молиялашни талаб қилмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, одамлар ўз билимининг атиги 20 фоизини расмий ўқиш (ўқув юртлари, малака ошириш курслари, турли семинарлар, тренинглар ва ҳоказо) орқали эгаллайди. Қолган 80 фоизи ва энг асосийси тажрибага оила, иш жойида норасмий ўқиш орқали, бошқа одамлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда, мажлислар, хизмат сафари ва бошқа тадбирларда эга бўлади.³⁰ Бунинг устига ушбу билимнинг катта қисмига бепул эга бўлиш мумкин, негаки уни ҳеч атайлаб молияламайди. Шу сабабли бу ерда гап расмий ва норасмий таълимнинг айрим қисмларини (ноқонуний репетиторлик) молиялаш ҳақида бормоқда.

А) Таълим харажатларининг халқаро таққоси

Дунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулотида таълим учун харажатлар улуши ўртасида катта фарқ бор. Тинч океани ҳудудидаги оролда жойлашган Маршалл ороллари давлатида ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълим учун умумий сарф-харажатларнинг энг кўп, 15 фоизи сарфланиши кузатилган. 2004 йилда ушбу давлатдаги бу кўрсаткич Экваториал Гвинеядаги шундай кўрсаткичдан 25 баравар ошди — 0,6 фоиз.

Таълим учун энг кўп маблағ бой мамлакатларда сарфланмоқда. Биринчидан, ушбу давлатларда шу мақсадлар учун давлат харажатлари улуши (ўртача 5,6 фоиз) жаҳондаги ўртача даражадан қарийб тўртдан бир ҳисса (4,4 фоиз) ва инсон ривожланиши даражаси паст бўлган давлатлар кўрсаткичидан тахминан икки бараварга кўп. Иккинчидан, бой мамлакатларнинг ўзига тўқ яшаётган аҳолисининг асосий қисми таълим хизматлари учун маблағнинг катта қисмини ўзлари тўлашга қодир. Шу сабабли мазкур мамлакатларда таълим учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ катта миқдордаги шахсий харажатлар билан тўлдирилмоқда (ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 2 фоиз). Учинчидан, бой мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизининг реал ифодаси қолган давлатларга қараганда бир неча, баъзи эса бир неча ўн баравар кўпдир.

30 «Олий иқтисодий таълимни модернизация қилиш: таҳдидлар, устуворликлар ва истиқбол» Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент, ТДИУ, 2007. 305-бет.

3.17-жадвал.

2004 йилда дунёнинг айрим мамлакатларида таълим учун давлат харажатлари (фоиз)

	ЯИМ га нисбатан	Барча давлат харажатларига нисбатан
Ўзбекистон	8,5	36,2
Марокаш	6,3	27,8
Эфиопия	6,1	20,4
Беларусь	5,8	13,0
ЖАР	5,4	18,1
Колумбия	4,9	11,7
Эрон	4,8	17,7
Гонконг (Хитой)	4,7	23,3
Қирғизистон	4,6	23,0
Украина	4,6	18,3
Таиланд	4,2	27,5
Панама	3,9	8,9
Тожикистон	2,8	16,9
Ливан	2,6	12,7

Манба: 2006 World Development Indicators. The World Bank, Washington D.C.

Дунёнинг аксарият давлатларида битта ўқувчи учун сарф-харажат таълим даражасининг ошишига қараб кўпаяди: бошланғич таълимда бу кўрсаткич паст бўлса, олий таълимда энг кўп миқдорни ташкил қилади.

Аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, Австралия, Буюк Британия, Исландия, Македония, Непал, Польша, Туркия ва бошқа қатор давлатларда ўрта таълимда бир ўқувчи учун сарфланадиган харажат бошланғич таълимга қараганда паст. Япония ва Қозоғистонда эса олий таълим учун сарф-харажатлар нафақат ўрта, балки бошланғич таълим харажатларидан ҳам кам. Португалияда олий таълим учун харажатлар ўрта таълимникидан паст бўлса, бошланғич таълим харажатларидан кўп.

Юқори ва ўртача ривожланган мамлакатларда бошланғич, ўрта ва олий таълимда бир ўқувчи учун сарфланадиган маблағни таққослаш мумкин, улар ўртасидаги фарқ одатда уч-тўрт бараварни ташкил этади. Малайзия ва Қувайтда олий таълим харажатлари бошланғич таълимга қараганда баланд — 5 ва 7 марта. Белизда эса бу кўрсаткич ўртасидаги тафовут икки қийматли, яъни 13 баравар фарқ бўйича ҳисоблаб чиқилади. Қашшоқ давлатлар учун бундай кескин фарқлар қоидага айланган: Гамбия, Конго и Лесотода олий таълим харажатлари бошланғич таълимдагига қараганда қарийб 30 марта, Эритерияда 110 марта кўп!

Б) Таълимни молиялаш моделлари

Дунёда таълимни молиялашнинг бир қанча моделлари бўлиб, улар бир қанча омилларга боғлиқ:

- мамлакатни ривожлантиришнинг иқтисодий даражаси ва таълимни молиялаш учун давлат бюджетининг молиявий имкониятларига;

- мамлакат ҳукуматининг инсон ривожланиши ва давлатни иқтисодий ривожлантириш мақсадида аҳолининг таълим даражасини ошириш вазифаларига содиқлигига;
- таълим соҳасига давлат бюджети билан боғлиқ бўлмаган молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятига;
- таълимнинг аҳоли ўртасидаги қадрига, шунингдек, муайян даража ва сифатга эга таълимга.

Таълимни молиялашнинг биринчи модели давлат таълимнинг барча босқичини тўлиқ ва мустақил молиялаши билан ифодаланади. Ота-оналарнинг болаларини мактабгача муассасаларда тарбияланиши, мактаб кийими, дарсликлар, ўқув анжомлари, шунингдек, меҳнатга лаёқатли, бироқ ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани боис ишламаётган болаларни таъминлаш учун сарфлаётган маблағлари бундан мустасно.

Бундай моделдан ўнлаб йиллар мобайнида собиқ социалистик давлатлар (собиқ СССР, Шарқий Европа, Осиёнинг қатор мамлакатлари, Куба) фойдаланиб келди. Уларда мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, олий ўқув юртлари, аспирантура ва докторантура, шунингдек, турли малака ошириш курсларида ўқиш бепул эди. Айни вақтда бундай моделни қўллаётган мамлакатлар унчалик кўп эмас.

Ушбу моделнинг афзалликлари шундан иборатки, у аҳолининг барча қатламнинг моддий аҳволи ёки яшаш жойидан қатъий назар таълимнинг ҳар бир босқичидан тенг фойдаланишини таъминлади.

Мазкур моделдан фойдаланган иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар барча давлатларда саводсиз кишиларнинг деярли йўқлиги, таълим даражаси кўрсаткичи дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири экани бежиз эмас.

Моделнинг камчиликлари давлат бюджетининг чекланган имкониятлари, айниқса ўқув юртларини янгилаш ва реконструкция қилиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун молиялашда имконияти чеклангани, ажратилган молиявий ресурслар ва таълим сифати ўртасидаги боғлиқликнинг пастлиги, таълим соҳасига унинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағ жалб қилиш имкониятининг йўқлиги билан боғлиқ.

Молиялашнинг **иккинчи модели** биринчисининг мутлақо акси бўлиб, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг кичиклиги ва таълим хизматлари асосан пулли асосда кўрсатилиши билан ифодаланади.

Бундай модель ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаригача бюджетдан бошланғич таълимни молиялаш имконига эга бўлмаган кўплаб қашшоқ Африка давлатларида қўлланилган. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг саводсизлик даражаси ғоятда юқори эди, аҳолини билим даражаси бўйича ажратиш жуда қийин эди. Ушбу давлатларда аҳолининг катта қисми 2 ёки 8 йиллик маълумотга эга эди.³¹

Бироқ 1960 ва 2000 йиллар оралиғида Африканинг аксарият давлатлари мустақил ёки халқаро ёрдам туфайли умумий мажбурий бепул бошланғич таълим тизимини босқичма-босқич жорий этиши сабабли вазият ўзгарди.

Таълимни молиялашнинг **учинчи модели** давлат томонидан молиялашдан ташқари хусусий маблағлар, шунингдек, ташқи ҳомийлар маблағлари эвазига молиялашни ўз ичига оладиган кўп каналли молиялаш билан ифодаланади. Бу модель, ўз навбатида, бир қанча турларга бўлинади;

- кўп каналли молиялаш таълимнинг барча босқичлари учун хослиги;

31 Адолат ва ривожланиш. Жаҳонда ривожланиш тўғрисидаги маъруза. Жаҳон банки, 2006, 55-бет

- таълимнинг айрим босқичлари (масалан, бошланғич, баъзи давлатларда эса умумий ўрта таълим ҳам) тўлиқ давлат ҳисобидан молияланади, таълимнинг юқори босқичлари эса аралаш манбалар ҳисобидан молияланади;
- таълимнинг айрим босқичлари (қуйи босқичлари) аралаш манбалар ҳисобидан молияланади, юқори босқичлари эса фақат хусусий маблағлар эвазидан молияланади.

Таълимни молиялашнинг ушбу модели дунёнинг кўплаб давлатларида жорий этилган. Бу борада бугун аҳолининг моддий таъминот даражаси бўйича бири-биридан ажралиб турадиган барча қатламларининг билим олиши учун тенг имкониятлар билан таъминлаган ҳолда, бошланғич ва умумий ўрта мактаб таълимини давлат томонидан кенг молиялаш тури кенг эътироф этилмоқда.

Кўп каналли молиялаш **моделининг афзаллиги** нафақат молиявий маблағларнинг катта қисмига, балки барқарорликка эга бўлиш имконини берадиган молиявий ресурслар манбаларини табақалаштиришдан ҳам иборатдир. Чунки ушбу тизим бирон-бир молиявий манбага боғлиқ бўлиб қолмаган ҳолда мустақил бўлиб боради. Бундан ташқари бу борадаги кўпгина тадқиқотлар шундан дарак берадики, таълим хизматларидан фойдаланадиганлар томонидан таълим учун молиявий харажатлар уларни янада яхши ўқишга ундайди, шунингдек, ўқитувчилар ва умуман таълим тизимида бўлган талабни оширади. Бу эса таълим даражаси ва сифатини ошириш учун қўшимча омилларни яратади.

Ушбу моделнинг камчиликлари унчалик бой бўлмаган ва қашшоқ оилалар фарзандларининг пулли таълим тизимидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, айниқса қашшоқ ва энди ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг катта қисми учун инсон ривожланиши имкониятларининг тенг эмаслиги билан боғлиқдир.

3.18-жадвал.

Таълим харажатлари таркибидаги давлат маблағлари улуши (таълим учун умумий харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	Таълим учун умумий харажатларда давлат улуши
Мўғилистон, Экваториал Гвинея	100
Австрия, Дания, Исроил, Коста-Рика, Финляндия, Чехия, Швеция	95–98
Италия, Голландия, Франция	90–92
Барбадос, Латвия, Кипр, Руминия, Словения, Туркия	85–89
Аргентина, Болгария, Буюк Британия, Германия, Мексика	80–83
АҚШ, Япония	75
Колумбия, Фиджи	60–63
Чили, Жанубий Корея	55–58

Манба: Таълим тўғрисидаги бутунжаҳон маърузаси. 2006. ЮНЕСКО, Монреаль.

Таълимни молиялаш моделларини дунё миқёсида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу моделлар учинчи модель турларининг бирига бириккан ҳолда аста-секин ривожланмоқда. Чунки ушбу модель жуда мослашувчан бўлиб, мамлакатларга уларнинг молиявий имкониятлари ва ҳукуматларнинг таълим мақсадларига содиқлигига қараб, молиялаш тизимида манбалар нисбатини аниқ ва тез ўзгартириш имконини беради.

БМТ давлатларга таълимнинг бепул турлари, авваламбор, мактаб таълими соҳасида анча кенгайтириш, шунингдек, давлат ёрдамида болаларни эрта ривожлантиришнинг турли шакллари кенгайтиришни тавсия қилади. Бундай ёндашув қашшоқ, ўртача таъминланган ва бой оилалар фарзандларининг таълим олиш имкониятларидан тенг фойдаланиши учун шароит яратади.

Мактаб таълимини давлатлар кўпроқ бюджет ҳисобидан молиялашга интиляса, олий таълимни молиялаш қуйидаги шакллари билан ажралиб туради:

- қатор давлатларда давлат олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун бепул (масалан, Европанинг қатор ривожланган давлатлари — Австрия, Дания, Финляндия, Германия ва бошқа давлатлар олий ўқув юртларида ўқиш бепул). Бу давлатларда таълим давлат, муниципал бюджет маблағлари, ҳомийларнинг, олий ўқув юртларининг хорижлик талабалар учун таълим хизмати кўрсатишидан, шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини сотишдан ишлаб топган маблағлари ҳисобидан молияланади;
- давлат олий ўқув юртларида билим олаётган талабаларнинг бир қисми учун пулли (давлат грантлари ҳисобидан) ва қолган қисми учун пулли таълим (бундай тизим МДХ давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда кенг жорий этилган);
- талабалар олий ўқув юртлари харажатларининг бир қисмини қоплаганда давлат олий ўқув юртларида ўқишни маблағ билан таъминлаш, харажатларнинг қолган қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади (АҚШ, Япония, Буюк Британия каби ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларнинг давлат олий ўқув юртларида);
- давлат олий ўқув юртларида таълимнинг тўлиқ пуллилиги (Осиё, Африка, Латин Америкасининг кўплаб ривожланаётган давлатларида);
- хусусий олий ўқув юртларида ўқишнинг тўлиқ пуллилиги (дунёнинг аксарият давлатларида). Энг иқтидорли талабалар учун хусусий ва олий ўқув юртлари грантларидан кенг фойдаланиш ушбу тизим турларидан бири ҳисобланади (ушбу грантлар кўпроқ дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги таниқли олий ўқув юртларида қўлланилади);
- хусусий олий ўқув юртларида ўқишни маблағ билан таъминлаш (масалан Чилида бу улуш 5/3, Таиландда қарийб 5/2, ОЭСРга (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) аъзо мамлакатларда 3/1 ва Ҳиндистонда 5/1 ташкил этади.

Молиялаш моделини танлаш маълум даражада иқтисодий ривожланиш моделига боғлиқ. Масалан, ривожланаётган ва қашшоқ мамлакатларда аҳолининг оммавий саводхонлиги заруратга айланди. Негаки бундан кўзланган мақсад юксак маълумотга эга одамлар ривожланган давлатларнинг саноат ишлаб чиқаришини ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу мамлакатлар ўзларига берилган технологиялар ёрдамида моддий бойликларни самарали ишлаб чиқаришга тайёр бўлиши лозим. Шу боис ушбу мамлакатларда мактаб таълимини бюджетдан молиялаш жадал татбиқ этилмоқда.

Олий таълим ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, олий ўқув юртларини молиялаш учун маблағ етишмаганлиги сабабли олий таълим муассасалари сони кам ривожланаётган мамлакатларда хусусий олий ўқув юртлари ва уларда ўқишнинг пулли шакллари ривожлана бошланди. Мисол учун, Чилидаги олий ўқув юртларида ўртача ва етарлича таъминланган оилалар талабаларидан ўқиш учун тўлов жорий этиш олий таълим тизимини молиялашни нафақат кенгайтириш (ҳозир бу 18–24 ёшдаги ёшларнинг 40 фоиздан ортигини қамраб олган бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткичлардан бири

3.19-жадвал

2004 йилда дунёнинг қатор давлатларидаги хусусий олий ўқув юртларида талабалар улуши (мамлакатдаги жами талабалар сонига нисбатан фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	Хусусий олий ўқув юртларида талабалар улуши, фоиз ҳисобида
Япония, Жанубий Корея	80
Чили	74
Бразилия	68
Филиппин	66
Индонезия	61
Парагвай	58
Колумбия	55

Манба: Таълим тўғрисида бутунжаҳон маърузаси. 2006. ЮНЕСКО, Монреаль.

ҳисобланади), балки давлат бюджетининг чекланган маблағларини камбағал талабаларни қўллаб-қувватлаш учун бўшатиш имконини беради.

Европанинг аксарият ривожланган мамлакатлари ўз сиёсатини «иқтисодий фанлари»ни шакллантириш ва такомиллаштиришга йўналтиргани боис оммавий олий таълимни жорий этишни режалаштирмоқда. Ушбу мамлакатларнинг оддий ёки юқори малакага эга маълумотли ишчилар меҳнат қиладиган илм талаб корхоналари ривожланаётган давлатларга босқичма-босқич йўналтирилмоқда. Шунингдек, бир пайтнинг ўзида энг юқори малака ва билимга эга илмий-муҳандис кадрларга эҳтиёж сезадиган илм талаб соҳалар ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса аҳолининг таълим ва интеллектуал даражасини юқори технологиялар соҳасида кенг қўламли фаолият юритиш имконини берадиган даражада оширишни талаб қилади. Ушбу мамлакатлар илмий-техник ишланмалар ва ихтиролар кўринишидаги моддийлаштирилган билимни ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда.

В) Ўқув юртларини бюджетдан молиялаш принциплари

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда мактаб таълимини молиялаш тизими айрим омилларга кўра маблағ билан мақсадли таъминлашдан молиялашнинг бевосита шакллариغا ўтмоқда. Бунда жорий харажатлар учун мўлжалланган маблағлар олдиндан белгиланган бирон-бир мақсад, масалан ўқувчилар сонига қараб ажратилади. Дунёнинг қатор давлатларида мактабларни молиялаш тизими улар ўртасида рақобатни кенгайтирмоқда: «пул ўқувчини излайди» деган принцип белгиланиб, амалда жорий этилмоқда. Мактабларга маблағни уларнинг қанчалик сифатли билим бераётгани, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари (ҳаттоки, бўлғуси иш берувчиларнинг) ўқув жараёнидан қай даражада қониқишига қараб ажратиш мактаб раҳбарияти ва педагоглар жамоаси учун амалий рағбат ҳисобланади. Ўқитувчилар меҳнати ҳам шу тариқа рағбатлантирилмоқда: мактаблар директорларига ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақини улар ўқитаётган ўқувчилар муваффақиятига қараб табақалаштиришни жорий этиш, энг иқтидорли ўқувчилар учун стипендиялар белгилашга рухсат этилган. Умуман олганда, чет мамлакатларда бошланғич ва ўрта мактабларга уларга ажратилган маблағларни

ички тақсимлаш, педагогларни ёллаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқув-услубий адабиётни танлаш масалаларида мустақиллик берилган. Бироқ бунга фақат юқори натижалар ва ривожланишга эришилган ҳоллардагина йўл қўйиш мумкин. Акс ҳолда мактаблар умуман маблағ билан таъминланмай қўйилиши мумкин (бу АҚШда амалда синаб кўрилмақда).

Олий таълимнинг ривожланиши учун етарлича маблағ билан таъминлашга доир чора-тадбирлар орасида олий ўқув юртларини давлат томонидан молиялаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларни ҳар томонлама тижоратлаштириш, пулли олий таълим улушини оширишга катта эътибор қаратилмақда.

Олий таълимни давлат томонидан молиялаш тизимидаги ислохотлари муваффақиятли, деб эътироф этилган қатор мамлакатларда олий ўқув юртларига режалаштириладиган ўқув йили учун маблағ ажратиш бўйича базавий принципдан (бунда ўтган йилдаги харажатлар асоси қилиниб олинади) битта талаба ҳисобга олинган ҳолда ўқитиш соҳаси ва бошқа айрим жиҳатлар эътиборга олиниб табақалаштирилган сарф-харажатлар нормативларидан фойдаланишга ўтилди. Айрим мамлакатларда бу янгилик қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилмақда. Масалан, Чехияда молиялаш тизими нафақат олий ўқув юртига қабул қилинган, балки уни муваффақиятли тамомлаган шахслар сонига қараб йўналтирилган.

Шу билан бирга, олий ўқув юртларини қатор мезонларга қараб давлат томонидан молиялаш амалиёти кенгайтирилмақда. Бу борада нафақат олий ўқув юртига қабул қилинган талабалар сони, балки кириш имтиҳонлари ёки тест синови натижалари бўйича энг юқори баҳо олган талабалар сони ҳам ҳисобга олинади. Бундан ташқари олий ўқув юртининг аввал ўз фаолиятини яхшилаш ҳамда самарадорлигини оширишга доир ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши, шунингдек, олий ўқув юртининг ўз фаолиятини такомиллаштиришга доир лойиҳаларнинг мавжудлиги ҳамда у томонидан таклиф этилган янги ана шундай лойиҳаларнинг жозибадорлиги ҳам эътиборга олинади. Олий ўқув юртларига бюджет маблағларини ажратишда ўқитиш дастурининг мураккаблиги ва унинг самарадорлигига (талабаларни саралаш даражаси, олий ўқув юрти битирувчилари таркибида бакалаврлар, магистрлар, докторлар улуши), профессор-ўқитувчилар малакасига (уларнинг орасида илмий даража ва илмий даражага эга бўлганлар улушига) алоҳида эътибор қаратилади.

Олий ўқув юртларини давлат томонидан молиялаш тизимидаги яна бир муҳим янгилик уларга блок-грантлар кўринишида (баъзида бир неча йил олдин) маблағ ажратиш ҳисобланади. Ушбу блок-грантларда олий ўқув юртининг маъмурий харажатлари, асосий фондларини тиклаш ва янгилаш учун сарф-харажатларни қоплаш кўзда тутилган. Олий ўқув юртларининг тадқиқот фаолияти учун харажатлар блок-грантларга киритилади ёки алоҳида ажратилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам нафақат олий ўқув юрти томонидан ишлаб чиқилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари режаси, балки уларнинг тадқиқотларни молиялаш учун четдан, хусусан хусусий компаниялар, миллий ва халқаро илмий жамғармалар, бошқа шу каби тузилмалардан (турли академиялар, комиссиялар, масалан технологиялар, инновациялар бўйича ва ҳоказо) олган маблағлар миқдори инобатга олинади.

Молиявий муаммолар олий ўқув юртларини фақат ўз фаолиятининг асосий йўналиши бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари ҳам қўшимча маблағ топишга мажбур этади. Масалан, кўпгина университетлар таркибига тиббиёт факультет-

лари ҳам киритилган Японияда олий ўқув юртлари бюджетига келиб тушадиган маблағларнинг қарийб бешдан бир қисмини университет шифоналаридан тушган даромад, 12 фоизини ўқитиш ва имтиҳон олиш учун тўловлар, 3 фоизини банкдан олинган қарзлар ва яна шунча хусусий секторнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида олинган даромадлар ташкил қилади. Венгриянинг техника университетлари учун тадбиркорлик тузилмалари буюртмаларини бажаришдан тушган даромад асосий молиялаш манбаларидан бири ҳисобланади, олий ўқув юртлари факультетларининг тахминан ярми аҳоли учун пулли таълим курсларини ташкил этган. Бу ҳам бюджет даромадининг 5–20 фоизини ташкил этади. Чехиядаги олий ўқув юртлари ўз даромадининг бешдан бир қисмини мустақил ишлаб топади.

АҚШ, Австралия ва қатор иқтисодий ривожланган мамлакатларда аксарият университетлар бозор муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси, бизнестузилмаларнинг ишбилармон шериклари ҳисобланади. Улар таълим хизматларини, ўзининг тадқиқот фаолияти натижаларини сотиш, илғор технологияларни жорий этиш, кичик илм талаб ва инновация корхоналарини ташкил этиш орқали катта маблағ ишлаб топмоқда.

Таълим хизматларини экспорт қилиш хорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари даромад манбаига айланиб бормоқда. Масалан, Буюк Британияда бундай даромад йилига 5,3 миллиард АҚШ долларидан ортади. АҚШдаги олий ўқув юртлари чет эллик талабаларни ўқитишдан ҳукумат томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан кўра бир неча баробар кўп маблағ ишлаб топади.

Г) Хусусий таълимни давлат ва банк томондан молиялаш.

Айни пайтда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо кўплаб мамлакатларнинг хусусий бошланғич мактабларида ўқувчиларнинг тахминан 10 фоизи таҳсил олмақда. Таълим учун давлат сарф-харажатлари таркибидаги бошланғич ва ўрта мактабларни молиявий қўллаб-қувватлаш улуши ҳам шунча миқдорни ташкил қилади. Ҳиндистонда мактаб таълими учун сарф-харажатларнинг катта қисмини — қарийб 3/1 — хусусий ўқув юртларини қўллаб-қувватлаш ташкил этади. Лотин Америкасидаги (уларда ҳар бир еттинчи ўқувчи ўқийди), Сахари жанубидаги Африка давлатлари ва бошқа қатор минтақалардаги хусусий мактаблар ҳам давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Қашшоқ оилаларнинг фарзандларини мактаблар, айниқса хусусий мактабларда ўқитишдаги чекланган имкониятлари муаммоларини ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу муаммо айниқса, дунёнинг кам ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган қатор мамлакатлари учун ҳам долзарб ҳисобланади. Бангладеш, Буюк Британия, Колумбия, Пуэрто-Рико ва Чилида ушбу муаммо қашшоқ оилаларга болаларини хусусий ўрта мактабларда ўқитиш учун ваучер бериш орқали ҳал этилмоқда. АҚШдаги қашшоқ оилалар ҳам (йиллик даромади 25 минг доллардан кам бўлган) шундай ваучерлар олмақда. Бунда берилаётган ваучер хусусий таълим учун харажатларнинг ҳаммасини эмас, балки бир қисмини қоплайди (қолган қисми оилавий бюджет ҳисобидан қопланиши зарур).

Ҳиндистонда қашшоқ оилаларнинг фарзандларини мактабларда ўқитиш билан боғлиқ маблағларини тежаш мақсадида мактаб формасини мажбурий кийиш бекор қилинди, Шри-Ланкада мактаб формаси ва овқатланиш ўқувчиларга

текин. Шунингдек, Шри-Ланка, Малави, Ботсвана ва ривожланаётган қатор давлатларда (Жаҳон банки фикри эътиборга олинган ҳолда) ота-оналарнинг бошланғич таълим учун пул тўлаши бекор қилинган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида эса мактаб таълимини молиялашни бошқариш бўйича давлат тизими ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро фойдали кооперация ривожланмоқда ҳамда бу ўқишга бўлган эҳтиёжни яхши қондириш, янада сифатли билим беришга қодир, деб ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг хусусий мактаблар билан уларда кам ва ўртача таъминланган оилалар фарзандларининг давлат бюджети ҳисобидан ўқиши учун тузиладиган шартнома бундай кооперациянинг бир шакли ҳисобланади. Бу давлатга янги ўқув юртларини барпо этиш учун катта капитал харажатларнинг олдини олиш, хусусий мактабларга эса барқарор молиявий манбага эга бўлиш имконини беради. Шунингдек, давлат мактабларини бюджет томонидан молиялаш тартиби сақлаб қолинган ҳолда, уларни бошқаришни танлов асосида хусусий ўқув юртларига бериш амалда синаб кўрилмақда.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида олий таълимдан фойдаланиш муаммоси талабаларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари, чунончи таълим ваучерлари, мақсадли грантлар, субсидиялар, оғирлик қилмайдиган кредитлар, фоизсиз қарзлар ва рағбатлантирувчи стипендиялардан кенг фойдаланиши ҳисобидан муваффақиятли ҳал этилмақда.

Таълим кредитларини тўлиқсиз ва ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ хавф унчалик катта эмас. Чунки, кредит олаётган талабалар бу кейинчалик ҳам яна кредит олишига тўсқинлик қилишини яхши билади ва шу боис кредитни қайтариш шартларига сўзсиз амалга қилишга ҳаракат қилади. Бу каби кредитларни суғурталаш хавфи ҳам унчалик катта эмас. Негаки, бу борада талабаларнинг соғлиғи ҳамда уларнинг кредитни фоизи билан қайтариш имконияти ҳисобга олинади.

Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Хитойда олий ўқув юртларида ўқиётган талабалардан таълим учун олинмайдиган тўловлар унинг учун сарфланадиган реал харажатдан анча кам. Кўпинча бундай тўлов абитуриент танланган мутахассислик, даромадлилиги, обрўлилиги, олий ўқув юртининг педагогик ва тадқиқот фаолияти самарадорлиги, шунингдек, тўлов услуги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади (масалан, Австралияда ўқиш учун тўлов у кредит олмасдан тўғридан-тўғри тўланганда тўртдан бир қисмга камайтиради). Бундан ташқари қатор бошқа имтиёзлар ҳам кўзда тутилган. Беларусда милиция ходими, Чернобиль фалокатидан талофат кўрган туманларда яшайдиган оилалар фарзандларининг давлат олий ўқув юртидаги ўқиши учун нисбатан кам миқдорда пул олинади ёки умуман олинмайди.

Таълим кредитлари одатда махсус ҳукумат молия муассасалари ёки хусусий банклар томонидан тақдим этилади. Кредитлар 5–7 йил ёки олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг 2–3 йил ичида қайтарилади. Швецияда ва қатор бошқа давлатларда таълим кредити фоизи унинг инфляция даражасига мувофиқ бўлиши белгилангани боис олдиндан келишилмайди.

Чет элда таълим кредитлари тизимида муайян чекловлар ва имтиёзлар жорий этилган. Мисол учун, Литвада бундай кредитларни фақат давлат олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар олиши мумкин, Жанубий Африка Республикаси ва бошқа қатор мамлакатларда бундай кредитлар фақат эҳтиёжманд талабаларга тақдим этилади. Голландияда ўқувчиларнинг юқори академик кўрсаткичларини рағбатлантириш мақсадида кредит қарзини грантга ўтказиш имконияти яратил-

ган. Бундан ташқари таълим кредитининг бир қисмини иш берувчи томонидан қайтарилишига рухсат этилган ва бу, ҳатто қўллаб-қувватланади. Хитойда олий ўқув юртининг чекка ҳудудларда ишлашга розилик берган битирувчилар олган кредитлардан воз кечиш тажрибаси қўлланади.

Д) Ўқув юртларида харажатлар тузилмаси.

Жорий харажатлар (ўқув юртлари ходимларининг иш ҳақи ва бошқа харажатлардан иборат), шунингдек, капитал харажатлар ўқув юртларида таълимга оид сарф-харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Бошланғич ва ўрта мактаб таълимида энг катта харажат иш ҳақи саналади. Бу кўрсаткич тегишли маълумотлар мавжуд бўлган барча мамлакатлар сарф-харажатлари таркибида 50 фоиздан ошади. Иш ҳақи қайд этилган улушдан биров паст бўлган Малайзия ва Комор ороллари бундан мустасно.

Руминия, Чехия, Эстония, Колумбия, Кипр, Греция ва бошқа қатор давлатларда ушбу харажат улуши 50 фоиздан кам, Молдовада 25 фоизни, Малайзияда атиги 20 фоизни ташкил этади. Капитал сарф-харажатлар эса барча мамлакатларда жорий харажатлардан паст. Масалан, Панама, Греция ва Малайзия олий таълим тизимидаги харажатлар таркибида бу 40 фоизга етади.

Е) Таълимдаги ислоҳотлар ва уларни молиялаш.

Дунё мамлакатлари таълим соҳасидаги ислоҳотларни молиялаш қўлами бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Баъзи мамлакатлар унча кўп маблағ талаб қилмайдиган ислоҳотларни танлаган бўлса, бошқалари катта молиявий ресурсларни талаб қиладиган кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширмоқда.

Масалан, Россияда таълим молиялаш соҳасидаги давлат сиёсати таълим соҳасига маблағ ажратишни давлат сарф-харажатлари умумий ҳажмида анча кўпайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, ушбу соҳага бюджетдан ташқари манбалар маблағларини жалб қилиш учун шароит яратишга қаратилган. Хитойда таълимни бюджет томонидан қолдиқли молиялаш амалиётидан мутлақо воз кечиш эълон қилинган, ўқув юртлари ва уларнинг инвесторлари учун сезиларли солиқ имтиёзлари белгиланган. Украинада таълим тизимини молиялаш ни такомиллаштириш ўқув юртларини молиялаш миқдори ва улар томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари даражаси ўртасидаги бевосита боғлиқлик, турли мулкчилик шаклидаги ўқув юртлари учун уларда ўқувчиларни тайёрлаш сифати эътиборга олинган ҳолда, давлат буюртмаси бўйича танлов асосида бюджетдан маблағ ажратиш принципларига асосланган.

3.3.2. Ўзбекистонда таълимни молиялаш

Таълим учун умумий харажатлар. Ўзбекистонда жамиятнинг таълим учун сарфлаётган харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан анча юқори. Сўнгги йилларда ушбу сарф-харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошди (яъни, бу ОЭСР давлатларига қараганда икки баравар кўп) ва 2005 йилда 11,6 фоизни ташкил этди.

Аксарият тадқиқотчилар Ўзбекистон бўйича таълим харажатлари кўрсаткичи нафақат Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, балки Европа Иттифоқининг ҳар қандай давлатидаги шундай кўрсаткичдан юқорилигига эътибор қаратади. Шунинг баробарида, Ўзбекистонда таълим учун сарфланаётган катта миқдордаги харажатларнинг бир қанча объектив сабаблари бор.

3.20-жадвал

Ўзбекистонда таълим учун умумий харажатлар

Молиялаш манбалари	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Давлат	9,6	8,8	9,1	8,6	8,5	8,8
Хусусий	1,1	2,2	2,6	1,8	2,2	2,0*
Жами	10,7	11,0	11,7	10,4	10,7	10,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Биринчидан, бу ҳукуматнинг мамлакатда ушбу секторни жадал ривожлантириш истагини ва унинг инсон ривожланиши, қашшоқлик даражасини пасайтириш ва иқтисодий ёндашувда ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканининг яққол ифодасидир. Иккинчидан, бу мамлакатдаги демографик аҳвол билан боғлиқ. Чунки Ўзбекистонда аҳолининг 52,9 фоизини болалар ва 24 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу дунёнинг аксарият ривожланган давлатларига қараганда анча юқори. Яхши маълумотга эга бўлган ва ўз меҳнати билан самарадорлик ва унумдорликни оширишга ҳисса қўша оладиган аҳолигина давлат учун келажақда катта истиқбол яратади. Ушбу икки омилнинг таъсири таълим учун катта маблағ сарфлаш зарурлигини тақозо этади. Бундан ташқари Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи унчалик юқори эмас, унинг бюджети миқдорини эса ривожланган давлатлар бюджети билан таққослаш қийин. Таълим учун катта миқдорда маблағ сарфланаётгани ушбу омил билан ҳам боғлиқ.

Таълим учун давлат харажатлари. Бюджет ресурсларининг чекланганига қарамай таълим учун умумий сарф-харажатларда давлат манбаларининг салмоқли улуши ҳар доим 80 фоиздан ошган. Бу мамлакат ҳукуматининг таълим тизимини қўллаб-қувватлаётганидан дарак беради. Таълим учун давлат харажатлари учта асосий манбадан ташкил топган: жорий йил бюджет харажатлари, таълим тизимини ривожлантириш учун фойдаланиладиган хорижий қарзларни қоплашга йўналтириладиган бюджет харажатлари, шунингдек, 2004 йилда ташкил этилган Мактаб таълими жамғармаси маблағларидан.

3.21-жадвал.

Таълим учун давлат харажатлари (ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1988	1989	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Давлатга тегишли	7,8	9,9	9,6	8,8	9,1	8,6	8,5	8,8
шундан:								
давлат бюджети	7,8	9,9	9,6	8,7	8,7	8,4	8,0	7,9
Давл. бюдж.нинг келгусидаги даромадлари ҳисобидан қайтариладиган хорижий қарз ва грантлар*	0,0	0,0	0,0	0,1	0,4	0,2	0,5	й/м
Давлат бюджетидан ташқари Мактаб таълими жамғармаси харажатлари**	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган, 2005 йил июль.

* Ўртача расмий алмаштириш курси асосида конвертация қилинган.

** Бошланғич таълимга капитал қўйилмаларни бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси орқали молиялаш.

Ўзбекистонда таълимни давлат томонидан молиялаш катта хусусиятга эга. Бу борада 1996 йилда биринчи навбатда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда мактаб таълимини тубдан яхшилашга йўналтирилган 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди.

Ушбу дастурларнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ таълим соҳасига йўналтирилаётган катта миқдордаги давлат ресурслари маълум даражада янги ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини барпо этиш, уларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги умумтаълим мактабларини қуриш, фаолият кўрсатаётганларини капитал реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун салмоқли инвестиция харажатлари билан боғлиқ.

3.22-жадвал.

Ўзбекистонда таълим учун асосий харажатлар йўналиши бўйича давлат сарф-харажатлари (умумий давлат сарф-харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида)

Харажат йўналишлари	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жорий харажатлар	91,0	71,9	65,6	72,6	68,7	70,1	68,5	65,5
Капитал харажатлар	9,0	28,1	34,4	27,4	31,3	29,9	31,5	34,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон ҳукумати капитал харажатлар таълим жараёнининг замонавий ва қулай моддий базасини яратиш учун жуда зарур эди деб ҳисоблайди ва шу боис собиқ совет давлатлари орасида биринчи бўлиб, таълим моддий базасини тубдан яхшилашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни кўришга киришди ва уларни изчил амалга оширмоқда.

Иккита йирик миллий дастурнинг амалга оширилиши таълим босқичлари бўйича давлат сарф-харажатлари таркибидаги ўзгаришларда ўз аксини топди.

3.23-жадвал.

Таълим учун кичик секторлар бўйича давлат сарф-харажатлари (ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Барча таълим босқичлари	7,8	9,9	9,6	8,8	9,1	8,6	8,5	8,8
жумладан:								
мактабгача таълим	1,14	1,18	1,03	1,12	1,18	1,08	1,00	0,9
мактаб таълими	4,02	4,24	3,59	3,85	3,81	3,71	3,80	4,6
ўрта махсус, касб-хунар таълими	1,50	3,40	3,93	2,83	2,98	2,81	2,80	2,3
олий таълим	0,55	0,50	0,48	0,48	0,45	0,45	0,44	0,4
бошқа таълим муассасалари	0,53	0,54	0,57	0,47	0,58	0,49	0,42	0,5
кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш	0,06	0,04	0,05	0,06	0,06	0,07	0,06	0,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган, 2005 йил июль.

2006 йилда Мактаб таълими жамғармаси ўрта мактаблар қуриш ва реконструкция қилишни молиялаш учун 200 миллиард сўм сарфлади (валютада қарийб 180 миллион АҚШ доллари). Бу 2005 йилда сарфланган маблаққа нисбатан икки баравар кўп. Таъмирланган мактаблар 2006 йилда қиймати 53 миллиард сўмга тенг асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 2005 йилда бу кўрсаткич 34 миллиард сўм эди.

3.6-киритма.

Мактаб таълими жамғармаси

Ўзбекистонда таълим соҳасини молиялашда бюджет маблағларидан ташқари 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялаш учун ташкил этилган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси муҳим ўрин тутди.

Жамғарманинг даромад қисми асосан учта манбадан ташкил топади. Булар мактабни ривожлантириш солиғи, маҳаллий маъмурият (ҳокимликлар) бадали ва бошқа бюджетдан ташқари бадаллар, жумладан турли ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдами. 2005 йилда жорий этилган мактабни ривожлантириш солиғи юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган савдо ташкилотларининг сотишдан тушган даромадларининг 1 фоизи миқдоридаги солиқ тизими доирасида йиғилади. 2009 йилда ушбу солиқ улуши таълим учун умумий сарф-харажатларнинг 24,2 фоизига етади. 2009 йилда мактаб таълими жамғармасини ёпишдан мақсад 2010 йилдан таълим учун харажатлар миқдори кескин камайиши кўзда тутилган.

Айни пайтда жамғарма олдида турган асосий мақсадлар ўрта мактабларни янгилаш, реконструкция қилиш бўйича қурилиш ишларини молиялаш борасидаги устувор эҳтиёжларни қондириш, уларга энг зарур мебель тўплами, лаборатория, компьютер ва спорт ускуналарини тақдим этиш учун етарлича маблағ ажратишдан иборат.

Мактаб таълими жамғармаси дирекция томонидан бошқарилади. У учта бўлим ва 10 нафар ходимдан иборат бўлиб, жамғарманинг Бошқарув кенгашига ҳисобот беради. Бошқарув кенгаши 13 аъзодан иборат ва унга Бош вазир раҳбарлик қилади. Ҳукумат юқорида қайд этилган дастурни бир йўсинда молиялашга катта эътибор қаратмоқда, кенгаш аъзоларининг юқори лавозимли шахслар экани молиявий ҳисобдорликнинг юқори даражасини таъминлайди.

Жамғарма даромад ва харажатлари «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат бюджетининг ривожланишига қараб ҳисобланади. Янги мактабларни барпо этиш, капитал қуриш ва таъмирлаш жамғарманинг Махсус вилоят ҳисоб-рақами орқали вилоят даражасида ташкил этилади ҳамда молияланади. Унинг вилоят ва туманлар бўлимлари мактабларни реконструкция қилиш ва жиҳозлашни молиялаш учун жавобгар ҳисобланади. Молиялаш жараёнларини таъминлаш учун зарур ташкилий чора-тадбирлар маблағ ажратиш ва тақсимлаш нуқтаи назаридан яхши ишлаб чиқилган.

2005 йилда таълим соҳасига йўналтирилган инвестициялар 353,8 миллиард сўмни ташкил этди ва ҳар йили, жумладан қайд этилган дастурларни амалга оширишнинг охириги йили, яъни 2009 йилда ҳам шунча миқдорда маблағ сарфлаш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда ялпи ички маҳсулотда мактаб ва ўрта махсус, касб-хунар таълими учун харажатлар салмоғи анча ошди, мактабгача ва олий таълим сарф-харажатлари эса бироз пасайди. 1998–2004 йилларда мактабгача таълим муассасалари учун капитал инвестициялар тариқасида таълимга йўналтириладиган умумий бюджет харажатларининг 3 фоизи ажратилар эди. Мактабгача таълим энг ночор соҳа ҳисобланади, шу боис кейинги 10 йилда унга нисбатан кам сармоя ажратилди. Натижада бинолар ва ускуналар эскирди ва таъмирга муҳтож.

3.24-жадвал.

Мактаб таълими жамғармасининг даромад ва харажатлари баланси

	Факт		Прогноз		
	2005	2006	2007	2008	2009
Даромад млн. сўм	162,615	247,969	360,950	495,700	569,572
Даромадлар таркиби, %:					
1. Мактабларни ривожлантириш учун 1 фоизли солиқ	89	82	68	57	57
2. Маҳаллий ҳокимликлар бадаллари	10	9	5	4	4
3. Ҳомийлар ёрдами ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар	1	9	27	39	39
Харажат млн. сўм	133,603	254,111	364,227	495,700	569,572
Харажатлар таркиби, %:					
1. Қурилиш ва таъмирлаш	75	79	72	71	70
Жумладан:					
Янги қурилиш	16	16	12	12	10
Капитал реконструкция	35	40	39	39	40
Капитал таъмирлаш	20	20	19	17	17
Жорий таъмирлаш	4	3	2	3	3
2. Ускуналар	25	21	38	29	30
Жумладан:					
мебель	10	8	7	9	9
Лаборатория ускуналари	10	9	16	15	14
компьютерлар	3	2	11	3	5
Спорт инвентарлари	2	2	4	2	2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2007 й.).

Шунингдек, ушбу даврда ўрта таълимга ҳам капитал сарф-харажатлар учун ажратилган умумий бюджет маблағларининг атиги 8 фоизи йўналтирилган эди. Бироқ 2005 йилда янги мақсадли дастурнинг амалга оширилиши туфайли бу кўрсаткич кескин ошди (23,4 фоизгача),

Аксарият олий таълим муассасалари замонавий лаборатория ва ўқув асбоб-ускуналари билан жиҳозланишга, шунингдек, биноларни капитал ва жорий таъмирлашга эҳтиёж сезмоқда.

Бу борада турли таълим босқичларида таҳсил олаётган рўйхатга олинган ўқувчилар сони ва уларни таъминлаш ҳамда ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилаётган сарф-харажатлар ўртасида сезиларли фарқ бор. Мактабгача таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хуналар ўқув юртлари ва олий ўқув юртлари учун бу фарқ салбий кўринишга эга, яъни ажратилаётган маблағлар улуши рўйхатга олинган ўқувчиларга нисбатан анча кам.

Шу билан бирга, харажатларни капитал харажатлар учун қайта йўналтириш бутун таълим сектори, жумладан мактаблар ва ўрта махсус, касб-хуналар ўқув юртларини жорий молиялаш аҳволини яхшилашга ўз таъсирини ўтказди.

Таълим учун жорий сарф-харажатлар олтига асосий тоифадан иборат: иш ҳақи ва ижтимоий ажратмалар, овқатланиш, стипендиялар, ўқув материаллари, офис ускуналари, жорий таъмир ва фойдаланиш харажатлари. 90 йилларда ўқитувчилар иш ҳақининг кескин камайтирилиши соҳадан мутахассислар-

3.25-жадвал

Таълим йўналишлари бўйича давлат сарф-харажатлари (таълим учун умумий харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Мактабгача таълим		Ўрта таълим		Ўрта махсус, касб-хунар таълими		Олий таълим	
	Ўзбек. 2005	ОЭСР 2001	Ўзбек. 2005	ОЭСР 2001	Ўзбек. 2005	ОЭСР 2001	Ўзбек. 2005	ОЭСР 2001
Харажатларда таълим учун ажратилган улуш	7,4	8,0	78,9	67	10,2	1	3,4	2,4
Рўйхатга олинган ўқувчилар сонига улуш	11,1	11,0	55,0	74,0	29,3	1	4,6	14

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил июлдаги ва ОЭСРнинг 2001 йилги («Таълимга назар» 2005) маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган..

нинг кетиб қолиши, ўқитиш сифатининг пасайиши ва педагог мутахассисликлар бўйича талабаларни ўқишга рағбатлантиришнинг заифлашуви олиб келди.

Ҳукумат томонидан 2006 йилгача ўқитувчилар иш ҳақини босқичма-босқич ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар уларнинг меҳнатини рағбатлантириш нуқтаи назаридан самарасиз бўлди. Чунки ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи мамлакат миқёсидаги ўртача иш ҳақи даражасининг 60–70, саноатдаги даражанинг 40–50 фоизидан ошмади.

Бундан ташқари педагоглар иш ҳақи даражасининг пастлиги ота-оналар томонидан ўқитувчиларга норасмий пул тўлаш каби салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Масалан, Жаҳон банкининг Ўзбекистонда турмуш даражасини баҳолашга бағишланган 2002 йилга оид ҳисоботида кўра, уй бекаларининг тахминан 10 фоизи, ўзининг тан олишича, ўқитувчиларга бошланғич мактабда, 18 фоизи ўрта мактабда ва 20 фоиздан кўпроғи турли таълим босқичларида ўқиётган болалари учун норасмий ҳақ тўлаган. Норасмий тўловлар миқдори олий таълим даражаси бўйича олиб қаралганда анча катта. «Кам таъминланган» оилаларнинг ўқув юртлари томонидан таълимнинг барча босқичи учун белгилаган расмий тўловларга бадаллари «ўзига тўқ» оилалар бадалларидан кам. Бироқ ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида уларнинг норасмий тўловлари «ўзига тўқ» оилаларни қараганда анча кўп. Олий таълим соҳасида эса «кам таъминланган» оилаларнинг норасмий тўловлари кузатилгани йўқ.

2006 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида мактаб ўқитувчилари ва директорларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чоралари амалга оширилди. Ўқитувчилар иш ҳақи синфдан ташқари иш учун 15, ишда кўрсатган юқори кўрсаткичлар ва мактабда таълим жараёни сифатини оширишга қўшган ҳиссаси учун 25 фоиз оширилди. Барча мактабларда Директор жамғармаси ташкил этилди. Унга ўқитувчиларга рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш учун иш ҳақи фондининг 15 фоиз миқдорига қўшимча бюджет маблағлари ўтказилди. Рағбатлантирувчи тўловлар тўғрисидаги қарор мактабдаги энг ҳурматли ўқитувчилар ва ота-оналардан иборат махсус ташкил этиладиган қўмита томонидан қабул қилинади. 2006 йилда барча мактаблар ўқитувчиларнинг 43 фоизи рағбатлантирувчи тўловлардан баҳраманд бўлди.

3.26-жадвал

Оилаларнинг фарзанди билим олиши учун норасмий харажатлари, 1999 йил сентябрь-2000 йил май

	7–15 ёш		16–18 ёш		19–22 ёш	
	Кам таъминланган	Ўзига тўқ	Кам таъминланган	Ўзига тўқ	Кам таъминланган	Ўзига тўқ
Ҳар бир ўқувчига ўртача, сўм	528	568	3369	2277	0	3271
Оила харажатлари, фоизда	3,1	12,8	19,3	17,5	0	28,0

Манба: Жаҳон банки «Турмуш даражасини баҳолаш». 2000 йил сентябрь.


*n<10 чамаланган таълим модели

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақини ошириш таълимни жорий молиялаш учун умумий бюджет харажатларининг кўпайишига таъсир кўрсатмади. Бунинг натижасида таълимнинг барча босқичларини жорий таъминлашга йўналтириладиган маблағ номуносивлиги ва тақчиллиги юзага келди.

Жорий харажатлар учун маблағ етишмаслиги янги барпо этилган ёки реконструкция қилинган ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ва мактаблар биноларининг жисмонан эскириши тезлашишига олиб келмоқда, коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш, ўқув ускуналари ва материалларини таъмирлаш ҳамда захирасини ташкил этиш имконини бермаяпти. Умуман олганда, ўқув жараёни сифатини пасайтирмоқда.

3.1-диаграмма.

Таълим учун тоифалар бўйича жорий



- Иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар
- Ускуналар
- Стипендия
- Овқатланиш
- Ўқув материаллари
- Жорий таъмир
- Бошқа харажатлар

Манба: Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган, 2005, июль.

3.7-киритма.

Бюджетдан молиялаш тизими

Таълим секторини давлат бюджетидан молиялаш уч даражада амалга оширилмоқда: республика (марказий), вилоят ва туман бюджетидан. Олий таълим, таълим муассасалари ва олий ўқув юртлари ҳузуридаги академик лицейлар, шунингдек, халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳудудий институтлар республика бюджетидан молияланмоқда. Олий ўқув юртлари ҳузуридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар вилоятлар бюджетидан молияланмоқда. Туман ҳокимликлари асосан мактабгача таълим муассасалари, ихтисослаштирилган ва умумтаълим мактабларнинг жорий харажатларини молияламоқда. Айни пайтда капитал инвестициялар учун харажатларнинг катта қисми вилоятлар бюджетидан қопланмоқда.

Маҳаллий маъмуриятлар ўзининг йиллик бюджетини ўз даромадлари ва тахминий харажатлар асосида ташкил этади. Республика ҳукумати маҳаллий бюджетлардаги тақчилликни маблағ билан таъминлайди. Бунинг учун одатда марказий ҳукуматга ўтказиладиган маҳаллий солиқлардан олинадиган фоизлар ўзгартирилади. Вилоят ва туманлар халқ таълими бўлимлари мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар ўқув юртларига келаси йил ўқишга келадиган ўқувчилар сонини, муайян хизматлар кўрсатиш учун молиявий эҳтиёжларни ҳисоблаб чиқади. Шунингдек, улар маҳаллий солиқлардан кутилаётган тушумлар миқдори ва эҳтиёжларни молиялашдаги тақчилликларни олдиндан ҳисоблайди. Маҳаллий молия бўлимлари маҳаллий бюджетларни бирлаштириб, уларни, жумладан республика бюджетидан барча зарур бадалларни Молия вазирлигига тақдим этади.

Вилоят ва туманлар ўз бюджет лойиҳасини ҳар йилнинг июль-августида тузади ва уларни Халқ таълими вазирлигига тақдим этади. Ўз навбатида, вазирлик шу муддатда келгуси молиявий йил учун макроиқтисодий кўрсаткични тузади ва сарф-харажатлар эҳтиёжлари, жумладан, вилоятлар ва туманлар эҳтиёжларини бирга жамлайди. Ушбу ҳужжатлар одатда сентябрнинг ўрталарида Молия вазирлигига тақдим этилади. Вазирлик эса Республика бюджети лойиҳасини тайёрлаб, октябрнинг бошида тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига жўнатади. Вазирлар Маҳкамаси бюджет лойиҳасини кўриб чиқади ва тахминан бир ой ичида ўзгартишлар киритади. Шундай сўнг якуний лойиҳа Парламентда кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Парламент қўмиталари тақдим этилган бюджетларни муҳокама қилиб, уларни тасдиқлаш учун яна Парламентга қайтаради. Парламент умумий республика бюджетини ҳар йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тасдиқлайди.

Бундан ташқари янги барпо этилган таълим муассасалари сонининг кўплиги ва уларни таъминлаш учун қўшимча маблағ талаб этилаётгани ҳам вазиятни янада қийинлаштирмоқда. Ҳукуматнинг янги капитал қурилиш ва янги таълим муассасаларини усқуналар билан жиҳозлаш, педагог ходимлар иш ҳақини ошириш, таълим эҳтиёжларини қондириш вазифаларни бир пайтнинг ўзида ҳал этиши осон эмас.

2009 йилдан сўнг бу борадаги аҳвол яхшиланиши кутилмоқда. Қабул қилинган дастурларга мувофиқ бу даврга келиб, ўқув юртларини капитал қуриш ва реконструкция қилиш вазифалари тўлиқ бажарилади ва бюджетда бўшаган маблағларни таълим муассасаларини таъминлаш билан боғлиқ вазиятни яхшилашга йўналтириш мумкин.

Бироқ айни пайтда таълим муассасаларини жорий таъминлашни молиялашнинг мутлақо янги тизимини шакллантириш учун такомиллаштирилган услубий базани ташкил этиш керак. Бугунги кунда таълимни бюджет ҳисобидан молиялаш «марказ» томонидан шакллантирилмоқда. Бу эса маблағларнинг ўқув юртлари ўртасида самарасиз тақсимланишига сабаб бўлмоқда.

Умумтаълим сектори харажатларининг тахминан 65 фоизи туман/шаҳар бюджетидан, 22 фоизи вилоят бюджети ва бор-йўғи 13 фоизи бевосита республика бюджетидан қопланади. Аини пайтда таълим соҳаси асосан фаолияти маҳаллий солиқларни йиғиш имкониятига боғлиқ бўлган номарказлаштирилган туман ва шаҳарлар бюджетидан молияланиши сабабли ҳудудий молиялашнинг номутаносиблиги билан боғлиқ жиддий муаммо юзага келади.³² Бу эса, ўз навбатида, турли туман ва вилоятларда таълим сифатига маълум даражада таъсир кўрсатади. Маҳаллий маъмуриятнинг мактабгача ва бошланғич мактаб муассасаларини молиялаш ҳамда бошқариш билан боғлиқ жавобгарлиги маблағ ажратишга оид номувофиқ молиявий операциялар туфайли жиддий чекланмоқда.

Таълимни хусусий молиялаш. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида таълимни молиялаш манбаларини табақалаштиришга оид чоралар кўрилди. Чунончи, таълим муассасалари бюджет даромадларини бюджетдан ташқари тушумлар — ота-оналар, айрим шахслар, маҳаллий ҳамжамиятлар, бошқа ҳомийлар бадаллари, фойдаланилмаётган бинолар, ускуналарни ижарага бериш, ўқув дастурларидан ташқари курсларни ўтказишдан тушадиган ва бошқа даромадлар ҳисобидан тўлдирмоқда. Барча олий ўқув юрларида давлат грантларига эга бўлиш учун кириш тест синовларида етарлича балл тўплай олмаган талабаларни тўлов-шартнома асосида қабул қилиш шакли жорий этилган. 2000–2004 йилларда таълимга бюджетдан ташқари харажатларнинг ўртача миқдори йилига ялпи ички маҳсулотга нисбатан тахминан 2 фоизни ташкил қилди.

Республиканинг таълим масалалари билан шуғулланадиган вазирликлари расмий бадаллар учун бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этди. Дастлаб уларга қайд этилган жамғармалардан бюджет ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш, ахборот технологиялари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ва ходимларни имтиёз бериш орқали рағбатлантириш учун фойдаланишга рухсат этилган эди. Жамғармалардан фойдаланишда чекловлар жорий қилишдан ташқари 2003 йилгача мамлакатда бюджетдан ташқари молиялаш тизими қатъий бошқарилмас эди, Вазирликлар ўз ихтиёрига кўра, бюджетдан ташқари жамғармалардан фойдаланиш ва бошқариш тўғрисида батафсил ҳисобот бермасдан, уларни жалб қилиши ва фойдаланиши мумкин эди. 2004 йилдан бошлаб, барча ҳукумат органлари, жумладан, таълим вазирликлари бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича Молия вазирлигига ҳисобот беради. Бюджетдан ташқари маблағлардан қатъий белгиланган йўналишда фойдаланиш шарт: моддий-техника базани янада яхшилаш, ходимларни рағбатлантириш ва коммунал хизматлар қийматини қоплаш учун. Шунингдек, улар Молия вазирлигига бюджетдан ташқари жамғармалар молиявий ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш масалалари бўйича ҳар чоракда ҳисобот бериши керак. Жамғарма маблағларидан мақсадсиз сарфланган ҳолатлар аниқланганда эса, улар зудлик билан давлат бюджетига ўтказилади.

Мактабларга ҳам қўшимча даромад олиш мақсадида бир қанча фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат этилган. Мактаб маълумотлар базасининг жорий натижалари бундай фаолият умумий ўрта таълим тизимига йилига 3 мил-

32 Ўзбекистонда маблағ тўплаш натижалари асосларидан бири солиқларни самарали йиғиш имкониятидир. Бундай имконият собиқ иттифоқнинг фақат бир неча республикасида мавжуд. Г.А.Корниа ва Т.Маккинли. 2004 йил. Ўзбекистонда кейинги ўн йилликда камбағалик кўламининг ортиши ва камайиши. БМТРД — 13-бет

лиард сўм даромад келтириши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради (2005 йилги нархларда). Турли туманларда мактаблар томонидан олинган даромаддан қандай фойдаланиш мумкинлигига нисбатан турли кўрсатмаларга амал қилинади. Кўпгина мактаблар ишлаб топган маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Бошқа ҳолларда маҳаллий туман ҳокимликлари ишлаб топилган даромаддан маҳаллий таълим хизматларини қўллаб-қувватлаш учун фоиз ажратишни талаб қилиши мумкин. Мактабларга ўз банк ҳисоб-рақамидан нақд пул билан тўлашга рухсат этилмаган. Назорат қилиш ва ҳисобдорлик учун барча пул маблағларидан чек ёки банк трансфертлари орқали фойдаланиш зарур.

Таълимни молиялаш тизимидаги тенденциялар ва муаммоларнинг якуний баҳоси. Ўтиш даври иқтисодиёти ва иқтисодий қийинчиликлар таъсири билан боғлиқ муаммолар таълим соҳасида айниқса 2000 йилгача бўлган даврда тақсимланган ресурсларнинг реал қийматининг анча камайишига сабаб бўлди:

- 1999 йилгача таълимга капитал инвестицияларни сарфлаш учун давлат харажатлари кескин камайиб кетди;
 - 2001 йилгача таълимга жорий давлат харажатларининг умумий реал қиймати камайди (вазиятнинг яхшиланиши туфайли кейинги 5 йилда аввалги даражасига эришилди);
 - ўқитувчилар ва техник ходимлар иш ҳақи учун бошқа жорий харажатлар зарарига йўналтириладиган жорий бюджет улуши анча кўпайди ва умумий тақсимланган бюджет маблағларига нисбатан фоиз ҳисобида унинг даражаси юқориликка қолмоқда. Бироқ бунда педагоглар иш ҳақи даражаси бошқа давлат тармоқларига қараганда ҳамон паст;
 - ўқув-услубий материалларни яратиш ва сарфланадиган материаллар харид қилиш учун маблағлар камайтирилди ва у пастликка қолмоқда;
 - операция харажатлари, жумладан, сарфланадиган материаллар харид қилиш учун маблағлар, шунингдек, фойдаланиш харажатлари анча камайтирилди;
 - ходимлар ва ўқитувчиларни ўқитиш харажатлари камайтирилди;
- Давлатнинг таълим харажатлари билан боғлиқ асосий муаммолари қуйидагилар:
- a) мавжуд ресурслардан самарасиз фойдаланиш (масалан, ўқувчи/ўқитувчи ўртасидаги сон нисбати коэффицентининг пастлиги, синфнинг ўртача тўлиши, ўқитувчиларга тушадиган реал оғирлик даражасининг пастлиги, ўқитиш жараёнида иш билан банд бўлмаган техник ходимларнинг ортиқчалиги, эскирган инфратузилма ва ускуналардан экстенсив фойдаланиш ва ҳоказолар);
 - b) молиялаш борасида ва таълимдан фойдаланиш соҳасида ҳудудий тенгсизлик даражасининг ошиши, бу айниқса кам таъминланган қишлоқ оилаларига салбий таъсир кўрсатмоқда;
 - c) таълим хизматлари, айниқса, ўрта махсус таълимда сифатининг ёмонлашуви;
 - d) таълим маҳсулотларининг бозор иқтисодиёти талабларига номувофиқлиги;
 - e) ота-оналарнинг таълим борасидаги қўшимча чиқимларининг кўпайиши.

Таълим учун ажратилаётган ялпи ички маҳсулот улуши катталиги сабабли янада кўпроқ маблағ сарфлаш учун имконият қолмаяпти.

Бундан ташқари ҳукумат томонидан сўнгги йилларда қўрилаётган чоралар туфайли таълим соҳасининг сарф-харажатлари кейинги 5 йилда реал ва номинал ҳисобда кўпайди. Ҳукумат таълимга нисбатан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажараётгани ушбу соҳага инвестиция сарфлаш даражаси юқори эканидан яққол далолат беради.

Бироқ таълим соҳасида жорий харажатларни мунтазам кўпайтириш борасидаги эҳтиёж ушбу соҳанинг узоқ муддат молиявий барқарорлиги учун жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. Энг самарали вариант — ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг юқори даражасига эришишдир.

Ўрта таълим соҳасини тезкор молиялашга босим ўтказишнинг давом этаётгани асосий фаолият турларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ота-оналар чиқимининг кўпайишига олиб келади. Ушбу чиқимларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши таъминланган ва кам таъминланган оилалар ўртасидаги фарқни янада кучайтиради ҳамда кам таъминланган оилаларнинг таълим босқичларидан фойдаланишини қийинлаштиради. Жорий бюджетни тақсимлаш соҳасидаги таълим сиёсати сарф-харажатлар тоифалари ўртасидаги биринчи галдаги эҳтиёжларни мутаносиблаштириш учун қайта кўриб чиқилиши даркор.

Ўрта таълимнинг маблағ билан мунтазам таъминланишга эҳтиёжи бор. Бу эса мактаб биноларининг ёмонлашувига, ўқув-услубий материаллар билан бир хил таъминланмаслик, асосий лаборатория ускуналари ва ахборот технологияларининг етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Гарчи ўрта таълим муассасалари таълим соҳасига нисбатан энг катта бюджет маблағлари билан таъминланаётганига қарамай, бу аҳоли жон бошига ҳисоб-китоб қилинганда унчалик катта миқдорни ташкил қилмайди. Эҳтимол, молиявий ресурсларни марказий ҳукуматда бирлаштиришга асосланган жон бошига қараб молиялаш ушбу соҳадаги молиявий муаммони ҳал этиши мумкин.

Таълим соҳасидаги ҳисобдорлик мавжуд ресурслардан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш ва турли кичик таълим соҳаларининг самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди. Таълимни молиялаш тизими йирик таълим дастурларини амалга ошириш, ускуналарни алмаштириш ва бошланғич ҳамда ўрта мактабларни жиҳозлаш учун харажатларни қоплаш мақсадида қўшимча маблағ сарфлаш учун етарлича ресурс ажратмайди. 2009 йилдан сўнг мактаблардан узоқ вақт ва жорий фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, Мактаб таълими жамғармасининг келажаги ҳақида жиддий фикр юритиш ҳамда самарали қарорлар қабул қилишни талаб этади. Бу борада жорий харажатлар ва ускуналарни алмаштириш харажатларини барқарор молиялаш тизimini яратиш, уни 2009 йилгача Мактаб таълими жамғармасидан молиялашдан доимий молиялаш тизимига самарали ўтишни таъминлаш мақсадида синаб кўриш зарур.

3.3.3. Таълим секторига кўрсатилган ташқи ёрдамнинг шарҳи

Ўзбекистон таълим секторини молиялаштиришда бюджет ва хусусий манбалар билан бир қаторда молия институтлари, хорижий, халқаро донорлар томонидан кўрсатилаётган ташқи ёрдам аҳамиятли ўрин эгаллайди. 2000 йилдан 2007 йилнинг июл ойига қадар ушбу ёрдам доирасида умумий улушининг ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 122 лойиҳа тадбиқ этилди.

Молиялаштириш тури бўйича кўриб чиқилаётган вақт давомида Ўзбекистон таълим соҳасининг ривожланишига ажратилган умумий миқдорнинг 9/10дан ортиқ қисмини займ (қарз), 9 % ни эса грантлар ташкил қилди (диаграмма 3,2).

Донорлар орасида асосий ўринни кўп томонлама донорлар эгаллайди, кўрсатилган муддат ичида уларнинг ёрдами 952,0 миллион доллар ёки республика таълим соҳасига ташқи ёрдамнинг умумий миқдоридан 91,2%ни ташкил

Диаграмма 3.2.

Таълим секторига молиялаштириш тури бўйича 2000–2007 йиллар давомида кўрсатилган ташқи ёрдам, АҚШ долларида





Диаграмма 3.3.

Таълим секторига донорлар тури бўйича 2000–2007 йиллар давомида кўрсатилган ташқи ёрдам, АҚШ долларида



қилди. 87,0 миллион доллар ёки умумий кўрсаткичнинг 8,4%и икки томонлама ташкилотлар томонидан, 4,1 миллион доллар (0,4%) эса нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан таъминланди.

Ўзбекистонга берилаётган ташқи ёрдам Мингйиллик ривожланиш мақсадлари миқёсида кўриладиган бўлса 2-сонли Мақсад «Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш»ни амалга ошириш учун 280,6 миллион доллар ёки ташқи ёрдамнинг умумий миқдоридан 26,8% қисми тўғри келади. Ушбу рақам қолган барча мақсадларни амалга ошириш учун ажратилган маблағдан бир неча марта каттадир (жадвал 3.22).

Ташқи ёрдамни кичик секторлар бўйлаб тақсимланиши 3.23 жадвалда акс эттирилган.

Кўриб чиқилаётган вақт давомида Ўзбекистон таълим соҳасига берилган ташқи ёрдам йигирмадан ортиқ ташкилот томонидан таъминланган. Энг катта донор Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки бўлиб, унинг ташқи ёрдамдаги улуши умумий миқдорнинг 61,6 фоизини ташкил қилади. Кейинги ўринда Осиё тараққиёт банки (25,3%), ундан кейин Япония ҳукумати (3,2%), Ҳиндистон ҳукумати (2,1%), БМТ Болалар жамғармаси (1,6%), KFW банк гуруҳи, Европа комиссияси дастури (TEMPUS) ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (бу донорларнинг ҳар бирининг ривожланишга қўшган хиссаси 1%дан ортиқ). Мазкур маърузанинг 2-иловасида Ўзбекистонда фаолият юритиб, таълим секторини қўллаб-қувватлаётган ташкилотларнинг тўлиқ рўйхати тақдим қилинган.

3.22-жадвал.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари миқёсида Ўзбекистонга берилаётган ташқи ёрдамнинг тузилмаси

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари	Миқдор	% да
8 та МРМдан ташқари	749 261 494	71,748%
МРМ № 2 — Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш	279 953 000	26,808%
МРМ № 8 — Ўзбекистон ва ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорлик	8 988 300	0,861%
МРМ № 1 — Кам таъминланганликни ва қониқарсиз озиқланишни қисқартириш	5 007 332	0,479%
МРМ № 7 — Экологик барқарорликни таъминлаш	957 065	0,092%
МРМ № 3 - Аёллар ва эркеклар тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш	74 312	0,007%
МРМ № 6 - ОИВ/ОИТС, сил касаллиги ва безгакка қарши кураш	50 000	0,005%
Жаъми:	1 043 061 503	100,000%

3.23-жадвал.

Ташқи ёрдамни кичик секторлар бўйлаб тақсимланиши

Кичик секторлар	АҚШ доллари	қисми, %
Таълим сектори стратегиясини ишлаб чиқиш, режалаштириш	111 214 000	10,65%
Мактабгача ва бошланғич таълим	15 033 000	1,44%
Ўрта мактаб таълими	764 772 300	73,23%
Олий таълим	43 738 551	4,19%
Касбий, раҳбарлик кўникмаларини ошириш ва махсус техник таълим	106 499 443	10,20%
Норасмий таълим (катта ёшли аҳолини ўқитишни қўшган ҳолда)	3 034 209	0,29%
Жаъми:	1 043 061 503	100,00%

ТАЪЛИМ — ИНСОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

4.1. ТАЪЛИМГА ОИД ТАЛАБЛАРНИ АНИҚЛАШ

Ўтиш даврида Ўзбекистон ҳам бошқа кўплаб давлатлар сингари мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасида жиддий муаммоларга дуч келди. Мамлакат ўтган даврларда эришилган ижобий натижаларни йўқотмаслик ва айти пайтда ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларни ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриши зарур эди.

1996 йили Ўзбекистон ҳукумати МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб таълим соҳасида изчил ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Ушбу ислоҳотлар асоси аҳолига узлуксиз таълим беришнинг янги концепцияси, таълимни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратиш орқали меҳнат бозори эҳтиёжларига имкон қадар мослаш, умумий 12 йиллик бепул ўрта таълим тизимини сақлаб қолишдан иборат эди.

ЮНЕСКО Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1997–2006 йилларда Ўзбекистон таълим тизими учун йилига ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 9–10 фоизи ва давлат бюджети харажатларининг 23–29 фоизини сарфлади. Мамлакат амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 2007 йил бошида қуйидагиларга эришди:

- тегишли ёшдаги болаларни 100 фоиз қамраб оладиган **умумий 9 йиллик бепул мактаб таълимининг мустаҳкам тизими шаклланди.** Бу тизимда 9,8 мингта мактаб фаолият кўрсатади, уларда 5707 минг нафар ўқувчи таҳсил олади ва 451 минг нафар ўқитувчи меҳнат қилади. 1997–2006 йилларда 881 янги мактаб қурилди, 670 мактаб капитал реконструкция қилинди, 968 мактаб капитал таъмирланди. 2005–2006 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш давомида 39,6 минг ўқувчига мўлжалланган 117 мактаб барпо этилди;
- 2007–2009 йилларда эса 68 минг ўқувчига мўлжалланган 185 мактаб қурилади, 563 минг ўқувчи ўрнига эга 1639 мактаб капитал реконструкция қилинади, 2371 мактаб капитал, 1229 мактаб жорий таъмирланади. 6,2 мингта мактаб компьютер техникаси, 4,8 мингта мактаб спорт инвентарлари билан жиҳозланади, умумтаълим мактаблари учун 56,3 миллион нусхада дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилади;
- **уч йиллик умумий бепул ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими шаклланди.** Ушбу тизимда 624,2 минг ўқувчига мўлжалланган замон талаблари даражасида жиҳозланган 1052 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ишлаб турибди, уларда 1075 минг нафар бола ўқимоқда, 67330 нафар ўқитувчи ва 8231

нафар ишлаб чиқариш таълими устаси меҳнат қилмоқда. 2007–2009 йилларда 380 минг ўқувчига мўлжалланган 591 янги касб-хунар коллежи ва 60 академик лицей барпо этилади. 2009 йилда умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими учун моддий-техника базани ташкил этиш дастури тўлиқ яқунланади;

- 62 олий ўқув юртини ўз ичига олган олий таълим тизими барпо этилди. Уларнинг 20 таси университет. Олий ўқув юртлари ҳар йили танлов асосида (тест) ўртача 64 минг кишини қабул қилади. 2006–2007 ўқув йилида таълим олаётган талабалар сони 286,3 минг кишини ташкил қилди. Олий ўқув юртларида 23,4 минг нафар ўқитувчи ишлайди, уларнинг 30 фоизи фан номзоди, 6,5 фоизи фан доктори илмий даражасига эга;
- **олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими**, жумладан, магистратура, аспирантура ва докторантура қарор топди. Ушбу тизимда ўқиётганларнинг умумий сони 2006 йилда 2,2 минг кишини ташкил этди;
- **ҳар йили таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар сони ортмоқда.** Бу эса мамлакатда аҳоли саводхонлиги ва билим даражаси юқорилигини таъминлайди;
- мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари учун **дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш тизими шаклланди**, шунингдек, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш учун нашриёт базаси қарор топди;
- ўқув юртларини мебель, лаборатория ускуналари, касб-хунар-ишлаб чиқариш таълимига оид кўплаб асбоб-ускуналар турларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни жиҳозлаш учун **ишлаб чиқариш базаси шаклланди.**

4.1-киритма.

Сеулдаги политехника коллежи профессори Пак Хваннинг таълим соҳасидаги ислохотларга берган баҳоси

«Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва ҳар томонлама ўрганса арзийдиган объектга айланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз моҳиятига кўра, илғор таълим тизими принципи — таълим бир умрга — принципини амалга оширган ҳолда узлуксиз таълимнинг барча босқичларини қамраб олган. Бизнингча, дастурнинг умумий ғояси шундан иборатки, у янги асрда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сифатли бозорнинг асосий омили бўлади».

Манба: Янги давр ва янгича билим олиш. Миллий таълим модели: ўн йиллик изланиш ва натижалар. «Правда Востока», 2007 йил 29 май.

Шу билан бирга, Ўзбекистон олдида ҳали таълим соҳасидаги ислохотларни тўла амалга ошириш билан боғлиқ жиддий ишлар турибди.

4.1.1. Таълимга иқтисодий томонидан қўйиладиган талаблар

Маърузанинг аввалги бобларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳоли билим даражаси ва сифатига мутлақо янги талабларни қўяётгани таъкидлаб ўтилди.

Бугун иқтисодий таълим таркибий туб ўзгаришлар меҳнат бозорига нафақат яхши билимга эга ва малакали кадрлар, балки замонавий саноат ишлаб чиқаришида ишлаш учун тайёрланган одамлар кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бироқ яқин йиллар ичида Ўзбекистон «ривожланиш кетидан» қуваётган мамлакат сифатида эмас, балки инновация, илмий ва техника ютуқлари соҳасида юқори даражали қўшимча қийматни яратиш қобилиятига эга мамлакат сифатида ривожланиши учун шунинг ўзи кифоя қилмайди.

«Иқтисод фанлари» бўлишга даъвогарлик қилаётган иқтисодиётнинг таълим тизимига қўядиган асосий талаблари қуйидагича тузилиши мумкин: таълим тизими мамлакатни:

- а) инновация туридаги илмий-техника кашфиётларини юзага келтира оладиган;
- б) янгиликларни янада такомиллаштириш, билиш ва жорий этишга қодир билими юқори ва мунтазам қайта ишлаб чиқара оладиган муҳандис-техник ва илмий ходимлар билан;
- в) замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни бошқаришга қодир юқори малакали менежерлар билан;
- г) замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш қобилиятига эга юқори малакали ишчилар билан таъминлаши зарур.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун таълим соҳасидаги ислохотлар ва такомиллаштириш жараёнлари келгусида қуйидагиларга қаратилиши керак:

1) **Мактаблар ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида математика, физика, кимё, биология каби табиий-илмий фанларни ўқитишни анча кучайтириш.**

Шу мақсадда:

- қайд этилган фанлар бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириш тизимини яратиш;
 - мамлакатнинг энг яхши педагоглари томонидан ушбу фанларни ўқитиш бўйича тажриба алмашиш тизимини ривожлантириш;
 - қайд этилган фанлар бўйича тўғарақлар тизимини жорий этиш, мактабдан ташқари ўқишда иқтидорли ўқувчилар фойдаланиши учун шу фанларга оид қўшимча ўқув қўлланмаларини яратиш зарур.
- 2) **Таълимни иқтисодиёт ва илмий-техника тараққиётининг замонавий йўналишлари талаб қилган мутахассисларни тайёрлашга кўпроқ қаратиш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий фанларни ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш.**

Ўтказилган сўровларга кўра, мактабларни битирувчиларнинг атиги 14,2 фоизи муҳандис мутахассислиги бўйича ўқишга киришни истайди. Айни пайтда айнан шу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш мамлакатнинг келажақдаги технологик тараққиётини белгилайди.

Математика, физика, кимё, биология бўйича дарсликлар яна бир марта қайта кўриб чиқилиши лозим. Бундан кўзланган мақсад ушбу фанлар бўйича нафақат назарий билим беришни таъминлаш, балки шу йўналишдаги таълимнинг иқтисодиёт ва амалий ҳаётнинг реал эҳтиёжларини акс эттирувчи вазифалар ҳамда мисоллар тизими орқали амалий хусусиятга эга бўлишидир.

- 3) **Табиий-илмий фанлар соҳасида энг иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва махсус ўқитиш тизимини ташкил этиш.** Ушбу мақсадда табиий-илмий фанлар яхши ўқитиладиган мактабларга эга шаҳарларда ушбу фанлар бўйича ихтисослашган академик лицейларни ташкил этиш ва уларга яшаш жойидан қатъи назар иқтидорли ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш. Танлов ёзма равишда текширув ишлари шаклида ўтказилиши керак. Табиий-илмий фанлар бўйича

вилоят ва республика мактаб олимпиадалари ғолиб ҳамда совриндорлари танловсиз қабул қилиниши лозим. Бундай ўқувчиларга ётоқхоналарда бепул яшаши учун шароит яратиш ҳамда стипендия ажратиш керак. Бундай лицейларда энг малакали ўқитувчилар, жумладан, етакчи олий ўқув юртлари ўқитувчилари дарс бериши лозим. Ўқитувчилар меҳнатига уларнинг ўқувчиларининг ютуқларига қараб, ҳақ тўланишини рағбатлантирувчи тизими жорий этилиши лозим.

- 4) **Йирик саноат корхоналари ва компанияларининг** (автомобиль, нефть, газ, кимё, нефть-кимё ва нефть-газ саноати, электр энергетикаси, металлургия, авиасозлик ва ҳоказо) **ўз эҳтиёжлари учун мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш тизимини кенгайтириш.** Бундай коллежлар учун махсус дастурлар ва дарсликлар яратиш. Ўқишни соҳа корхоналарида ҳақ тўланадиган амалиёт билан уйғунлаштириш. Битирувчиларни ўқишни тугатганидан сўнг тармоқларнинг шу йўналишдаги корхоналарида ишга жойлаштириш.
- 5) **Йирик саноат корхоналарига тажриба ўташ мақсадида ишга қабул қилинган талабалар учун олий ўқув юртларида муҳандислик мутахассислиги бўйича ўқишнинг охириги босқичида сиртқи ва кундузги ўқиш тизимини ташкил этиш.** Саноат корхонасида камида беш йил ишлаган ва муҳандислик қобилиятини намоён этган амалиётчилар учун олий ўқув юртларида сиртқи ва кундузги ўқиш тизимини жорий этиш керак.
- 6) **Мамлакатда етакчи хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларининг табиий-илмий ва муҳандислик фанлари бўйича филиалларини ташкил этиш амалиётини кенгайтириш.**
- 7) **Йирик саноат корхоналари ҳузурида конструкторлик ва тажриба-конструкторлик бюроси (КБ ва ТКБ) тизимини қайта ташкил этиш,** уларнинг фаолиятига олий ўқув юртларининг энг истеъдодли талабаларини жалб қилиш. Саноат корхоналарининг КБ ва ТКБ ташкил этиш ҳамда уларнинг ишларига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларини солиқдан озод этиш.
- 8) **Ишлаётган фуқаролар учун узлуксиз таълим ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш.** Малака ошириш бўйича алоҳида институтлар мавжуд бўлишига қарамай, ҳар бир корхонанинг барча даражадаги ходимларининг эгаллаган лавозими ва корхона мулкчилиги шаклидан қатъи назар, уларнинг малакасини мунтазам оширишни таъминлайдиган яхлит тизим ҳозирча ташкил этилгани йўқ.
Шу мақсадда хусусий бизнес-мактаблар, турли ўқитиш ва қайта ўқитиш марказларини ташкил этиш жараёнларини либераллаштириш ҳамда шу тариқа кенг фойдаланса бўладиган ва рақобатлаша оладиган таълим тизимини яратиш зарур. Ташкил этилаётган хусусий бизнес-мактаблар, мутахассисларни ўқитиш ва қайта ўқитиш бўйича турли марказларга солиқ имтиёзларини бериш, уларни бу каби таълим муассасалари фаолиятининг сон ва сифат кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш.
- 9) **Олий таълимнинг мутлақо янги тизимини ташкил этиш.** Олий таълим фаолияти натижаларига алоҳида ҳақ тўлаш, ҳақ тўлашни педагогик фаолият билан боғламаслик. Олий таълим ишига талабалар, магистрантлар, аспирантлар ва докторантларни кенг жалб қилиш. Олий таълим фаолияти натижаларидан олинадиган даромадни барча солиқ турларидан озод этиш.
- 10) **Таълим олаётган барча фуқароларнинг билимни оширишга хизмат қиладиган ахборот ва илмий ресурслардан кенг фойдаланишини таъ-**

минлаш. Шу мақсадда хорижий тилларга, биринчи навбатда, асосий ўқув ва илмий-техника адабиёти чоп этиладиган инглиз ва рус тилларига ўқитишни кенгайтириш ҳамда яхшиланиш. Кутубхона марказларининг энг илғор ўқув ва илмий-техника адабиётини, жумладан, «Интернет» тармоғида мавжуд пулли ресурсларни харид қилишини таъминлаш.

4.1.2. Жамият ва фуқаролар томонидан қўйиладиган талаблар

Жамият юқори билимга эга ва ҳар томонлама ривожланган одамларга эҳтиёж сезади. Ўзбекистонда умумий бепул ўрта таълимдан фойдаланиш таъминланган ва бу жамият ҳар бир аъзосининг юқори даражали билимга эга бўлиши ҳамда ривожланиши учун яхши шароит яратади.

Умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимидан юқори даражада фойдаланиш таъминланганига қарамай, жамият ўз олдига қўядиган энг муҳим вазифа — **аҳолининг таълимдан фойдаланишини янада кенгайтиришдир:**

1) **Аҳолининг ночор қатламлари учун — эҳтиёжмандликнинг олдини олиш чораси сифатида.** Гарчи мамлакатда умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тўғрисида қонун мавжуд бўлишига қарамай, ночор оилалар, айниқса, кўп болали оилалар фарзандларини мактабга юбориши, уларни дарсликлар ва ўқув анжомлари, мактаб кийими ва пойабзал, спорт кийими ҳамда меҳнат дарслари учун махсус кийим билан тўлиқ таъминлаши қийин.

Мамлакат ҳукумати 1996 йилдан буён кам таъминланган оилалар фарзандларини мактаб кийими ва пойабзал, биринчи синф ўқувчиларини ўқув анжомлари ва портфель билан бепул таъминлаш бўйича дастурни амалга оширишни давом эттирмоқда. Бунга қўшимча равишда мактаб кутубхоналаридан дарсликларни ижарага бериш дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Бироқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган болалар учун бундай дастурлар йўқ. Бу борада айниқса кам таъминланган оилалар учун қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу оилалар фарзандлари касб-ҳунар коллежи ёки лицейда ўқиши учун бошқа аҳоли пунктига бориши ва ётоқхонада яшашига тўғри келмоқда. Бунда ҳолат ўқиётган болаларнинг транспортда қатнаши, шунингдек, овқатланиши учун қўшимча харажатларни талаб қилади.

Касб-ҳунар ўқув юртларидан (мактаблар, коллеж ва лицейлар) **олида жойлашган кам таъминланган оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш учун** қўйидагилар таклиф этилади:

- 2009 йилда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун катта миқдорда маблағ сарфлаш ниҳоясига етгач, барча мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни болаларни ўқув юртига ва уйига олиб бориш учун ўқувчилар автобуслари билан босқичма-босқич таъминлаш;
- қишлоқ жойларида ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари сонини кўпайтириш;
- мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда ўқиётган барча болаларга компьютер хизматларидан бепул фойдаланишни таъминлаш;
- кам таъминланган оилаларнинг яхши ўқиётган фарзандларига дарсликлар, ўқув материаллари ва спорт кийимларини сотиб олиши учун ҳомийлар стипендиялари тизимини жорий этиш;
- касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда ўқиётган болаларга ёзги таътил пайтида танлаган соҳаси бўйича корхоналарда ҳақ тўланадиган меҳнат

стажировкасини ўташ имконини берадиган тизимни ташкил этиш. Бундай болаларга тўланадиган иш ҳақи учун йўналтириладиган маблағларни барча турдаги солиқлар, жумладан, ижтимоий ва даромад солиғидан озод этилиши керак.

Фарзандлари олий ўқув юртига кирадиган кам таъминланган оилалар муаммоларини ҳал этиш учун:

- кам таъминланган оилаларнинг таҳсил олаётган фарзандлари учун талабалар ошхоналарида бепул овқатланиш талонларини жорий этиш. Талабалар ошхоналарининг барча турдаги солиқлардан озод этишдан тушган маблағларини шу мақсадларга йўналтириш. Талабаларга бундай талонларни талабалар қўмиталари қарорларига биноан ажратиш;
- олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ёзги таътил пайтида танланган соҳаси бўйича корхоналарда ҳақ тўланадиган стажировкани ўташ имконини берадиган тизимни ташкил этиш. Бундай талабаларга тўланадиган иш ҳақи учун йўналтириладиган маблағларни барча турдаги солиқлар, жумладан, ижтимоий ва даромад солиғидан озод этиш керак.
- корхоналар ва бошқа ҳомийлар томонидан шартнома асосида ўқиётган энг иқтидорли талабаларга ўқув грантларини тақдим этиш тизимини кенгайтириш. Бундай корхона ва жамоат ташкилотлари учун имтиёзлар ва ижтимоий-моддий рағбатлар тизимини жорий этиш;
- талабаларни олий ўқув юртларининг ҳақ тўланадиган илмий тадқиқотлари ва тадқиқот лойиҳаларига кенг жалб қилиш;
- олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган оилалар талабалари учун кутубхоналар ва бошқа ёрдамчи ишларда ярим кунлик иш билан банд бўлиш имконини берадиган тизимни ташкил этиш.

2) **Йигит-қизлар учун — гендер тенгсизликка барҳам бериш чораси сифатида.** Ўзбекистонда қизларни ўқув юртларига қабул қилиш чоғида ҳеч қандай қонуний ёки ижтимоий камситиш йўқ. Бироқ кўпинча ота-оналар қизларининг олий ўқув юртида ўқишга киришига ёрдам бермайди, баъзилар эса монелик қилади. Бу қизлар маҳаллий урф-одат ва менталитетга кўра, йигитларга нисбатан эрта турмушга узатилиши билан боғлиқ. Қизларнинг турмушга узатиладиган пайти кўпинча уларнинг олий ўқув юртига кириб, ўқийдиган ёшига тўғри келади. Агарда қизлар олий ўқув юртига шартнома асосида кирадиган бўлса, бу унинг ўқишига тўсқинлик қилади. Ота-оналар қизларининг турмушга чиқиб кетиши сабабли бунга унчалик розилик бермайди. Аксинча, ўғилларининг билим олиши учун маблағ топиб беришга ҳаракат қилади.

Аксарият ота-оналар қизларининг ётоқхоналарда яшаб, қийинчиликларга дуч келишидан хавотирланиб, уйдан узоққа ўқишга юборишни истамайди. Кўпчилик ота-она эса оиладаги юмушлар ва болаларга қараш — хотин-қизларнинг иши, шу боис фарзандларни тарбиялаш ва рўзғор ишларини юриштиш учун умумий ўрта маълумотга эга бўлиш ҳам кифоя деб ҳисоблайди.

Жамиятда ушбу тўсиқларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- қизларнинг ўқишни давом эттириш имкониятларини кенгайтиришни тарғиб қилишга йўналтирилган кенг қамровли тарбиявий ишларни амалга ошириш. «Камолот» каби ижтимоий ташкилотлар доирасида «қизларнинг олий маълумотга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш» мавзусидаги махсус дастурни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир;

- грант асосида ўқиш учун етарли бўлмаган, бироқ юқори балл тўплаган қизларни олий ўқув юртларига қабул қилиш учун олий ўқув юртларига ажратилган грантлар умумий сонининг 5–10 фоизи миқдориди махсус қўшимча давлат грантларини ажратиш;
- грант асосида ўқиш учун зарур балл тўплай олмаган, бироқ энг юқори баллнинг 40 фоизини тўплаган барча қизларни шартнома асосида олий ўқув юртига қабул қилишга рухсат этиш;
- олий ўқув юртларида таълим олаётган ва икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган ёш аёлларга ўқиш ҳамда имтиҳонларни топшириш учун қулай жадвал ёки аёлнинг аризаси бўйича автоматик тарзда қайта тиклаш шарти билан академик таътил бериш.

3) **Мактаб ёшидаги болалар учун — мактабга тайёрлаш ва жамоага ижтимоий мослашув чораси сифатида.** Мамлакатда мактабгача болалар таълим муассасалари сони анча камайиб кетди. Кўпгина ҳолларда бунга ушбу муассасаларга болаларнинг кам қатнаши, уларда тарбияланиши учун тўловларнинг юқорилиги, оналарга уй шароитида болаларига қараши учун рағбатлар жорий этилиши сабаб бўлди. Аммо мактабда ўқишга тайёрлаш учун мактабгача таълим жуда муҳимдир. Муаммони фақат 5–6 ёшдаги болалар куннинг биринчи ярмида мактабга бепул тайёрланадиган унчалик катта бўлмаган мактабгача муассасаларни ташкил этиш ёрдамида ҳал этиш мумкин. Бу бундай муассасаларда болаларни тарбиялаш учун давлат харажатларини анча камайтириш ва уларга болаларнинг қатнашини ошириш имконини беради. Бунинг натижасида болаларни мактабда ўқишга оммавий тайёрлаш учун шароит яратилади.

4) **Ишлаётган фуқаролар учун — уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш чораси сифатида.**

Шу мақсадда қуйидагилар таклиф этилади:

- ҳар бир йирик корхонага ўз ходимларининг ўқиши учун харажатларнинг 2–5 фоизини мажбурий тартибда йўналтириш ва ушбу харажатларни солиқ солинадиган базадан чиқариш;
- бизнес-мактаблар ва ходимлар малакасини ошириш марказларини, жумладан олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ҳузурида ташкил этиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш жараёнларини эркинлаштириш.

Таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда бугунги кунда жамиятни яна бир муҳим масала — **таълим сифати муаммоси ҳам** ташвишга солмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан 2006 йилда ўтказилган ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, мактабларни битирувчиларнинг 57,1 фоизи мактабда олган билимини олий ўқув юртига кириш учун етарли эмас, деб ҳисоблайди.³³ Сўровда қатнашганларнинг 60,9 фоизи олий ўқув юртига тайёрланиш учун репетиторлардан ёрдам сўрашини аниқ билади, яна 18,6 фоизи бундай ёрдам сўраши мумкинлигини айтган. Яъни, мактабни битиргач, олий ўқув юртига киришга қарор қилган битирувчиларнинг 80 фоизи мактаб келгусида ўқишни давом эттириш учун етарлича билим бермади, деб ҳисоблайди.

Аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров шундан дарак берадики, Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида сўралганларнинг фақат ярмигина

33 «Битирувчи-2006» сўрови

таълим муассасалари ишидан қониқишини билдирган, қолган вилоятларда бу кўрсаткич жуда паст, Сирдарё вилоятида (28,3) ва Тошкент шаҳрида эса (23,1 %) бу кўрсаткич мамлакатда энг паст ҳисобланади³⁴. Сўровда қатнашганларнинг 49,4 фоизи мустақиллик йилларида таълим даражаси ошган, 19 фоиздан ортиғи эса пасайиб кетган, деб ҳисоблайди.

Мактабларни битирувчиларнинг қарийб 80 фоизи олий ўқув юртларида пора олинаётганини, 54,4 фоизи бу ҳолат кенг тарқалганини айтган. Натижада талабалар юқори билим даражасига эга бўлмапти, чунки яхши баҳони ўқимасдан ҳам олса бўлади.

Таълим сифати билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- 1) **Таълим тизимининг барча даражасида меҳнат қилаётган ўқитувчилар иш ҳақини ошириш жараёнини тезлаштириш.** Бундан кўзланган мақсад ўқитувчи касби обрўси ва ушбу касбни танлаган шахсларга талабчанликни оширишдир. Ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ошириш суръати мамлакат бўйича мавжуд тафовутни камайтириш учун иш ҳақи ўсишининг ўртача йиллик суръатидан ошиши керак.
- 2) **Айниқса иқтисодиёт (иқтисодиёт, молия, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳоказо), менежмент (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, маркетинг ва ҳоказо), юридик, муҳандислик фанлари бўйича ўқитиш жараёнига етакчи амалиётчиларни жалб қилиш учун рағбатлантирувчи тизимни ташкил этиш.** Бу таълим сифатини анча яхшилаш ва уни амалий ҳаёт эҳтиёжларига мослаш имконини беради.
- 3) **Таълимнинг барча даражасида энг илғор тажриба алмашиш тизимини ташкил этиш,** уни кенг жорий этиш ва тарғиб қилиш. Вилоятлардаги мактаблар, етакчи олий ўқув юртлари ҳузуридаги ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ижтимоий асосда фаолият кўрсатадиган вилоят бирлашган услубият секцияларини ташкил этиш. Илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш учун ушбу секцияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш.
- 4) **Ўқитувчи меҳнатини моддий рағбатлантириш ва жамоатчилик томонидан эътирофини кенгайтириш.** Ўқитувчилар меҳнатининг эътирофи ва натижаларини оширадиган бадиий, публицистик ҳамда ҳужжатли фильмларни яратиш. Фанлар бўйича энг яхши ўқитувчи унвони учун туман, вилоят ҳамда республика танловларини уюштириш. Энг яхши ўқитувчиларни «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» ва «Халқ ўқитувчиси» унвони билан мукофотлашни кенгайтириш.
- 5) **Олий ўқув юртларида коррупцияга қарши кураш бўйича кескин чоралар кўриш.** Ушбу ишларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, балки жамоатчилик, «Қамолот» ташкилоти, талабалар кенгашлари, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқаларни ҳам жалб қилиш.
- 6) **Ўқув режалари, дастурларини қайта кўриб чиқиш, ўрганилаётган фанлар ва ҳар бир семестрда топшириладиган имтиҳонлар сонини қисқартириш.** Чунки талабаларга бошқа фанларни ўрганишни юклаш уларнинг танлаган касби бўйича фанларни чуқур ўзлаштириш имконини бермайди. Битта семестрда ўрганиладиган фанлар тўрттадан ошмаслиги керак. Фақат ўқи-

34 «Ўзбекистон: мустақилликнинг 13 йиллиги» сўрови

тувчилар учун мўлжалланган курсларда қўшимча ўрганиладиган фанларни, агарда ушбу курсларга талабалар ҳам ёзилган бўлса, кенгайтириш.

7) **Энг яхши талабаларга обрўли ташкилот ва компанияларга ишга жойлашиш имконини берган ҳолда, таълим сифатини ошириш.**

4.2. ТАЪЛИМГА ОИД ТАЛАБЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

4.2.1. Бошқарувнинг мувозанатлашган тузилмаси

Бошқарув тизимни такомиллаштириш таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган бўлимларда қайд этилганидек, Ўзбекистонда таълим тизимини икки вазирлик ва битта ихтисослашган марказ бошқаради. Худудларда ҳам мактаб таълими бошқармасининг вилоят ва туман бўлимлари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлимлари мавжуд.

Таълимни бошқариш тизимини **марказлаштириш ва нормарказлаштиришни мувофиқлаштириш орқали** халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда янада такомиллаштириш мумкин. Шу мақсадда таълимни бошқариш тизимини қуйидаги йўналишларда босқичма-босқич ўзгартириш мақсадга мувофиқдир:

- Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини бир вазирликка бирлаштириш;
- Ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, танлаш ва аттестациядан ўтказиш, мактаб ўқув дастурлари ва дарсликлари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш масалаларини янги Таълим вазирлиги ихтиёрида қолдириш;
- Талабаларни олий ўқув юртларига тўлов-шартнома асосида қабул қилиш масаласини Таълим вазирлиги тасарруфига ўтказиш;
- Хусусий ўқув юртлари, биринчи навбатда, бизнес-мактаблар, шунингдек, хусусий мактабгача болалар муассасалари, хусусий мактаб ва олий ўқув юртларини рўйхатдан ўтказиш масаласини Таълим вазирлиги ихтиёрига бериш;
- Таълим вазирлиги томонидан белгиланган талабларга мос хусусий ўқув юртларини ривожлантириш учун кенг имконият бериш;
- Мактаб эҳтиёжлари учун ажратилган ҳомийлар маблағларини сарфлаш, ўқитувчилар ва ўқувчиларни рағбатлантириш бўйича қарор қабул қилишда ота-оналар ва мактаблардаги Ҳомийлик кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш;
- Ўқув дастурлари, режаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, дарсликлар, ўқув материалларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларида олий ўқув юртлари Илмий кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш;
- Ҳомийлар маблағларини олий ўқув юрти эҳтиёжлари учун сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган талабалар учун қўшимча грантлар ажратиш ва бошқа масалаларда олий ўқув юртлари Ҳомийлик кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш.

4.2.2. Келажакка йўналтирилган ўқув дастури

Ўқув дастурлари таълим жараёнида муҳим ўрин тутди. Уларни янада такомиллаштириш учун эса қуйидагиларни амалга ошириш даркор:

- ўқишнинг барча босқичида — мактабгача болалар ўқув юртидан то аспирантурагача бўлган ўқиш даврида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

- қисқа муддатга (куннинг биринчи ярми) мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиغان 5–6 ёшли болаларни ўқитиш учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- мактабларнинг амалдаги ўқув дастурларига ўзгартишлар киритиш, табиий-илмий фанлар бўйича дарслар сонини кўпайтириш;
- Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш йўналишларини таснифловчи ва Ишчилар ва хизматчилар машғулотларининг миллий таснифлагичнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларига Кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ўзгартирилган таснифлагичга мувофиқ ўзгартишлар киритиш;
- барча даражадаги ўқув дастурларида ўқитиш мазмун-моҳиятининг реал ҳаёт эҳтиёжларига имкон қадар яқинлигини кўзда тутиш. Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ўқиётганлар учун танлаган соҳаси бўйича фаолият кўрсатадиган корхоналарда ҳақ тўланадиган стажировкани жорий этиш;
- ўқув дастурларида ўқув ва тарбия вазифаларини тўлиқ ҳал этиш учун умумий ҳамда қўшимча таълим интеграциясини кўзда тутиш. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар ва олий ўқув юртлари негизида қўшимча таълим йўналишлари, турлари ва шаклларини тасдиқлаш;
- олий ўқув юртлари ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, бир семестр давомида ўтиладиган фанлар сонини кескин камайтириш. Ўқув дастурига киритилган фанларни чуқур ва амалий ўрганишни таъминлаш;
- олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ўқув дастурларига талабаларни олий ўқув юртининг илмий-инновация фаолиятига мажбурий жалб қилишни киритиш;
- замонавий илм-фан ва техника ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда, ўқув дастурлари ҳамда материаллари мазмунини мунтазам такомиллаштириб бориш.

4.2.3. Молиялаш — ижтимоий ва хусусий таълимни оқилона бирлаштиришдир

Таълимнинг жамият учун муҳимлиги ушбу соҳага оид сарф-харажатларнинг катта қисмини давлат ўз зиммасига олиши зарурлигини англаб етишни талаб қилади. Шубҳасиз, Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосан давлат томонидан молияланмоқда. Оилалар эса дарсликлар, ўқув материаллари, кийим-кечак сотиб олиш, транспорт ва бошқа харажатлар, шунингдек, қўшимча таълим хизматлари (репетиторлик, пулли тўгараклар ва ҳоказолар) учун сарф-харажатлар билан чекланмоқда. Бу эса даромади паст ва ўртача бўлган кўпчилик оилаларнинг бюджетига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, давлатнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланиб боргани сари, бюджет даромади, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг замонавий моддий-техника базасини ташкил этиш бўйича яқунланган дастурларга қараб, қуйидагиларни давлат ҳисобидан молиялаш масалаларини кўриб чиқиш мумкин:

- куннинг биринчи ярмида 5–6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш гуруҳларида мактабгача мажбурий ўқитиш;
- грант асосида ўқишга кириш учун етарли балл тўплай олмаган қизларни олий ўқув юртларига қабул қилишга қўшимча грант маблағларини ажратиш (олий ўқув юртига ажратилган грантларнинг 5–10 фоизи);
- ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш учун уларнинг иш ҳақини сезиларли равишда ошириш;

- ўқув юртларининг моддий-техника базасини таъминлаш учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш.

Бундан ташқари таълим тизимини бюджет томонидан молиялаш принципларини жиддий кўриб чиқиш лозим. Куйидагилар уларнинг асосийлари ҳисобланади:

- таълимнинг барча босқичи учун бюджет маблағларини жон бошига қараб ажратиш принципига ўтиш;
- молия органлари томонидан ўқув юртларига молиявий ресурсларни таълим бошқармаси орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ажратиш;
- ўқув юртларига ажратилган маблағлар сарфланишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ғазначилик принципини жорий этиш;
- олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар сонини қисқартириш, тежаб қолинган маблағларни ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ва уларга юкланадиган дарсларни камайтириш учун йўналтириш.

Шунингдек, жамиятнинг таълим учун йўналтириладиган ресурсларини кўпайтириш учун ушбу соҳага хусусий шахслар ва компанияларнинг қўшимча ресурсларини ҳам жалб қилиш зарур. Хусусий бизнес-мактаблар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, хусусий болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юртларини ташкил этиш жараёнларини эркинлаштириш вақти келди. Хусусий ўқув юртлари таълим бошқарув тизимининг қатъий мониторинги остида ишлаши ва улар тасдиқлаган стандартларга мос келиши шарт.

Ўзбекистон учун истиқболли, давлат талабларига мос келадиган таълим тизимини ташкил этиш порлоқ келажакни яратиш борасидаги ягона йўлдир. Мамлакатда улкан ишлар амалга оширилди. Сирасини айтганда, ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳеч бир мамлакат Ўзбекистонда мамлакат Президенти ташаббуси билан таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кетганчалик кўп маблағ ажратмаган бўлса керак. Таълимга қаратилаётган бундай эътиборни ҳар йили тасдиқланадиган давлат бюджетида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатни кезиб чиқиш имконига эга бўлган ҳар бир одам кўплаб янги турдаги ўқув юртлари — кўплаб шаҳар-қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турган, болалар учун нафақат билим, балки касб эгаллаш имконини яратган касб-хунар коллежлари, академик лицейларни кўриб ҳайратланиши аниқ.

Ўзбекистон мактаблар моддий-техника базасини биринчи бўлиб мустаҳкамлашга киришди. Мамлакат ўн йиллар мобайнида қилинмаган кўплаб ишлар — мактабларни оммавий қуриш, капитал реконструкция қилиш, замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозлашни беш йил ичида амалга оширишга эришди. Янги парталарда қувонч билан ўтирган, замонавий ўқув материаллари ва ускуналаридан фойдаланаётган, ўзининг чуқур билим олиши учун катта эътибор қаратилаётганини англаб етаётган болаларнинг бахтли кўзларига боқиш кишига мамнуният бағишлайди.

Бироқ, ҳали олдиндан қилинадиган ишлар кўп. Ўзбекистон таълимни ривожлантириш борасида қўлга киритган ютуқлар ва дуч келадиган қийинчиликлар, янгидан-янги вазифалар таҳлилига бағишланган ушбу маъруза ҳам келажакда таълимни ривожлантириш ишига ўзига хос ҳисса қўшади, деган умиддамыз.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётини яратиш тўғрисида»ги 341-қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 253-қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 14 августдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 338-қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 342-қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 381-қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 427-қарори
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-қарори
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-қарори
18. Мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-қарорига 2-илова)
19. Мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-қарорига 1-илова)
20. Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-қарорига 3-илова)
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 109-қарори
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 мартдаги «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 362-қарори
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги «2005–2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни чоп этиш дастури тўғрисида»ги 548-қарори
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 майдаги «Умумтаълим мактаблар учун дарсликлар ва ўқув адабиётини чоп этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 187-қарори
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 104-қарори
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005–2009 йилларда умумтаълим мактабларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Умумтаълим мактабларининг ўқув биналаридан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 352-қарори
28. Биринчи синф ўқувчиларини ўқув анжомлари тўплами билан бепул таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-қарорига 1-илова)

29. Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим тўплами билан таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-қарорига 2-илова)
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчи ва ўқувчилар турмушининг моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409-қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-қарори
32. Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-қарорига 3-илова)
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 263-қарори
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-фармони
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги «2004–2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1910-фармойиши
36. 9-синф битирувчиларининг умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфларида ўқишни давом эттиришини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-қарорига 2-илова)
37. Ўзбекистон Республикасида умумий таълим тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-қарорига 1-илова)
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-қарори
39. Гимназия тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-қарорига 2-илова)
40. Ўзбекистон Республикаси умумий таълим мактаби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-қарорига 1-илова).
41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги «Таълим муассасалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 440-қарори
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 20-қарори.

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ҚУВВАТЛОВЧИ ДОНОРЛАР РЎЙХАТИ

1. **Осиё тараққиёт банки (ADB)**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100027, Ходжаев кўчаси, 1

Телефон: +998 (71) 140-19-20/22/24/25

E-mail: adburm@adb.org

Internet: www.adb.org/Uzbekistan/default.asp

2. **Техник хамкорлик ва ривожланиш буйича агентлиги, ТХРА**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Фозилов кўчаси, 10а

E-mail: tashkent@acted.org

3. **Америка Қўшма Штатлари Халқаро ривожланиш агентлиги, ЮСАИД**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100093, Майқурғон кўчаси, 3, 5-блок

Телефон: +998 (71) 120-63-09

Internet: www.usaid.gov/locations/europe_eurasia/car

4. **KfW банк гуруҳи**

Манзил: KfW Bankengruppe, Palmengartenstrasse 5-9, 60325 Frankfurt, Germany

Телефон: +49 (69) 74310

Internet: www.kfw.de

5. **Британия Кегаш**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 700031, Миробод кўчаси, 11

Телефон: +998 (71) 120-67-52

E-mail: bc-tashkent@britishcouncil.uz

6. **Дунё Банки (WB)**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100084, А. Темур кўчаси, 107Б,
Халқаро Бизнес Маркази

Телефон: +998 (71) 138-59-50

E-mail: itsoy@worldbank.org

Internet: www.worldbank.org

7. **Германиянинг техник кўмаклашиш жамияти**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, У. Носир кўчаси, 15

Телефон: +998 (71) 140-04-89/90

E-mail: gtz_tash@gtzmain.uz

8. **БМТ Болалар Фонди**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Сулеймонова кўчаси, 43

Телефон: +998 (71) 233-95-12, 233-97-35

E-mail: tashkent@unicef.org

Донорлар ва улранинг проектлари ҳақида батафсил маълумотни www.devaid.uz сайтининг «Донорлар профайли» бўлимида топиш мумкин

9. **Осиё маданияти ва тараққиёти институти**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100105, Банокат кўчаси, 186
Телефон: +998 (71) 191-95-44, 191-95-40
E-mail: iacduz@hotmail.com
10. **Германия халқаро университетлар ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик институти**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Зарбох кўчаси, 33
Телефон: +998 (71) 120-55-36
E-mail: info@iizdvv.uz
11. **Ислом Тараққиёт Банки**
Манзил: P. Box. 5925, Jeddah 21432 Kingdom of Saudi Arabia
Телефон: +9 (662) 636-14-00
E-mail: idbarchives@isdb.org
Internet: www.isdb.org
12. **Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100029, Афросиёб кўчаси, 7
Телефон: +998 (71) 152-63-78
E-mail: yekwon@koica.go.kr
Internet: www.koica.go.kr
13. **Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ Ташкилоти (UNESCO)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 700084, А. Темур кўчаси, 95
Телефон: +998 (71) 120-71-16, 233-80-10
E-mail: bri@unesco.org
14. **Германия ҳукумати (Германия элчихонаси)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Ш. Рашидов кўчаси, 15
Телефон: +998 (71) 120-84-40, 120-66-93
E-mail: info@taschkent.diplo.de
15. **Ҳиндистон ҳукумати (Ҳиндистон элчихонаси)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100000, Қора- Булоқ кўчаси, 15/16
Телефон: +998 (71) 140-09-83, 140-09-97
16. **Америка Қўшма Штатлари ҳукумати (АҚШ элчихонаси)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100093, Майқурғон кўчаси, 3, 5-блок
Телефон: +998 (71) 120-54-50
E-mail: consularashkent@state.gov
17. **Франция ҳукумати (Франция элчихонаси)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 25
Телефон: +998 (71) 233-53-82, 233-53-84
18. **Япония ҳукумати (Япония элчихонаси)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100047, С. Азимов кўчаси, 28/1
Телефон: +998 (71) 120-80-60
E-mail: info@embjapan.buzton.com
19. **Европа Комиссияси Дастури (TEMPUS)**
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100084, А. Темур кўчаси, 107Б,
Халқаро Бизнес Маркази
Телефон: +998 (71) 139-12-64, 139-18-53
E-mail: aziza@europahouse.uz

20. **МДХ давлатларига техник кўмак Европа Иттифоқи дастури (TACIS)**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100084, А. Темур кўчаси, 107Б,
Халқаро Бизнес Маркази
Телефон: +998 (71) 139-17-01, 139-12-70
E-mail: office@europahouse.uz

21. **БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP)**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100029, Т. Шевченко кўчаси, 4
Телефон: +998 (71) 120-34-50
E-mail: registry.uz@undp.org
Internet: www.undp.uz

22. **Туркия Халқаро ҳамкорлик агентлиги**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Мироқилова кўчаси, 7
Телефон: +998 (71) 152-54-57
E-mail: ctika@bcc.com.uz

23. **Фан ва технология маркази, Украина (STCU)**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 100047, Ғ. Фуломов кўчаси, 70
Телефон: +998 (71) 120-60-28
E-mail: regina.sattarova@stcu.int

24. **Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги**

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, 700084, А. Темур кўчаси, 107Б,
Халқаро Бизнес Маркази
Телефон: +998 (71) 120-79-66, 120-79-67
E-mail: Sharifzoda.UZ@jica.go.jp

25. **Япония халқаро ҳамкорлик банки**

Манзил: 4-1, Ohtemachi 1-Chome, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8144, Japan
Телефон: +8 (13) 5218-3718

СТАТИСТИК ЖАДВАЛЛАР

Жадвал 1. Инсон салоҳияти ривожининг индекси

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Туғилишда кутилаётган умр давомийлиги (ёш)	70,8	71,3	71,2	71,6	71,2	71,8
Катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси (фоизда)		99,18	99,19	99,20	99,31	99,36
Таълим муддати (йил)	11,4	11,5	11,6	11,6	11,7	11,7
Саводхонлик кўрсаткичи	0,992	0,992	0,992	0,992	0,993	0,994
Таълим кўрсаткичи	0,76	0,77	0,77	0,77	0,77	0,78
Таълим даражаси	2,74	2,74	2,74	2,76	2,75	2,75
Аҳоли жон бошига ЯИМ (ХХҚП \$)*	2422,0	2460,0	2573,6	2704,9	2954,3	3227,2
Кутилаётган умр давомийлиги индекси	0,763	0,772	0,770	0,777	0,770	0,780
Эришилган саводхонлик даражаси индекси	0,913	0,913	0,913	0,917	0,917	0,917
ЯИМ индекси	0,532	0,535	0,542	0,550	0,565	0,580
Инсон салоҳияти ривожланиши индекси кўрсаткичи (ИСРИ)	0,736	0,740	0,742	0,748	0,751	0,759
Аҳоли жон бошига ЯИМ минус ИСРИ шкаласи бўйича даража (ИРГФ)	0,733	0,736	0,738	0,744	0,746	0,747
Аёллар имкониятлари кенгайиши кўрсаткичлари (АИКК)	0,382	0,378	0,380	0,411	0,440	0,500
Мамлакатнинг Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот бўйича ўрни	—	101	107 ²	—	—	—

* 1995 йилдан бошлаб 2000 йилгача — жорий нархларда миллий валютанинг сотиб олиш қуввати паритетлари бўйича долзарб маълумотлар (Қозоғистонда инсон тараққиёти, Олмаота, 2001 й., 92 б.). 2001 й. учун — 2003 йилги Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза, 238 б; 2002–2003 йй. — бизнинг ҳисоб-китобларимиз.

Жадвал 2. Гуманитар ривожланиш

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Олим ва техниклар (10 000 кишига)	11,2	10,9	11,3	10,9	10,7	11,0
Ўқув юртларига кирганлар сони (7-22 ёшдагилар фоиз ҳисобида)	76,0	76,7	77,3	77,3	76,5	76,5
ОўЮ кириш бўйича умумий кўрсаткич 1 000 кишига	74	8,2	9,1	9,9	10,1	10,6
доимий аҳолига нисбатан фоизда	0,7	0,8	0,9	1,0	1,0	1,1
шу жумладан аёллар	0,3	0,3	0,4	0,4	0,4	0,4
Кундалик газеталар (100 кишига нусха сони)	7	8	9	8	8	10
Телевизор билан таъминланганлик	50	39	34	33	33	34
Радиоприемниклар сони	53	43	39	39	39	37

Жавдал 3. Инсоният талофотлари

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ишсизликнинг умумий даражаси (фоизда)	0,4	0,4	0,4	0,3	0,4	0,3
Йўл-транспорт фалокатлари (100 000 кишига):						
Ҳалок бўлганлар	8,6	8,6	8,2	7,9	7,8	8,1
Жароҳатланганлар	47,2	47,1	45,1	44,4	44,1	45,1
Олтингургурт ва азот буглари (NO ₂ кг ва аҳоли жон бошига SO ₂)	16,7	14,3	14,0	13,1	12,4	12,3
қайд қилинган жиноятлар (100 000 кишига):	29,9	29,7	30,4	31,2	30,5	30,4
из них:						
қасддан ўлдириш ва қасддан ўлдиришга суиқасд	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,3
қасддан оғир тан жароҳати етказишлар	0,3	0,4	0,5	0,4	0,5	0,5
Эркаklar томонидан қилинган қасддан ўлди-ришлар*	3,0	2,8	3,4	3,0	2,6	2,9
Мурожаат қилинган зўрлашлар*	1,7	1,9	1,9	2,1	1,8	1,6

1 100 000 аҳолига.

Жавдал 4. Инсон тараққиётини молиялаштириш

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Таълимга сарфланган умумий харажатлар (ЯИМ фоизи ҳисобида)	10,3	9,6	9,0	8,8	8,8	9,0
Соғлиқни сақлашга сарфланган умумий харажат (ЯИМ фоизи ҳисобида)	4,0	4,4	4,2	3,9	3,8	3,7
Аҳоли жон бошига реал ЯИМ(ХХҚП \$)*	2422,0	2460,0	2573,6	2704,9	2954,3	3227,2
Давлат таълим харажати (ЯИМ фоизи ҳисобида)	6,7	6,8	6,7	6,3	x)	-
Давлат соғлиқни сақлаш харажати (ЯИМ фоизи ҳисобида)	2,5	2,5	2,4	2,3	x)	-

Жавдал 5. Аёллар ва эркаklar орасидаги фарқлар (эркаklar кўрсаткичидан фоиз ҳисобида)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Кутилаётган умр давомийлиги	107,0	106,8	106,7	106,3	106,4	106,5
Аҳоли	100,7	100,6	100,5	100,3	100,3	100,2
Ўқиш муддати	95,7	95,7	95,8	95,8	95,8	95,8
Ўрта ўқув юртларига кириш	93,6	87,9	87,7	86,1	90,3	91,7
Тугалланган ўрта маълумот	94,0	85,7	82,5	93,2	90,3	90,8
Стационар ўқишга кириш	95,3	94,3	93,9	93,1	92,9	93,0
Тугалланган олий маълумот (ОўЮ)	64,2	55,3	59,5	66,8	68,6	70,5
Ишчи кучи	78,9	78,7	78,6	78,6	92,9	91,6
Ишсизлик	2,1	1,8	2,0	1,7	1,7	1,5

Жавдал 6. Аёлларнинг аҳволи

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги	73,2	73,6	73,5	73,8	73,6	74,1
Илк турмушга чиқаётгандаги ўртача ёши (ёш)	21,4	21,5	21,6	21,8	22,1	22,2
Оналар ўлими даражаси (100 000 тирик туғилганларга)	33,1	34,1	32,0	32,2	30,2	29,2
Ўрта ўқув юртига кириш(ўқишга кирганларнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	48,3	46,8	46,7	47,1	47,0	47,8
Тугалланган ўрта маълумотга эгалар (ўрта таълимни тугатганлар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	48,4	46,2	45,2	48,3	47,5	47,6
ОўЮ стационар ўқишга кириш (талабалар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	38,9	39,6	39,7	38,8	40,5	40,4
Аёл ишчи кучи (умумий ишчи кучига нисбатан фоиз ҳисобида)	44,0	44,0	44,0	44,0	48,2	47,8

Жавдал 7. Шаҳар ва қишлоқларнинг демографик маълумотлари

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Йил охирида доимий аҳоли (млн. киши)						
жами	24,8	25,1	25,4	25,7	26,0	26,3
шаҳар	9,2	9,3	9,3	9,4	9,4	9,5
қишлоқ	15,6	15,8	16,1	16,3	16,6	16,8
Аҳоли йиллик ўсиш даражаси (фоизда)						
жами	1,3	1,2	1,2	1,1	1,2	1,1
шаҳар	0,7	0,7	0,6	0,4	0,6	0,6
қишлоқ	1,7	1,5	1,6	1,5	1,6	1,4
Оиланинг ўртача катталиги						
жами	5,4	5,4	5,1	5,1	5,1	5,1
шаҳар	4,6	4,6	4,4	4,3	4,5	4,4
қишлоқ	6,0	5,9	5,8	5,7	5,6	5,6
Контрацептивлардан фойдаланиш даражаси (фоиз-да)	58,5	55,0	56,4	60,0	61,8	58,3
Меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан катта аҳоли (фоизда)						
жами	7,3	7,2	7,2	7,1	7,0	7,0
шаҳар	9,0	9,0	8,9	8,9	8,8	8,8
қишлоқ	6,3	6,2	6,2	6,1	6,0	6,0
60-64 ёшларида кутилаётган умр давомийлиги						
жами	17,3	17,6	17,1	17,2	17,1	17,2
шаҳар	17,2	17,5	17,0	17,3	17,3	17,3
қишлоқ	17,3	17,6	17,3	17,2	17,2	17,2
Аёллар						
жами	18,3	18,6	18,3	18,3	18,4	18,4
шаҳар	18,7	19,0	18,6	19,0	18,8	18,9
қишлоқ	18,0	18,3	18,0	17,8	18,0	18,0

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Эркаклар						
жами	16,0	16,3	15,9	16,0	15,9	15,9
шаҳар	15,3	15,6	15,1	15,3	15,2	15,3
қишлоқ	16,5	16,8	16,5	16,5	16,5	16,4

Жавдал 8. Урбанизация

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Йил охирида шаҳар аҳолиси (аҳоли умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	37,2	37,0	36,7	36,5	36,3	36,1
Шаҳар аҳолисининг йиллик ўсиши (беш йилликда фоиз ҳисобида)	1,1	0,9	0,8	0,6	0,6	0,5
Млн. дан ортиқ аҳоли яшайдиган шаҳар аҳолиси, фоизда қуйидагиларга нисбатан:						
умумий аҳолига	8,6	8,5	8,4	8,3	8,2	8,1
шаҳар аҳолисига	23,2	23,0	22,9	22,8	22,6	22,5
Энг катта шаҳарлар аҳолиси (аҳолиси 100 минг ва ундан кўп бўлган шаҳарлар) в фоизда қуйидагиларга нисбатан:						
умумий аҳолига	20,1	21,2	21,0	20,9	20,9	20,7
шаҳар аҳолисига	54,0	57,4	57,3	57,3	57,7	57,3

Жавдал 9. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Кенг тарқалган касалликлардан вафот этиш (қон айланиш тизими) (вафот этганлар умумий сонига нисбатан фоизда)						
жами	52,6	53,4	54,8	54,7	54,6	56,3
шаҳар	54,8	54,9	56,1	55,8	54,9	56,5
қишлоқ	50,8	52,1	53,8	53,8	54,4	56,1
Ҳавфли ўсмалардан вафот этиш (вафот этганлар умумий миқдоридан фоизда)						
жами	7,1	7,1	6,9	7,0	7,3	7,0
шаҳар	8,8	8,7	8,6	8,6	8,9	8,3
қишлоқ	5,6	5,7	5,5	5,7	6,0	5,9
Қайд этилган алкоголь истеъмоли (аҳоли жон боши-га, л.)	1,3	1,4	1,4	1,2	1,1	1,0
1 врачга тўғри келадиган одам сони	305	309	314	318	334	344
10 000 аҳолига касалхона ўринлари сони	55,9	55,8	57,8	57,4	54,9	54,1
Ҳомиладор ва туққан аёллар учун ўринлар сони Ҳар 10 000 аёлга	40,5	39,6	38,1	35,7	32,0	30,9
Соғлиқни сақлашга давлат харажати (умумдавлат харажатидан фоиз ҳисобида)	8,7	9,6	9,4	9,6	-	-
Соғлиқни сақлашга давлат харажати (ЯИМ фоиз ҳисобида)	2,5	2,5	2,4	2,3	-	-
Соғлиқни сақлашга умумий харажатлар (ЯИМ фоиз ҳисобида)	4,0	4,4	4,2	3,9	3,8	3,7

Жавдал 10. Таълим

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари (7-22 ёшдаги аҳолига нисбатан фоизда)	76,0	76,7	77,3	77,3	76,5	76,5
Таълимнинг ўртача давомийлиги, жами (йил)	11,4	11,5	11,6	11,6	11,7	11,7
Аёллар	11,1	11,2	11,3	11,3	11,5	11,5
Эркаклар	11,6	11,7	11,8	11,8	11,9	12,0
Тугалланган ўрта таълим (таълимнинг ушбу даражасига ўқишга кирганларнинг ушбу даражани битирганлар сонига нисбати, фоизда)	114,8	113,9	121,0	107,9	117,9	104,2
Ўрта ўқув юртлари битирувчилари (битирув ёшида-ги аҳолига нисбатан)	93,7	102,5	-*	71,1	86,7	83,8
Тугалланган ўрта-техник маълумот (мактаб, КҲТҮЮ ва коллеж ўқувчилари сонига нисбатан фоизда)	41,4	42,9	-*	43,3	37,1	36,6
19 ёшга кирган укувчиларнинг миқдори	23,4	19,0	18,2	18,5	16,8**	17,4**
ўқув юртларида ўқишни давом эттираётган 19 ёшлилар сони(фоизда)	91,2	89,4	84,0	78,5	91,4	90,5
ОўЮ кундузги бўлимига ўқишга кириш (барча таълим турларига нисбатдан фоизда)	7,0	7,7	8,4	9,2	10,5	11,2
ОўЮ битирувчилари сони (битирув ёшидаги (22 ёш) аҳолига нисбатан фоизда)	6,7	6,8	6,7	6,3	-	-
Таълимга сарфланган давлат харажати (ЯИМ фоизда)	23,2	25,5	26,0	26,2	-	-
Таълимга сарфланган давлат харажати (умумдавлат харажатидан фоизда)	7,0	6,8	6,7	6,5	-	-
Давлат бюджети ҳисобига олий таълим харажати (таълимга харажатлардан фоизда)						

Таълим ислохотлари билан изоҳланган таълим даражаларидаги кўчишлар билан боғлиқ солиштириб бўлмайдиган маълумотлар.

Жавдал 11. Бандлик

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ишчи кучи (жами аҳолига нисбатан фоизда)						
жами	36,6	36,7	37,1	37,6	38,5	39,1
шаҳар	17,0	16,4	16,6	16,8	16,9	16,8
қишлоқ	19,6	20,3	20,5	20,8	21,6	22,3
Бандлар (бандлар умумий сонидан фоизда):						
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида						
жами	34,4	33,5	32,6	31,9	30,7	29,1
шаҳар	1,5	1,2	1,1	1,2	1,2	1,3
қишлоқ	32,9	32,3	31,5	30,7	29,5	27,8

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Саноатда						
жами	12,7	12,7	12,7	12,8	13,0	13,2
шаҳар	10,7	10,2	10,2	10,3	10,1	9,6
қишлоқ	2,0	2,5	2,5	2,5	2,9	3,6
Ноишлабчиқариш соҳасида						
жами	30,4	30,7	31,3	31,8	32,3	32,9
шаҳар	18,5	18,5	18,7	18,9	18,8	18,9
қишлоқ	11,9	12,2	12,6	12,9	13,4	14,0
Ишчи кучининг алмашинув индекси (фоизда)						
жами	206	197	188	180	169	162
шаҳар	166	159	152	146	138	133
қишлоқ	233	222	211	201	189	181
Касаба уюшмалаларида қатнашувчи ишчилар фоизи	100	100	100	100	100	100
Ҳафтасига иш соати сони (ишлаб чиқаришда)	40	40	40	40	40	40

Жавдал 12. Ишсизлик

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Расмий мақомга эга бўлган ишсизлар (минг киши)						
жами	35,4	37,5	34,8	32,2	34,9	27,7
шаҳар	14,0	11,5	11,9	9,5	9,3	8,1
қишлоқ	21,4	26,0	22,9	22,7	25,6	19,6
Ишсизлик даражаси, жами(фоизда)						
жами	0,4	0,4	0,4	0,3	0,4	0,3
шаҳар	0,3	0,3	0,3	0,2	0,2	0,2
қишлоқ	0,4	0,5	0,4	0,4	0,5	0,3
Ишсизликнинг ҳудудлар бўйича ҳар хиллиги (энг ёмон 25 фоизни энг яхши 25 фоиз билан қиёслаганда)	5,7	5,7	5,2	7,5	8,7	7,4
Ишсизларнинг жорий йилда ўрта ва олий ўқув юрларини битирганлар сонига нисбати	2,4	1,8	4,0	2,0	1,9	1,2
аёллар	3,1	2,8	6,8	2,4	2,1	1,4
эркаклар	1,7	1,1	2,5	1,8	1,6	1,0
Узоқ муддатли ишсизлик ҳолати (жамига нисбатан фоизда)						
6–12 ой	8,2	12,3	11,4	5,7	7,7	13,7
12 ойдан ортиқ	3,1	1,6	3,0	2,9	2,4	3,5

Жавдал 13. Даромадларнинг миллий ҳисоби

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Якуний ЯИМ (млрд. сўм)	3255,6	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15923,4
Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (ЯИМ фоиз ҳисобида)	30,1	30,0	30,1	28,4	26,4	26,3
Саноат (ЯИМ фоиз ҳисобида)	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	21,1
Хизматлар (ЯИМ фоиз ҳисобида)	37,0	38,0	37,7	37,2	37,0	37,0
Хусусий истеъмол (ЯИМ фоиз ҳисобида)	61,9	61,5	60,2	55,6	51,9	48,4
Давлат истеъмоли (ЯИМ фоиз ҳисобида)	18,7	18,5	18,0	17,4	16,2	15,9
Умумий ички сармоя (ЯИМ фоиз ҳисобида)	19,6	21,1	21,2	20,8	24,5	28,0
Умумий ички жамғармалар (ЯИМ фоиз ҳисобида)	19,4	20,0	21,8	27,0	31,9	35,7
Солиқлардан даромад (ЯИМ фоиз ҳисобида)	23,3	21,0	22,5	22,1	-	-
Давлат бюджети харажатлари (ЯИМ фоиз ҳисобида)	29,0	26,7	25,8	24,1	-	-
Экспорт (ЯИМ фоиз ҳисобида)	26,5	30,8	31,6	36,9	40,4	37,9
Импорт (ЯИМ фоиз ҳисобида)	26,7	31,9	31,0	30,7	33,0	30,2

Жавдал 14. Табиий ресурслар баланси

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Аҳоли зичлиги (йил охирига; 1 кв. км киши)	55,5	56,2	56,9	57,5	58,2	58,8
Ҳайдаладиган ерлар (умумий ер майдонига нисба-тан фоиз ҳисобида)	9,1	9,1	9,1	9,1	9,1	9,1
Ўрмонлар ва ёш ўрмон майдонлари (умумий ер майдонига нисбатан фоиз ҳисобида)	3,1	3,1	5,1	6,1	6,1	6,1
Суғориладиган ерлар (ҳайдаладиган ерлар фоизи)	81,6	81,6	81,6	81,6	81,5	81,4

Жавдал 15. Иқтисодий ривожланиш тамойиллари

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЯИМ йиллик ўсиши (фоизда)	3,8	4,2	4,0	4,2	7,4	7,0
Аҳоли жон бошига ЯИМ (фоизда йиллик ўсиш)	2,4	2,9	2,7	3,0	6,2	5,7
Солиқлардан даромадлар (ЯИМ фоизда)	23,3	21,0	22,5	22,1	-	-
Тўғридан-тўғри солиқлар (барча солиқларга нисба-тан фоизда)	33,4	34,9	30,1	28,4	-	-
Умумий бюджет камомати (ЯИМ фоизда)	0,7	0,3	0,2	0,4	-	-
Экспорт (ЯИМ фоизда)	26,5	30,8	31,6	36,9	40,4	37,9

Жавдал 16. Коммуникация

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Телевизор билан таъминланганлик (ҳар 1 000 кишига)	50	39	34	33	33	34
Кундалик газеталар (100 кишига нусха сони)	7	8	9	8	8	10
Нашр қилинган китоблар сони (ҳар 100 000 кишига)	4,2	4,3	3,8	3,5	3,7	3,6
Шахсий автомобили бор одамлар (ҳар 100 кишига)	3,9	4,0	4,0	4,0	6,0	6,0
Телефон аппарати (ҳар 100 кишига), дона.	6,5	6,5	6,5	6,6	6,6	6,7
Телефон аппаратлари (ҳар 100 қишлоқ аҳолисига), дона	1,7	1,6	1,6	1,6	1,6	1,6
Посилкалар, почта (ҳар 100 кишига)	0,3	0,4	0,2	0,2	0,2	0,2
Халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашувлари (аҳоли жон бошига)	5,2	5,7	6,5	6,9	7,1	8,9
Жўнатилган хатлар сони (аҳоли жон бошига)	0,4	0,4	0,4	0,5	0,6	0,6

Жавдал 17. Шаҳар билан қишлоқ орасидаги фарқ

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги (йил)	70,8	70,2	71,2	71,3	70,7	71,7
Таълим давомийлиги (йил)	11,4	11,8	11,0	11,5	11,8	11,2
Саводхонлик даражаси	99,2	99,7	98,8	99,2	99,7	98,8
Саводхонлик кўрсаткичлари	0,992	0,997	0,988	0,992	0,997	0,988
Таълим даражалари	2,74	2,82	2,70	2,74	2,83	2,70
Бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ялпи улуши индекси	76,0	82,5	72,7	76,0	83,4	72,2
Эришилган таълим даражаси индекси	0,913	0,940	0,901	0,913	0,943	0,899
Аҳоли жон бошига реал ЯИМ (ППС \$)	2422,0	-	-	2460,0	-	-
Кутилаётган умр давомийлиги индекси	0,763	0,753	0,770	0,772	0,762	0,778
Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги (йил)	71,2	70,5	71,7	71,6	71,1	71,9
Таълим давомийлиги (йил)	11,6	12,0	11,2	11,6	12,0	11,3
Саводхонлик даражаси	99,2	99,7	98,8	99,2	99,7	98,8
Саводхонлик кўрсаткичлари	0,992	0,997	0,988	0,992	0,997	0,988
Таълим даражалари	2,74	2,83	2,70	2,76	2,79	2,73
Бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ялпи улуши индекси	76,0	83,8	72,2	77,3	80,0	75,3
Эришилган таълим даражаси индекси	0,913	0,944	0,899	0,917	0,931	0,909

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Аҳоли жон бошига реал ЯИМ (ППС \$)	2573,6	-	-	2704,9	-	-
Кутилаётган умр давомийлиги индекси	0,770	0,758	0,778	0,777	0,768	0,782
Кутилаётган умр давомийлиги индекси	71,2	70,7	71,6	71,8	71,1	72,2
Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги (йил)	11,7	12,1	11,5	11,7	12,2	11,5
Таълим давомийлиги (йил)	99,3	99,4	99,3	99,4	99,5	99,3
Саводхонлик даражаси	0,993	0,994	0,993	0,994	0,995	0,993
Саводхонлик кўрсаткичлари	2,75	2,90	2,68	2,75	2,92	2,68
Таълим даражалари	76,5	91,1	69,4	76,5	94,2	68,0
Бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ялпи улуши индекси	0,917	0,967	0,893	0,917	0,973	0,893
Эришилган таълим даражаси индекси	2954,3	-	-	3227,2	-	-
Аҳоли жон бошига реал ЯИМ (ППС \$)	0,770	0,762	0,777	0,780	0,768	0,787

Жавдал 18. Кишлоқ ва шаҳар жойлари орасидаги номутаносиблик (100 — қишлоқ ва шаҳар жойлари орасидаги паритет)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Доимий аҳоли	168,1	169,7	171,3	173,1	174,8	176,4
Аҳолининг ўсиш даражаси	242,9	214,3	266,7	375,0	266,7	233,3
Кутилаётган умр давомийлиги	101,4	101,4	101,7	101,1	101,3	101,5
Оиланинг ўртача катталиги	130,4	128,3	131,8	132,6	124,4	127,3
Ишчи кучи	115,6	123,8	123,5	123,5	127,8	132,6
Меҳнатга лаёқатли ёшдан ўтган аҳоли	117,4	118,2	119,4	120,0	120,1	120,7
Кенг тарқалган касалликлардан вафот этиш (қон айланиш тизими)	67,6	68,4	63,7	70,6	72,1	70,6
Ҳалокатли ўсмалардан вафот этиш	46,5	47,3	42,6	48,9	49,5	50,9
60-64 ёшларда кутилаётган умр давомийлиги	100,6	100,6	101,8	99,4	99,4	99,4
Бандлар умумий сонидан (шаҳар ва қишлоқ жойларда) бандлар сони	115,5	123,5	123,3	123,3	127,5	132,4
Ишсизлик даражаси	131,5	183,7	155,0	192,0	215,3	182,5
Турар жойлар билан таъминланганлик даражаси:						
Водопровод суви билан таъминланганлик даражаси	73,7	76,9	78,3	89,1	89,5	89,9
Канализация билан таъминланганлик даражаси	8,9	8,4	8,1	9,0	9,1	9,4

Эслатма: Маълумотлар индекси 100 тенг бўлган ўртача шаҳар жойлари даражасига нисбатан ифодаланган. Сон қанчалик кичик бўлса, номутаносиблик шунча катта, сон 100 қанча яқин бўлса, 100 ошувчи номутаносиблик шунча кичик бўлади. Бу қишлоқ жойларидаги ўртача даража, шаҳар жойларидаги даражадан баландлигини кўрсатади.

Жавдал 19. Худудлар бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли жон бошига реал ЯИМ

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
(ХСОҚП \$)						
Ўзбекистон Республикаси**	2422,0	2460,0	2573,6	2704,9	2954,3	3227,2
Шимолий Ўзбекистон	1627,6	1493,2	1490,6	1635,5	1746,2	1972,2
Қорақалпоғистон	1324,8	1237,4	1214,5	1443,4	1479,8	1772,1
Хоразм	1969,1	1781,0	1799,8	1849,0	2035,4	2191,7
Марказий Ўзбекистон	2206,4	2233,7	2333,5	2513,4	2625,0	3185,9
Бухоро	2666,6	2666,6	2645,5	2828,2	2996,4	3550,7
Жиззах	1552,5	1655,6	1805,0	2177,2	2211,1	2553,3
Навоий	3419,9	3537,5	4177,2	4743,9	5204,7	7185,3
Самарқанд	1799,5	1768,7	1835,9	1849,0	1854,0	2127,2
Сирдарё	2412,3	2509,2	2320,7	2449,3	2610,9	3066,5
Жанубий Ўзбекистон	1872,2	1968,0	2044,8	2073,1	2120,4	2530,7
Қашқадарё	1981,2	2076,2	2158,2	2259,9	2352,9	2937,4
Сурхондарё	1736,6	1830,2	1902,9	1838,3	1825,6	2014,2
Шарқий Ўзбекистон	2487,4	2477,2	2485,7	2534,7	2664,7	3102,0
Анджон	2019,9	2140,2	2114,4	2046,4	2072,2	2524,2
Наманган	1625,2	1567,0	1598,7	1627,5	1644,2	1817,3
Фарғона	2557,6	2273,0	2312,9	2238,5	2307,5	2630,7
Тошкент	2724,8	2755,2	2820,9	2884,2	3160,8	3915,4
Тошкент шаҳри	3393,2	3601,4	3545,4	3895,4	4192,7	4670,8
Республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан фоизда						
Ўзбекистон Республикаси**	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00
Шимолий Ўзбекистон	0,672	0,607	0,578	0,613	0,616	0,611
Қорақалпоғистон	0,547	0,503	0,471	0,541	0,522	0,549
Хоразм	0,813	0,724	0,698	0,693	0,718	0,679
Марказий Ўзбекистон	0,911	0,908	0,905	0,942	0,926	0,987
Бухоро	1,101	1,084	1,026	1,060	1,057	1,100
Жиззах	0,641	0,673	0,700	0,816	0,780	0,791
Навоий	1,412	1,438	1,620	1,778	1,836	2,226
Самарқанд	0,743	0,719	0,712	0,693	0,654	0,659
Сирдарё	0,996	1,020	0,900	0,918	0,921	0,950
Жанубий Ўзбекистон	0,773	0,800	0,793	0,777	0,748	0,784
Қашқадарё	0,818	0,844	0,837	0,847	0,830	0,910
Сурхондарё	0,717	0,744	0,738	0,689	0,644	0,624
Шарқий Ўзбекистон	1,027	1,007	0,964	0,950	0,940	0,961
Анджон	0,834	0,870	0,820	0,767	0,731	0,782
Наманган	0,671	0,637	0,620	0,610	0,580	0,563
Фарғона	1,056	0,924	0,897	0,839	0,814	0,815
Тошкент	1,125	1,120	1,094	1,081	1,115	1,213
Тошкент шаҳри	1,401	1,464	1,375	1,460	1,479	1,447

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЯИМ киши бошига						
Ўзбекистон Республикаси**	131562	196543	293699	383592	472312	606325
Шимолий Ўзбекистон	88373	119304	169808	235030	290745	370448
Қорақалпоғистон	72021	98931	138325	207391	246629	332572
Хоразм	106923	142308	205083	265744	339333	411685
Марказий Ўзбекистон	119905	178385	265823	361339	437552	598403
Бухоро	144863	213067	301326	406669	499423	667127
Жиззах	84267	132263	205685	312926	368273	479423
Навоий	185752	282691	475653	682023	867095	
Самарқанд	97740	141282	208987	265678	308944	399487
Сирдарё	131068	200465	264218	352079	435187	575875
Жанубий Ўзбекистон	101694	157184	232946	297892	353109	475073
Қашқадарё	107577	165907	245793	324720	392038	552026
Сурхондарё	94353	146284	216884	264322	304315	378467
Шарқий Ўзбекистон	135136	197833	283100	364242	444159	582478
Андижон	109764	170944	240715	294335	345168	473959
Наманган	88218	125235	182044	233891	273907	341636
Фарғона	138969	181690	263513	321694	384694	494105
Тошкент	148046	220180	321304	414710	526514	735698
Тошкент шаҳри	184364	287802	403896	559944	698717	877234
Республикадаги ўртача кўрсаткичга нисбатан фоизда						
Ўзбекистон Республикаси**	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00
Шимолий Ўзбекистон	0,672	0,607	0,578	0,613	0,616	0,611
Қорақалпоғистон	0,547	0,503	0,471	0,541	0,522	0,549
Хоразм	0,813	0,724	0,698	0,693	0,718	0,679
Марказий Ўзбекистон	0,911	0,908	0,905	0,942	0,926	0,987
Бухоро	1,101	1,084	1,026	1,060	1,057	1,100
Жиззах	0,641	0,673	0,700	0,816	0,780	0,791
Навоий	1,412	1,438	1,620	1,778	1,836	2,226
Самарқанд	0,743	0,719	0,712	0,693	0,654	0,659
Сирдарё	0,996	1,020	0,900	0,918	0,921	0,950
Жанубий Ўзбекистон	0,773	0,800	0,793	0,777	0,748	0,784
Қашқадарё	0,818	0,844	0,837	0,847	0,830	0,910
Сурхондарё	0,717	0,744	0,738	0,689	0,644	0,624
Шарқий Ўзбекистон	1,027	1,007	0,964	0,950	0,940	0,961
Андижон	0,834	0,870	0,820	0,767	0,731	0,782
Наманган	0,671	0,637	0,620	0,610	0,580	0,563
Фарғона	1,056	0,924	0,897	0,839	0,814	0,815
Тошкент	1,125	1,120	1,094	1,081	1,115	1,213
Тошкент шаҳри	1,401	1,464	1,375	1,460	1,479	1,447

* Олдиндан олинган маълумотлар

** Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни ҳам қўшган ҳолда: Ўзбекэнерго; ташқи савдо; жамоа характеридаги давлат хизматлари кўрсатувчи тармоқлар; импортга солиқлар бўйича, ҚҚС ҳам қўшган ҳолда; маҳсулотларга субсидиялар бўйича.

АСОСИЙ ЖАДВАЛЛАРГА ИЛОВАЛАР

Демография ва аҳоли бандлиги

Жавдал 20. Ҳудудлар бўйича инсон салоҳияти ривожланиши индекси

	Кутилаётган умр давомийлиги				Кутилаётган умр давомийлиги индекси			
	2002	2003	2004	2005	2002	2003	2004	2005
Ўзбекистон Республикаси	71,2	71,6	71,2	71,8	0,770	0,777	0,770	0,780
Қорақалпоғистон Республикаси	68,2	69,3	69,2	68,9	0,720	0,738	0,737	0,730
Андижон	71,3	71,5	71,3	71,9	0,772	0,775	0,772	0,782
Бухоро	72,8	72,7	73,4	73,6	0,797	0,795	0,807	0,810
Жиззах	73,6	74,3	74,4	74,6	0,810	0,822	0,823	0,827
Қашқадарё	73,1	74,0	74,2	74,2	0,802	0,817	0,820	0,820
Навоий	71,0	71,8	71,2	71,4	0,767	0,780	0,770	0,773
Наманган	71,9	71,8	72,0	72,4	0,782	0,780	0,783	0,790
Самарқанд	71,2	71,9	71,8	71,8	0,770	0,782	0,780	0,780
Сурхондарё	73,6	73,4	73,5	73,6	0,810	0,807	0,808	0,810
Сирдарё	69,3	69,5	69,4	69,1	0,738	0,742	0,740	0,735
Тошкент	70,2	70,5	70,5	70,1	0,753	0,758	0,758	0,752
Фарғона	72,0	72,1	72,1	72,5	0,783	0,785	0,785	0,792
Хоразм	71,4	71,3	72,4	72,6	0,773	0,772	0,790	0,793
Тошкент шаҳри	69,6	70,1	69,7	69,9	0,743	0,752	0,745	0,748

Жадвал 20 Ҳудудлар бўйича инсон салоҳияти ривожланиш индекси

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЯИМ индекси						
Ўзбекистон Республикаси	0,532	0,535	0,542	0,550	0,565	0,580
Қорақалпоғистон Республикаси	0,431	0,420	0,417	0,445	0,450	0,480
Андижон	0,502	0,511	0,509	0,504	0,506	0,539
Бухоро	0,548	0,548	0,547	0,558	0,568	0,596
Жиззах	0,541	0,547	0,429	0,514	0,517	0,541
Қашқадарё	0,482	0,506	0,513	0,520	0,527	0,564
Навоий	0,532	0,595	0,623	0,644	0,659	0,713
Наманган	0,465	0,459	0,463	0,466	0,467	0,484
Самарқанд	0,482	0,480	0,486	0,487	0,487	0,510
Сурхондарё	0,477	0,485	0,492	0,486	0,485	0,501
Сирдарё	0,531	0,538	0,525	0,533	0,545	0,571
Тошкент	0,551	0,553	0,557	0,561	0,576	0,612
Фарғона	0,541	0,522	0,524	0,519	0,524	0,546
Хоразм	0,497	0,481	0,482	0,487	0,503	0,515
Тошкент шаҳри	0,588	0,598	0,596	0,611	0,623	0,641

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Таълим даражаси						
Ўзбекистон Республикаси	2,74	2,74	2,74	2,76	2,75	2,75
Қорақалпоғистон Республикаси	2,73	2,74	2,73	2,73	2,71	2,73
Андижон	2,74	2,74	2,74	2,75	2,75	2,74
Бухоро	2,74	2,72	2,72	2,73	2,72	2,71
Жиззах	2,75	2,72	2,72	2,72	2,70	2,72
Қашқадарё	2,75	2,74	2,74	2,75	2,74	2,73
Навоий	2,77	2,76	2,78	2,79	2,79	2,79
Наманган	2,73	2,74	2,73	2,75	2,75	2,74
Самарқанд	2,75	2,75	2,74	2,75	2,74	2,74
Сурхондарё	2,72	2,74	2,74	2,75	2,75	2,74
Сирдарё	2,68	2,69	2,68	2,69	2,68	2,68
Тошкент	2,68	2,68	2,68	2,68	2,68	2,68
Фарғона	2,76	2,76	2,77	2,78	2,77	2,77
Хоразм	2,75	2,75	2,74	2,76	2,76	2,76
Тошкент шаҳри	2,86	2,89	2,92	2,96	2,96	2,98
ИСРИ						
Ўзбекистон Республикаси	0,736	0,740	0,742	0,748	0,751	0,759
Қорақалпоғистон Республикаси	0,690	0,684	0,682	0,698	0,697	0,707
Андижон	0,727	0,732	0,731	0,732	0,732	0,745
Бухоро	0,748	0,750	0,750	0,754	0,761	0,771
Жиззах	0,755	0,754	0,715	0,748	0,747	0,758
Қашқадарё	0,733	0,740	0,743	0,751	0,753	0,765
Навоий	0,737	0,761	0,772	0,785	0,786	0,756
Наманган	0,715	0,718	0,718	0,721	0,722	0,729
Самарқанд	0,720	0,722	0,723	0,729	0,729	0,734
Сурхондарё	0,725	0,736	0,738	0,737	0,737	0,741
Сирдарё	0,716	0,724	0,719	0,724	0,726	0,733
Тошкент	0,732	0,733	0,734	0,737	0,742	0,752
Фарғона	0,744	0,741	0,743	0,744	0,744	0,753
Хоразм	0,724	0,723	0,723	0,726	0,738	0,743
Тошкент шаҳри	0,763	0,769	0,771	0,752	0,785	0,794

Жавдал 21. Ҳудудлар бўйича аҳоли зичлиги ва қишлоқ аҳолиси фоизи (йил бошига келиб)

	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Аҳоли зичлиги (кв.км киши)						
Ўзбекистон Республикаси	55,5	56,2	56,9	57,5	58,2	58,8
Қорақалпоғистон Республикаси	9,2	9,3	9,3	9,4	9,4	9,5
Андижон	529,2	536,5	544,2	551,2	559,2	567,1
Бухоро	35,8	36,2	36,7	37,1	37,5	38,0
Жиззах	47,0	47,7	48,3	48,9	49,5	49,8
Қашқадарё	77,5	78,9	80,3	81,8	83,3	84,7
Навоий	7,2	7,2	7,2	7,3	7,3	7,3
Наманган	264,8	268,7	272,9	275,3	281,0	285,1
Самарқанд	161,8	164,2	166,5	168,7	171,2	173,6
Сурхондарё	88,3	89,8	91,5	92,9	94,5	96,0
Сирдарё	152,0	153,7	155,3	156,3	157,2	158,3
Тошкент	291,1	292,3	293,8	294,8	296,2	297,5
Фарғона	404,4	409,2	414,6	419,6	425,8	431,5
Хоразм	221,3	224,9	228,4	231,6	235,3	238,7
Умумий сонга нисбатан қишлоқ аҳолиси % ҳисобида						
Ўзбекистон Республикаси	62,8	63,0	63,3	63,5	63,7	63,9
Қорақалпоғистон Республикаси	51,6	51,1	51,0	51,3	51,3	51,4
Андижон	70,0	70,0	70,1	70,2	70,4	70,5
Бухоро	69,2	69,5	69,8	70,0	70,3	70,5
Жиззах	69,9	70,0	70,2	70,1	70,0	70,1
Қашқадарё	74,7	74,9	75,1	75,2	75,2	75,3
Навоий	59,7	59,9	60,1	60,2	60,3	60,5
Наманган	62,5	62,5	62,5	62,5	62,7	62,8
Самарқанд	73,2	73,5	73,8	74,1	74,3	74,5
Сурхондарё	80,3	80,4	80,5	80,6	80,7	80,8
Сирдарё	68,0	68,2	68,5	68,6	68,7	68,8
Тошкент	59,9	60,1	60,3	60,5	60,6	60,7
Фарғона	71,1	71,2	71,4	71,6	71,8	71,9
Хоразм	76,5	76,8	77,1	77,4	77,6	77,8

Жавдал 22. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 15 ёшдан катта ва меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли сони (минг киши)

	Жами			Шаҳар			Қишлоқ		
	ҳар икки жинс	аёллар	эркаклар	ҳар икки жинс	аёллар	эркаклар	ҳар икки жинс	аёллар	эркаклар
15 ёш ва ундан катта аҳоли сони									
	17738,0	8984,8	8753,2	6827,6	3487,8	3339,8	10910,4	5497,0	5413,4
Саводхонлик даражаси (саводсиз аҳоли ялпи сонининг 16 ёш ва ундан катта аҳоли сонига нисбатан салмоғи, фарқ 100% бошлаб)									
	0,64	0,83	0,44	0,55	0,60	0,49	0,69	0,97	0,42
Саводхонлик кўрсаткичи									
	0,994	0,996	0,996	0,995	0,994	0,995	0,993	0,990	0,996

Жавдал 23. Оиланинг ўртача катталиги (киши)*

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	5,4	4,6	6,0	5,4	4,6	5,9
Қорақалпоғистон Республикаси	6,3	5,9	6,7	6,1	5,9	6,3
Андижон	5,6	5,2	5,9	5,7	5,4	5,8
Бухоро	5,3	4,7	5,6	5,1	4,5	5,3
Жиззах	6,2	5,1	6,8	6,0	5,4	6,3
Қашқадарё	5,7	5,3	5,9	5,6	4,8	5,9
Навоий	4,7	4,2	5,3	4,5	4,0	4,9
Наманган	5,9	6,1	5,9	5,9	6,1	5,7
Самарқанд	5,6	4,6	6,3	5,4	4,5	5,9
Сурхондарё	6,2	5,2	6,5	6,2	5,9	6,3
Сирдарё	5,3	4,4	5,8	5,4	4,5	6,0
Тошкент	4,6	3,4	5,9	4,8	3,8	5,9
Фарғона	5,4	4,4	5,9	5,4	4,5	5,9
Хоразм	5,9	5,7	6,0	5,9	5,0	6,3
Тошкент шаҳри	4,0	4,0	-	4,1	4,1	-

	2002			2003		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	5,1	4,4	5,8	5,1	4,3	5,7
Қорақалпоғистон Республикаси	5,9	5,6	6,2	5,8	5,6	6,1
Андижон	5,6	5,1	5,8	5,3	4,5	5,7
Бухоро	4,7	3,9	5,2	5,0	4,5	5,3
Жиззах	6,0	5,1	6,5	5,9	5,3	6,2
Қашқадарё	5,7	5,1	5,9	5,4	5,0	5,5
Навоий	4,6	4,1	5,0	4,4	3,7	5,1
Наманган	5,7	5,8	5,7	5,6	5,6	5,5
Самарқанд	5,0	3,5	5,8	4,9	4,0	5,4
Сурхондарё	5,9	5,7	6,0	5,8	5,0	6,0
Сирдарё	5,5	4,9	5,8	5,3	4,3	5,9
Тошкент	4,7	3,7	5,7	5,0	4,0	6,0
Фарғона	5,2	4,5	5,5	5,2	4,2	5,8
Хоразм	5,5	4,5	5,9	5,3	4,7	5,5
Тошкент шаҳри	3,8	3,8	-	3,7	3,7	-

	2004			2005		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	5,1	4,5	5,6	5,1	4,4	5,6
Қорақалпоғистон Республикаси	5,4	5,3	5,5	5,5	5,2	5,9
Андижон	5,7	5,3	5,8	5,8	5,6	5,8
Бухоро	4,9	4,1	5,4	5,2	4,4	5,5
Жиззах	6,2	5,7	6,5	6,0	4,9	6,5
Қашқадарё	5,5	5,1	5,7	5,3	5,2	5,3
Навоий	4,6	3,9	5,1	4,6	4,0	5,0
Наманган	5,7	6,0	5,5	5,3	4,9	5,5
Самарқанд	5,0	4,1	5,5	5,1	4,1	5,6
Сурхондарё	5,7	5,5	5,7	5,7	4,8	6,0
Сирдарё	4,8	4,1	5,1	4,6	4,2	4,9
Тошкент	4,8	3,9	5,7	5,2	4,4	6,0
Фарғона	5,1	4,1	5,6	5,0	4,3	5,4
Хоразм	5,3	4,7	5,5	5,5	5,4	5,6
Тошкент шаҳри	4,0	4,0	-	3,6	3,6	-

* Уй ҳўжаликлари тадқиқотларидан танлаб олинган маълумотиға кўра

Жавдал 24. Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги (ёш)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Барча аҳоли						
ҳар икки жинс	70,8	71,3	71,2	71,6	71,2	71,8
аёллар	73,2	73,6	73,5	73,8	73,6	74,1
эркаклар	68,4	68,9	68,9	69,4	69,2	69,6
Шаҳар аҳолиси						
ҳар икки жинс	70,2	70,7	70,5	71,1	70,7	71,1
аёллар	73,5	74,0	73,6	74,3	74,0	74,3
эркаклар	66,8	67,3	67,3	67,9	67,6	67,9
Қишлоқ аҳолиси						
ҳар икки жинс	71,2	71,7	71,7	71,9	71,6	72,2
аёллар	72,9	73,3	73,3	73,4	73,3	73,8
эркаклар	69,6	70,1	70,2	70,5	70,2	70,7

**Жавдал 25. Ҳудудлар бўйича туғилиш
ва вафот этиш умумий коэффицентлари**

	1000 аҳолига туғилганлар сони			1000 аҳолига вафот этганлар сони		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси						
2000	21,3	17,7	23,5	5,5	6,6	4,8
2001	20,4	17,1	22,4	5,3	6,4	4,6
2002	21,0	17,4	23,1	5,4	6,6	4,7
2003	19,8	16,5	21,7	5,3	6,4	4,7
2004	20,8	17,7	22,6	5,0	6,1	4,4
2005	20,3	17,3	22,1	5,4	6,6	4,7
Қорақалпоғистон Республикаси						
2000	24,0	22,1	25,8	5,6	5,7	5,5
2001	21,7	19,5	23,8	5,9	6,0	5,7
2002	21,8	19,4	24,1	5,9	6,0	5,9
2003	20,6	18,4	22,8	5,6	5,6	5,5
2004	22,4	21,4	23,5	5,2	5,2	5,2
2005	20,6	19,9	21,3	5,8	5,9	5,7
Андижон						
2000	19,9	19,5	20,1	5,2	6,3	4,8
2001	19,6	19,4	19,8	5,0	6,1	4,5
2002	20,3	18,5	21,0	5,2	6,3	4,7
2003	18,7	16,8	19,5	5,2	5,9	4,8
2004	20,0	17,6	21,1	4,9	6,2	4,3
2005	20,1	18,0	21,0	5,2	7,4	4,2
Бухоро						
2000	20,0	15,9	21,8	4,7	5,1	4,5
2001	20,2	15,5	22,3	4,5	5,2	4,3
2002	20,1	15,6	22,0	4,6	5,3	4,3
2003	18,8	15,8	20,2	4,6	5,4	4,3
2004	19,4	15,1	21,2	4,5	5,1	4,2
2005	19,8	14,7	22,0	4,5	4,9	4,4
Жиззах						
2000	24,3	18,9	26,7	4,4	4,2	4,4
2001	23,5	18,3	25,8	4,3	4,2	4,4
2002	23,4	17,7	25,8	4,4	4,3	4,4
2003	21,8	17,5	23,6	4,2	4,0	4,3
2004	22,7	18,9	24,4	4,0	3,8	4,1
2005	22,9	20,0	24,2	4,2	4,2	4,3
Қашқадарё						
2000	26,3	21,3	28,0	4,4	4,6	4,3
2001	24,2	19,8	25,7	4,4	4,5	4,4
2002	23,9	19,3	25,4	4,4	4,6	4,3
2003	23,5	19,3	24,9	4,1	4,4	4,0
2004	22,7	19,0	24,0	4,0	4,2	3,9
2005	22,2	16,6	24,0	4,1	4,3	4,1

	1000 аҳолига туғилганлар сони			1000 аҳолига вафот этганлар сони		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Навоий						
2000	19,4	16,8	21,1	5,3	6,0	4,9
2001	19,1	16,4	20,9	5,1	5,5	4,8
2002	19,5	17,2	21,0	5,3	5,9	4,8
2003	18,9	17,0	20,2	5,0	5,6	4,6
2004	20,0	18,4	21,2	4,9	5,5	4,5
2005	19,9	18,1	21,1	5,3	5,9	4,9
Наманган						
2000	21,0	20,6	21,2	5,1	5,5	4,8
2001	20,6	23,7	18,8	4,7	5,3	4,4
2002	21,4	23,1	20,4	4,9	5,5	4,5
2003	20,0	20,2	19,8	5,0	5,4	4,7
2004	20,6	18,2	22,0	4,7	4,6	4,7
2005	20,2	18,0	21,5	4,9	4,8	4,9
Самарқанд						
2000	22,7	16,6	25,0	5,3	6,2	4,9
2001	22,5	15,8	25,0	5,0	6,1	4,6
2002	22,9	16,6	25,2	5,1	6,2	4,8
2003	21,4	15,3	23,6	4,9	5,8	4,6
2004	22,0	17,0	23,7	4,7	5,6	4,4
2005	21,8	16,9	23,5	5,0	6,0	4,6
Сурхондарё						
2000	25,5	19,3	27,1	4,6	4,7	4,6
2001	22,8	17,9	24,0	4,3	4,5	4,3
2002	24,4	18,0	25,9	4,3	4,6	4,2
2003	22,5	17,6	23,7	4,3	4,5	4,3
2004	22,1	18,1	23,1	4,0	4,4	3,9
2005	21,9	18,5	22,7	4,3	4,4	4,3
Сирдарё						
2000	22,0	19,0	23,5	5,4	7,0	4,7
2001	21,4	19,2	22,4	5,3	6,9	4,6
2002	22,8	20,5	24,0	5,3	6,7	4,7
2003	20,5	18,5	21,4	5,2	7,0	4,4
2004	21,2	20,0	21,8	5,0	6,5	4,2
2005	21,2	21,5	21,0	5,5	7,3	4,7
Тошкент						
2000	18,5	16,2	20,0	6,4	8,0	5,4
2001	18,0	15,4	19,8	6,3	7,7	5,3
2002	18,7	16,1	20,5	6,5	7,8	5,6
2003	17,9	15,2	19,6	6,4	7,7	5,5
2004	19,7	17,3	21,2	6,2	7,5	5,3
2005	18,7	16,6	20,1	6,8	8,1	5,9

	1000 аҳолига туғилганлар сони			1000 аҳолига вафот этганлар сони		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Фарғона						
2000	19,7	17,3	20,8	5,3	6,4	4,9
2001	18,8	15,8	20,0	5,0	6,1	4,6
2002	20,0	16,9	21,3	5,2	6,3	4,7
2003	18,8	15,7	20,0	5,2	6,2	4,8
2004	21,1	18,3	22,3	4,8	5,7	4,5
2005	19,7	17,1	20,8	5,2	6,3	4,8
Хоразм						
2000	24,0	19,9	25,3	5,2	6,3	4,8
2001	22,3	18,1	23,6	4,9	6,0	4,5
2002	22,5	18,5	23,7	4,9	6,4	4,4
2003	20,8	17,4	21,9	5,0	5,9	4,7
2004	22,5	18,9	23,5	4,6	5,5	4,3
2005	21,7	19,3	22,4	4,6	5,6	4,3
Тошкент шаҳри						
2000	14,5	14,5	-	8,5	8,5	-
2001	14,0	14,0	-	8,2	8,2	-
2002	14,7	14,7	-	8,6	8,6	-
2003	14,5	14,5	-	8,3	8,3	-
2004	16,0	16,0	-	8,0	8,0	-
2005	15,6	15,6	-	8,6	8,6	-

Жавдал 26. Ҳудудлар бўйича ишсизлик даражаси*

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	0,4	0,3	0,4	0,4	0,3	0,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1,7	1,9	1,5	1,7	1,6	1,7
Андижон	0,3	0,1	0,4	0,3	0,1	0,4
Бухоро	0,3	0,1	0,3	0,3	0,1	0,4
Жиззах	0,3	0,1	0,4	0,3	0,2	0,3
Қашқадарё	0,3	0,2	0,3	0,3	-	0,4
Навоий	1,0	0,6	1,6	0,5	0,4	0,7
Наманган	0,5	0,3	0,6	0,3	0,2	0,4
Самарқанд	0,4	0,3	0,5	0,5	0,2	0,6
Сурхондарё	0,2	-	0,2	0,2	-	0,2
Сирдарё	0,4	0,3	0,5	0,7	0,5	0,8
Тошкент	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Фарғона	0,2	0,1	0,3	0,3	0,2	0,4
Хоразм	0,5	0,7	0,4	0,8	0,2	1,1
Тошкент шаҳри	0,3	0,3	-	0,3	0,3	-

	2002			2003		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	0,4	0,3	0,4	0,3	0,2	0,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1,5	1,5	1,4	1,1	1,2	1,0
Андижон	0,3	0,1	0,4	0,2	-	0,2
Бухоро	0,1	0,1	0,2	0,1	-	0,1
Жиззах	0,3	0,3	0,4	0,2	0,1	0,2
Қашқадарё	0,2	-	0,3	0,2	-	0,3
Навоий	0,6	0,4	0,8	0,6	0,4	0,7
Наманган	0,3	0,1	0,4	0,4	0,2	0,6
Самарқанд	0,5	0,3	0,6	0,3	0,1	0,5
Сурхондарё	0,2	0,1	0,2	0,3	0,1	0,4
Сирдарё	0,4	0,2	0,5	0,4	0,4	0,4
Тошкент	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Фарғона	0,2	0,1	0,3	0,1	0,1	0,2
Хоразм	1,0	0,9	1,0	1,3	0,2	1,7
Тошкент шаҳри	0,2	0,2	-	0,2	0,2	-

	2004			2005		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	0,4	0,2	0,5	0,3	0,2	0,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1,0	0,7	1,4	1,0	1,2	0,9
Андижон	0,2	0,1	0,2	0,1	0,0	0,1
Бухоро	0,1	0,0	0,2	0,1	0,0	0,2
Жиззах	0,3	0,2	0,4	0,3	0,2	0,3
Қашқадарё	0,3	0,1	0,4	0,3	0,1	0,4
Навоий	0,9	0,5	1,2	0,6	0,3	0,8
Наманган	0,3	0,2	0,4	0,4	0,1	0,6
Самарқанд	0,3	0,1	0,5	0,2	0,1	0,2
Сурхондарё	0,2	0,2	0,2	0,1	0,0	0,2
Сирдарё	0,4	0,4	0,5	0,2	0,1	0,3
Тошкент	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Фарғона	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0	0,1
Хоразм	1,6	0,8	1,9	0,9	0,2	1,2
Тошкент шаҳри	0,2	0,2	-	0,2	0,2	-

* Расмий рўйхатга олинган ишсизлик

Жавдал 27. Шаҳар ва қишлоқда бандлар ялпи салмоғининг банд бўлганлар умумий сонидаги улуши

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	100,0	46,4	53,6	100,0	44,7	55,3
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	55,0	45,0	100,0	52,1	47,9
Андижон	100,0	39,1	60,9	100,0	34,5	65,5
Бухоро	100,0	41,5	58,5	100,0	38,2	61,8
Жиззах	100,0	38,3	61,6	100,0	38,0	62,0
Қашқадарё	100,0	26,6	73,4	100,0	27,7	72,3
Навоий	100,0	55,2	44,8	100,0	50,3	49,7
Наманган	100,0	42,2	57,8	100,0	41,5	58,5
Самарқанд	100,0	38,5	61,5	100,0	37,0	63,0
Сурхондарё	100,0	28,5	71,5	100,0	28,1	71,9
Сирдарё	100,0	39,0	61,0	100,0	38,4	61,6
Тошкент	100,0	48,1	51,9	100,0	47,7	52,3
Фарғона	100,0	38,4	61,6	100,0	36,0	64,0
Хоразм	100,0	31,7	68,3	100,0	27,7	72,3
Тошкент шаҳри	100,0	100,0	-	100,0	100,0	-

	2002			2003		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	100,0	44,8	55,2	100,0	44,5	55,5
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	51,8	48,2	100,0	51,8	48,2
Андижон	100,0	35,0	65,0	100,0	35,0	65,0
Бухоро	100,0	37,1	62,9	100,0	35,5	64,5
Жиззах	100,0	39,0	61,0	100,0	39,1	60,9
Қашқадарё	100,0	30,0	70,0	100,0	30,0	70,0
Навоий	100,0	47,9	52,1	100,0	44,7	55,3
Наманган	100,0	43,0	57,0	100,0	43,0	57,0
Самарқанд	100,0	36,7	63,3	100,0	36,7	63,3
Сурхондарё	100,0	28,4	71,6	100,0	28,4	71,6
Сирдарё	100,0	36,6	63,4	100,0	35,6	64,4
Тошкент	100,0	49,5	50,5	100,0	49,5	50,5
Фарғона	100,0	33,5	66,5	100,0	33,5	66,5
Хоразм	100,0	28,4	71,6	100,0	27,4	72,6
Тошкент шаҳри	100,0	100,0	-	100,0	100,0	-

	2004			2005		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	100,0	44,0	56,0	100,0	43,0	57,0
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	51,8	48,2	100,0	52,5	47,5
Андижон	100,0	33,7	66,3	100,0	32,8	67,2
Бухоро	100,0	33,6	66,4	100,0	32,8	67,2
Жиззах	100,0	39,0	61,0	100,0	42,2	57,8
Қашқадарё	100,0	30,0	70,0	100,0	30,0	70,0
Навоий	100,0	47,9	52,1	100,0	42,5	57,5
Наманган	100,0	42,9	57,1	100,0	43,7	56,3
Самарқанд	100,0	35,9	64,1	100,0	32,3	67,7
Сурхондарё	100,0	27,1	72,9	100,0	27,0	73,0
Сирдарё	100,0	36,1	63,9	100,0	34,8	65,2
Тошкент	100,0	49,4	50,6	100,0	48,9	51,1
Фарғона	100,0	31,8	68,2	100,0	30,3	69,7
Хоразм	100,0	27,0	73,0	100,0	26,1	73,9
Тошкент шаҳри	100,0	100,0	-	100,0	100,0	-

2. Иқтисодиёт

Жавдал 28. Ялпи ички маҳсулот тузилиши (фоизда)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЯИМ – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қўшимча қиймат	87,5	88,1	87,4	86,3	85,9	89,4
в том числе:						
Шу жумладан	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	21,1
қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,4	26,4	26,3
қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,7	4,8	4,8
хизматлар соҳаси	37,0	38,0	37,7	37,2	37,0	37,0
Шу жумладан:						
савдо	10,8	11,7	11,0	10,1	9,6	8,8
транспорт ва алоқа	7,7	7,5	8,2	9,4	10,2	10,6
бошқа тармоқлар	18,7	19,0	18,7	17,9	17,4	17,8
Соф солиқлар, шу жумладан, импортга солиқни ҳам қўшган ҳолда	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	10,6
Ташқи савдо оборотининг ЯИМ нисбати	45,4	57,0	59,3	66,2	72,7	69,6
Шу жумладан:						
экспорт	24,0	29,9	31,2	36,9	40,7	39,6
импорт	21,4	27,1	28,1	29,3	32,0	30,0

Жавдал 29. 2005 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида ўрта ва кичик тадбиркорликнинг улуши (ЯИМ нисбатан фоизда)

	Жами*	Шу жумладан:	
		Кичик ва ўрта корхоналар	Якка тартибдаги бизнес
Ўзбекистон Республикаси	38,2	21,5	8,9
Қорақалпоғистон Республикаси	45,1	32,0	5,4
Андижон	35,8	12,3	11,7
Бухоро	40,7	21,9	8,0
Жиззах	58,3	37,1	8,5
Қашқадарё	34,9	20,3	7,0
Навоий	18,5	9,2	4,1
Наманган	45,2	20,4	12,1
Самарқанд	49,9	22,3	12,3
Сурхондарё	42,8	21,3	7,8
Сирдарё	59,8	40,2	6,3
Тошкент	32,3	15,6	7,1
Фарғона	40,8	22,8	9,2
Хоразм	47,1	24,8	9,0
Тошкент шаҳри	46,4	30,7	15,7

* Включая дехканские хозяйства

Жавдал 30. Бандлар сонининг тармоқлар бўйича кичик, ўрта корхоналар ва микрофирмалар орасида тақсимланиши (2005 йил)

	минг киши	Яқунга нисбатан фоизда	2004 йилга нисбатан фоизда
Жами	1375,6	100,0	112,8
Улардан:			
саноат	140,7	10,2	101,4
қишлоқ хўжалиги	856,0	62,2	116,0
саноат	71,5	5,2	111,4
транспорт	11,6	0,8	112,6
савдо ва умумий овқатланиш	102,4	7,4	102,2

Жавдал 31. Янги хусусий тармоқ ва норасмий тармоқ

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Бандлар умумий сонида янги хусусий тармоқда банд бўлганлар сони улуши (фоизда)	47,8	49,8	51,4	53,7	57,2	61,0
Бандлар умумий сонида норасмий тармоқда банд бўлганлар сони улуши (фоизда)	41,3	44,5	46,2	48,6	51,9	55,5
ЯИМда норасмий тармоқнинг улуши (фоизда)	34,9	33,9	33,1	31,4	30,1	30,2

Жавдал 32. Иқтисод тармоқлари ва манбалар бўйича сармоялар тузилиши (фоизда)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан						
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган	57,5	63,1	59,5	63,6	66,0	68,2
Улардан:						
Саноат	29,7	38,9	32,9	29,0	29,0	32,6
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	5,7	5,5	6,7	5,0	4,3	4,4
Ноишлабчиқаришга мўлжалланган	42,5	36,9	40,5	36,4	34,0	31,8
Давлат бюджетидан ўзлаштирилган	29,2	21,5	23,9	16,4	14,4	12,2

Жавдал 33. Ижтимоий-маданий йўналишдаги объектларни фойдаланишга топшириш

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Умумтаълим мактаблари (минг ўқувчи ўрнига)	17,3	0,1	17,2	26,9	1,6	25,3
Мактабгача таълим-тарбия муассасалари (минг ўрин)	-	-	-	-	-	-
Касалхоналар (минг ўрин)	0,7	0,4	0,3	0,8	0,4	0,4
Поликлиникалар (бир сменага минг ташриф ҳисобида)	8,3	0,5	7,8	13,5	0,4	13,1
Клублар ва маданият уйлари (минг ўринга)	0,2	-	0,2	-	-	-

	2002			2003		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Умумтаълим мактаблари (минг ўқувчи ўрнига)	19,3	1,6	17,7	22,4	2,0	20,4
Мактабгача таълим-тарбия муассасалари (минг ўрин)	0,1	-	0,1	-	-	-
Касалхоналар (минг ўрин)	0,3	0,1	0,2	0,2	-	0,2
Поликлиникалар (бир сменага минг ташриф ҳисобида)	16,8	0,2	16,6	16,1	1,0	15,1
Клублар ва маданият уйлари (минг ўринга)	0,4	-	0,4

	2004			2005		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Умумтаълим мактаблари (минг ўқувчи ўрнига)	19,9	2,6	17,3	128,7	24,2	104,5
Мактабгача таълим-тарбия муассасалари (минг ўрин)	0,2	0,2	-	-	-	-
Касалхоналар (минг ўрин)	0,2	0,2	-	0,9	0,6	0,3
Поликлиникалар (бир сменага минг ташриф ҳисобида)	12,6	0,5	12,1	13,5	0,5	13,0
Клублар ва маданият уйлари (минг ўринга)	0,4	-	0,4	-	-	-

3. Таълим

Жавдал 34. Болаларнинг мактабгача таълим-тарбия муасасалари билан қамраб олинганлиги (тегишли ёшдаги болалар фоизи)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами	18,2	19,4	19,9	19,2	19,3	19,0
Шаҳар	35,3	36,0	35,5	35,3	35,7	35,0
Қишлоқ	10,6	12,0	12,9	12,1	12,1	12,0

Жавдал 35. Ўрта ва олий ўқув юртларига қабул қилинганлар сони

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЎМЎЮда ўқиётганлар сони, минг киши	324,1	446,1	545,9	684,0	788,0	890,7
Аёллар сони, фоизда	49,0	47,1	46,1	46,3	46,9	47,6
ОЎЮ талабалари сони, минг киши	183,6	207,2	232,3	254,4	263,6	278,7
Аёллар сони, фоизда	37,8	38,7	38,9	38,8	40,7	40,9

4. Соғлиқни сақлаш

Жавдал 36. Бир нафар врач, ҳамшира ва касалхона ўрнига тўғри келадиган шахслар сони

	2000			2001		
	1 врачга	1 ҳамширага	1 касалхона ўрнига	1 врачга	1 ҳамширага	1 касалхона ўрнига
Ўзбекистон Республикаси	305	96	179	309	95	179
Қорақалпоғистон Республикаси	347	95	212	350	93	211
Андижон	321	96	158	326	97	162
Бухоро	313	82	202	303	83	208
Жиззах	431	108	198	437	107	201
Қашқадарё	363	100	203	376	98	198
Навоий	330	93	214	332	91	209
Наманган	343	99	168	354	100	170
Самарқанд	308	114	181	312	114	185
Сурхондарё	393	111	233	400	108	207
Сирдарё	361	83	155	365	85	153
Тошкент	389	96	212	398	98	214
Фарғона	397	90	163	407	89	166
Хоразм	337	103	199	342	103	196
Тошкент шаҳри	125	76	121	124	77	121

	2002			2003		
	1 врачга	1 ҳам-ширага	1 касал-хона ўрнига	1 врачга	1 ҳам-ширага	1 касал-хона ўрнига
Ўзбекистон Республикаси	314	96	173	318	96	174
Қорақалпоғистон Республикаси	353	93	171	357	96	167
Андижон	331	99	162	330	99	164
Бухоро	300	83	213	281	81	215
Жиззах	463	110	204	463	109	205
Қашқадарё	389	98	179	390	97	179
Навоий	333	90	190	335	90	191
Наманган	359	99	151	365	96	151
Самарқанд	317	118	190	319	118	190
Сурхондарё	417	108	211	420	106	213
Сирдарё	391	84	151	404	85	155
Тошкент	409	101	215	411	102	220
Фарғона	407	86	167	409	85	170
Хоразм	348	102	183	343	102	184
Тошкент шаҳри	125	77	116	133	79	117

	2004			2005		
	1 врачга	1 ҳам-ширага	1 касал-хона ўрнига	1 врачга	1 ҳам-ширага	1 касал-хона ўрнига
Ўзбекистон Республикаси	334	98	182	344	97	185
Қорақалпоғистон Республикаси	392	98	169	406	98	168
Андижон	366	105	167	380	104	172
Бухоро	290	83	216	290	83	213
Жиззах	474	111	209	511	108	212
Қашқадарё	432	99	190	449	99	194
Навоий	338	93	191	341	90	192
Наманган	399	98	155	411	98	157
Самарқанд	333	118	192	343	118	196
Сурхондарё	451	107	224	483	106	230
Сирдарё	420	86	157	437	84	159
Тошкент	438	104	222	462	102	224
Фарғона	424	90	211	436	87	219
Хоразм	358	105	198	358	105	202
Тошкент шаҳри	131	77	118	133	78	118

Жавдал 37. Ҳудудлар ва сабаблар бўйича ўлим коэффиценти

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ўзбекистон Республикаси						
Барча сабаблар	548,0	528,9	540,2	529,7	502,1	535,3
қон айланиш тизими касалликлари	288,5	282,3	296,3	289,7	274,0	301,3
хавфли ўсмалар туфайли	38,8	37,4	37,3	37,2	36,6	37,4
нафас олиш аъзолари касалликлари	63,5	55,1	54,5	49,0	42,9	43,6
Қорақалпоғистон Республикаси						
Барча сабаблар	559,6	586,0	591,2	557,0	523,9	584,4
қон айланиш тизими касалликлари	180,9	191,8	213,8	188,9	183,3	239,6
хавфли ўсмалар туфайли	40,0	44,4	34,0	39,6	41,2	38,9
нафас олиш аъзолари касалликлари	120,1	107,5	122,7	114,9	91,7	93,1
Андижон						
Барча сабаблар	521,6	495,5	519,1	517,1	485,9	516,3
қон айланиш тизими касалликлари	293,6	276,9	299,6	246,9	219,1	233,6
хавфли ўсмалар туфайли	30,8	27,1	30,8	34,2	29,3	34,6
нафас олиш аъзолари касалликлари	63,7	61,6	52,4	42,1	35,5	39,2
Бухоро						
Барча сабаблар	469,7	454,6	458,4	463,2	450,1	451,2
қон айланиш тизими касалликлари	263,2	257,5	258,0	261,6	245,5	259,9
хавфли ўсмалар туфайли	31,7	30,5	33,8	32,4	34,9	37,3
нафас олиш аъзолари касалликлари	42,5	38,6	37,6	42,9	44,6	43,5
Жиззах						
Барча сабаблар	435,8	434,1	440,1	423,2	399,4	423,5
қон айланиш тизими касалликлари	190,7	190,7	207,6	204,9	199,2	214,3
хавфли ўсмалар туфайли	30,0	29,6	32,2	30,6	30,6	34,0
нафас олиш аъзолари касалликлари	61,3	57,9	50,5	46,9	38,3	39,0
Қашқадарё						
Барча сабаблар	439,6	443,0	435,4	411,8	398,5	413,6
қон айланиш тизими касалликлари	204,7	212,6	231,2	225,0	230,6	244,4
хавфли ўсмалар туфайли	22,3	21,4	17,4	20,6	20,0	18,7
нафас олиш аъзолари касалликлари	74,6	69,5	59,9	43,0	39,0	37,1
Навоий						
Барча сабаблар	534,7	510,7	525,2	499,9	487,6	531,4
қон айланиш тизими касалликлари	267,3	254,3	268,9	261,6	255,0	296,9
хавфли ўсмалар туфайли	50,0	49,8	51,0	46,7	43,6	46,0
нафас олиш аъзолари касалликлари	43,8	38,9	33,7	32,9	26,4	24,7
Наманган						
Барча сабаблар	508,0	474,0	489,0	497,6	467,7	487,5
қон айланиш тизими касалликлари	266,8	256,4	287,2	300,8	279,5	287,1
хавфли ўсмалар туфайли	27,8	25,8	26,6	28,0	26,4	30,4
нафас олиш аъзолари касалликлари	91,2	63,6	60,6	56,6	52,0	52,9
Самарқанд						
Барча сабаблар	527,0	499,7	513,0	489,9	474,2	499,6
қон айланиш тизими касалликлари	285,1	280,5	284,3	263,3	287,9	306,9
хавфли ўсмалар туфайли	32,7	28,8	25,8	27,8	26,2	25,0
нафас олиш аъзолари касалликлари	63,0	53,5	56,9	50,4	46,8	43,3

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Сурхондарё						
Барча сабаблар	464,2	443,8	428,6	434,4	399,2	431,5
қон айланиш тизими касалликлари	220,1	219,8	216,8	234,7	227,6	253,4
хавfli ўсмалар туфайли	25,4	27,5	23,5	23,3	23,4	27,0
нафас олиш аъзолари касалликлари	74,5	60,5	52,2	50,4	38,3	39,3
Сирдарё						
Барча сабаблар	542,4	530,7	530,5	519,4	496,7	547,9
қон айланиш тизими касалликлари	276,6	276,5	282,6	286,6	265,5	304,2
хавfli ўсмалар туфайли	44,6	35,3	43,8	36,4	37,4	38,5
нафас олиш аъзолари касалликлари	40,0	36,2	40,8	38,7	35,9	35,5
Тошкент						
Барча сабаблар	644,6	625,6	650,2	641,4	617,3	677,8
қон айланиш тизими касалликлари	363,5	358,8	366,2	379,3	338,3	372,2
хавfli ўсмалар туфайли	49,4	48,7	50,1	48,3	49,1	48,1
нафас олиш аъзолари касалликлари	42,8	35,5	45,7	37,7	26,8	40,1
Фарғона						
Барча сабаблар	534,4	504,2	516,9	519,7	481,6	520,3
қон айланиш тизими касалликлари	279,7	274,9	294,4	306,8	271,1	309,5
хавfli ўсмалар туфайли	30,9	31,4	32,9	29,6	31,6	30,9
нафас олиш аъзолари касалликлари	55,3	43,0	44,3	43,8	44,6	37,3
Хоразм						
Барча сабаблар	520,0	488,6	489,5	497,8	457,7	461,4
қон айланиш тизими касалликлари	291,4	286,9	286,9	296,4	274,5	289,5
хавfli ўсмалар туфайли	29,9	28,6	30,8	27,7	29,1	30,6
нафас олиш аъзолари касалликлари	77,4	69,1	59,7	46,7	43,2	44,7
Тошкент						
Барча сабаблар	845,1	819,6	863,8	832,9	796,1	859,9
қон айланиш тизими касалликлари	522,8	495,3	523,9	492,7	460,6	520,3
хавfli ўсмалар туфайли	97,7	94,1	97,1	95,8	92,0	92,0
нафас олиш аъзолари касалликлари	32,2	35,3	40,2	40,0	35,4	39,1

**Жавдал 38. Чақалоқлар ўлими коэффиценти
(1000 туғилган чақалоқ ичида 1 ёшга етмай вафот этганлар сони)**

	2000			2001		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	18,9	22,4	17,3	18,3	21,2	17,0
Қорақалпоғистон Республикаси	20,5	23,0	18,5	22,3	26,2	19,3
Андижон	15,2	22,4	12,1	15,1	21,0	12,6
Бухоро	19,0	23,3	17,6	18,0	23,0	16,5
Жиззах	16,2	18,7	15,5	17,0	18,8	16,5
Қашқадарё	19,0	20,1	18,7	18,8	19,3	18,6
Навоий	18,4	25,0	14,8	17,4	21,2	15,5
Наманган	18,8	26,7	14,2	17,9	20,2	16,2
Самарқанд	16,0	17,1	15,8	15,9	18,6	15,3
Сурхондарё	20,7	24,9	19,9	18,5	22,0	17,8
Сирдарё	20,4	21,5	20,0	19,7	19,1	19,9
Тошкент	19,6	20,2	19,3	17,1	17,6	16,9
Фарғона	19,3	21,0	18,7	19,9	21,0	19,5
Хоразм	24,6	46,0	19,4	19,9	32,8	16,8
Тошкент шаҳри	19,5	19,5	-	20,8	20,8	-

	2002			2003		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	16,7	19,9	15,3	16,4	20,5	14,5
Қорақалпоғистон Республикаси	19,9	24,0	16,7	18,3	20,1	16,9
Андижон	13,6	18,3	11,7	13,8	18,9	11,9
Бухоро	15,1	20,3	13,5	14,9	22,0	12,5
Жиззах	13,9	14,7	13,7	13,9	18,3	12,5
Қашқадарё	17,2	18,4	16,9	14,7	16,7	14,1
Навоий	14,1	16,6	12,7	15,7	20,5	13,0
Наманган	16,8	20,6	14,2	15,8	20,1	13,1
Самарқанд	15,1	17,0	14,6	13,7	14,6	13,5
Сурхондарё	15,8	20,0	15,1	14,7	18,5	14,0
Сирдарё	18,0	18,6	17,8	17,9	18,5	17,7
Тошкент	16,8	17,5	16,4	15,2	16,6	14,5
Фарғона	18,2	18,7	18,0	20,0	24,6	18,5
Хоразм	19,3	31,8	16,4	18,9	26,1	17,2
Тошкент шаҳри	20,9	20,9	-	24,9	24,9	-

	2004			2005		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	15,4	18,9	13,8	14,9	18,6	13,3
Қорақалпоғистон Республикаси	18,4	22,0	15,2	17,4	20,2	14,9
Андижон	14,0	20,2	11,8	12,3	18,5	10,1
Бухоро	14,0	16,5	13,2	12,0	11,5	12,2
Жиззах	12,0	11,1	12,3	12,3	13,2	11,9
Қашқадарё	14,0	14,3	13,9	13,8	14,3	13,7
Навоий	12,6	16,2	10,5	10,9	12,8	9,8
Наманган	14,0	17,1	12,5	15,1	22,8	11,3
Самарқанд	12,2	12,0	12,2	12,7	14,8	12,1
Сурхондарё	11,6	16,1	10,8	11,6	14,7	11,0
Сирдарё	18,1	17,4	18,4	16,7	18,0	16,2
Тошкент	15,6	16,8	15,0	15,4	16,4	14,9
Фарғона	20,1	23,1	19,2	19,3	21,3	18,6
Хоразм	17,1	26,9	14,8	16,3	23,5	14,5
Тошкент шаҳри	22,6	22,6	-	22,3	22,3	-

5. Экология

Жавдал 39. Атмосферага чиқарилган зарарли моддалар (йилига минг тонна)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Тошкент	12,7	10,9	10,5	11,6	9,7	9,5
Андижон	9,7	8,7	9,5	8,9	6,3	10,1
Навоий	28,1	27,9	23,5	24,2	23,9	28,1
Самарқанд	7,0	6,6	5,9	5,5	5,1	3,8
Олмалиқ	99,3	98,8	97,3	99,3	107,7	113,8
Ангрен	116,3	91,7	101,8	93,1	99,0	91,7
Бекабод	7,2	13,0	13,4	9,1	8,7	6,8
Чирчиқ	5,7	5,2	4,9	4,1	7,6	3,8
Қўқон	3,7	3,8	3,3	3,4	1,3	1,1
Фарғона	47,1	44,1	46,6	41,5	38,4	30,6
Марғилон	0,1	0,1	0,1	0,1	0,02	0,02
Нукус	4,1	4,4	3,1	2,8	3,4	1,3
Урганч	3,7	6,8	6,6	6,1	4,4	4,3
Бухоро	3,3	3,1	2,1	1,8	2,2	1,4
Жиззах	0,8	0,8	0,8	0,7	0,9	0,4
Қарши	2,4	2,2	1,7	5,7	3,1	24,0
Наманган	3,4	4,5	4,1	4,0	1,2	1,1
Термиз	0,6	1,0	0,3	1,6	0,9	0,4
Гулистон	0,7	0,6	0,6	0,6	0,5	0,7

ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ТЎҒРИСИДА МАЪРУЗАЛАР МАВЗУЛАРИ

- 1995 Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий тараққиёт**
- 1996 Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти**
- 1997 Ижтимоий яқдиллик ва инсон тараққиёти**
- 1998 Бозор иқтисодиётга ўтиш даврида давлатнинг демократик, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказишдаги роли**
- 1999 Ўзбекистон мустақилликка эришга йилдан бери ўтган даврга инсон тараққиёти жиҳатидан назар ташлаш**
- 2000 Инсон тараққиётини кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш ва ривожлантириш орқали кучайтириш**
- 2005 Марказсизлаштириш ва инсон тараққиёти**
- 2006 Саломатлик барча учун:
Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади**